ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“СЕРВИС” КАФЕДРАСИ

«РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ

ТЎПЛАМИ

Самарқанд — 2022

“Рақамли иқтисодиёт шароитида сервис корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари”. Республика илмий амалий анжуман материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2022 йил, 28 апрель. 312 бет.

“Проблемы и перспективы инновационного развития предприятий сферы услуг в условиях цифоровой экономики”. Материалы Республиканской научно- практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 28 апреля 2022 г. 312 стр.

Ушбу илмий-амалий анжуман материалларида рақамли иқтисодиёт шароитида сервис корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари орқали уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоларига доир масалалар ёритилган. Унда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг амалиётга қўллаш масалалари, хизматлар соҳасидаги инновацион техника ва технологияларини такомил-лаштириш истиқболлари, сервис соҳасида стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология хизматларини такомиллаштириш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш мониторинги ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш масалалари бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой бўлган мақоллар ва маъруза тезислари ўрин олган.

Тўпламдаги материаллардан профессор-ўқитувчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар, талабалар ва соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

***Ташкил қўмита аъзолари*:**

Т.С.Шарипов СамИСИ Ўқув ишлари проректори
Д.Х.Асланова СамИСИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
И.Х.Шукуров СамИСИ Сервис кафедраси мудири, доцент
Р.Нормахматов СамИСИ Сервис кафедраси профессори
Ф.Ахмеджанова СамИСИ Сервис кафедраси доценти
Ж.С.Файзиев СамИСИ Сервис кафедраси доценти
З.Э.Мамарасулов СамИСИ Сервис кафедраси катта ўқитувчиси

ТЕХНИК МУҲАРРИР:
У.А.Абдурайимов.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Мақолаларнинг мазмун ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022.

I ШЎЪБА. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АМАЛИЁТГА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Янгибоев Б.Я. - СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Аннотация: Мақолада рақамли технологияларнинг моҳияти, мамлакат миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамли технологияларни қўллаш, бу борада хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳолатни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилиб, тегишли таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш, пуллик хизмат кўрсатиш, маиший хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш субъектлари.

Аннотация: В статье анализируется сущность цифровых технологий, использование цифровых технологий во всех отраслях и отраслях народного хозяйства, анализируется ситуация в сфере услуг, даются рекомендации по дальнейшему совершенствованию сферы услуг.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационные технологии, услуги, платные услуги, бытовые услуги, субъекты обслуживания.

Abstract: The article analyzes the essence of digital technologies, the use of digital technologies in all sectors and industries of the national economy, analyzes the situation in the service sector, and makes recommendations for further improvement of the service sector.

Keywords: digital economy, information technology, services, paid services, consumer services, service entities.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш концепцияси ва ундан келиб чиқадиган иқтисодий модель, шунингдек, хизматларнинг назарий таҳлили, унинг ҳозирги вақтдаги тадқиқот муаммолари такомиллаштирилиб борилади. У ривожланиш босқичларида шаклланиб бориши ва фаолиятнинг турли даражаларидаги муаммоларни ҳал қилишда турли хил инновацион ёндашувларга эга бўлиши керак.

Шулардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат тараққиётидаги роли қуйидаги омиллар билан белгиланиши мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасида доимий равишда янги иш ўринларини яратиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини оширади;

-хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига уй хўжалигида хизмат кўрсатиш муддати қисқаради, бу эса аҳоли турмуш сифатини яхшилайди.

Илмий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида рақамли технологияларга, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақамли технологияларга кўплаб таърифлар берилган, айрим манбаларда, айниқса, хорижий манбаларда рақамли

технологияларга рақамли ахборот технологиялари ёки иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро боғланиш, бошқаларида эса уни хўжалик субъектларининг интернет билан боғланган ҳолдаги иқтисодий ривожланиш натижаси, айримларида рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият, деган таърифлар мавжуд.

Рақамли технологияларга берилган бошқа таърифларни ҳам келтиришимиз мумкин. Дарҳақиқат, рақамли технологияларга берилган бу каби таърифлар унинг моҳиятини тўғри ифодалаб бермайди, чунки рақамли технологияларга иқтисодий агентлар ёки интернет билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида қараш ўринли бўлсада, аммо унчалик етарли эмас, чунки рақамли технологиялар, аввало рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши ва барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишлари тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Шу сабабдан рақамли технологияларга ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларига ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш натижасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, деб таъриф берилса янада тўлароқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли технологиялар ахборот технологиялари билан боғланган электрон тижорат, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг хизматлар кўрсатиш, соғликни сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг каби тармоқларига, ижтимоий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларига ҳам жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бериши таъминланмоқда.

Рақамли технологияларнинг дастлабки пойдевори ахборот технологиялари ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир.

Бугунги кунда рақамли ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг асосий мақсади ҳар қандай стратегик вазифаларни ҳал этишга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражадаги ахборот технологиялари тизимини яратишдир. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш - бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай

ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, унинг таъсири хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам бевосита дахлдордир. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, албатта, миллий иқтисодиётнинг ва аҳолининг талабига қараб ошиб боради, шу билан бирга товар ва хизматларни таклиф қилиш ҳам бу жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиш даражасининг қай даражада бўлиши меҳнат унумдорлигининг ошиши ёки пасайишига асосий омил сифатида таъсир кўрсатади. Мамлакат иқтисодий қудратини ва аҳоли турмуш шароитини оширишда, аввало, миллий иқтисодиёт соҳаларининг, айниқса ўрта ва кичик бизнес корхоналарининг ҳолати асосий ўринни эгаллайди. Булар, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади, аҳолининг бандлигини таъминлайди ва ишлашга бўлган иштиёқини янада оширади.

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси материаллари асосида хизмат кўрсатиш соҳалари субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиб кўрганимизда, вилоятнинг туманлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар миқдори ўртасида сезиларли фарқлар борлиғи аниқланди. Бу кўрсаткичлар вилоятнинг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида анча юқори эканлиги маълум бўлди.

Бунинг асосий сабабларидан энг муҳими вилоятнинг бошқа туманларидан бу ерларга келиб, меҳнат фаолияти кўрсатаётган аҳолининг миграциясидир, шу билан бирга, яшаш жойи бошқа туманларда бўлсада, мазкур шаҳарлардаги маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаши мумкин бўлган қўшимча мигрантларни иш билан таъминлаш имкониятларининг мавжудлигидир.

Мамлакатимиз бўйича қазиб олинадиган газ ва нефть каби ер ости бойликларининг аксарият қисми вилоят ҳиссасига тўғри келаётганлиги сабабли, вилоятнинг республика бюджетига қўшадиган ҳиссаси анча салоҳиятли, чунки газ учун рента тўловининг 97 фоизи ва газ саноатида банд бўлганлар томонидан тўланаётган даромад солигининг 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади.

Республика бюджетига тутуши лозим бўлган солиқлар бир қисмининг вилоятда қолдирилаётганлиги хизмат кўрсатиш субъектларини миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бераяпти. Ушбу ресурсларни вилоятнинг энг кам таъминланган худудларидаги махсус дастурларни амалга оширишга йўналтириш, қўшимча хизматлар кўрсатиш ишларига ва аҳоли бандлигини яхшилашга реинвестиция қилиш имконияти вужудга келмоқда.

Вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини туманлар кесимида 2018 - 2020 йиллардаги ҳолатини таҳлил қилиб чиққанимизда, вилоят аҳолисига маиший ва пуллик хизматлар кўрсатиш даражаси ўсганлиги, аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, туманлар ўртасида тавофутлар сақланиб қолаётганлиги аниқланди.

Вилоят аҳолиси жон бошига маиший хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2018 йилда ўртача 96429 сўмни, 2020 йилда эса 119645 сўмни ташкил қилиб, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 1,2 баробар ошган. Вилоят аҳолиси жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 2018 йилда ўртача 837,4 минг сўмни, 2020 йилда эса 1233,1 минг сўмни ташкил қилиб, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Қашкадарё вилояти аҳолисига маиший ва пуллик хизмат кўрсатиб келаётган субъектларнинг, жумладан, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, электр энергияси тармоқлари, газ ва сув таъминоти ташкилотлари бўйича хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Уларнинг кўпчилиги рақамли иқтисодиётдаги янгиликлар билан чамбарчас боғланган, масалан, маънавий эскирган газ, сув, электр энергияси сарфларини аниқ ўлчайдиган “ақлли” ўлчагичларнинг ўрнатилаётганлиги, буларнинг корхона ва аҳоли учун қўлайликлар туғдираётганлиги фикримизнинг исботидир.

Хизмат кўрсатиш соҳалари субъектларининг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши ва уларда рақамли технологияларга асосланган модернизация жараёнларининг кескин амалга оширилаётганлиги натижасида аҳоли фаровонлигини юқори даражада таъминлаш учун замин яратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, 19-сони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 6079 - сонли Фармони.

3.Уткин В.Б., Балдин К.В. Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари.-Ўқув қўлланма (рус тилида).- М.: УНИТИ, 2008.

4.Козиров А.А. Иқтисод ва менежментда ахборот технологиялари.- М.,2009. (рус тилида).

5.Жуманова С. Рақамли иқтисодиёт: тараққиёт сари қиска йўл//Янги Ўзбекистон, 2020 йил, 28 январь, 2 - сони.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Матякубов У.Р. –Урганч Давлат университети,
Туризм ва меҳмонхона хўжалиги
кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация: *Ушбу мақолада "туризмни стратегик ривожлантириш" тушунчасига хориж ва маҳаллий олимларнинг шарҳи, ҳамда мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақасида туризмни стратегик ривожлантиришнинг методологик йўналишлари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *туризм, стратегия, туризмни стратегик ривожлантириш, Оролбўйи минтақаси*

Аннотация: *В данной статье представлен обзор понятие «стратегическое развитие туризма» зарубежных и отечественных ученых, а также методологических направлений стратегического развития туризма в Приаралье страны.*

Ключевые слова: *туризм, стратегия, стратегическое развитие туризма, Приаралье*

Abstract: *This article provides an overview of the concept of "strategic development of tourism" by foreign and domestic scientists, as well as methodological directions for the strategic development of tourism in the Aral Sea region of the country.*

Key words: *tourism, strategy, strategic development of tourism, Aral Sea region*

Бугунги кунда туризмни стратегик ривожлантиришнинг зарурияти соҳанинг инвестицион жозибадорлиги намоён қилиши, бутун бир мамлакат ёки минтақа иқтисодиёти учун мультиплакатив самаранинг мавжудлиги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш каби функцияларини амалга ошириши билан белгиланади. Ҳар қандай стратегик ривожланиш қўйилган мақсадларга эришиш учун келажакдаги ҳатти-ҳаракатлар йўналишларни аниқлайдиган узоқ муддатларга мўлжалланган мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам қилади. Давлат даражасида стратегик ривожланишнинг асосий мезонларига макроиқтисодий кўрсаткичлар, яъни ЯИМ ва унинг ўсиш суръатлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми, инфляция даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача даромадлар ва бошқалар киради. Микродаражада стратегик ривожланиш фирмаларда бизнес режани шакллантириш билан боғлиқ ҳолда рақобатчилар билан курашиш, маркетинг ва инновацион стратегияларни ўз ичига олади.

Туризмни стратегик ривожлантириш, В.Л.Квинт [1] методологиясига мувофиқ глобал, миллий ва минтақавий тенденция ва қонуниятларини аниқлашни илгари суриб, биринчи навбатда имконият ва таҳдидларни таҳлил қилишни, туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига асосий диққатни қаратиши ҳамда уларни амалга ошириш учун рақобатбардошлик устунликларини таъминлаши зарур. Туризмни стратегик ривожлантириш нафақат соҳа олдига аниқ мақсадларни қўяди, балки минтақада инновацион жараёнларни фаоллаштириш ҳисобига маҳаллий ва хорижий туристлар учун

туристик бозор хизматлари жозибадорлигига эришиши механизмларини излаб топишни талаб қилади [2].

Миллий ва минтақавий даражада туризмни стратегик ривожлантириш туристик-реакрацион салоҳиятни иқтисодий ва экологик ҳолатини ҳисобга олишни ҳамда барқарор ривожланиш концепцияларини қўллашни, давлат ва хусусий инвестициялар оқимини талаб қилади[3]. Бу ўз навбатида янги ишчи ўринларини, янги маҳаллий ва хорижий туроперторларни пайдо бўлишига олиб келади. Туризмни стратегик ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилмасининг ўзгаришига, унинг иқтисодий самарадорлигининг ошиши ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишга имкон беради.

Туризм соҳасини стратегик ривожлантириш туризм бозоридаги ўзгараёган шарт-шароитларга мослашиш, коньюкутура ўзгаришларига тезда жавоб беришга тайёр бўлиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, туризм соҳасини яратилган қийматни пассив тақсимлаш соҳаси сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Бугунги кунда туризм қайта ишлаб чиқариш жараёнларида фаол иштирок қилиш, ишлаб чиқариш тузилмаларини диверсификация қилиш, маҳсулотларни дифференциялаш, минтақа иқтисодиётига технологик бошқарув инновацияларини кириб келиши ҳамда жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ечишда муҳим рол ўйнамоқда.

Шунингдек, яна бир иқтисодчи олим Ю.О.Владкына “туризмни стратегик ривожлантириш–ҳудудий режалаштириш стратегияларининг турли ҳил ёндошувларини ҳисобга олиш керак ”-дея талқин қилади. Албатта, минтақада туризм ва меҳмонхона индустриясини ривожлантиришда мос стратегик ёндашувларни танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги шароитда туризмни стратегик ривожлантириш минтақаларда туристик хизматлар жозибадорлигини шакллантириш ва туристик-реакрацион имкониятларни баҳолаш каби омилларга таянади. Умумиқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда туризм соҳасини узоқ муддатли прогнози муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги туристик маҳсулотларни яратиш ва уларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонлик олимлардан Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар [5] ўз илмий изланишларида "туризмни стратегик ривожлаништиришда энг аввало иқтисодий-ижтимоий ва экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд туризм моделлари ва туризм инфратузилмалари ҳамда туризм бозорларини тадқиқ қилишни ва таҳлил қилишга асосланади”-деб талқин қилганлар.

Тадқиқот ишида Оролбўйи минтақасида туризм соҳасини стратегик ривожлантириш учун методологик ёндошувлар, асосий йўналишлар ва институтционал механизмлари коньюктуравий, стратегик таҳлиллардан фойдаланиб (SWOT-таҳлил, SPACE-таҳлил) такомиллаштирилди (1-расм). 1.1-расмда минтақада туризмни стратегик ривожлантиришнинг методологик ёндошувлари келтирилган. Жумладан, туристик хизматлар минтақавий бозори

ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили ташқи муҳит омилларининг эксперт баҳолари ва минтақанинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳолатини тавсифловчи сифат-миқдор параметрлари асосида ўтказилади. Ташқи муҳит омиллари макроиқтисодий ва макроижтиомий тенденциялар асосида баҳоланади. SWOT-таҳлил [6] асосида минтақада туризмнинг стратегик ривожлантиришнинг кучли ва кучсиз томонлари, ташқи хавф-хатарлар ва имкониятлари ўрганилади.



1.1-расм. Оролбўйи минтақасида туризмни стратегик ривожлантиришининг методологик йўналишлари[1]

SWOT-таҳлил кучли томонлар ва имкониятларни максимал даражада оширишга, ташқи хавфларни камайтиришгага, заиф томонларни кучли томонга ўзгартиришга мўлжалланган. Шунингдек, SWOT-таҳлил асосида минтақада

[1] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

туризм рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини таъминловчи ташқи ва ички муҳит омиллари аниқланади. Шундан сўнг минтақада туризмни стратегик ривожлантиришнинг турли методологик ёндашувлар асосида устуворликлари белгилаб, стратегиялар шакллантирилади ҳамда стратегик режалаштириш механизмлари ва усулларини комплекс тадбиқ этилади. Бугунги кунда минтақада туризмни стратегик ривожлантиришда кластерли ёндошувларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Туристик кластерларнинг ривожланиши туризм соҳасини стратегик режалаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республиканинг "Туризм" тўғрисидаги қонунида "Туризм кластери- комплекс туристик хизматлар ҳамда сайёҳнинг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган бошқа қўшимча хизматлар кўрсатувчи мустақил ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар мажмуи[7]" – деб талқин қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Квинт В. Л., Бодрунов С. Д. Стратегирование трансформации общества: знание, технологии, ноономика /Монография/ – СПб.: ИНИР им. С. Ю. Витте, 2021. – 351 с.
2. Полякова И. Л., Ермакова Ж. А. Стандартизация в региональной индустрии гостеприимства: направления, основные этапы // Вестник Оренбургского государственного университета. 2015. № 8 (183). С. 116.
3. Карпова Г.А., Максанова Л.Б. Проблемы совершенствования управления туризмом на уровне региона // Известия СПбГЭУ. 2016. № 4 (100). С. 87–93.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонига 1-илова
5. Тухлиев Н., Т.Абдуллаева. Националные модели развитие туризма. Т.:Гос.науч.изд-во «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 424 с.
6. Ghanbari, Hassan, et al. "Using SWOT analysis in tourism studies with system approach." Advances in Environmental Biology, Oct. 2012, pp. 2953+. Gale Academic OneFile
7. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм" тўғрисидаги қонуни. 2019 йил 18 июл, ЎРҚ-549-сон. https://lex.uz/docs/4428097

АҲОЛИГА СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШИНИНГ БАЪЗИ БИР КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Нормахматов Р. – СамИСИ, Сервис кафедраси профессори

Аннотация: *Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ва таомларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлашда хомашёларнинг сифатининг муҳимлиги масалалари ёритилган. Шунингдек, бу соҳада мутахасис кадрларни тайёрлаш масалалари бўйича ҳам фикр*

мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: *Глобаллашув, озиқ-овқат, озиқ-овқат сифати, озиқ-овқат хавфсизлиги, экпертиза, товар экспертизаси, таомлар.*

Биз XXI асрда дуч келган муаммолардан бири глобаллашув жараёнидир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида глобаллашувга қуйидагича таъриф берилган: “Глобаллашув-турли мамлакатлар иқтисоди, маъданияти маънавияти одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир ”(1).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, глобаллашув жараёни истеъмол товарлари ва хизматлар бозорига хам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Натижада, истеъмол товарлари ва хизматлар бозорида ҳам рақобат муҳити пайдо бўла бошлади. Дастлаб рақобат кураши технологик жараёнларни такомиллаштириш соҳаларини қамраб олган бўлса, бугунги кунда кўпчилик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси мутахасислари рақобатлар мавжуд муҳитда ҳар қандай корхонанинг фойда олиши ишлаб чиқараётган товарларнинг сифати ва бу товарлар, хизматларнинг истеъмолчилар талабини қанчалик даражада қондира олиши асосий омил эканлигини тан оладилар. Демак, бундай шароитда хамма хизматлар, хусусан товар ва овқатланиш хизматлари кўрсатиш корхоналари самарали фаолият юритиши учун ўзларининг фаолиятини истеъмолчиларнинг хоҳиши, кайфияти ва уларнинг товарлар ва кўрсатилган хизматлар сифатидан қониқиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Истеъмолчилар ва мижозларда ана шу туйғунинг пайдо бўлишига хизмат билан боғлиқ кўп омиллар таъсир кўрсатади. Шулардан энг асосийси, биз савдо корхоналаридан истеъмол учун сотиб олаётган озиқ-овқат товарларининг, ёинки умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланиб бизга таклиф этилаётган овқатларнинг сифати ҳисобланади. Кўплаб олимлар сифатига турлича таъриф беришган. Жумладан, Аристотель фикрича “ Сифат шундай мавжудликки, унинг турига хослигини бошқа мавжудликдан, худди шу турга кирувчилардан ажратади”, яъни нарсаларини таққослаб баҳолашга оид хусусиятдир. Гегель эса “ шундай нарсалар борки, ўзининг сифатига қараб борлигини тасдиқлайди”, деб таъкидлайди. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хафвсизлиги тўғрисида”ги Қонунида сифатга қуйидагича таърифлар берилган: “ Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати-озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуидир”.

Кўпчилигимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли деб ҳисоблаймиз ва уларни ҳеч ўйламасдан истеъмол қилишга одатланиб қолганмиз. Ҳақиқатдан ҳам “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунда кўрсатилганидек, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат бошқаруви мавжуд ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) давлат томонидан нормалаш.

2) озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда унга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

3) озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш;

4) давлат назорати ва текшируви;

5) озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш ва бошқалар.

Бу борада ҳақли савол туғилади. Бугунги кунда сифатни ва хавфсизликни таминлашда юқорида қайд этилган давлат бошқарувининг мавжудлиги мижозни, истеъмолчиларни хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолидан тўлиғича ҳимоя қила оладими? Бу саволга, менинг назаримда, бугунги кунда ҳа деб ижобий жавоб бера олмаймиз. Шундай экан унда бу борада қандай йўл тутиш керак?

Авваломбор, ҳар бир истеъмолчи ўзи истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини савдо дўконларидан сотиб олганда ва умумий овқатланиш корхоналарининг хизматидан фойдаланиб таом истеъмол қилганда лоқайд бўлмасдан “Истеъмолчилар ҳуқуларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида белгилаб қўйилган “товар(иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи(ижрочи, сотувчи)” ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш” ёинки “ товар (иш, хизмат) нинг хавфсиз бўлишига талаб қўйиши хуқуқидан фойдаланиб иш кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади”. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилганда сертификатини, сақланиш муддатларини сўраш, этикетка қоғозидаги ёки тамғасидаги ахборотларни синчковлик билан ўқиб чиқиш, агар уларда қонунларимиз бўйича талаб этиладиган маълумотлар етарли бўлмаган ҳолатларда бу маълумотларни талаб қилиш шулар жумласидан ҳисобланади. Умуман олганда, ҳар бир истеъмолчи ўзининг соғлом бўлиши, узоқ умр кўриши, инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигини хеч ҳам унутмаслиги керак. Буюк Гиппократ “Сизнинг овқатингиз дори, дорингиз эса овқатингиз бўлиши керак ” деган фикри бекорга айтилмаган. Сукротнинг “ Одам ейиш учун яшамайди, балки яшамоқ учун ейди” деган фикрлари ҳам биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларининг сифати ва хавфсизлиги нечоғлиги муҳим эканлигидан далолат беради.

Бизга маълумки, бугунги кунда экологик ҳолатнинг, амалда ҳамма регионларда ёмонлашуви озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларига, айниқса хавфсизлик кўрсаткичларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу эса инсон организмига хилма-хил ва биологик табиатли-ксенобиотиклар келиб тушушишига сабаб бўлади. Табиий ва инсон томонидан суньий яратилган бегона хом ашёрларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлиши уларнинг инсон учун рухсат этилган концентрацияларини аниқлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Озиқ-овқат мағсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашни шу соҳада иш юритувчи мутахассисларсиз тасаввур қилиш қийин.

Баъзан товарларнинг сифатига ишлаб чиқарувчи жавобгар, бозор шароитида сотувчи сифати кафолатланган товарни қабул қилиб олади. Шу сабабли сотувчи ўзининг вақтини сифат назоратини ўтказиб, товар қабул қилишига ҳожат қолмайди дегувчилар ҳам топилиб қолади. Амалда эса бунинг

аксини кузатиш мумкин.

Шоли “курмаксиз” бўлмайди деганларидек, ишлаб чиқарувчилар орасида ҳам кам бўлсада сифати меъёрий ҳужжатлар талабига тўлиқ жавоб бермайдиган, сифати паст ёки қалбакилаштирилган товарларни ўтказишга ҳаракат қиладиганлари ҳам топилиб қолади. Бунга 90- йилларнинг бошида товарлар тақчиллиги шароитида юз берган воқеаларга гувоҳмиз-ку. Шу сабабли товар ҳаракатининг ҳар бир босқичида товар сифати назоратини ўтказиш жуда муҳим жараён ҳисобланади.

Умуман олганда истеъмолчиларнинг талабини тўлақонли қондириш борасида амалга оширилаётган тижорат фаолияти жараёнида товаршунослик экспертизаси билимларининг устивор аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бу фикрни бугунги кунда Россия Федерациясининг 80 та олий ўқув юртларида ва 200 дан ортиқ техникум ва коллежларида товаршунослик мутахасисларининг тайёрланаётганлиги ҳам тасдиқлайди.

Баъзан ўзимизда товаршунос ва товаршунос-экспертлар тайёрланмаётганлигини баъзан маркетологлар, менеджерлар каби мутахасислар борлиги билан изоҳловчилар ҳам топилади. Гўёки товаршунослар вазифасини улар бажармоқда. Бу ерда товар ҳақида саёз билимга эга бўлган, ёинки товар ҳақида умуман билимга эга бўлмаган бу мутахассислар товаршунослар бажариши керак бўладиган мураккаб вазифаларни бажара оладими деган савол ҳам кишини ўйлантиради.

Бу саволга асосли жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда 5230400-Маркетинг (тармоқ ва соҳалар бўйича) бакалавриат кадрларини тайёрлаш ўқув режасига мурожаат қиламиз. Бу ўқув режасининг на “Умумкасбий фанлар” блокида ва на “Ихтисослиги фанлари” блокларида “Товаршунослик” ва “Товар - экспертизаси” деган фанларни топа олмаймиз. Шундай экан товар, унинг ўзига хос хусусиятлари, сифатини баҳолаш, қалбакилигини аниқлаш, хавфсизлиги, ассортименти, сақланиш режимлари ва ҳокозалар ҳақида бирон соат маъруза эшитмаган маркетолог мутахассиси қандай қилиб товаршунос бажариши керак бўлган мураккаб функцияларни бажара олар экан? Маълумки, маркетолог товар бозорида товар билан ишласада, товар тўғрисида ҳатто умумий билимга эга эмаслигини қандай тушуниш мумкин? Биламизки маркетингнинг олтин қоидаси – бу сенда истеъмолчининг талабини қондираоладиган товар йўқ экан, унда сенда ҳеч нарса йўқ билан изоҳланади. Буни овқатланиш хизматларига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Менимча, “Маркетинг”, “Мененжмент”, ҳатто “Иқтисод” йўналишларининг ўқув режаларига ихтисослик фанлари блокига бўлмасада, “Умумкасбий фанлар” блокига “Товаршунослик ва товар экспертизаси” фанини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Табиийки товаршунослик билимларига эга бўлмаган мутахасислар сотиб олинаётган, сотилаётган товарларнинг сифати ҳақида қайғурмайдилар. Лекин реклама ва бошқа маркетинг коммуникацияларида улар силжитаётган товарларга мавжуд бўлмаган афзалликларни қўшимча ёзиб қўйиш орқали, истеъмолчиларни чалғитадилар.

Бозорда қалбакилаштирилган товарларни таклиф этилиши, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли товарларнинг ортиб бориши шароитида савдо корохоналарида амалда бундай товарларни аниқлай оладиган мутахасисларнинг ўзи йўқ.

Бугунги кунда республикамизнинг баъзи ўрта махсус касб- ҳунар коллежларида ва техникумларида товаршунослик соҳасида кичик мутахасислар тайёрланаётганлиги аллбатта ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин улар коллежларни ва техникуларни тугатиб, шу сохада олий маълумот олмоқчи бўлса, қайси олий ўқув юртига мурожаат қилиши керак? Айнан шу номувофиқликнинг мавжудлиги ҳам олий малакали товаршунос-эксперт мутахассисларни тайёрлашнинг зарурияти борлигидан далолат беради.

Менинг назаримда бугунги кунда меҳнат бозорида товаршунослик ва товар экспертизаси мутахассислиги бўйича битирувчиларга талаб мавжуд ва бу талабнинг мавжудлиги халқ истеъмол товарлари ассортиментининг кундан-кунга кўпайиб ва янгиланиб бораётганлиги, импорт ва экспорт қилинаётган товар ҳажмининг тобора ортиб бориши, ҳамон қалбаки товарларнинг камаймаётганлиги ва уларнинг қалбакилигини аниқлаш зарурияти ва ҳокозалар билан изоҳланади. Буларнинг ижобий ҳал этиши товаршунослик ва товар экспертизаси соҳасида ҳам фаолият юритадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам жуда боғлиқ ҳисобланади. Шундай экан, республикамизда ҳам янги “Товаршунослик ва товар экспертизаси” бакалавриати таълим йўналишининг очилиши юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишда ижобий натижаларни бериши ҳеч ҳам шубҳа ўйғотмайди. Ана шундай таълим йўналишининг очилиши бу соҳада кадрларни тайёрлашга Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг моддий-техника базаси ва профессор – ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ҳам имкон беради.

Юқоридагилар менинг шахсий фикрларим, бу фикрларга мутассадилар ўз мунособатларини билдиришларига ишонаман.

Биз озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича ўзимизнинг қўйидаги тавсияларимизни берамиз:

1) озиқ-овқат товарлари ва ошхона таомлари сифати ва хавфсизлиги билан боғлиқ давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва оммавий ахборот воситаларида бу масалаларни кенг ёритиб бориш;

2) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг зарур озиқ-овқат товарлари учун овқатланишнинг физиологик нормасини ҳисобга олган ҳолда, уларни ишлаб чиқаришнинг ва сифатини баҳолашнинг ягона стандартини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

3) аҳоли соғлиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва ошхона таомлари сифати ва хавфсизлиги маниторингини доимий олиб бориш;

4) республикамизнинг ҳар бир вилояти марказларида моддий-техник базаси озиқ-овқат товарларининг қалбакилигини ва хавфсизлик кўрсатгичларини аниқлаб бера оладиган давлат органлари тассарруффида бўлмаган мустақил лабораториялар ташкил этишни кўзда тутиш ва уларга истеъмолчиларнинг мурожатига биноан мустақил экспертиза ўтказиш

ҳуқуқини бериш;

5) озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва критик нуқталар таҳлили тизимини жорий этишни йўлга қўйиш;

6) жамоатчилик , аҳоли ва истеъмолчиларга соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш бўйича доимий равишда ахборотлар бериш ва маърифий ишларни ташкил этиш;

7) сифат ва хавфсизлик критерияси, шунингдек соғлом овқатланиш тамойилларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан ҳисобланиб, унинг ечимида нафақат давлат назорати органлари, балки ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида унга мунособат билдириши ва бу борада ваколатли органларга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Бу билан ҳар биримиз ўз соғлигимизга бефарқ бўлмасдан,бошқаларнинг ҳам соғлигини хавф-хатардан ҳимоя қилишдек савобли ишда иштирок этган бўламиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2020 й. - 507 бет.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрсида”ги қонуни. 1997 йил 30-август.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Махмудов Ж.Э. – Тошкент молия институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув усулларининг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув усулларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

В статье рассматривается значение методов финансового менеджмента в деятельности малого бизнеса. В статье также исследуются особенности методов финансового менеджмента в деятельности субъектов хозяйствования.

The article discusses the importance of financial management methods in the activities of small businesses. The article also examines the specifics of financial management methods in the activities of business entities.

Калит сўзлар. Молиявий менежмент, бухгалтерия баланси, кичик бизнес, солиқ, таҳлил қилиш, режалаштириш, назорат қилиш.

Финансовый менеджмент, бухгалтерский баланс, малый бизнес, налог, анализировать, планирование, контроль.

Financial management, balance sheet, small business, tax, analyze, plan, control.

Кичик бизнесда молиявий менежмент усулларини функционал нуқтаи назардан кўриб чиқсак, молиявий режалаштириш ва молиявий таҳлил энг муҳим ва ривожланишни талаб қилади. Агар молиявий менежментнинг объект усуллари ҳақида гапирадиган бўлсак, хорижий амалиёт мисолида энг муҳими пул оқимларини бошқаришдир. Иқтисодчи олимлар ушбу бошқарув объектининг муҳимлигини таъкидлайдилар, чунки бу пул оқимлари ташкилотнинг ҳақиқий молиявий ҳолатини акс эттиради ва ташкилотнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини тўғри баҳолашга имкон беради. Бундан ташқари, пул оқимларини бошқариш жараёнида кичик ташкилотлар учун энг муҳими сифатида белгиланган молиявий бошқарувнинг асосий функциялари амалга оширилади: таҳлил қилиш, режалаштириш, назорат қилиш.

Молиявий менежмент жараёнида молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларида келтирилган манба маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби маълумотлари молиявий бошқарув функцияларини амалга ошириш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан молиявий ҳисобот шаклларининг мазмуни ташкилотдаги молиявий бошқарувнинг бутун жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади.

Маълумки, молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларига бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл) киради. Уларни тузиш шакли ва мазмуни тегишли Бухгалтерия ҳисоби қоидалари билан тартибга солинади. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу шакллар молиявий менежментнинг асосий функцияларини амалга оширишга имкон беради: ҳисобот даври охирида, тузилган ҳисоботлар асосида, молиявий менежер ушбу маълумотлардан молиявий таҳлилни ўтказиш, асосий ҳисоб-китобларни ҳисоблаш учун фойдаланади. молиявий коэффициентлар, тенденцияларни аниқлаш ва бошқалар; раҳбарият томонидан қўйилган стратегик мақсадларга асосланиб, шунингдек, олинган таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, асосий молиявий кўрсаткичларни режалаштириш амалга оширилади, бу эса ўз навбатида молиявий ҳисоботнинг бир хил шаклида тақдим этилади, лекин ҳақиқий эмас, балки ўз ичига олади. режалаштирилган кўрсаткичлар; режалаштириш даври тугагандан сўнг (режалаш даври ҳисобот даврига айланганда) ҳисобот шаклларининг режалаштирилган ва амалдаги кўрсаткичларини таққослаш йўли билан ҳосил қилинган режаларнинг бажарилиши назорат қилинади ва четга чиқиш сабаблари, агар мавжуд бўлса, аниқланади.

Шу муносабат билан молиявий менежментнинг самарадорлиги бевосита молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларидаги маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлаш сифатига боғлиқ. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, барча турдаги кичик ташкилотлар орасида фақат умумий солиқ тизимини қўллайдиган ташкилотлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳисобот шаклларини тайёрлаш билан тўлиқ бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт. Тартибга солинадиган шакллар ўрнатилади ва уларга ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, кичик ташкилотларнинг молиявий бошқаруви самарадорлигини ошириш учун

максимал даражада батафсил молиявий ҳисобни юритиш ва ўзларининг аналитик ҳисобот шаклларини шакллантириш керак. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, кичик ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш истаги ташқи ва ички фойдаланувчиларга чекланган маълумотлар билан таъминланганлиги сабабли молиявий менежментнинг бутун жараёнига ўта салбий таъсир кўрсатади. Фақатгина таҳлилий молиявий ҳисоботларнинг батафсил ва информацион шакллари асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ташкилотнинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун тўғри маълумотларни тақдим этиш мумкин (масалан, банклар ва инвесторлар).

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ҳисобот усулларига кўра, даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда соф фойданинг мавжудлиги кичик ташкилотнинг барча харажатлар мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун этарли ва зарур маблағларга эга эканлигининг кафолати эмас. Бундай ҳолат нақд пул бўшлиқларига олиб келиши ва юқори рентабеллик даражасини сақлаб қолган ҳолда ҳам ташкилотнинг тўлов қобилиятига ва умуман унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқа томондан, зарар кўрган ташкилот (даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга кўра) ижобий пул оқимини сақлаб қолганда ва тўлов қобилиятини керакли даражада таъминлаганида, аксинча вазият юзага келиши мумкин.

Шундай қилиб, операцион фаолият шароитида кичик ташкилотларнинг пул оқимларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чораларни кўриш зарур. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча зарур бухгалтерия маълумотларини тўлиқ акс эттирадиган ва операциялар натижаларини ҳар томонлама баҳолаш учун этарли маълумотга эга бўлган аналитик кўрсаткичлар тизимини шакллантириш керак. Аналитик кўрсаткичлар тизими умуман бизнесга хос бўлган тафсилотлар даражасига йўналтирилган бўлиши керак. Шу муносабат билан, аналитик ҳисоботини яратишда пул оқимларини қуйидаги йўналишлар бўйича тақсимлашни амалга ошириш керак.

- Иш жойлари (савдо шохобчалари, омборлар)
- Савдо каналлари (улгуржи, чакана савдо)
- контрагентлар турлари (ёки шартномалар, шартнома фаолиятини амалга оширишда давлат ва хусусий мижозларни ажратиб туради).

Бундан ташқари, жорий фаолиятнинг оралиқ натижаларини ҳар бир йўналиш бўйича балансни таққослаш йўли билан танланган тафсилотга мувофиқ ҳисоблаш, компаниянинг умумий харажатларини барча таркибий бўлинмалар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлаш тамойилидан фойдаланиш керак.

Маблағларнинг тушумлари ва харажатларини тақсимлашнинг ушбу принципидан фойдаланиб, кичик ташкилотларда молиявий менежментнинг асосий функцияларини тўлиқ амалга ошириш мумкин бўлади:

1) ҳар бир фаолият соҳасининг ҳақиқий рентабеллигини аниқлашга имкон берувчи батафсил молиявий таҳлилни ўтказиш. ;

2) нақд пул бўшлиқлари хавфини минималлаштириш ва ташкилотнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолган ҳолда, келажакда маблағларнинг тушумлари ва харажатларини режалаштиришни амалга ошириш;

3) пул оқимларини бошқариш самарадорлигини ва умуман ташкилотнинг молиявий ҳолатини жорий ва кейинги мониторингини амалга ошириш.

"Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" томонидан тасдиқланган пул оқими тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли бутун ҳисобот даври (бир йил) учун барча турдаги маблағларнинг тушумлари ва харажатлари тўғрисида жамланган маълумотларни ўз ичига олади. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ҳар ойда ҳисоблаш тавсия этилади, чунки ҳисобот йилининг турли вақтларида ташкилот турли хил умумий бизнес харажатларини амалга оширади. Бу бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқ тўловлари ва ажратмаларининг белгиланган даврийлиги, ижара ва коммунал тўловларни тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар билан боғлиқ. Бундан ташқари, нақд пул тушумлари ҳам йил давомида ҳар бир таркибий тузилма бўйича нотекис тақсимланиши мумкин. Шундай қилиб, умумий бизнес харажатларининг мутаносиб бўлинишини ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқий пул оқимини баҳолаш орқали кичик ташкилот эгалари ташкилотнинг тўлов қобилиятини тезда баҳолашлари ва харажатларни қоплашнинг ҳақиқий манбалари ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Шундай қилиб, пул оқимларини бошқариш объектлар учун молиявий бошқарув усуллари нуқтаи назаридан кичик ташкилотлар учун энг муҳим ҳисобланади. Тўлов қобилияти билан ҳақиқий вазиятни акс эттирган ҳолда, пул оқимлари бутун ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, режалаштириш ва назорат қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Элмирзаев С., Шерқўзиева Н. “Молиявий менежмент” фанидан услубий мажмуа.- Т.: ТФИ, 2018.

2. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент в 2 ч. Часть 1. Основные понятия, методы и концепции. – 2020.

3. Бригхем Ю., Гапенски Л. Финансовый менеджмент //СПБ.: Экономическая школа. – 1997. – Т. 2. – С. 361.

4. Қосимова М.С. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 240 б.

5. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю.Бизнес-режалаштириш.Ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 153б.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирзаев Қ.Ж. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Жанзаков Б.К. – ТДИУ Самарқанд филиали PhD, доцент в.б.

Аннотация. *Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурлиги ҳамда уни келгуси тараққиётнинг муҳим йўналишлари кўрсатилган. Шу билан бирга хизматлар соҳасида қўлланиладиган рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва афзалликлари асослаб берилган.*

Калит сўзлар. *рақамли иқтисодиёт, рақамли транзакция, рақамлаштириш, блок-чейн, смарт контракт, крипто-актив, "Сунъий ақл ", крипто валюта.*

Аннотация. *В данной статье показана необходимость развития сферы услуг в условиях цифровой экономики, а также основные направления ее дальнейшего развития. Вместо с тем обоснованы возможности и преимущества использования цифровых технологий, используемых в сфере услуг.*

Ключевые слова. *цифровая экономика, цифровая транзакция, оцифровка, блокчейн, Смарт-контракт, криптоактивы, "искусственный интеллект", криптовалюта.*

Республикамизда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш ҳамда соҳани жадал ривожлантиришнинг кейинги тараққиёти рақамли технологияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш билан бевосита боғлиқдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда 60-сонли Қарорида белгиланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" кўра "Рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробарга оширишга қаратилган ишларни олиб бориш" айниқса, республикамиздаги "ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробарга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш вазифаси белгиланган[2].

Хизматлар соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши жаҳон иқтисодиётининг жадал тараққиётини белгилаб беради. Айниқса, бу кўрсаткич дунёнинг ривожланган давлатларида 60-77 фоиз[3]ни ташкил этаётганлиги мазкур мамлакатларнинг қай даражада дунё меҳнат тақсимотида ўринга эга эканлигини ифодалайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши динамикаси ўрганилганда, агар бу кўрсаткич 2000 йилда 37,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил 47,3 фоизни[4], 2020 йилда эса ушбу салмоқ камайиб, 35,7 фоиздан иборат бўлган.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони
[3] World Development Report, 2019, https://data.worldbank.org
[4] www.stat.uz

Жаҳоннинг етакчи ривожланган давлатларида рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички махсулотдаги улуши бўйича ўртача оптимал кўрсаткич 7-8 % ташкил этгани ҳолда, жумладан Буюк Британияда -12,4%, Жанубий Кореяда — 8%, Хитойда — 6,9%, Ҳиндистонда — 5,6%, Россияда — 2,8%, Қозоғистонда — 3,9% ташкил этган (2020 йил январь ойи ҳолатига)[5]. Бугунги кунда, Ўзбекистонда бу кўрсатгич 2,2 % ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу соҳани рақамлаштиришда иштирок этаётган субъектларда фаолият юритаётган ходимларнинг махсус билимлари юқорилиги мазкур рақамли иқтисодиётни яратиш жараёнини тезлаштиради. Шу билан бирга рақамлаштириш жараёни хизмат кўрсатиш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни умумлаштириш, бир тизимга келтириш, айниқса, ақлий интелектлардан фойдаланишда ҳамда мавжуд маълумотларни сақлаш ва мақсадли ишлов бериш имкониятларини яратиб, мураккаб ишларни осонлаштиради ва шу асосда хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга эришилади.

Республикамизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида хизматлар соҳасида рақамли технологияларнинг қуйидаги элементларидан фойдаланиш юқори самара беради.

Жумладан, хизматлар соҳасида блокчейн технологияси қуйидаги янги имкониятларни юзага келтиради. Хизматлар соҳасида қўлланилган блоклар занжири – блокчаларга бўлинган шундай маълумотлар базасини яратиш имкониятига эга бўлинадики, бунда ушбу маълумотларни ўзгартириш, сохталаштириш имконияти бўлмайди ва натижада бу йўналишдаги турли коррупция холатлари олди олинади.

Шу билан бирга, хизматлар соҳасида крипто-активларда соҳага жалб қилинаётган крипто валюталарнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этадиган истиқболли лойиҳаларни қўлга киритиш (ёки активларни сотиб олиш) ҳамда уларни капиталлаштиришда крипто-активларни тавсия қилган эгалари томонидан кафолатланган индентификацияланган асосий рақамли молиявий инструмент бўлиб хизмат қилади.

Хизматлар соҳасида смарт контрактлар соҳа тараққиётига хизмат қилувчи шундай электрон шаклдаги шартнома сифатида рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали самарали фаолиятни таъминловчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришни кўзда тутади. Айниқса, хизматлар соҳасидаги рақамли технологияларни майнинг(дата) элементи асосида фаолиятини ташкил этиш турли крипто валюталарда хизмат кўрсатишда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва сервисда янги блоклар яратиш имконини беради.

Хизматлар соҳасида рақамли иқтисодиётнинг “сунъий ақл” усули соҳада замонавий робототехнологияни қўллаш имконини бериб, бундай технологиялар ёрдамида инсон иштирокисиз тинглаш, эшитиш, кўриш, хизмат кўрсатиш ва хотирада сақлаш каби функцияларни бажарадиган қурилмалардан

[5] https://uza.uz/oz/society/i-tisodiyet-ra-amlashsa-demak-undan-oldin-talim-ushbu-zharaye-30-04-2020

фойдаланишга асосланилади.

Бугунги кунда, республикамизда хизматлар соҳасини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларисиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, хизматлар соҳасини рақамлаштириш ахборот-коммуникация технологияларига асосланиб ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади. Жумладан,

- республикамизда сервис соҳасига рақамли, айниқса ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ушбу хизматнинг ЯИМдаги улушини жаҳоннинг етакчи давлатларининг ўртача кўрсатгичлари- 8-10 % оширишга имкон яратиш;

- “Сунъий ақл” технологияларини жорий этиш асосида алоқа хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда, самарали инновацион бошқарувга эришиш имкониятига эга бўлинади;

- республикамиз хизматлар соҳасида етакчи мавқега эга бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг экспортга йўналтирилган йўналишларини янада ривожлантиришга шарт-шароитлар яратилади;

- рақамлашган интернет ва алоқа хизматларини ривожлантириш асосида ахборот-коммуникация инфратузилмасини тараққий эттириб, шаҳарлар ва қишлоқ минтақалари ўртасида урбанизацияга эришилади;

- рақамли ахборот алоқа хизматларидан фойдаланиб, жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва шу асосда импортнинг ўрнини маҳаллий дастурий маҳсулотлар билан алмаштириш мумкин бўлади;

- республикамизда келгусида туризм мамлакатига айлантириш ва соҳани “драйвер” эканлиги вазифасидан келиб чиқиб, жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасида туризм бизнеси соҳасида АКТ-хизматлар кўрсатишни янгича тизим асосида ривожлантириш имконияти яратилади;

- хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли (7G) технологияларни жорий этиш, шунингдек, сервис тизимини рақамлаштириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш тизимили ташкил этилади.

Илғор халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, хизматлар соҳаси жадал ривожланаётган иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланиб, унинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги соҳа салмоғининг ошиб бориши республика тараққиёти даражасини ва халқаро иқтисодиётдаги нуфузини ортиб бораётганлигини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

2. World Development Report, 2019, https://data.worldbank.org

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Т.: UzSTAT, 2019.

РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жанзаков Б.К. - ТДИУ Самарқанд филиали PhD, доцент в.б.

Аннотация. *Ушбу тезисда рақамлаштириш жараёнининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган. Рақамли технологияларнинг туристик хизматларни автоматлаштиришда эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *инновация, рақамли хизмат, туризм, машина, сунъий интеллект, рақалаштириш*

Аннотация. *В данной статье рассматривается значение развитии цифровизации туризма. Вместе с тем уделено основной акцент автомотизации туристического услуга основанный цифровых технологии.*

Ключевые слова: *инновации, цифровой сервис, туризм, машина, искусственный интеллект, рацион*

Рақамлаштириш тушунчаси илмий адабиётларда мавжуд рақамли технологиялар ёрдамида аналогли маълумотларни машина ўқий оладиган маълумотларга ўгириш жараёни сифатида тушунтирилади. Рақамли технологияларнинг ривожланиши иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан 1945 йилда маълумотларни сақловчи ва қайта ишловчи машиналарнинг пайдо бўлиши билан бошланган[6]. 1950 йилларга бориб магнитли хотирани сақловчи ускунанинг яратилиши маълумотларни сақлаш харажатларини янада камайтирди. 1960 ва 1970 йилларда АҚШда дастлабки интернет тармоғи DARPA яратилди ва бу тармоқ орқали бир компютердан бошқа компютерга матнли хабар юбориш имконияти пайдо бўлди[7]. 1980 йилларда эса ушбу DARPA тармоғи орқали TCP(transmission control protocol) протоколи ёрдамида хориждаги компютерлар билан боғланиш мумкин бўлди. АҚШда рақамли технологияларнинг хусусийлашиши 1990 ва 1995 оралиғида юз берди ҳамда 2000 йилларга бориб дунёнинг деярли барча давлатларига интернет етиб борди[8].

Рақамлаштириш жараёни кичик туристик субъектларнинг ривожланиши учун катта имкониятларни яратмоқда. Масалан, ҳозирги кунда кичик туристик субъектлар янги туризм бозорларига кириб бориш, янги турдаги бизнес моделлар яратиш, бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилиш каби жараёнлар рақамли технологиялар сабабли қўллаш имкониятига эга бўлди. Айниқса 2020 йилда юз берган коронавирус пандемияси сабабли туризм соҳасида рақамли технологияларнинг қўлланилиши оммалашди[9]. Қуйидаги рақамли технологиялар туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда:

[6] Ceruzzi, P. E. (2003). A History of Modern Computing, Second edition. MIT Press.

[7] Hafner, K. and M. Lyon (1996). where wizards stay up late. Simon and Schuster Paperbacks.

[8] Greenstein, D. (2000). Building and delivering the virtual world: Commercializing services for internet access. The Journal of Industrial Economics 48, 391–411.

[9] Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков. “Инновацион иқтисодиёт”: Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. 153-156 бетлар

1. Мобил ва булутли технологиялар. Туристлар учун саёҳатларни ташкил этишда, мобил тўловлар, онлайн бронлаш каби хизматлар мобил интернет орқали амалга ошмоқда. Туристик субъектлар учун булутли технологиялар бизнесни масофадан туриб бошқаришга ҳам имконият беради.

2. Маълумотлар таҳлили. Туристик субъектлар ҳозирда вебсайтлар, мессенджерлар ва бошқа рақамли платформалар орқали истеъмолчиларнинг хулқ атвори тўғрисида катта маълумотлар базасига эга бўлмоқда. Шу боис, туристик субъектлар ўзларига катта маълумотларни таҳлил қилишни биладиган мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

3. Сунъий интеллект. Туристик хизматларни автоматлаштиришда қўлланилмоқда. Бу технология инсон аралашувисиз хизмат кўрсатиш (масалан, колл марказ) имконият бермоқда.

4. Буюмлар интернети(IoT). Бу технология смарт туризмни ташкил этишда қўлланилмоқда, бунда сенсорлар битта тармоққа уланиб туристлар хулқ атвори, атроф муҳит ҳолати, ресурслардан самарали фойдаланиш ва шу кабиларни реал вақт режимида назорат қилиш имкониятини беради.

5. Виртуал реаллик. Виртуал реаллик реал объектларни 3D виртуал объектларга кўчириш орқали туристлар учун реал дунёни моделлаштириш имкониятини беради. Бунда туристлар ўз уйидан туриб, узоқ масофада жойлашган дестинацияга виртуал ташриф буюриш имконига эга бўлади.

6. Блокчейн. Бугунги кунда ривожланиб бораётган “ақлли” контрактлар, тўлов тизимлари ва бошқа фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари блокчейн технологияси орқали алмашинмоқда.

Бутун дунёда ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари жадал суръатлар билан ўсиб, ушбу тармоқлар тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимизда Facebook, Youtube, Pinterest ва Twitter платформалари энг оммабоп ҳисобланади(1-расм).



1-расм. 2021 йилда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ижтимоий тармоқлар бозори динамикаси[10]

[10] https://gs.statcounter.com/social-media-stats сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Умуман, ижтимоий тармоқлар бозорининг ривожланиши глобализация жараёнларининг тезлашишига ва ривожланишига олиб келмоқда десак муболаға бўлмайди. Айнан, рақамли иқтисодиёт тушунчасининг кенг тарқалиб, оммалашиб, бугунги кунда долзарб масалага айланишида ижтимоий тармоқлар алоҳида аҳамиятга эга[11]. Мамлакатимизда нафақат ижтимоий тармоқлар, балки бошқа АКТ йўналишлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Бундан ташқари АКТ соҳасида ўртача иш ҳақининг ўсиши хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг кўпайиши билан кечмоқда. Иш ҳақининг ўсиши соҳада мавжуд кадрлар дефицити юқори эканлигидан ҳамда ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналар иш ҳажми ортиб бораётганлиги сабабли келиб чиқмоқда. Ушбу ҳолат бутун дунёда глобализация жараёнининг кучаяётганлиги, дунёнинг бир бурчагида туриб бошқа бурчагидаги инсонга хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлганлиги, умуман, хизмат кўрсатиш глобал даражага чиққанлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Рақамли хизматлар ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши нафақат дастурлаш, компъютер ва давлат хизматлари, балки “ақлли шаҳар” каби лойихаларнинг амалга оширилишида ҳам намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш жараёнларни автоматлаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- Туризм хизматларининг хусусиятлари: инсонлар билан мулоқот даражаси, хизмат сифатининг мезонлари, ресурсларнинг сарфланиши кабилар;
- Туристик субъектлар ходимларининг малакалилик даражаси, рақамли технологиялардан фойдалана олиш даражаси;
- АКТ инфратузилмасининг ривожланганлиги, интернет тармоғи тезлиги, электр энергия ва бошқа энергия манбаларининг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ceruzzi, P. E. (2003). A History of Modern Computing, Second edition. MIT Press.

2. Hafner, K. and M. Lyon (1996). where wizards stay up late. Simon and Schuster Paperbacks.

3. Greenstein, D. (2000). Building and delivering the virtual world: Commercializing services for internet access. The Journal of Industrial Economics 48, 391–411.

4. https://gs.statcounter.com/social-media-stats сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

5. B.Janzakov. The innovational development of tourism and other theoretical frameworks of competitiveness. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29. No. 5, 2020, pp. 1774-1780

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, https://mitc.uz/ru/pages/information_technologies

[11] B.Janzakov. The innovational development of tourism and other theoretical frameworks of competitiveness. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29. No. 5, 2020, pp. 1774-1780

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Шадиева Г.М. – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Оманова Л.Э. - ТДИУ Сам.м.ф. магистранти

Аннотация: *Кичик бизнес ва хусуий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолини камбағалликдан чиқариш ва доимий даромадга эга қатламни яратишда бугунги кунда ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ҳамда унинг ҳудудий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар*: кичик бизнес, тадбиркорлик, бандлик, рақобат, иш ўринлари*

Аннотация: *Сегодня развитие малого бизнеса и частного предпринимательства приобретает как никогда важное значение в деле вывода населения из бедности и создания стабильного дохода. В данной статье анализируется роль малого бизнеса и частного предпринимательства в занятости населения и его региональные показатели.*

Ключевые слова: *малый бизнес, предпринимательство, занятость, конкуренция, вакансии*

Annotation: *Today, the development of small business and private entrepreneurship is becoming more important than ever in lifting the population out of poverty and creating a layer of sustainable income. This article analyzes the role of small business and private entrepreneurship in employment and its regional indicators.*

Key words: *small business, entrepreneurship, employment, competition, vacancies.*

Аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш орқали, нафақат халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, энг асосийси бандлигини таъминлаш бугунги глобаллашув даврининг устувор вазифаларидандир.

Республика миллий иқтисодиётини шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини вужудга келтириш ва ниҳоят макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта. Кичик бизнеснинг йилдан-йилга мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, салмоғи ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил қилиш билан бирга жуда катта ижтимоий аҳамиятга эгалиги туфайли ушбу соҳасини ривожлантириш объектив заруратга айланди. Чунки янги иш ўринларининг ҳам асосий қисми шу соҳада яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур.Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик биз-

нес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, иш жойлари яратиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, уларнинг ҳақиқий даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60 сонли фармони бўйича Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 3-устувор йўналишида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг 29-мақсади этиб тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва мавжуд механизмларни самарадорлигини ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;
- Соҳани янада тезроқ ривожланишига таъсир этувчи тўсиқлар, божхонадаги айрим қийинчиликларни бартараф этиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар, соҳанинг иқтисодий ривожланиши, аҳолини иш билан бандлилигига ва даромадларининг ўсишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиѐтини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаѐқатли ѐшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб

бормоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари, иш билан бандлик муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу, айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодиѐтни эркинлаштириш сиѐсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга оширувчи мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча иш кучини жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаѐтган шахслар сони кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб этади.

1- жадвал

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2017й**	**2018й**	**2019й**	**2020й**	**2021й**	**2017-2021йилга нисбатан ўсиши(+,-)**
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши	%	63.4	60.4	36.5	54.2	34.9	-10,4
Кичик тадбиркорликда банд булганлар сони	Минг киши	10541.5	10541.5	10313.4	10753.3	10932.9	396,1
Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидаги улуши	%	78.0	76.3	76.2	73.8	77.0	-1,0
Янги ташкил этилган иш ўринлари сони	Минг киши	908.0	1075.1	1375.2	2300.0	2350.0	1442
Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	дона	12.4	13.2	13.3	15.6	16.1	4,3

Берилган жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 396.1 ва янги ташкил этилган иш ўринлари сони 1442.0 минг кишига кўпайган. Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони ҳам 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 4.3 га кўпайганини кўрсатмоқда. Бу эса Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат дастурлари доирасида қўллаб-қувватланиши, ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни муҳимлигини белгилаб бермоқда.

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Холбаев Ш. - Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
стажёр-тадқиқотчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада туризм соҳасининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг долзарблиги ҳамда туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш услубияти таҳлил этилган ҳамда ушбу жараённи такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар келтирилган.*

Калит сўзлар: *туризм, иқтисодий салоҳият, ресурс, туризм хизматлари, иқтисодий ўсиш.*

Аннотация: *В данной статье анализировано актуальность экономического потенциала туристической отрасли и методика изучения процесса использования экономического потенциала туризма и приведены соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию данного процесса.*

Ключевые слова: *туризм, экономический потенциал, ресурс, услуги туризма, экономический рост.*

Abstract: *The article analyzes the relevance of the economic potential of the tourism industry and the methodology for studying the process of using the economic potential of tourism and provides relevant proposals and recommendations for the improvement of the process.*

Keywords: *tourism, economic potential, resource, tourism services, economic growth.*

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида туризм соҳасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи **“**Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” устувор йўналишида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш” 35-мақсади белгиланди[12].

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада

[12] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони[13], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 75-сон Фармони[14], 2022 йил 18 февралдаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-135-сон Қарори[15] қабул қилиниб, унинг ижроси ҳудудларда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсишнинг омили сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги туризм соҳасида барқарор иқтисодий ўсишнинг омиларидан бири туризм соҳасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

"Салоҳият" атамаси бирор субъектда яширин, ўзини ҳали тўлиқ намоён қилмаган имкониятлар мавжудлигини билдиради, бу имкониятлар объектив ёки субъектив шарт-шароитларга мувофиқ уларнинг фаолият соҳасида ўзини намоён этмаган бўлади[16]. Иқтисодий назарияда ҳам салоҳият ҳар қандай соҳадаги мавжуд воситалар, имкониятлар тўплами сифатида таърифланади, аммо шу билан бирга "салоҳиятли" атамаси "амалга ошириш қобилиятига эга" деган маънони англатади, унинг мавжудлиги ва фойдаланилиши эҳтимолий омил ҳисобланади[17].

Иқтисодий адабиётларда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг, жумладан минтақа иқтисодиётининг салоҳияти деганда нима тушунилиши борасида келишмовчиликлар мавжуд. Масалан, Оксфорд луғатида иқтисодий салоҳият бу – рақобатбардошликни таъминлайдиган қувват ва имконият даражаси деб таъриф берилган[18] бўлса, бошқа манбада иқтисодий салоҳият "халқ хўжалиги тармоқларининг маълум давр мобайнида капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш қобилиятлари тўплами" деб таъриф келтирилган. Бир қатор илмий нашрларда ҳам муаллифларнинг иқтисодий салоҳият бўйича ягона фикрлари кузатилмайди. Жумладан, А.Ю.Чаленко иқтисодий салоҳиятни мавжуд бўлган ресурслар тўплами, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлари натижаси деб тавсифлаган[19]. Яна бир манбада "иқтисодий салоҳиятнинг ҳажми ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлигини, мамлакатнинг

[13] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони.

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 75-сон Фармони.

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-135-сон Қарори.

[16] Низомов А.Б., Намозова Н.Дж., Амонов У.Н. Микроиқтисодиёт. -Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2000 й. – 21 б.

[17] Большой энциклопедический словарь. В 2-х т. / Гл.ред. А.М.Прохоров. –М.: Советская энциклопедия, 1991. Т.2.

[18] Оксфордский толковый словарь. Англ.-русс. - М.: «Прогресс-академия». 1995. - С. 318

[19] Чаленко А.Ю. О понятии потенциала в экономических исследованиях / М.: Капитал страны, 2011

рақобатбардошлигини, корхоналарнинг капиталлашув даражасини кўрсатади”[20] деб таъкидланган.

Туризм соҳасида туристик корхоналарнинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи унинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашдир. Моддий-техник, меҳнат, молиявий ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги туристик корхоналар ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илмий асосланган иқтисодий механизмларининг йўқлиги тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаоллигини ва рақобатбардошлигини пасайтиради. Бу иқтисодий мустақилликни корхонанинг иқтисодий ҳолати ва ривожланишига ривожланган бошқарув таъсирлари тизими сифатида белгилайдиган иқтисодий потенциалнинг шаклланиши ва ишлатилишини баҳолашнинг янги усуллари ва моделларини излашга олиб келади. Унинг мавжудлиги ушбу таъсирларнинг амал қилиш сифатига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бозорга ўтиш муносабати билан юзага келган ташкилотнинг потенциал имкониятларини ошириш усуллари ва усулларини асослаш билан боғлиқ кўплаб жиҳатлар кам тушунилган ва етарли даражада ўрганилмаган.

Иқтисодий салоҳиятни баҳолаш уни аниқлаш ва шакллантириш услубияти билан боғлиқ ва шунинг учун уни икки йўл билан кўриб чиқиш мумкин. Бир томондан, бу илмий-техник тараққиётнинг объектив ютуқларидан фойдаланиш учун корхонанинг ҳақиқий имкониятларини тавсифловчи умумий салоҳият, бошқа томондан, у ушбу жараёнда иштирок этади, шу билан бирга кенг ёки интенсив компонентни ишлаб чиқади, натижада маҳсулотлар бозорга чиқади. Сотилган маҳсулотларнинг қиймати ва умумий пул салоҳиятнинг қиймати корхона самарадорлигини тавсифлайди. Корхонанинг салоҳият имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш унинг рақобатбардошлигини белгилайди ва корхоналарнинг салоҳият имкониятларини бошқариш учун ҳақиқий эҳтиёжни англатади.

Корхонанинг потенциал имкониятларидан фойдаланишни баҳолаш муаммоларига тўхталадиган олимлар қаторига Гумба Х.М.[21], Е.В.Лапин[22], К.О.Магомедов[23], Р.В.Марушков[24]ларни киритиш мумкин. Бироқ, муаллифларнинг услубий ёндашувлари корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш шаклланиши ва самарадорлигини баҳолашда иқтисодий ресурслар ва натижаларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини очиб

[20] Батирова Н. Тошкент вилояти саноатини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари //The Light of Islam, 4-сон 2019 йил.

[21] Гумба, Х.М. Выбор методов управления конкурентоспособностью строительной организации / Х.М. Гумба // Экономика строительства.- 1999. - №6.- С. 16-32.

[22] Лапин, Е.В. Экономический потенциал предприятия: монография / Е.В. Лапин. - Сумы: ИТД «Университетская книга», 2006. – 310 с.

[23] Магомедова, К.О. Формирование системы оценочных показателей деятельности предприятий сферы услуг: дис. … канд. экон. наук: 08.00.05 / Магомедова Карина Омаровна. − Махачкала, 2009. − 136 с.

[24] Марушков, Р.В. Оценка использования экономического потенциала предприятия (на примере предприятий печатной отрасли): автореф. дис. … канд. экон. наук 08.00.05 / Марушков Роман Владимирович. − М., 2000. − 39 с.

бермайди.

Замонавий илмий ва ўқув адабиётларида энг кенг тарқалган ва анъанавий: корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини баҳолаш усуллари, бозор қиймати ва ҳар томонлама рейтинг баҳолаш.

Замонавий илмий манбаларда иқтисодий салоҳиятнинг бир қатор таркибий қисмларини аниқлаш ва бал, эксперт усуллари, рейтинг қиёсий таҳлили ва бошқалар ёрдамида уларни кейинги баҳолашга асосланган усуллар мавжуд.

Корхонанинг бозор қийматини баҳолаш учун учта анъанавий ёндашув қўлланилади: фойдали, бозор (қиёсий) ва қиммат (мулк).

Даромад ёндашуви нуқтаи назаридан объект қийматини белгиловчи асосий омил даромад ҳисобланади. Баҳолаш объекти томонидан ишлаб чиқарилган даромад қанчалик катта бўлса, унинг бозор қийматининг қиймати шунчалик катта бўлади, қолган барча нарсалар тенгдир. Шу билан бирга, кутишнинг тахминий принципи қўлланилади ва мумкин бўлган даромад даврининг давомийлиги, ушбу жараёнга ҳамроҳ бўладиган хавфларнинг даражаси ва тури ҳисобга олинади. Даромад ёндашуви иккита усулни ўз ичига олади: даромадларни капиталлаштириш, унда бизнеснинг қиймати йил учун бизнеснинг соф даромадини капитализация коэффициентига ва пул оқимларини дисконтлаш усулига бўлиш йўли билан аниқланади. Бизнеснинг қиймати даромад оқимларини прогноз қилиш ва уларни инвестор талаб қиладиган ставкага мувофиқ дисконтлаш асосида олинади[25].

Бундай баҳолаш ёндашуви инвестиция сабаблари нуқтаи назаридан энг мақбул ҳисобланади: ҳақиқий корхонага сармоя киритадиган инвестор бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, номоддий қийматлар ва бошқа нарсалардан иборат активлар тўпламидир. Келгуси даромад оқими, бу унга инвестиция қилинган маблағларни қоплаш, фойда келтиради ва фаровонликни оширади.

Қиёсий ёндашув баҳолаш объектини улар билан тузилган битимлар нархлари тўғрисида маълумот мавжуд бўлган ўхшаш объектлар билан таққослашга асосланган. Бозор ёндашувига кўра, корхоналарнинг иқтисодий потенциалининг қиймати тузатиш коэффициентлари билан тузатилган ўхшаш корхоналарнинг сотиш нархлари тўғрисидаги маълумотлар билан белгиланади.

Корхона активлари қийматининг ўзгариши қисқа ва узоқ муддатли истиқболда унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш учун энг мақбул кўрсаткич ҳисобланади, чунки у нафақат алоҳида корхона ва маълум бир соҳанинг, балки умуман иқтисодиётнинг ишлаш истиқболларини ҳисобга олади. Узоқ муддатли истиқболда унинг ўсиши учун активлар қийматини бошқариш компанияга имкон қадар эгаларининг манфаатларини қондириш, ривожланишнинг мақбул стратегик йўналишларини аниқлаш ва белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам берадиган бошқарув чоралари тизимини шакллантиришга имкон

[25] Щербаков, В.А. Оценка стоимости предприятия (бизнеса) / В.А. Щербаков, Н.А. Щербакова. - М.: Омега-Л, 2006. – 288 с.

беради[26].

Мулк (харажат) ёндашуви нуқтаи назаридан корхона, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган мулкий мажмуа сифатида қаралади. Ушбу ёндашувнинг моҳияти жамланадиган активларни баҳолаш ва олинган суммадан мажбуриятларнинг жорий қиймати чегириб ташлашдир. Якуний қиймат компаниянинг капиталининг нархини кўрсатади.

Иқтисодий салоҳиятни харажатлар усули билан баҳолаш, корхона иқтисодий салоҳиятининг бозор қиймати эгаси томонидан корхонанинг мавжуд бўлган бутун вақт давомида иқтисодий салоҳиятини яратиш ва ишлатиш учун сарфланган барча харажатларнинг йиғиндиси бўлиб, инфляция даражасига индексация қилинади. Ёндашувнинг афзаллиги шундаки, у корхона мулкий мажмуасининг ҳолати тўғрисида ишончли фактик маълумотларга асосланади. Асосий камчилиги шундаки, у иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан ва соф даромад олишда келажакдаги бизнес имкониятларини ҳисобга олмайди.

Туризм корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш учун қўлланиладиган усуллардан бири бу бир қатор омилларга эга бўлган ҳар томонлама рейтинг баҳолашдир. Молиявий ёндашувлар молиявий ҳолат корхонанинг энг муҳим характеристикаси деган қонуниятга асосланади, шунинг учун корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш корхоналарнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, нафақат туризм корхоналарининг молиявий ҳолатига, балки туризм корхоналарининг ҳудуддаги геогарфик ўрни, иқлими, табиати, инфратузилмаларнинг мавжудлиги ҳам бевосита иқтисодий салоҳиятга ўзининг таъсирини кўрсатади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БУЮРТМА СТОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Саламов И.- СамДВМЧБУ, и.ф.н., доцент
Назарова М.Ш.- СамДВМЧБУ, катта ўқитувчи
Жонибеков Ф.Б.- СамДВМЧБУ, катта ўқитувчи
Казакова З.С.- СамДВМЧБУ, катта ўқитувчи

Аннатация. *Ушбу мақолада, буюртма столлари фаолиятини рақамлаштиришнинг истиқболлари, Самарқанд вилоятида 1989,1990,1991 йилларда ташкил этилган буюртма столи фаолиятининг иқтисодий рақамлаштирилганлиги, телефонлаштирилганлиги, Учқора узум ва майизларининг машҳурлиги, Учқора майизининг косманавтлар саломатлигидаги аҳамияти, сабзавотлар ҳақидаги олимлар тарифи, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигидаги 2021 йил якунлари бўйича иқтисодий таҳлил, иқтисодий самарадорлик натижалари, хулоса ва таклифдар ҳамда фойдаланилган адабиётлар келтирилган.*

[26] Любушин, Н.П., Лещева В.Б., Дьякова В.Г. Финансово – экономическая деятельность предприятия: учебн. пос. / Н.П. Любушин, В.Б. Лещева, В.Г. Дьякова. - М: ЮНИТИ.- ДАНА, 2001. – 471с.

Аннотация. *В данной статье рассмотрены перспективы цифровизации столов заказов, экономическая цифровизация столов заказов в Самаркандской области в 1989, 1990, 1991 годах, телефония, популярность винограда Учкара и изюма, значение изюма Учкара в здоровье космонавтов, тарифы ученых по овощам Самаркандская область 2021 экономический анализ, результаты экономической эффективности, выводы и рекомендации, а так же использованная литература.*

Annotation. *This article discusses the prospects for digitalization of order tables, the economic digitalization of order tables in the Samarkand region in 1989, 1990, 1991, telephony, the popularity of Uchkara grapes and raisins, the importance of Uchkara raisins in the health of astronauts, the tariffs of scientists on vegetables Samarkand region 2021 economic analysis, results economic efficiency, conclusions and recommendations, as well as used literature.*

Калит сўзлар. *Рақамли иқтисодиёт, буюртма столи, тадбиркорлик, фаол тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнес, “Дала-дастурхон”, “Магазин-истеъмолчи”, “Дала-чорва мажмуаси”, Дала-уй” ва ҳ.о.*

Ключевые слова. *Цифровая экономика, стол заказов, предпринимательство, активное предпринимательство, предпринимательство, бизнес, «Поля-стол», «Магазин-потребитель», «Поля-животноводческий комплекс», «Поля-дом» и так далее.*

Keywords. *Digital economy, order table, entrepreneurship, active entrepreneurship, entrepreneurship, business, "Fields-table", "Shop-consumer", "Fields-livestock complex", "Fields-house" and so on.*

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев илк бор тадбиркорлар билан 2021 йил 20 август куни ананавий ва офлайн тарзда учрашув ўтказган эди.Унда жами ўн мингга яқин тадбиркор иштирок этгани, ўз нутқида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланганлиги, сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинлиги, 2020 йил 26 март,ПҚ-4653-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш” тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни ижросини амалга ошириш борасида жойларда амалий ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли равишда хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан йил давомида нобудгарчиликга йўл қўймасдан истеъмолчиларга етказиб биришда рақамли иқтисодиётга ўтиш, уни ҳаётга жорий этиш кўп масалаларни ҳал қилишда ўз ўрнига эгадир. Бандликга эришиш, камбағалликни камайтириш, шаффофликни таъминлаш жараёнлари ва хориж инвесторларини иқтисодиётимизга жалб этиш, маҳаллий ва хориж тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини беради. Машҳур Америкалик шифокор Н. Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган.Унинг сабзи тўғрисидаги берган баҳоси қуйидагича бўлган: “Сабзи даҳшатли рак касаллигига қарши курашда давримизнинг мўжизаси ҳисобланади”[3] -деб таърифлаган. Тармоқлар ва тармоқлар ичидаги йўналишларни тараққиёти кадрларга боғлиқдир. Республикамизнинг Навоий вилояти Хатирчи туманидаги узумчилик ва майизчиликга қадимдан ихтисослашган Учқора қишлоғи ер шарининг 41-меридиани ва 41-параллелида қора тошли тоғ бағрида жойлашганлиги туфайли узумлари таркибидаги қанд миқдори 38 фоизгача боради. Собиқ Иттифоқ даврида Москвадан махсус вакиллар томонидан

космонавтлар истеъмоли учун Учқора қишлоғининг деҳқонларидан Учқора майизи олиб кетилган. Ўзбекистондаги узумзорлар узумидаги қандлик миқдори 26 фоизни ташкил қилади. Дунё мамлакатларида эса таркибида 17-18 фоиз қанд бўлган узумлар истеъмолда ишлатилиб келинмоқда. Лекин, шундай бўлсада, бу туманда буюртма столлари ташкил этилмаган. 2021 йилда Самақанд вилоятида энг юқори иқтисодий кўрсаткичга эга бўлган полизчиликда рентабеллик даражаси 48,3 фоизни ташкил қилди. Кейинги иккинчи ўринда мавачилик бўлиб, бу тармоқда рентабеллик даражаси 46,5 фоизни, учинчи ўринда эса шоличиликда 39,6 фоизни, тўртинчи ўринда сабзавотчилик бўлиб, унда 39,5 фоизни ташкил этди.Чорвачиликда эса, энг юқори кўрсаткич асалчиликда бўлиб, бу тармоқ рентабеллик даражаси 35,7 фоизни,иккинчи ўринда балиқчилик бўлиб, унда рентабеллик даражаси 34,5 фоизни ташкил қилди. Полизчиликда эришилган рентабеллик даражаси асаларичиликдагига нисбатан 12,6 пунктга юқори бўлди. Самарқанд шаҳрида Самарқанд ветеринария медицинаси (собиқ қишлоқ хўжалик) институти олим - педогоглари томонидан ишлаб чиқилган илмий - амалий тавсиялар жорий этилиб, 1989-1991 йилларда мавсумий фаолият кўрсатиб, мева сабзавот билан савдо килувчи магазинлардаги товар айланиши 1,2 дан 1,5 бараборгача ошган эди. Лекин, янги даврга келиб ушбу буюртма столи фаолияти вақтинча тўхтаб қолди. Шу боисдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шу жумладан сабзавотларни «дала-уй», «дала-магазин-уй»,«магазин-исътемолчи»,“дала-чорва мажмуаси” шаклларида хўжалик ҳисобида ишлайдиган хизмат жамоаларини қуйида келтирилаётган илмий-амалий тавсия асосида ташкил қилинса, бизнинг фикримизча истеъмолчилар вақтини тежашга, маҳсулотларни эгасига етиб келишидаги буғунлар сонини камайтириб маҳсулотнинг сифатини сақлаш, ўз вақтида етказиш муаммоларини ечими топилади ва яхшигина даромад олиш билан бирга кишиларга хизмат турлари жорий этилади. Буюртмани бажариш ва унга ҳақ тўлаш қуйидагича амалга оширилади: 1Якка буюртмалар учун умумий пул тушумининг 3 (уч) фоизи микдорида; 2Жамоа буюртмалари учун умумий пул тушумининг 2(икки) фоизи микдорида. **Илова:** 1.Хизмат жамоаси (фирма, хусусий корхона, тадбиркор, якка тадбиркор) тўлиқ хўжалик ҳисобида, яъни ўзини - ўзи молиявий таъминлайди; 2.Фирма аъзолари хизмати ҳар ой охирида ёки квартал охирида ҳисоб- китоб қилинади, лекин, меҳнат ҳақи бўйича аванс пуллари бериб борилади; 3.Магазинга берилган буюртма учун ҳақ олинмайди; 4.Агар юк 75 кг дан ортиқ бўлса, 9 устунга 4-устун қўшиб ҳисобланади;

Хориж тажрибалари: Япония мамлакатиниг пойтахти Токио шаҳрида аҳолидан тушган буюртма шаҳарнинг қайси худудида бўлишидан қатьий назар ўн икки минут, Канада мамлакатининг пойтахти Оттовада эса ўн минут ичида буюрмачининг манзилига етказилар экан.

Хулоса ва таклифлар: **Хулоса:** 1) хорижий ва маҳаллий тажрибалардан фойдаланиш талаб даражасида эмас; 2**)** 2021 йилда Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида энг паст рентабеллик даражаси пиллачиликда 9,2 фоизни; мойли экинларда 12,5 фоизни ташкил қилди. **Таклифларимиз:** 1) Рақамли иқтисодиётни республикада жорий этишда назоратни тўғри йўлга қўйиш.Чунки, фармонлар, қарорлар, қонунлар ижролари жойларда, айниқса

Самарқанд шаҳар транспорт соҳасида талаб даражасида эмас; 2) Мавжуд буюртма столлари ишини олим-педагоглар илмий-амалий тавсияларига таяниб, улар иштирокида ташкил этишни амалга ошириш; 3)Рақамли иқтисодиётни барча тармоқларда жорий этиш учун ҳар бир соҳада кадрлар тайёрлашга алоҳида эътиборни кучайтириш; 4)Буюртма столлари фаолиятида рақамли иқтисодиётни жорий этишда ривожланган мамлакатлар билан қўшма дастурлар ва қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манбалар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 24-26 мартдаги илк бор мамлакатимизда ташкил этилган халқаро формдаги нутқи.

2. Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик ва статистика бошқармаларининг 2021 йиллар якунлари бўйича ҳисоботлари.

3. Машҳур Америкалик шифокор Н.Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган. (Қаҳҳоров Б. Сабзи еган соғ бўлар: Сабзи Ўз. к/х журнали, 2002 йил №5 59-бет).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 20 августдаги мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот материаллари

5. Муаллифларнинг илмий-амалий изланишлари натижалари,

6. Интернет маълумотлари ва бошқа манбалар.

ИҚТИСОДИЁНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Паязов М.М. - Фарғона политехника институти
“Менежмент” кафедраси
докторанти, и.ф.н, доцент

Аннотация: *Ушбу мақолада хизматлар бозорни ривожлантиришда рақамли трансформациялашнинг аҳамияти, илмий қарашлар, рақамли технологиялар, тизимлар, рақамли технологияларнинг инқилобий ривожланитирилишида хизматлар бозорини мувофиқлаштиришга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *Рақамли экотизим, трансформация, рақамли етуклик, ERP, MRP, CRM , BPR, TQM, ISO, хизматлар бозори.*

Аннотация: *Данная статья посвящена значению цифровой трансформации в развитии рынка услуг, научным взгляы, цифровый технологии, системам, координации рынка услуг в условиях эвалюционного развития цифровых технологий.*

Ключевый слова: *Цифровая экосистема, трансформация, цифровая зрелость, ERP, MRP, CRM, BPR, TQM, ISO, рынок услуг.*

Abstract*: This article is devoted to the importance of digital transformation in the development of the service market, scientific views, digital technologies, systems, coordination of the service market in the context of the evolutionary development of digital technologies.*

Keywords: *Digital ecosystem, transformation, digital maturity, ERP, MRP, CRM, BPR, TQM, ISO, service market*

Хизматлар бозорининг рақамли транформацияланиши тўғрисида фикир юритар эканмиз. Биз аввало трансформация атамасининг моҳиятини тушиниб олишимиз зарур бўлади.

“Трансформация - бу иқтисодий фаолиятнинг тузилма, шакл ва усулларини қайта шакллантириш, унинг мақсад йўналишларини ўзгартиришдир”[1]. Лотин тилидан таржима қилинганда “трансформация” атамаси қайта шакллантириш, ўзгартириш деган маъноларни англатади.

“Трансформация” категориясини тизимнинг тузилиши, тартибдаги ўзгаришлар натижасида иқтисодий тизимнинг тубдан ўзгариб эски тартиб (унинг алоҳида соҳаси) янгиси билан алмаштирилади” [2].

“Жамиятнинг глобал трансформацияси” тушунчасидан фойдаланган Э.Тоффлер: “Бу бир иқтисодий тартибнинг таркибий хусусиятларини бошқа тартибнинг ўхшаш хусусиятлари билан алмаштириш жараёни, бунинг натижасида бутун иқтисодий тизим тубдан ўзгаради. Айрим давлатлар ва мамлакатларда иқтисодий тартибдаги ўзгаришлар турли сабабларга кўра рўй бериши мумкин: кетма-кет эволюция жараёнлари (эндоген трансформация) ёки инсонларнинг онгли ҳаракатлари (экзоген трансформация) натижаси бўлиши мумкин” [3].

Бу талқинда “трансформация” атамаси, биз билганимиздек, миқдорий ва сифат ўзгаришларининг турли даврларига бўлинган ҳолда унга ўтишга тайёргарликнинг бутун жараёнини ўз ичига олмайди, трансформация тизимнинг ўзини ўзгартириш жараёни эмас, балки фақат олдинги ўзгаришларнинг натижаси, трансформация рўй берадиган объектив ҳолатдир.

Юқоридаги илмий қарашларга мурожжат қилган ҳолда, трансформация тушунчасини рақамли трансформацияланиш нуқтаи назаридан, шу жумладан хизматлар бозорни рақамли трансформацилаш қандай кечади деган саволга жавоб топадиган бўлсак, бунда хизматлар соҳасининг таркибий хусусиятини замонавий тартиб хусусиятлари билан тўлдириш орқали кетма-кет эволюцион жараёнларни амалга оширишимиз лозим бўлади. Трансформация бўйича тажриба босқичма-босқич шаклланиб боради ва натижада йилдан-йилга трансформация жараёнларининг чуқурлашиб бориши хизматлар бозорини тез суръатлар билан ривожланишини таъминлайди

XXI асрда хизматлар бозорига информатика дастурларининг оммавий кириб келиши, ахборот ва алоқа технологияларидан, интернет ва мобил алоқа воситалардан кенг кўламда фойдаланиш, ахборот алоқа технологияларига эришиш арзонлиги ақл бовар қилмас инновациялар дунёнинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди, қисқача қилиб айтганда ҳамма соҳа рақамли трансформацияга учради.

Интернет қидириш базаси Web, Netscape, Internet Explorer, Google Chrome, Мобил Интернет, Facebook, WatsApp, Telegram, Imo, катта маълумотли технологиялар (Big Data), нейрон таромоқлар(сунъий интеллект), 3Д қурилмалар, ақилли сенсорлар, виртуал ва тўлдирилган реаллик технологиялари, “Блокчейн” технологиялари, глобалл электрон тижорат маркетплейс савдо платформалари (B2B, B2C, B2B), Uber- экотизимларсиз платформа, Apple ва Alibaba Group компаниялари ва бошқа шу каби рақамли

хизматлар бозорга кириб келди. Ушбу хизмат турлари барча тармоқлар фаолиятининг рақамли трансормацияланиш жараёнларини тезлаштириб юборди.

Кўпгина давлатлар рақамли иқтисодиёт стратегиясини ишлаб чиқди ва амалга оширишга киришди: Жумладан, 2005 йилда Сингапур, 2006 йилда Австралия, 2008 йилда Буюк Британия ва Гонконг, 2009 йилда Норвегия, 2010 йилда Канада, 2012 йилда Малайзия, 2013 йилда Корея Республикаси, 2015 йилда – Ҳиндистон ва Янги Зеландия.

Бугунги кунда АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғи Интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келяпти. 2025-йилгача АҚШ саноатнинг "Рақамлаштирилиш"дан қўшимча 20 трлн доллар даромад олиши кутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн доллар), автомобил саноати (3,8 трлн доллар) ва логистикада (3,9 трлн доллар) юқори бўлиши айтилмоқда. Жанубий Кореяда "Электрон ҳукумат" ва "Электрон воситачилик"нинг жорий қилиниши йилига 10-15 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда. Бу "Рақамли иқтисодиёт" учун сарф қилинаётган харажатлардан 30-40 баробар ортиқдир.

Хизматлар соҳасига алоҳида эътиборни қаратган давлатлар иқтисодиётида ушбу соҳадан тушаётган даромадлар ҳам салмоқли ҳиссага эга бўла бошлади. Хизматлар соҳасидан тушаётган даромадлар мамлакатлар ЯИМсининг 4/3 қисмидан ошиб кетди. Бундай давлатларга Люксембург (85%), Франция (77%), АҚШ (76%), Бельгия (75%), Буюк Британия (75%) киради. ЯИМнинг 50 фоизидан кўпроқ қисми хизматлар соҳасидан ташкил топган давлатларига Ғарбий Европа ва Шимолий Америка ҳамда айрим Жанубий-Шарқий Осиё, масалан Гонконг (90%), Сингапур (69%) давлатларини киритиш мумкин.

Рақамли тараққиёт эвазига қисқа давр мобайнида рекорд бойликлар барпо бўлди, афсуски бу капитал озчилик шахсларнинг, компанияларнинг ёки давлатларнинг қўлида. Рақамли иқтисодиётнинг аянчли томонларидан бири, дунё миқёсида жуда адолатсиз, ҳақсиз ва тенгсиз тақсимотидир. Глобал миқёсда рақамли иқтисодиёт, бири ривожланган иккинчиси эса ривожланаётган икки давлат АҚШ ва Хитойнинг ҳукмронлиги остида, рақамли иқтисодиёт ва рақамли технология билан алоқали патентларнинг 75% бу икки давлатнинг тасарруфида. Янада аянчлиси, дунёдаги илк 70 та рақамли платформа АҚШ ва Хитойнинг (Microsoft, Apple, Amazon, Google, Facebook, Tencent, Alibaba) тасарруфида ва бу кўрсаткич рақамли иқтисодиёт биржа капиталининг 90% га мутаносиб, Европа 4%, Лотин Америкаси 1% ва Африка 1%. Ривожланган давлатларда аҳолининг 90% интернетга уланган, кам ривожланган ва нотинч давлатларда эса аҳолининг фақатгина 15% интернетга уланиш ва рақамли технологияга эришиш имконига эга.

Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда хизматлар ҳажми 2,3 баравар ўсган. Шу жумладан: алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 2 марта, молиявий хизматлар 4,6 марта, транспорт хизматлари 1,8 марта (шу жумладан, автотранспорт хизмати 1,5 марта), яшаш ва овқатланиш хизматлари 1,9 марта,

савдо хизматлари 2,1 марта ва бошқа хизматлар 2,5 марта ошган. 2016-2019 йилларда хизматлар ҳажми юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. 2020 йилда хизматлар соҳасининг кўплаб турларининг ўсиш кўрсаткичлари пандемия шароити таъсири сабабли пасайган. Фақатгина алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, молиявий хизматлар ва таълим хизматларида барқарор ўсиш кўрсаткичларини кўриш мумкин Ҳозирда мамлакатимизда ҳам юқори технологияларга асосланган, инновацион ва рақамли иқтисодиётга устувор аҳамият берилмоқда. Мамлакат президенти Ш.Мирзиёев такидлаганларидек “Янги асрда рақамли технологияларга асосланган электрон бизнес ва электрон тижоратни назарда тутувчи рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши тенденциявий тус олади”.

Ўтган 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”деб эълон қилинди ва келгуси 5 йил давомида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон-2030” Стратегияси тасдиқланди, унда келгуси икки йилда мамлакатимиз ҳудудлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини рақамлаштириш бўйича 280 дан ортиқ лойҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

2022 йил 28 январда қабул қилинган 2022 -2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробарга оширишга қаратилган ишларни олиб бориш белгилаб берилган.

Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон ахборот технологияларини ривожлантириш борасида катта қадам ташланди, бу иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида рақамлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва унинг рақамли деб аталадиган улушини оширишга ёрдам берди. Рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисмларига “Электрон тижорат”, "Электрон ҳукумат" тизими, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳаларида "Ақлли" (smart) технологияларни жорий этиш, "Ақлли шаҳар", "Хавфсиз шаҳар"ни яратиш шунингдек, “Буюмлар Интернет”дан кенг фойдаланиш ва бошқалар амалга оша бошлади.

Ҳозирда бизнесни лойиҳалаштиришни қуйидаги ERP, MRP, CRM тизимларисиз рақамли бизнес тизимини бирортасини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

ERP (Enterprise Resource Planing Sistem) - корхона ресурсларини режалаштириш тизими

MRP (manufacturing resource planning)— ишлаб чиқариш заҳираларини режалаштириш.

GRM (Customer Relationship Management) – бу истеъмолчилар билан алоқаларни бошқариш тизими.

Бизнесни АКТ асосида такомиллаштиришда

BPR (Busness process reengineering)- бизнес жараёнларини қайта оптимал ташкил этиш;

TQM (Totalquality management)- сифатни умумий бошқариш;

ISO (international Organization for Standartization)-халқаро сифатга мос келадиган сифатни бошқариш тизимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Албатта рақамли трансформацияга ўтиш учун биринчи навбатда ИТ инфратузилмасини жорий қилиш, ходимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларни амалга ошириш учун вақт ва инвестицияни киритиш учун стратегик режа талаб этилади. Ушбу режани амалга оширишда рақамли технологиялар билан ишловчи малакали мутахассислар, айниқса ИТ соҳасида программистлар етишмайди. Бозор эса тор доирадаги мутахассиларни тайёрлайди. Соҳани трансормациялаш нафақат қиммат шу билан бирга қийин кечувчи жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 1997.
2. Платонова Е. Экономические системы и их трансформация // Мировая экономика имеждународные отношения. 1998. № 7.
3. Тоффлер Э. Третья волна / пер. с англ. М., 2002.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб –қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 декабрь куни хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектр йиғилиши.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш тўғрсида”ги ПҚ-5113-сонли қарори.
7. М.Паязов "Инновационная политика как основная задача современной экономики". Ж: "Актуальная наука" № 3 [март,2019]. С 59-61. https://e64f9e97-223d-468f-a5fd-e095d169621a.filesusr.com/ugd/c22b2f_f65d49bd129a465cb1c0f059ec526c74.pdf
8. Г.Хонкелдиева. “Приоритетные направления развития региональной инновационной экономики республики Узбекистан”. Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук: сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 ноября 2017 г. https://apni.ru/media/Sb_k-4-30.11.17.pdf#page=125.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Сувонов З.Ш.- СамИСИ, Сервис кафедраси ўқитувчиси
Келдиёров С.Ш.– СамИСИ, ХС-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада овқатланиш корхоналарининг махаллий ва дунё буйича классификацияланиши, овқатланиш хизматларидаги мавжуд айрим масалалар кўриб чиқилган ҳамда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ёритилган.*

Калит сўзлар: *инновацион ғоя, овқатланиш корхоналари, ресторанлар, юлдуз тизими, классификация*

Аннотация: *В данной статье рассмотрены локальная и глобальная классификации предприятий общественного питания, некоторые существующие вопросы в сфере общественного питания и задачи, которые необходимо решить в связи с этим.*

Ключевые слова: *инновационная идея, кейтеринг, рестораны, звездная система, классификация.*

Annotation: *This article discusses the local and global classification of public catering establishments, some existing issues in the field of public catering and the tasks that need to be solved in connection with this.*

Key words: *innovative idea, catering, restaurants, star system, classification.*

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиши ва хориждан келаётган туристлар оқимининг ўсиши, аҳоли ва туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишни яхшиланиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ишларини олиб борилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш[27] мақсадида олиб борилиши зарур бўлган ишлар юртбошимиз тамонидан белгилаб берилди.

Туризмда инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш давлатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамитга эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хабар беришига кўра хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми сунгги йилларда бир неча баробарга ортди. Ҳажмнинг ошиши бир қатор омиллар таъсири билан изоҳланади, жумладан бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, кредит карталари орқали тўловлар, интернет-савдо, янги савдо-сотиқ марказлари, овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналар очиш, таълим хизматларини

[27] «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони http://www.uza.uz/ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 05.02.2018

кенгайтириш, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш соҳасига тўғри келмоқда.

Республикамизда туризмни ривожлантириш ўз навбатида овқатланиш корхоналарининг ҳажмининг ошиб боришига шу билан бирга уларда кўрсатилаётан сервисга бўлган талаб ҳам ўсиб борада. Овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада такомиллаштириш, истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган ҳолда ва унга мос равишда ташкил этиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун овқатланиш хизматларини тақдим этаётган корхоналар ишини такомиллаштириш ва замонавий ёндашишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда умумий овқатланиш корхоналари маълум талаблар асосида мулкдор деб белгиланадиган қуйидаги турларга бўлинади: ресторан, вагон-ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона[28]:

ресторан — ўз номига эга бўлган, истеъмолчиларга мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг кенг ассортиментини ҳамда ичимликларни тақдим этадиган энг қулай умумий овқатланиш корхонаси. Ресторан таомномасига мажбурий тартибда порцияли ва фирма овқатлари киритилади. Хизмат кўрсатиш дам олиш, овқатлар пишириш ва хизмат кўрсатиш билан уйғунлаштирилган ҳолда юқори малакали ошпазлар ва официантлар томонидан амалга оширилади;

вагон-ресторан — йўлда юриш давомида темир йўл транспорти йўловчиларига ва поезд бригадалари ходимларига нонушталар, тушликлар, кечки овқатлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва ичимликлар билан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади;

бар — тик турган ҳолда истеъмолчиларга ичимликлар ва закускалар билан хизмат кўрсатишни (столчалар ёнида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда) ташкил қилади. Сотиладиган ичимликлар ва маҳсулотлар турларига кўра барлар пиво, вино, коктейль, сут барлари ва бошқа барларга ихтисослашган бўлади;

кафе — истеъмолчиларга турли қайноқ ва совуқ ичимликлар, қандолатчилик, сут маҳсулотлари ҳамда тайёрланиши мураккаб бўлмаган кулинария маҳсулотларини тақдим этади. Сотиладиган маҳсулотлари ёки йўналишига кўра кафелар: ширинликлар, музқаймоқ, сут кафеси, болалар кафеси, ёшлар кафеси ва шу кабиларга ихтисослашган бўлади.

кафетерий — бу дўкон ҳузурида шу жойнинг ўзида истеъмол қилинадиган иссиқ ичимликлар, сут, шарбатлар, бутербродлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун ташкил этилган бўлимдир;

ошхона — бу истеъмолчиларни нонушталар, тушликлар ва кечки овқатлар билан таъминловчи корхонадир. Ошхоналар жойлашган жойига ва хизмат кўрсатиладиган мижозларига кўра умумий равишда фойдаланиладиган саноат корхоналари, муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари ва шу кабилар ҳузуридаги ошхоналарга бўлинади.

[28] “Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари” Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.

чойхона — бу чойнакларда чой бериш хизмат кўрсатишнинг асосий тури ҳисобланадиган корхонадир. Бундан ташқари чойхоналарда турли хил обинонлар, миллий ширинликлар, қандолатчилик, булка маҳсулотлари ва бошқа буфет маҳсулотлари бўлиши мумкин;

буфет — бу истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимликлар, совуқ таомлар ва закускалар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек осон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан жадал хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхонадир. Унда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш қўлланилади;

кичик ошхона — бу истеъмолчиларга осон тайёрланадиган таомлар ва закускалар, қайноқ ва салқин ичимликлар билан жадал хизмат кўрсатишни ташкил этувчи корхонадир.

Биз дунё бўйича умумқабул қилинган овқатланиш корхоналари классификацияланишига эътибор қаратадиган бўлсак улар асосан беш типга ажратилади: fine dining-элита ресторанлари (haute cuisine-олий даражадаги ошхона), casual dining-демократик ресторанлар, QSR(quick service restaurants)-тез хизмат кўрсатувчи ресторанлар, fast casual –ошхона типидаги ресторанлар ва street food –тез хизмат кўрсатувчи ресторанлар. Улар одамларнинг серқатнов кўчаларида жойлашган бўлади.

Кўп йиллардан бери ресторанлар фаолияти Европа рейтинги билан Mishelin Red Guid ва Cault Millau шуғилланади. Элита ресторанлар (fine dining) Европа ва Россияда Мишлен юлдузини олиш учун ҳаракат қилишади.

Бунинг учун тақдим этиладиган ресторанлар овқатланиш хизматларини даражаси ва шеф ошпазнинг профессионал касбий усталиги зарур бўлади. Мишленнинг гастрономик маълумотлар тўпламида энг яхши ресторанлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Мишленнинг юлдузига эга бўлиш европа ресторатторлари учун юқори натижа ҳисобланади. Бу кўраткич ресторанларни баҳолашнинг уч юлдузли юқори фахрий унвони ҳисобланади.

Агар ресторан Мишленнинг бир юлдузли даражасига сазовор бўлса бу жуда катта эътироф ҳисобланади. Икки юлдузли даража эса бу ресторанда тайёрланаётган таомлар санъат асари даражасида қаралади. Уч юлдузли ресторан юқори даражадаги муаллифлик ошхонаси ҳисобланади. Бу ердаги шеф-ошпаз ўз касбининг моҳир устаси ҳисобланади. Биринчи бўлиб “Мишлен” даражаси 1900 йилда Францияда таъсис этилган. Дастлаб у юқори даражадаги ошхона ва ҳеч қандай муносабатларни эътибор қаратмаган. “Мишлен” дастлабки даврларда автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқарувчи компанияларни маълумотлар ёритиб борилган. Автоҳаваскорлар учун қайси манзилда автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчаси, автомобиллар тухташ жойлари, автотранспорт эҳтиёт қисмлари дўконлари, мехмонхоналар ва саёҳат даврида овқатланиш мумкин бўлган корхоналар тўғрисида маълумотлар бериб борилган.

Фақат 1920 йилдан бошлаб ресторан ошхоналари сифатини даражасига қараб табақалаштириш бошланган. Гидни тузувчилари бир юлдуз билан белгилаш билан бошлашган. 1930 йилга келиб таснифлаш бирмунча мураккаблашди ва бу бир юлдуздан уч юлдузгачани ташкил этди.

Автотуризмнинг ривожланиши билан Андре Мишленнинг маълумотномасининг мухлислари ортиб борди. У бугунги кунда 12 гиддан иборат серияларда чоп этилиб у ўзида Европадаги 45000дан ортиқ мехмонхона ва ресторанлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этади.

Алоҳида маълумотномалар Европанинг катта шаҳарларида чоп этилади. Мишлен Гиди маълумотномасининг ҳамма учун манзурлиги унинг 30 млн.дан ортиқ нусхада чоп этилишидан ҳам билиш мумкин. “Мишлен Гиди” маълумотномасини тузувчилар ресторатрларнинг белгиланган тўлови асосида бу ишларни амалга оширишмайди. Ушбу гид ресторанларнинг рейтингини ёки савдо ва реклама мақсадида ташкил этилмаган.

Такидлаш жоизки ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун туризм хизматларини ўзига хос хусусиятлари ва уларни ривожлантиришда умумий овқатланиш корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жаҳон тажрибасини қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистонда умумий овқатланиш корхоналари фаолияти, тури тоифаси, ихтисослашганлиги ва улар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш ҳамда улар тамонидан кўрсатиладиган хизмат турларидан фойдаланиш учун:

-юлдузлар тизимини ишлаб чиқиш;

-турли аҳоли қатламлари учун овқатланиш корхоналари таркиби тўғрисида маълумотномаларни ишлаб чиқиш;

-кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва тайёрланадиган миллий таомлар ассотименти тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва туристларнинг айрим турлари учун парҳез таомлар тақдим этувчи овқатланиш корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-туристик шаҳарларда ташкил этилган дунёга машҳур ошхоналар (вегетарианча, славян, хитой ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-овқатланиш корхоналарининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва доимий мижозлари учун чегирмалар бериш тизимини жорий этиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. http://www.uza.uz/ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 05.02.2018.

2. “Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари” Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.

3. http://www.stat.uz/

4. http://www.google.com/

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

Яҳёхонов Н.Б. - СамИСИ таянч докторанти

Аннотация. *Ушбу мақола хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда рақамли маркетингдан фойдаланиш таҳлилига бағишланган бўлиб, унда жаҳондаги рақамли тенденциялар статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *хизмат кўрсатиш, Электрон ҳукумат, рақамли тенденция, рақамли маркетинг, Интернет, рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқ, электрон тижорат.*

Аннотация. *Данная статья посвящена анализу использования цифрового маркетинга в развитии сферы услуг, в котором цифровые тренды в мире анализируются на основе статистических данных.*

Ключевые слова: *сервис, электронное правительство, цифровой тренд, цифровой маркетинг, Интернет, цифровые технологии, социальные сети, электронная коммерция.*

Abstract. *This article is devoted to the analysis of the use of digital marketing in the development of the service sector, in which digital trends in the world are analyzed on the basis of statistics.*

Keywords: *service, e-government, digital trend, digital marketing, Internet, digital technology, social networking, e-commerce.*

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимизнинг стратегик йўналиши сифатида қаралиб, 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми 20 фоизга ўсди[29]. Шунингдек, ҳукуматимиз рақамли хизматлар улушини босқичма-босқич ошириш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш ва сифатли алоқа ва интернет хизматлари қамровини ҳамда «Электрон ҳукумат» тизими хизматларидан фойдаланиш кўламини кескин кенгайтириш борасидаги долзарб вазифаларни юклади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи корхоналар ўсиб бораётган рақамли иқтисодиёт тенденциялари натижасида рақамли маркетинг фаолиятида бир қатор муаммоларга ҳам дуч келаётганлиги кузатилмоқда. Булар жумласига мураккаб (рақамли) бозорнинг тез ўсиб бораётганлиги ҳамда ундаги назоратни олиб боришдаги бир қатор ечилиши керак бўлган масалаларни келтириш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи корхоналарнинг аксарият қисми рақамли технологиялар имконияти ҳақида тўлиқ тасвирга эга эмаслар, яъни веб-сайтлар ва бошқа платформаларга савдо ҳажмини оширишга қаратилган маркетингнинг оддий инструментлари сифатида қарашмоқда. Шунингдек, улар ёрдамида Интернет муҳитидаги истеъмолчиларни жалб қилиш билан чекланади деб хулоса беришмоқда.

Шундай бўлсада, жаҳонда рақамли тенеденциялари юқори суръатада ошиб бормоқда (1-расм) ва унда ижтимоий тармоқларнинг кўрсаткичлари юқори бўлмоқда.

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 27.01.2022 йилдаги ПҚ-104-сон қарори. https://lex.uz/uz/docs/5840284 (мурожаат санаси: 01.03.2022 й.)



1-расм. Жаҳондаги рақамли технологияларнинг 2021 йил кўрсаткичлари[30]

1-расмда келтирилган кўрсаткичлар мобил иловалар фойдаланувчиларнинг улуши (аҳоли сонига нисбатан 66.6%) етакчилик қилаётган бўлиб, фойдаланувчиларнинг Интернетда сарф этаётган вақти 6 соат 54 дақиқани, ижтимоий тармоқларда эса 2 соат 25 дақиқани ташкил этдмоқда[31].

Ўртача статистик ёшдаги фойдаланувчилар (16 ёшдан 64 ёшгача)нинг аксарият қисми Интернетга бўлган мурожаатларининг сабабини: маълумотларни қидириш (63,0%); яқинлари ва дўстлари билан мулоқот (56,3%); янгилик ва ахборотлардан хабардор бўлиш (55,6%); у ёки бу ишларни қандай бажариш (51,9%); видео, шоу ва филм томоша қилиш (51,7%); янги ғояларни қидириш (47,6%); маҳсулот ва брендларни қидириш (46,4%); мусиқа эшитиш ва юклаб олиш (46,3%); таълим олиш ва курсларга қатнашиш (42,6%); саёҳат учун жой ва вакансия қидириш (38,7%); соғлиққа тааллуқли маълумотлар ва воситаларни қидириш (36,3%); молиявий бошқарув (35,2%); ўйин ўйнаш (32,2%); бизнес билан боғлиқ қидирувлар (30,7%); янги инсонлар билан танишиш (29,9%) кабилар деб кўрсатишмоқда[32].

Рақамли технологиялар кун сайин ошиб бориши билан тадбиркорлик фаолияти учун бир қатор янги имкониятлар очиб борилмоқда. Маркетингнинг анъанавий ёндашувлари каби, рақамли муҳитдаги маркетинг ёндашувларининг асосий масалаласи истеъмолчилар эътиборини жалб қилишдир. Интернет муҳити бугунги кун тадбиркорлик фаолияти учун энг оптимал коммуникация канали сифатида қўлланилиб келаётган бўлсада, Интернетдаги аккаунтларининг блокка олиниш сабаблари турлича бўлиб, уларнинг таркиби қуйидагичадир:

Интернетда рекламанинг ҳаддан ташқари кўплиги (22,3%);

эълонларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ва безор қилиши (22,3%);

---

[30] DIGITAL 2021. Жаҳондаги рақамли технологиялар ҳақида йиллик тақдимоти асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. https://datareportal.com/reports/digital-2021-global-overview-report (мурожаат этиш санаси 08.02.22 й.)

[31] DIGITAL 2021. Жаҳондаги рақамли технологиялар ҳақида 2021 йил кўрсаткичлари. https://datareportal.com/reports/digital-2021-global-overview-report (мурожаат этиш санаси 08.02.22 й.).

[32] Ўша манбаадан.

рекламанинг ҳаддан ташқари такрорланиши (19,9%);
реклама экраннинг аксарият қисмини эгаллагани (16,7%);
эълонлар баъзан вирус ва хатоликка эга бўлиши (16,5%);
саҳифа юклаш вақтини олиб қуйиши (14,6%);
видео ёки шоуларни кўришдан олдин қуйилиши (13,3%);
ҳар қандан оффлайн ва онлайн рекламалардан қочиш (13,0%);
эълонларнинг онлайн махфийликка таъсир кўрсатиши (11,2%);
шахсий маълумотларни ишлатилишидан сақлаш (10,5%) кабилардир.

Тадбиркорлар ўз фаолиятида рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланишдаги асосий устуворликка бир қатор омилларни келтирш мумкин. Улар орасида рақамли технологиялар, концепциялари ва истеъмолчилар хулқ-атворига тегишли бўлган ёндашувларнинг асосларини кўриш мумкин. Яъни:

– ROI таъминлаш. Жорий йилда пандемия таъсирини камайтириш ҳамда келтирилган зарарни қоплаш мақсадида ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни оптимал канал сифатида тан олинмоқда. Бу орқали нафақат, узоқ муддатли лояллик (содиқлик), балки янги қарашлар, ёндашувлар ва технологик форматлар орқали онлайн-мижозларнинг тажрибасини шакллантириш сиёсати ҳам мавжуддир;

– брендларни ижтимоий мулоқот орқали силжитиш. Яъни, брендлар Интернет муҳитини сотишни амалга оширишдагина қулай деб билишади, аслида ўзларининг истеъмолчилари билан Интернет муҳитидаги мулоқотини ташкил этган брендлар қолганларга нисбатан ижобий натижани кўрсатишмоқда;

– ижтимоий тармоқлардаги мезонлар. 2020 йил рақамли маркетингни олдидаги вазифаларини янада мукаммаллаштирди ҳамда мижозларни ёш ва қараш (стереотип)лардан ташқари рақамлашган демографик сегментлашни қўллаш кераклигини исботлади;

– истеъмолчларнинг шахсий жиҳатлари билан ишлаш. Бунда рақамли технологиялар орқали истеъмолчиларнинг шахсий ўзига ҳос уникал жиҳатларини аниқлаштирилгандан сўнг самарали мулоқот ўрнатиш мумкинлиги белгиланди;

– брендлар мулоқотни ижтимоий рақамли платформалар орқали эмас, балки жонли мулоқот билан коммуникацияга киришлари тўғридир. Яъни Интернет муҳит истеъмолчиларга тегишли маълумотнигина беради, брендларнинг истеъмолчилар билан жонли равишда олиб борилиши кўпроқ самара бераётганлигини исботламоқда.

Дарҳақиқат, электрон тижоратга жалб этилган истеъмолчилар рақамли технологиялар асосида олиб бораётган харакатлари турли салоҳият ва мезонларга эгадир, лекин бугунги кун рақамли истеъмолчининг рақамли муҳитдаги фаолияти, масалан товар ёки хизматни сотиб олиш мақсадида рақамли муҳитдаги харакат қилувчи фойдаланувчилар улуши 81,5%ни ташкил этса (2-расм), товар ёки хизмат кўрсатувчининг веб-сайтига тўғридан-тўғри мурожаати 90,4% ва мобил иловалардан харид қилишда фойдаланиш 69,4% бўлганлиги эътиборлидир.



2-расм. 2021 йил якунида товар ёки хизматлар категорияси бўйича истеъмолчиларнинг глобал рақамли муҳитда сарфлаган харажатлари[33]

Шунингдек, 2-расмда келтирилган кўрсаткичлар орқали молиявий технологияларнинг жалб этилиши таркибида молиявий институтлар томонидан очилган ҳисоб счётлари (68,5%), кредит карталар (18,4%), мобил иловалар томонидан ҳисоб счётлари (4,4%) ва онлайн тўлов счетлари (29,0%) орқали амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин. Албатта бунда истеъмолчиларнинг рақамли тўловларни амалга ошириш салоҳиятини ошаётганлигидан дарак беради, масалан: 2021 йилда рақамли тўловларни амалга ошираётган истеъмолчиларнинг сони 3,47 миллионга етган бўлиб, жами рақамли тўловларнинг ҳажми 4,93 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса 2020 йилга нисбатан 24%га ошганлигини ҳамда ҳар бир истеъмолчи ўртача 1421 АҚШ долларлик харид қилганлигини кўрсатмоқда[34].

Глобал рақамли бозордаги кузатувлар истиқболда истеъмолчилар учун аҳамиятли мезонларни ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар қаторига:

– харидни онлайн, яъни жонли эфирда амалга ошириш имкониятига кўпроқ ҳохиш билдиришмоқда. 2021 йилда Хитойнинг ўзидагина жонли эфир орқали харидларнинг ҳажми 449,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бундай ёндашув истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга янада яқинлаштириб, ундаги асосий мақсад истеъмолдаги диссонанс (шубҳа)ни бартараф этишга қаратилгандир;

– ижтимоий тармоқларда истеъмолчилар томонида тадқиқот олиб бориш орқали “омниканалли харидлар”нинг улуши ошиб бормоқда. Бунда

[33] DIGITAL 2021. Жаҳондаги рақамли технологиялар ҳақида йиллик тақдимоти асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. https://datareportal.com/reports/digital-2021-global-overview-report (мурожаат этиш санаси 08.02.22 й.)

[34] DIGITAL 2021. Жаҳондаги рақамли технологиялар ҳақида йиллик тақдимоти асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. https://datareportal.com/reports/digital-2021-global-overview-report (мурожаат этиш санаси 08.02.22 й.)

товар ва хизматлар ижтимоий тармоқларнинг ўрни ва аҳамияти кун сайин кенгайиб бораётганлигини, шу ўринда Ўзбекистон ижтимоий тармоқларга уланишлар ичида дунё бўйича бешинчи ўринга чиққанлиги (2021 йилда ижтимоий тармоқларга янги уланганлар сони 1400 минг кишини ташкил этди) ва йиллик ўсиш кўрсаткичи 43,8% эканлигига эътиборни қаратиш мумкин;

– мукофотли харидларга нисбатан мойилликнинг кузатилиши. Бунда харидорлар нафақат товар ёки хизматларнинг қимматдорлигига, балки шахсий форматдаги юқори сифатни ҳам талаб этишаётганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган рақамли муҳитда истеъмолчилар томонидан белгиланаётган устуворликлар рақамли маркетинг олдига янада тезкор ва креатив вазифаларни бажариш кераклигидан дарак беради.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА САВДОНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Мукимова Ў.Т.- СамИСИ, таянч докторанти
Худойбердиев У.- СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация: *Ушбу мақолада Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаси борасида амалга оширилаётган ишлар ва савдо хизматлари соҳасининг аҳамияти, ривожланиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида маълумотлар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар бериб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Хизмат кўрсатиш соҳаси, ЯИМ, савдо, савдо хизматлари, солиқ, истеъмолчилар ҳуқуқлари*

Аннотация: *В данной статье представлена информация о проводимой работе в сфере услуг в республике и о важности, развитии и существующих проблемах в сфере торговых услуг и предложениях по их решению.*

Ключевые слова: *сфера услуг, ВВП, торговля, торговые услуги, налоги, права потребителей.*

Annotation: *This article provides information on the work being done in the field of services in the Republic and the importance, development and existing problems in the field of trade services and proposals for their solution.*

Keywords: *Service sector, GDP, trade, trade services, taxes, consumer rights*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиб, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинди. Тараққиёт стратегиясида мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаси каби, хизматлар кўрсатиш соҳасини ҳам ривожлантириш режалаштирилган. Хизматлар турлари жуда кўп бўлиб, уларни йўлга қўйиш катта маблағ талаб қилмаслиги, хизматларнинг дархол реализация бўлиши ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида катта ҳиссани ташкил этади. АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг(ялпи ички маҳсулотнинг) 70 %ини хизматлар соҳасига тўғри келади.

Мамлакатимизда транспорт, савдо, молия, туризм, суғурта, алоқа,

соғлиқни сақлаш, кўчмас мулк, таълим хизматлари юқори суратлар билан ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда 2021 йилда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга кўпайган. Хизмат турларида савдо хизматлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, катта ҳиссани ташкил этади. Савдо хизматларининг муҳим аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

- Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот савдо хизматлари натижасида харидорга сотилиб, истеъмол қилинади. Бунда ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилган ҳаражатларини қоплаб, маълум даражада даромад ҳам олади. Давлат бюджетига келиб тушган солиқлар реал бўлади. Демак ишлаб чиқарувчилар фаолиятини яна давом эттириш имконияти яратилади.

- Аҳоли пул тариқасида олган даромадларини истеъмолга керакли товарларга савдо орқали алмаштиради. Демак савдо хизматлари пул муомиласига ва аҳоли кайфиятига жиддий таъсир кўрсатади.

- Савдо хизматлари аҳоли турмуш тарзига таъсир кўрсатади. Телевизорларнинг хонадонларга этиб бориши аҳолининг маънавий-маърифий даражасига, чанг ютгич ва кир ювиш машиналари эса аёлларнинг оғир ишини энгиллаштирди, кондиционер қишда ҳавони иситиб, ёзда эса совутиб, хонадонда қулай яшаш шароитини яратди, мобил телефонлар эса алоқаларни енгиллаштириб, узоқни яқин қилиб қўйди. Хуллас савдо хизматлари ҳажмининг кўпайиши аҳоли даромадларининг кўпайиши ва турмуш даражасининг яхшиланаётганидан далолат беради.

1-жадвал

Ўзбекистонда савдо хизматларининг 2015-2020 йилларда ривожланиши

№	Йиллар / Кўрсаткич-лар	2015	2017	2018	2019	2020	2020 й 2015 й Нисба-тан%
1.	Хизматлар жами	88587,6	11811,0	150889,8	193697,8	219978,5	248,3
2.	Савдо хизматлари: a) Суммада b) Хиссаси, %	21051,1 23,7	32006,9 26,9	39743,4 26,4	48748,2 25,2	57572,7 26,2	273,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизматлар кўрсатиш ҳажми ушбу даврда юқори суръатлар билан ўсган, яъни 2020 йил 2015йилга нисбатан 248,5 фоизга кўпайган. Савдо хизматлари ҳажми эса барча хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан юқори суръатда ривожланиб, 2020 йил 2015 йилга нисбатан-273,5 фоизга кўпайган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Хизматлар тури жуда кўп бўлишига қарамасдан, савдо хизматлари асосийларидан бири бўлиб, барча хизматлар ҳажмида 25 фоиздан кўпроқ хиссани ташкил этмоқда.

Мамлакатда хизматлар, жумладан савдо хизматларининг янада ривожланишида Республика Президентининг 2022 йил 27 январдаги

“Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳум аҳамиятга эга. Бу қарорга асосан “йирик туман ва шаҳарларда савдо комплекслари ҳамда ҳудудий савдо-логистика марказлари”ни ташкил этиш, йирик савдо ва кўнгилочар хизмат кўрсатиш объектларини кўпайтириш, савдонинг прогрессив турларига аҳамият бериш лозимлиги кўрсатилган. Бунинг учун хизмат кўрсатиш шу жумладан савдо хизмат кўрсатувчи субъектларга солиқ тўловларидан, божхона божлари тўловларидан, кредит олишларда имтиёзлар берилган. Йирик шахарларда асосий кўчаларни туни-кун 24 соат савдо хизмати кўрсатадиган ва кўнгилочар хизматлар кўрсатадиган кўчаларга айлантириш, у ерларда хавфсизлик чораларини кўриш белгиланган.

Бугунги кунда савдо хизматларини курсатувчи савдо марказларида учраётган муаммолардан айримлари қуйидагилардан иборат;

- ишлаб чиқарилган муддати кўрсатилмаган истеъмол товарларини сотувда учраётганлиги;
- яроқлилик ва истеъмол муддати ўтган товарлар савдода мавжудлиги;
- баъзи бир ҳолатларда савдо ҳодимларининг етарли даражада маълумотга эга эмасликлари истеъмолчиларга тўғри танлов қилиш қобилиятига таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган ва бошқа савдо соҳасида учраётган ҳолатлар истеъмолчилар соғлигига ва мол мулкига салбий таъсир кўрсатувчи жиддий муаммолар ҳисобланади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун савдо соҳасида фаолият юритаётган савдо ҳодимлари, ишлаб чиқарувчилар ҳамда таъминотчилар товарни етказиб беришда, қабул қилишда ва савдо жараёнига йўналтиришда юқоридаги ҳолатларга эътибор қаратишиб фаолият юритишса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бир қаторда истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни ва бошқа қоидаларни ўрганиб чиқишсалар, шунингдек бу маълумотлардан керакли вақтда фойдалана олишса ва таълуқли жойга мурожат қила олишсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги қарори. “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Халқ сўзи газетаси № 20-21 2022 йил 29 январь.
2. Шарифов Ш.С, Шарипов С.Б. “Инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг хориж тажрибаси”. Сервис журнали. 2021 йил №4.
3. Худайбердиев У., Холиқулов А.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва муаммолари. Монография. Самарқанд, СамИСИ, 2020й
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси тегишли йиллар маълумотлар статистик тўпламлари.

O‘ZBEKISTON OZIQ-OVQAT SANOATINING RIVOJLANISHI

Xudoyberdiyev U.X. - SamISI dotsenti, i.f.n.
Abdukadirova N.A. - SamISI “Iqtisodiy tahlil va statistika” kafedrasi o’qituvchisi

Annotasiya: *maqolada aholi soni ko‘payib borayotgan bir sharoitda oziq-ovqat mahsulotlarini yetishtirish va ular bilan aholini to‘liq ta’minlash, aholining yuqori sifatli va xavfsiz oziq-ovqatmahsulotlari bilan bilan bog’liq muammolar yoritilgan.*

Kalit so’zlar: *Oziq –ovqat sanoati, investitsiya. klaster usul, Oziq-ovqat mahsulotlari,ishlab chiqarish hajmi, import*

Аннотация: *В статье рассматриваются проблемы выращивания и полноценного обеспечения населения продовольствием в условиях растущего населения, качественных и безопасных продуктов питания.*

Ключевые слова: *Пищевая промышленность, инвестиции. кластерный метод, продукты питания, производственные мощности, импорт*

Annotation: *The article deals with the problems of growing and fully supplying food to the population in a growing population, high quality and safe food.*

Keywords: Food industry, investment. cluster method, food products, production capacity, imports

Oziq –ovqat sanoati inson hayoti uchun zarur bo‘lgan go‘sht-sut, yog‘-moy, un-non, makaron, meva-sabzavot sharbatlari,shakar turli tuman ichimliklar qandolatchilik mahsulotlari ishlab chiqaradigan korxonalar majmuini o‘z ichiga oladi.

Butun dunyoda aholi soni ko‘payib borayotgan bir sharoitda oziq-ovqat mahsulotlarini yetishtirish va ular bilan aholini to‘liq ta’minlash global muammolardan biridir.

O‘zbekiston mustaqilligining dastlabki yillaridan ijtimoiy yo‘naltirilgan o‘ziga xos bozor munosabatlari tanlab,barcha soxalarda keng ko’lamli izchil islohotlarni amalga oshirdi. Bunda aholining yuqori sifatli va xavfsiz oziq-ovqatmahsulotlari bilan ta’minlash mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yo’nalishlaridan biri etib belgilandi. Bu borada oziq-ovqat sanoati uchun asosiy xom ashyo manbai bo’lgan qishloq xo’jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilarining mustaqilligini ta’minlash chora-tadbirlari amalga oshirildi. “Fermer xo’jaligi to’g’risida” , “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to’g’risida”gi qonunlar dehqon fermer xo’jal;iklarining iqtisodiy va moliyaviy mustaqilligini ta’minlash qishloq xo’jaligi mahsulotlari hajmini ko’paytirish uchun mustahkam huquqiy asos yaratadi.

2019 yilda Davlat investitsiya dasturiga kiritilgan 16 ta, qo’shimcha 139 ta loyiha amalga oshirilib, jami 260million dollar, jumladan 132 million dollar to’g’rudan to’g’ri xorijiy investitsuya mablag’lari o’zlashtirildi. Natijada faqat “O’zbekoziqovqatxolding” tarkibidagi korxonalar tomonidan 2019 yilda jami 400 milliard so’mdan ziyod import o’rnini bosuvchi oziq-ovqat mahsulot ishlab chiqarildi. Keyingi yillarda oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. “O’zbekoziqovqatxolding” kompaniya tarkibidagi 46 ta korxona ISO 9001 “Sifatmenejmenti tizimi”, 36 tasi Iso 22000 “Oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizlik menejmenti tizimi ”, 4 tasi esa 18001 “Sog’liqni muhofaza qilish va mehnat

xavfsizligini ta’minlash menejmenti” xalqaro standartlariga ega.

Mamlakatimizda aholini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash maqsadida, ularni ishlab chiqarish hajmi yildan yilga ko’paytirmoqda. Agarda oziq-ovqat sanoati tomonida 2014 yil 11389.4 mlrd somlik mahsulot ishlab chiqarilgan bo’lsa, bu ko’rsatkich 2020 yilda 51683.7 mlrd so’mga yetkaildi ya’ni 4.5 baravardan ko’proq.

Oziq-ovqat mahsulotlari asosiy turlari ishlab chiqarilishining natura ko’rsatkichi bo’yicha rivojlaniosh quyidsagi jadvalda ifodalangan.

Oziq-ovqat mahsulotlarining asosiy turlari bo’yicha ishlab chiqarish

t/r	Mahsulot nomlari	O’lchov birliklari	Yillar				2020yil 2014yilga nisbatan
			2014	**2015**	**2016**	**2020**	
1	Go’sht va go’sht mahsulotlari	Ming t	221.1	283.3	287.2	189.9	85.9
2	Sut va sut mahsulotlari	Ming t	375.1	464.5	546.3	589.7	157.2
3	Pishloq va brinza	Ming t	5.7	7.5	11.6	10.3	180.7
4	Konservalar mln	shartli banka	544.6	658.7	946.9	977.2	179.4
5	Mol yog’i	Ming t	10.4	11.5	13.1	11.0	105.7
6	O’simlik yog’i	Ming t	230.0	223.1	223.6	181.9	79.1
7	Shakar	Ming t	425.5	500.4	535.0	188.8	44.3
8	Gazlangan suvlar	Ming t	17196.5	14562.8	18927.0	18766.8	109.1
9	Ma’danli suvlar	Yarim litr	350.2	478.5	453.7	731.2	208.7
10	Kolbasa mahsulotlari	Tonna	27335.9	36431.1	43554.6	38127.4	139.5
11	Non va non mahsulotlari	Ming t	1084.5	1269.9	1575.3	1405.0	129.6
12	Qandolat mahsulotlari	Ming t	59.2	116.1	141.5	95.2	160.8
13	Makaron mahsulotlari	Ming t	93.0	125.7	125.0	121.7	130.8
14	Un	Ming t	1979.3	2062.3	2268.2	3509.8	177.3
15	Yorma	Ming t	33.8	36.9	43.3	66.0	195.3
16	Aroq va likyor mahsulotlar	Ming t	15.0	15.1	15.4	13.4	89.3

Jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki deyarli barcha oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi bo’yicha ushbu davrda ko’payishga errishilgan. Ayniqsa sut va sut mahsulotlari (1572%), pishloq va brinza (1807%) va konservalar(179,4%), hamda qandolatmahsulotlarining ishlab chiqarish hajmimning yuqori sur’atlar bilan rivojlanayotganligi tahsinga loyiq.

Shu bilan bir vaqtda aholi ko’p iste’mol qiladigan asosiy oziq- ovqat mahsulotlari (85 %) hamda o’simlik yog’larini (79,1%) ishlab chiqarish 2020 yilda 2014 yilga nisbatan kamayib ketishi juda ko’p omillarga bog’liq bo’lsada, salbiy

holat deb baholash lozim. Go’sht va go’sht mahsulotlarini ishlab chiqarishning kamayib ketishiga asosiy sabablar chorva mollarini boqib semirtirish uchun foydalaniladigan yemlar narxining qimmatligi, bir necha yil bahor qurg’oqchilik kelganligi sababli o’t-o’lanlarmimg yaxshi o’smaganligi natijasida dehqon xo’jaliklarida chorva tuyoq sonlarinig kamayib ketganligidir. Go’sht va go’sht mahsulotlarini ko’paytirrish, hamda aholini bunday mahsulotlar bilan arzonroq narxlarda ta’minlash uchun quyidagi choralarni ko’rish lozim deb o’ylaymiz:

Birinchidan, zotdor chorva mollari boqiladigan komplekslar sonini ko’paytirish lozim;

Ikkinchidan, yem va omuxta ishlab chiqarishni ko’paytirib, narxini pasaytirish lozim. Buning uchun yem ishlab chiqaradigan korxonalarga imtiyozlar berilishi kerak;

Uchinchidan, oila xo’jaligida tovuq, kurka, quyon kabi go’sht beradigan hayvonlarni boqish rag’batlantirish lozim;

To’rtinchidan, go’sht narxini arzonlashtirish maqsadida, Rossiya, Qozog’iston kabi mamlakatlardan go’sht va go’sht mahsulotlarining import hajmini ko’paytirish lozimbo’ladi.

O’zbekistonda o’simlik yog’I asosan paxta chigitidan va kungaboqar donidan olinadi. O’simlik yog’ini ishlab chiqarishning 2020 yilda 2014 yilga nisbatan4801 ming tonnage ya’ni 20,9 foizga (79,1%) kamayib ketishiga asosiy sabablar: birinchidan, mamlakatda paxta ekiladigan maydonlarning qisqarganligi sababli paxta xom ashyosining shu bilan birga chigit hajmining kamayganligidir;

Ikkinchidan, kungaboqar doni Rossiya va Qozog’istondan import qilinadi. Koronaviruspandemiyasi sababli cheklovlar (karantin) qabul qilinganligi sababli, kungaboqar donining importi kamayganligidir.

Hisob-kitoblarga qaraganda , mamlakatimizda ishlab chiqarilayotgan o’simlik yog’ining hajmi, aholi iste’molining 50 foizini ta’minlaydi, qolgan qismi import hisobidan qoplanadi. Mamlakatimizda o’simlik yog’ini ishlab chiqarishni ko’paytirish uchun imkoniyatlar majud. Buning uchun soya va zaytun ekishni tashkil etish lozim. Soya joy tanlamasligi sababli barcha viloyatlarda yetishtirish mumkin. Xozirgi paytda Fargona, Andijon, Namangan, Toshkent, Samarqand viloyatlarida soya yetishtirish yo’lga qo’yilgan. Ma’lumotlarga qaraganda 2021 yili 140 ming gektar maydonga soya ekilib, 192 ming tonna soya doni olish rejalashtirilgan. Bu hajmdagi soya donidan 35 ming tonna soya yog’i va 145 ming tonna shrot ishlab chiqariladi. Zaytun issiqsevar bo’lganligi sababli, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarida ekilayapti. Zaytun yog’i juda shifobaxsh bo’lib, qimmatbaho hisoblanadi. Zaytun mevasidan yog’ va chorva ozuqasi uchun kunjara olinadi. Zaytun yog’ini ishlab chiqarishni klaster usulida tashkil qilish lozim. Bunda zaytun plantasiyalari bor joylarda yog’ ishlab chiqaruvchi zavodlarni tashkil etish (qurish) lozim bo’ladi. Mamlakatimizda soya va zaytun ko’paytirish ijobiy natijalarga olib keladi:

Birinchidan, mamlakatimizda ishlab chiqariladigan o’simlik yog’i hajmi ko’payadi, natijada aholining sifatli o’simlik yog’iga bo’lgan talabi ko’proq ta’minlanadi;

Ikkinchidan, o’simlik yog’ini import qilish hajmi qisqaradi, natijada

valyuta(oltinimiz) tejaladi;

Uchinchidan, soya va zaytun yetishtirish, ular donidan yog’ ishlab chiqarishda ish o’rinlari paydo bo’lib, ishsizlar (ayniqsa qishloq joylarda) ish bilan band bo’ladi, hamda daromadga ega bo’ladi. Mamlakatimizda oziq-ovqat sanoati ishlab chiqarish uchun asosiy xom ashyo bazasi bo’lgan qishloq xo’jaligini rivojlantirishga katta e’tibor berilmoqda. Yangi O’zbekistonning 2022-2026 yillarga mo’ljallangan taraqqiyot strategiyasida qishloq xo’jaligi ekinlari ekiladigan maydonlardan samarali foydalanish, intensive usulni qo’llash, hosildorlikni oshirish natijasida oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish ham ko’payadi, aholini sifatli mahsulotlar bilan ta’minlash yaxshilanadi.

ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИНСОН ХАЁТИДАГИ ЎРНИ

Каланова М.Б. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Каланова М.Б. - СамДУ мустақил изланувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада, мамлакатимиздаги яшаш ва овқатланиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда уларнинг аҳолига соғлом овқатланишни ташкил этишдаги ўрни, бугунги кунда қай даражадалиги ёритилган. Бундан ташқариш соғлом овқатланишда, инсон организми учун керакли моддаларнинг миқдори ҳақида статистик маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *овқатланиш корхоналари, соғлом овқатланиш, ёғ, углевод, оқсил, витамин, диет кафе.*

Annotation: *This article describes the enterprises of housing and catering services in the country and their role in the organization of healthy eating for the population, the current level. In addition, there are statistics on the amount of nutrients needed by the human body in a healthy diet.*

Keywords: *catering establishments, healthy eating, fat, carbohydrate, protein, vitamins, diet cafe.*

Аннотация: *В этой статье сегодня освещается роль предприятий, занимающихся предоставлением услуг по проживанию и питанию в нашей стране, а также их роль в организации здорового питания населения. Далее представлен анализ статистических данных о количестве веществ, необходимых человеческому организму при здоровом питании.*

Ключевые слова: *предприятия общественного питания, здоровое питание, жиры, углеводы, белки, витамины, диетическое кафе.*

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида аҳолининг сони кўпайб борган сари аҳолининг бандлиги ҳам ўсиб бораётганлиги учун умумий овқатланиш корхоналарига бўлган талаб ҳам ўз-ўзидан ошиб бормоқда.

Умумий овқатланиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар мамлакатимиздаги энг муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Унинг долзарблиги шундаки, хизматлар аҳоли учун кўрсатилади. Ҳозирда барчамиз кафе, ресторан ва емакхоналарда овқатланишга одатланганмиз.[1] Биз бу масканларда тантана, шодиёналар, тўй маросимларини ташкил этишга одатланганмиз. Жаҳонга машҳур бўлган ўзбек миллий таомларининг сони хилма-хилдир. Узоққа бормайлик, 5 йил пархез (диет кафе) умумий овқатланиш

корхоналарини жуда камдан-кам учратар эдик. Бугунги кунга келиб, бундай овқатланиш корхоналарини ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, инсонларни тоифаларга бўлган ҳолда умумий овқатланиш корхоналарининг турлари ҳам ортиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Яшаш ва овқатланиш бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони[35]

Кўрсаткичлар	*01.01.2021 й.*	*01.01.2022 й.*	*Ўсиш суръати %*
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	30111	33104	109,9

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда яшаш ва овқатланиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарниг сони 2021 йил 1 январ ҳолатига 30111 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 33104 тани ташкил этганини кўришимиз мумкин. Ўтган йилга нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатаётган корхоналар сони 2993 тага кўпайганини, ўсиш суръати эса 109,9 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Бу албатта инсонларнинг яшаш ва овқатланиш корхоналарига бўлган эҳтиёжларини ошаётганлигидан далолат бермоқда.

Овқатланиш хизматларига эҳтиёжнинг ортиши, овқатланиш корхоналари олдидаги маъсулиятни янада оширади. Бугунги кунда аҳолининг соғлигини сақлаш ҳамда уларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш, бугунги куннинг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ёшини, жинсини, меҳнат фаолиятини ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда соғлом овқатланишнинг илмий концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, овқатланиш корхоналарида таомларни тайёрлаш ҳамда соғлом овқатланишни ташкил этишда шу концепция асосида амалга оширилиши зарур.

Ҳозирги вақтда овқатланиш корхоналари орасида соғлом овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхона (диет кафе)лар кўпаймоқда. Бундай корхоналарнинг кўпайиши, аҳолини соғлом овқатланишни ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Чунки бундай овқатланиш корхоналарида инсон организми учун муҳим моддаларнинг суткалик эҳтиёжларини ўрганган ҳолда уларнинг ёшига, жинсига, саломатлигига ҳамда шуғуланаётган касбига қараб менюлар тузилади. Инсон организми учун керакли бўлган углеводлар, минераллар, оқсиллар, ёғлар, витанминларга бўлган суткалик эҳтиёжи бўйича овқатланиши лозим.

Инсоннинг кундалик истеъмолида оқсил, ёғ, углеводлар ва витаминлар муҳим ўринга эга. Масалан инсоннинг истеъмол қиладиган озиқ-овқатларининг 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши лозим бўлиб, бу эса инсонларни витаминларга бўлган эҳтиёжини қондиришда хизмат қилади. Айнан инсон организмида бирон-бир жараён витаминларсиз содир бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир моддолар инсон организми учун ўта аҳамиятли ўринга эга. Инсон

[35] www.stat.uz.

организми учун керакли моддаларга бўлган эҳтиёжи бўйича статистикаси ўрганилиб, қуйидаги 2-3-4-жадвалларда таҳлил қилинган.[2]

2-жадвал

Аҳолини жинси, ёшига кўра оқсилларга бўлган суткалик эҳтиёжи[36]

Ёши, жинси	*Оқсилларга бўлган эҳтиёжи, гр.*	
	жами	*шу жумладан ҳайвон оқсиллари*
Эркаклар:		
18-29	91	50
30-39	88	48
40-59	83	46
Аёллар:		
18-29	78	43
30-39	75	41
40-59	72	40

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инсоннинг оқсилга бўлган эҳтиёжини энг юқори кўрсаткичи 18-29 ёшларда акс этган. Бунинг сабаби эса оқсил инсоннинг униб ўсишида, ривожланишида хизмат қилади. Бунда ҳайвон оқсилларининг ўрни ўта муҳим ҳисобланади. Демак ёшларни соғлом овқатланишини ташкил этишда, оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

3-жадвал

Аҳолини жинси, ёшига кўра ёғларга бўлган суткалик эҳтиёжи[37]

Ёши, жинси	*I*	*II*	*III*	*IV*	*V*
Эркаклар					
18-29	103	110	117	136	258
30-39	99	106	114	132	150
40-59	93	101	108	126	143
Аёллар					
18-29	88	93	99	116	-
30-39	84	90	95	112	-
40-59	81	86	92	106	-

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инсонларнинг жинсига ёшига қараб ҳам ёғларга бўлган эҳтиёж турлича. Ёғлар асосан инсонга энергия манбаи сифатида хизмат қилади. Ёғлар орасида инсон учун ўсимлик мойларини ўрни алоҳида ҳисобланади.

[36] www.stat.uz

[37] www.stat.uz

4-жадвал

Аҳолини жинси, ёшига кўра углеводларга бўлган суткалик эҳтиёжи[38]

Ёши, жинси	*I*	*II*	*III*	*IV*	*V*
Эркаклар					
18-29	378	110	117	136	258
30-39	365	106	114	132	150
40-59	344	101	108	126	143
Аёллар					
18-29	324	351	371	440	-
30-39	310	337	358	427	-
40-59	297	323	344	406	-

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инсоннинг кундалик углеводларга бўлган эҳтиёжи ёғларга ёки оқсилга бўлган эҳтиёжидан анча юқори. Шу сабабли, инсонларни соғлом овқатланишини ташкил этишда табиий маҳсулотлар таркибидаги углеводларни истеъмолини ташкил этиш зарур. Бунинг учун эса бундай овқатланиш корхона(диет кафе)ларда малакали мутахассислар томонидан хизмат кўрсатилиши талаб этилади.

Инсон организмида юқоридаги моддаларнинг етишмаслиги ёки ортиб кетиши инсоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Масалан оқсилнинг етишмаслиги инсоннинг ривожланишига, ўсишига салбий таъсир кўрсатиди. Сабаби, инсон организмнинг барча мушак тўқималари асосан оқсиллардан ташкил топган. Ёғларнинг инсон организмига етишмаслиги бош мия фаолиятини бузилиши, иммунитетининг пасайиб кетиши, яъни юқумли касалликларга тез чалиниши ҳолатлари кузатилади. Ушбу маълумотлар ёғларга ҳам таомларнинг оқсиллар каби алмашинмайдиган қисми сифатида қараш кераклигини тасдиқлайди. Углеводлар кундалик эҳтиёжда энг кўп истеъмол қилиниши лозим бўлган моддалардан ҳисобланиб, оқсил ҳамда ёғга нисбатан беш мартагача кўп истеъмол қилиниши мумкин. Углеводлар ҳам асосан инсонга энергия манбаи сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, углеводлар оқсиллар ва ёғлар алмашинувида иштирок этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Витаминлар инсон учун энг керакли озиқа ҳисобланиб, инсон организмида моддалар алмашинуви жараёнининг назоратчиларидир. Айниқса, улар касалликларга қарши чидамлиликни оширади, яъни иммунитетни мустаҳкамлайди. Ўсиш даврида витаминларга бўлган эҳтиёжини қондирилиши, унинг келажакда соғлом бўлиб ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Демак шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиздаги умумий овқатланиш корхоналари орасида соғлом овқатланиш хизматини ташкил этувчи овқатланиш корхона (диет кафе)лари алоҳида ўринга эга. Бундай овқатланиш корхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этишда, малакали мутахассислар томонидан соғлом овқатланишнинг илмий концепциясига асосланган ҳолда хизмат кўрсатилиши, аҳолининг соғлом турмуш тарзига ҳамда ушбу соҳанинг ривожланишида ўз хиссасини қўшади

[38] www.stat.uz

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон меҳнат ва бандлик 2015-2018 Т.:2019, 14 бет.
2. Шодмонов А.М., Хисамутдинов Р. «Ички касалликларда шифобахш овқатланиш». Тошкент. 2017 й. 175 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Тошкент Тиббиёт Академияси СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ – САЛОМАТЛИК МЕЗОНИ Каримов Ш.И. Тошкент. 2015й.
4. «Народные средства, применяемые при анемии». Источник: http://www.medinfo.ru
5. «Озиқ – овқат маҳсулотлари сифати ва ҳавфсизлиги» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни № 483 , 2018 й.
6. www.stat.uz.

ФОРМИРОВАНИЕ И ПРОЕКТИРОВАНИЕ КАЧЕСТВА ЭКСКУРСИОННЫХ УСЛУГ

Амриддинова Р.С.- доцент кафедры «Туризм», СамИЭС
Талибова А.Ю.- ассистент кафедры «Туризм», СамИЭС.

Аннотация: *В данной статье рассматривается процесс формирование и проектирование качества экскурсионных услуг.*

Ключевые слова: *менеджмент качества, политика в области качества, планирование качества, улучшение качества, качество экскурсионной услуги.*

Аннотация: *Ушбу мақолада экскурсия хизматлари сифатини шакллантириш ва лойиҳалаш жараёни муҳокама қилинади.*

Калит сўзлар: *сифат менежменти, сифат сиёсати, сифатни режалаштириш, сифатни ошириш, экскурсия хизматлари сифати.*

Abstract: *This article discusses the process of formation and design of the quality of excursion services.*

Keywords: *quality management, quality policy, quality planning, quality improvement, quality of excursion services.*

Согласно ISO 9000-2011 *менеджмент качества*—скоординированная деятельность по руководству и управлению экскурсионным предприятием применительно к качеству. Руководство и управление применительно к качеству обычно включает в себя разработку политики в области качества и целей в области качества, планирование качества, управление качеством, обеспечение качества и улучшение качества.

Политика в области качества — общие намерения и направление деятельности экскурсионного предприятия в области качества, официально сформулированные *высшим руководством. Высшее руководство* — лицо или группа работников, осуществляющих руководство и управление на высшем уровне.

Политика в области качества согласуется с общей политикой экскурсионного предприятия и обеспечивает основу для постановки *целей в*

области качества. Восемь принципов менеджмента качества, изложенные в ISO 9000-2011, могут служить основой для разработки политики в области качества. Цели в области качества — то, чего добиваются или к чему стремятся в области качества. Цели в области качества базируются на политике организации в области качества и устанавливаются для соответствующих подразделений и уровней организации.

Планирование качества — часть менеджмента качества, направленная на установление целей в области качества и определяющая необходимые операционные процессы и соответствующие ресурсы для достижения целей в области качества. Разработка планов качества может быть частью планирования качества.

Управление качеством — часть менеджмента качества, направленная на выполнение требований к качеству. В данном случае управление качеством направлено на достижение качества в процессе предоставления экскурсионных услуг.

Обеспечение качества — часть менеджмента качества, направленная на создание уверенности, что требования к качеству будут выполнены. Обеспечение качества включает общую подготовку предприятия, включающую совокупность организационной структуры, ответственности, процедур, процессов и ресурсов для осуществления общего руководства качеством услуг.

Улучшение качества — часть менеджмента качества, направленная на увеличение способности выполнить требования к качеству. Требования могут относиться к любым аспектам, таким как результативность, эффективность или прослеживаемость.

Результативность — степень реализации запланированной деятельности и достижения запланированных результатов.

Эффективность — связь между достигнутым результатом и использованными ресурсами.

Прослеживаемость — возможность проследить историю, применение или местонахождение того, что рассматривается. Например, если экскурсионные услуги были оказаны некачественно, то можно установить соответствующий процесс, в котором произошел сбой, и выявить исполнителя, ответственного за этот процесс.

Постоянное улучшение — повторяющаяся деятельность по увеличению способности выполнить требования.

Проанализировав множество определений термина «экскурсия» можно обнаружить некоторые расхождения в этих определениях, но все они не противоречат друг другу и раскрывают экскурсию с разных сторон. Исходя из того нами сделаны следующие выводы:

• экскурсионные услуги представляют собой особую деятельность субъектов туристской индустрии (туроператоров, турагентств, туристско-экскурсионных, экскурсионных организаций), а также физических лиц (экскурсоводов, гидов-переводчиков), имеющих необходимую квалификацию по разработке, организации и проведению экскурсий, направленную на удовлетворение познавательных, духовных, информационных, эстетических

потребностей экскурсантов;

• экскурсионные услуги могут представлять собой самостоятельный вид услуг, а могут не иметь самостоятельного значения и входить в набор услуг, оказываемых туристам в рамках туристского путешествия;

• в ряде случаев трудно отличить экскурсию от туристского путешествия.

В результате учета этих обстоятельств экскурсия в развернутом виде определяется *как коллективная (индивидуальная) поездка или прогулка, продолжительностью не более 24 часов с научно-образовательными или познавательными целями, во время которой осуществляется методически продуманный показ достопримечательных мест, объектов природы, памятников истории и культурного наследия в сопровождении рассказа гида-экскурсовода по предварительно утвержденному маршруту*; *это процесс передачи определенной суммы знаний, направленный на удовлетворение духовных, эстетических, информационных и других нематериальных потребностей туристов.*

Качество экскурсионной услуги определяется качеством технологического процесса проектирования экскурсии и формируется на следующих этапах данного процесса:

Творческий этап охватывает период проектирования от зарождения идеи новой экскурсии до разработки и утверждения ее текста. Он включает выбор тематики, маршрута и продолжительности экскурсии, изучение объекта (объектов) показа и рассказа, сбор и обработку информации по объекту (объектам), составление индивидуального текста экскурсии, формирование экскурсионного пакета, утверждение маршрута, подготовку контрольного текста экскурсии и «портфеля экскурсовода», методическую разработку проведения экскурсии, подготовку технологической карты, проведение контрольного «прогона экскурсии». Результатом этого этапа является утвержденный руководителем фирмы текст новой экскурсии, а ее качество во многом определяется выбранным объектом показа, текстом экскурсии и полнотой подбора информации в портфеле экскурсовода.

Организационный этап включает заключение договоров с партнерами (музеями, транспортными предприятиями и т.д.), расчет стоимости экскурсии, определение мероприятий по продвижению и продаже экскурсии. Результатом второго этапа является определение стоимости экскурсии и формирование экскурсионной группы. При этом на качество экскурсионной услуги влияют определение маршрута экскурсии, транспортных средств и мероприятий по продвижению экскурсии.

Контактно-информационный этап включает назначение экскурсовода с учетом категории экскурсантов, его знакомство с группой, адаптацию текста для сформированной экскурсионной группы, ознакомление группы с техникой безопасности на маршруте, передачу информации — аудиовизуальную часть экскурсии, т.е. озвучивание текста и показ экскурсионных объектов. На каждом из приведенных этапов проектирования экскурсии определяются свои субпроцессы (объекты) со своими критериями, соблюдение которых определяет

качество проекта экскурсионной услуги.

На качество подготовленного проекта экскурсионной услуги большое влияние оказывает тщательность подготовки технологической документации, которая согласно государственному стандарту включает технологическую карту экскурсии, контрольный текст экскурсии, материалы «портфеля экскурсовода», схему трассы маршрута транспортной экскурсии, список основных работников (количественный состав на каждом этапе), обеспечивающих оказание экскурсионных услуг, включая требования к образованию и профессиональной подготовке, инструкции для экскурсоводов (о правилах пользования снаряжением, правилах поведения в обычных и чрезвычайных ситуациях), инструкции для персонала, стандарты работы персонала, дополнительную информацию.

Разработанный проект и подготовленные информационные материалы подвергаются анализу специалистами с целью установления факта, что:

- характеристики проектируемой услуги обеспечивают безопасность для жизни и здоровья экскурсантов и охрану окружающей среды;
- требования к процессам проектирования экскурсии соответствуют запроектированным характеристикам услуг;
- методы контроля качества обеспечивают объективную оценку характеристик процессов обслуживания.

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ

Хамроев М. – СамИСИ PhD, доц.в.б.

Аннотация: *Мазкур мақолада суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, хусусан узоқ муддатга ҳаётни суғурталаш амалиётини ривожлантириш масалалари ёритиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *суғурта, хаёт суғуртаси, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси, инвестицион маблағлар, кафолатлаш жамғармаси.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы усиления защиты прав потребителей и других субъектов страховых услуг, повышения страховой грамотности населения и их доверия, обеспечения гласности и прозрачности на страховом рынке. А также изучены практические аспекты развития долгосрочного страхования жизни.*

Ключевые слова: *страховние, страхование жизни, накопительное страхование жизни, инвестиционные фонды, гарантийный фонд*

Annotation: *This article discusses the issues of strengthening the protection of the rights of consumers and other entities of insurance services, increasing the insurance literacy of the population and their trust, ensuring transparency and transparency in the insurance market. And also studied the practical aspects of the development of long-term life insurance*

Keywords: *insurance, life insurance, accumulative life insurance, investment funds, guarantee fund*

Суғурта хизматларини ривожлантириш орқали иқтисодиётга қуйидаги йўналишлар бўйича ижобий натижалар содир бўлишини кузатишимиз мумкин:

- муайян рискларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича суғурта хизматлари орқали суғурта ҳимоясининг яратилиши;
- иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг яратилиши ва уларни иқтисодиётни инвестициялаш мақсадида сарфланиши.

Суғурта хизматлари бозорининг ўзига хос товари бўлмиш "суғурта ҳимояси", асосан, мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлайдиган барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда суғурта билан ҳимояланмаган моддий мулкий иншоотлар ёки мулкий манфаатлар деярли қолмаган.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтишига қадар суғурта қилиниши мумкин бўлган моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги давлат мулки, касбий жавобгарлик, кредит, тадбиркорлик риски суғурта ҳимоясидан четда қолган эди. Бундан ташқари, суғурта соҳасида якка ҳоким бўлган давлат суғурта ташкилотлари бўш суғурта заҳираларини инвестиция қилиш билан боғлиқ операцияларни ўтказиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Уларнинг маблағларидан асосан бюджет камомадини тўлдириш учун фойдаланиларди.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан бу муаммолар бартараф этила бошланди. Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти билан шуғулланиши махсус ваколатли давлат органи белгилаган шартларда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунида расман мустаҳкамлаб қўйилган.

Айниқса ҳаётни суғурталаш тармоғида хизмат қилувчи компаниялар ўз хизматларини сотишдан йирик маблағларга эга бўлиб, вақтинча бўш ресурсларни инвестиция қилиш йўли билан ишлаб чиқариш муносабатларини молиявий рағбатлантирадилар, давлат заёмлари ва облигацияларини харид қилиш орқали эса инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳукумат харажатлари ўрнини қоплашда қатнашадилар. Бу эса ўз навбатида иш билан бандлик даражасини оширишга, ички истеъмол ҳажмининг ва умуман ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилади.

Мустақиллик йилларида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат кўмагига муҳтож эди. Шу муносабат билан суғурта хизматларини тараққий эттириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Мисол учун, айнан суғурта хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг дастлабки ҳуқуқий асоси "Суғурта тўғрисида"ги Қонуннинг 1993 йилнинг 6 майида қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун "йўл харитаси"га айланди. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини

ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланилишига эҳтиёж сезади. Суғурта хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг кенг тарқалган қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш;
- давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларини ташкил этиш;
- мажбурий суғурта турларини жорий этиш;
- солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш;
- малакали кадрларни етказиб бериш ва қайта тайёрлаш;
- ахборот тизими орқали қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Ҳозирда давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларининг суғурта хизматлари бозоридаги ўрни юқорилигича сақланиб қолмоқда. Бу давлат олдидаги юқори риск мажбуриятларини ўз компаниялари орқали суғурталанишини англатади. Зеро давлат ўз мулки иштирок этган суғурта компанияларининг кафолатини ўз зиммасига олади.

Суғурта хизматлари бозорининг ривожланишида мажбурий суғурта хизматларининг жорий этилиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Мажбурий суғурта хизматларини кўрсатилиши орқали давлат бюджети олдидаги ижтимоий харажатларга тушадиган оғирлик камаяди.

Суғурта хизматлари ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши бу солиқ концепсиясига таянган ҳолда соддалаштирилган солиққа тортиш механизмининг қўлланилишидир. Ҳозирда суғурта хизматларини солиққа тортиш юзасидан бир қатор имтиёзлар амал қилиб келмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби суғурта хизматлари соҳасида ҳам мавжуд. Соҳада малакали кадрлар фаолияти суғурта хизматларининг кенгайишига ва суғурталовчи билан суғурталанувчилар ўртасидаги тушунмовчиликларнинг камайишига таъсир кўрсатади.

Кенг омма ихтиёрига кириб бориши ва ундан фойдаланувчилар сонининг ортишига ахборот хизматларининг ўрни беқиёс. Суғурта хизматлари борасидаги ишончли маълумотларни ўз вақтида кенг жамоатчиликка ахборот узатиш воситалари орқали етказилиб борилиши уларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш истакларини ошириб боришга хизмат қилади.

Айтиш лозимки, суғурта хизматларини ривожлантиришда давлатнинг ролини юқори баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро ушбу соҳанинг ривожланиши орқали давлатнинг ижтимоий харажатларига тушадиган оғирликни енгиллаштириш имкониятлари рўёбга чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси.2018 йил 28 декабр

2. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси.2017 йил 22 декабр

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Тошкент.: Адолат , 2017 йил 15-16 бет

4.Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.

5.Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. - Т., 2017. 40 б.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Каланова М.Б. - СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация: *Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш сифати самарадорлигининг назарий томони, умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашнинг асосий ва долзарб омилларидан бири сифатида кўрилиб, умумий овқатланишда хизматлар сифати самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *самарадорлик, хизматлар сифати самарадорлиги, самарадорлик мезонлари, иқтисодий самарадорлик.*

Аннотация: *В статье рассматривается теоретический аспект эффективности качества обслуживания как один из основных и актуальных факторов повышения уровня обслуживания на предприятиях общественного питания и выделяются основные показатели эффективности качества обслуживания в общественном питании.*

Ключевые слова: *эффективность, эффективность качества обслуживания, критерии эффективности, экономическая эффективность.*

Annotation: *The article examines the theoretical aspect of the effectiveness of the quality of service as one of the main and topical factors for improving the level of service at public catering establishments and highlights the main indicators of the effectiveness of the quality of service in public catering.*

Key words: *efficiency, service quality efficiency, efficiency criteria, economic efficiency.*

Бугунги кунда замонавий умумий овқатланиш корхоналари доимий ўзгарувчан бозор шароитида ишламоқда. Шу сабабли ҳам овқатланиш корхоналари ўртасида мунтазам равишда рақобат муҳити юзага келиб туради. Янги рақобат муҳитининг пайдо бўлиши умумий овқатланиш корхоналари раҳбарларини хизматларнинг сифати ҳамда самарадорликка кучли эътибор беришга мажбур қилади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда умумий овқатланиш корхоналари ҳозирда рақобат шароитига тезда мослашиши шарт. Бунинг учун зарур бўлган муҳим шартлардан бири умумий овқатланиш корхоналаридаги кўрсатиладиган хизматларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

Самарадорлик - бу мураккаб ҳодиса. Овқатланиш корхоналарида олиб борилаётган меҳнат натижаси бу самарадорликдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда биринчидан, самарали ишнинг мақсади олдиндан дастурлаштирилган натижадир. Шунинг учун ҳам овқатланиш корхоналарида хизматлар сифати самарадорлиги эришилган натижаларнинг нисбати ва ушбу натижаларни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар сифатида тушунилади. Бундай шароитларда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини мақбул нархларда қондириш мақсадларига максимал даражада эришишга олиб келса, иккинчидан, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг қабул қилинган стандартларига мувофиқ эришилган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигини ҳар доим математик усул ёрдамида баҳолаб бўлмайди, балки ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фаолият мезонлари кўрсаткичларининг илмий аҳамияти шундаки, умумий овқатланиш корхоналаридаги хизматларнинг сифати ҳамда истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш самарадорлигини тадқиқ қилишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Овқатланиш корхоналаридаги ишчиларга хизмат кўрсатишда етарли натижаларга эришишга йўналтирувчи кўрсатмалар аҳолининг турли тоифаларининг эҳтиёжлари тизимидир.

Умумий овқатланишдаги хизматлар сифати самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолашга қуйидагилар киради:

- хизматлар кўрсатиш сифати самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш тартиби;
- хизматлар кўрсатиш сифати самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар;
- хизматлар кўрсатиш сифат кўрсаткичлари мониторинги тизими.

Амалиёт шуни кўрсатадики, сифатни тузилиши ва ишлаш кўрсаткичларини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас, чунки унинг таркиби ва таркибий хусусиятлари умумий овқатланиш корхонасига қараб ўзгаради.

Овқатланиш корхоналарида “Мезон” тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча иккита асосий маънода қўлланилади:

- мезон баҳолаш ўлчови, стандарт, ривожланишнинг энг юқори даражаси;
- объект, ҳодиса, жараён ва ўзига хос хусусият сифатида объектив равишда уларнинг ҳолатини акс эттириши.

Ҳар бир мезон кўрсатилаётган фаолиятнинг ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсатичларини ўз ичига олиши мумкин. Шу билан биргаликда унинг мақсадларга эришиш даражасининг мазмунини очиб беради.

Хизматлар сифатини баҳолашнинг мезонларини қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Хизматлар сифатини баҳолаш мезонлари

биринчи мезони - бу овқатланиш корхоналарини фаолият кўрсатиши учун ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолати. ГОСТ 31987-2012 қуйидаги таркибни тақдим этади, муассаса ҳужжатлари:[39]

- муассаса тўғрисидаги низом (муассаса устави);
- муассаса таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низом;
- кўрсатмалар, хизмат кўрсатмалари, хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солувчи қоидалар;
- ускуналар, мосламалар ва аппаратлар учун ҳужжатлар;

Ушбу ҳужжатлар ҳужжатларнинг асосини ва умуман муассаса сифат тизимини ташкил қилиши керак.

Иккинчи мезон – овқатланиш корхоналарининг жойлашуви яъни унинг фаолият самарадорлигини қуйидагилар таъминлайди:

- овқатланиш корхоналарининг муассасалари ва унинг таркибий бўлинмалари жойлашган барча тоифалар учун мавжуд бўлган махсус мўлжалланган бино ҳамда овқатланиш корхоналари учун хизмат қилувчи мутахассислар билан таъминланганлиги;
- бино барча воситалар билан таъминланган давлат хизматлари ва телефон алоқаси билан жиҳозланганлиги;
- биноларнинг катталиги ва ҳолати жиҳатидан улар санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига, меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бериши;
- овқатланиш корхоналарининг эгаллаган майдони ходимлар ва мижозларни жойлаштириш ва уларга хизматлар кўрсатиш жараёнида муассаса иш режасида мавжуд шароитларни такомиллаштириш.

[39] «ГОСТ 31987-2012. Межгосударственный стандарт. Услуги общественного питания. Технологические документы на продукцию общественного питания. Общие требования к оформлению, построению и содержанию»

Учинчи мезон - овқатланиш корхоналарини самарадорлигин оширишни яна бир мухим омили бу мутахассисларнинг малакаси ҳисобланиб, корхонани малакали мутахассислар билан таъминлаши;

- овқатланиш корхоналарида зарурий кадрлар штат жадвалига мувофиқ мутахассислар билан тўлиқ таъминлаши;

- кадрларни танлашда имтиёзларни тегишли маълумоти, малака, касбий тайёргарлиги мавжуд мутахассисларга устунлик берилиши;

- мунтазам равишда ходимларнинг малакасини ошириш учун: семинарлар ва мастер класслар, бизнес уйинлари, касбий маҳорат тадбирлари ҳамда иш тажрибасини алмашиш учун курсларга йўлланмаларнинг берилиши;

- аттестациядан ўтган ходимлар натижалари бўйича белгиланган тартибда юқори даражаларга кўтарилади ва иш ҳақи маоши даражасига асосан тўланади.

Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури маълум бир натижага эришилиши назарда тутилади, шу билан бажарилган иши баҳоланади. Самарадорлик унинг энг муҳим сифат хусусиятларидан биридир. Умумий овқатланишда хизмат кўрсатиш сифат самарадорлиги - бу муассаса ҳақидаги маълумотлар ҳолати, мижозларга тартиб ва қоидалар асосида хизмат кўрсатиш.

Замонавий шароитда умумий овқатланиш корхонасида энг долзарб муаммолардан бири хизмат кўрсатиш сифати ҳисобланади. Умумий овқатланиш корхоналарида хизмат сифати рақобатчиларнинг энг кучли қуролидир. Кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифати асосан умумий овқатланиш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хизмат сифати тоифаларининг мазмунини ошкор қилишда тўғридан-тўғри боғлиқликни ҳисобга олиш керак. Уларнинг орасидаги боғлиқлик бу сифатда номоён бўлиб, маълум бир фойдали дастурни ишлаб чиқаришга қодир бўлган аниқ меҳнатга ва маълум бир ижтимоий эҳтиёжни қондириш қобилиятига бевосита боғликдир. Ходимнинг малакаси қанчалик юқори бўлса, хизматларнинг фойдалилиги ва сифати ҳам шунчалик юқори бўлади.

Сифат тоифасининг турли жиҳатларини таҳлил қилиш унинг моҳиятини тушунтириши мумкин, аммо у хизматларнинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олмайди ва тўлиқ очиб бермайди. Иқтисодиётда моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондирадиган хизматлар ва товарларни ишлаб чиқаради. Истеъмол қилинадиган хизматларнинг аксарияти, такрор ишлаб чиқаришнинг иккита асосий фазаси – ишлаб чиқариш ва истеъмол билан тавсифланади. Корхона фаолияти бўйича қарашлар хизматлар кўрсатиш бу ишлаб чиқариш жараёнида аҳоли – истеъмол қарашларни англатади. Амалда бу бирликка хизматлар кўрсатиш жараёни оркали эришилади. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш сифатининг хиссий ва психологик жихатларини баҳолаш кўплаб субеъктивликни келтириб чиқаради, натижада хизмат сифатини аниқлашда бу мезонлар мухим ахамиятга касб этади.

Шундай килиб, иш самарадорлигини кўрсаткичларини аниқлаш учун статистик ва бошқа маълумотлар, корхона ишини тавсифи ва унинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида ушбу маълумотларни таҳлил қилиш энг самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «ГОСТ 31987-2012. Межгосударственный стандарт. Услуги общественного питания. Технологические документы на продукцию общественного питания. Общие требования к оформлению, построению и содержанию»
2. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари‖ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.
3. ГОСТ 30524-2013. Межгосударственный стандарт. Услуги общественного питания. Требования к персоналу. Москва, Стандартинформ 2014.
4. Эрбўтаев И. Умумий овқатланиш ва хизмат маданияти. I-II китоб. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриѐти, 2003. — 144 б.
5. Иватов И. Ресторан менжменти. Ўқув қўлланма. - Т.: ―Иқтисодиѐт‖, 2007.-150 б.
6. Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006. — 464 с.
7. Международный стандарт ИСО 8402. Второе издание 1994-04-01. Управление качеством и обеспечение качества – Словарь. http://stroysvoimirukami.ru/iso-8402-94.
8. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография.Т.: ―IQTISODIYOT-MOLIYA‖, 2008.37-б.
9. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Рахимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография. –Т.: ―Иқтисодиёт., 2013.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОДОБИ

Азизқулов А. – СамИСИ кафедра мудири, доцент

Хизмат кўрсатиш соҳасига оид қарашлар узоқ асрлик тарихга эга бўлиб, бу борада Марказий Осиё халқлари маънавий тараққиётида кўплаб миллий қадриятлар яратилган. Айниқса, темурийлар даврида меҳмонларга хизмат кўрсатиш юқори даражада эканлигини Клавихо кундаликларида эътироф этади[40]. Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган Испания элчиси тансиқ таомлар тайёрлайдиган ошпазлар, соқийлар, ходимлар ва уларнинг сифатли хизмат кўрсатиш тизимини алоҳида эътироф этган. Бундан ташқари у турли халқ томоша уйинларини намойиш этувчиларни хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини юқори баҳолаган. Самарқанд шаҳрида унинг эътирофича, барча

[40]Гонсалес, Руи Де Клавихо Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги(1403-1406) –Т.: “ O’zbekiston “. 2010. 154-185-бетлар.

ҳунар эгалари борлигини ва ҳунармандлик соҳаларининг барча турлари юксак даражада ривожланганлигини мамнуният билан эътироф этади.

Амир Темурнинг Боғи Давлатободда уюштирган базмида иштирок этган Клавихо ўз таассуротларини қуйидагича баён этади: “1404 йил 23 сентябрь куни подшоҳ мазкур боғда яна базм берди. Боғ ва сарой(Давлатобод боғида бунёд этилган – А.А) ғоят гўзал..... Подшоҳ фармойиши билан бошқа жойлардан Самарқандга келтирилган салтанат қўшинининг катта қисми тўйда иштирок этди....боғ олдида кенг далалар бўлиб, уларда анҳор ва талай ариқлар оқиб туради. Подшоҳ мана шу майдонда ўғли ва хотинлари учун чодирлар тикишни буюрди. Подшоҳ шунингдек, қир-адирлар ва далаларга ёйилган қўшинлар бу ерга йиғилиб, чодир тикишларини, ўз оиласи бола–чақалари билан базм ва сайилда иштирок этишларини буюрди. Уч кундан кейин салтанат чодирлари атрофида қарийб йигирма минг чодир пайдо бўлди. Ҳар бир тўданинг ўз қассоблари, ошпазлари бўлиб (бу ерда яна) яхна гўшт, ҳар хил ширинликлар билан савдо қилишар, бошқалари арпа, мева сотишар, нонвойлар тандир қуришиб нон пишириб, савдога чиқарардилар. Қароргоҳда ҳар бир қўшин ўртасида исталган касб эгасини - усталарни топиш мумкин эди. Ҳар бир тўда алоҳида маҳаллаларга бўлинган. Бугина эмас, қўшин ҳамма вақт ўзи билан бирга (чодир) ҳаммомни ҳам олиб юрган, ҳаммомчилар муайян жойда дарҳол чодир тикиб, қозонда сув қайнатар, ҳамма зарур нарсаларни ҳозирлаб, исталган ҳаммом хоналари қурилар эди.”[41]

Клавихо Самарқанд шаҳрининг табиати ва мафтункорлиги ҳайрат билан баён этар экан хизмат кўрсатиш тизимининг мукаммал ташкил этилганлигини қуйидагича изоҳлайди: “Самарқанднинг кўплаб майдонларида яхна ва ҳар хил усуллар билан пиширилган гўшт, жуда дид билан тайёрланган товуқ ва парранда гўштларидан ҳар хил таомлар, жуда покизалик билан пиширилган нон, тоза мева-чевалар сотилмоқда. Ушбу майдонда кеча-ю кундуз одам гавжум, савдо-сотиқ узлуксиз давом этади. Шунингдек кўплаб гўшт дўконларида ҳар хил товуқ, каклик, товус гўштлари сотилади. Буларни кеча-ю кундуз харид қилиш мумкин”[42].

Самарқанддаги аҳолининг фаровон турмуш тарзи ва сифатли хизмат кўрсатиш тизими кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш, хусусан, ҳунармандчилик соҳасининг ривожи билан боғлиқ эди. Клавихо Самарқандда айнан соҳибқирон Амир Темурнинг сайиъ ҳаракатлари билан ҳунармандчиликнинг барча соҳалари ривожланганлигини қуйидагича изоҳлайди: “Подшоҳ ҳар хил касб эгаларини тўплашга, айниқса, кўп ҳаракат қилган. Дамашқдан ҳар хил шойи газламалар тўқийдиган, камон ва бошқа қурол-яроғ ясайдиган, шунингдек, жаҳонда энг юксак ҳисобланган Дамашқ шиша ва сопол идишлари ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар, хуллас, дуч келган ҳамма ҳунар эгаларини олиб келган эди. Туркиядан ўқ-ёй усталарини, тош йўнувчилар, қўли гул заргарлар келтирилган. Хуллас шаҳарда (дунёда – А.А) қанча ҳунарманд бўлса бари шу ерда эди. Бундан ташқари муҳандислар, тўпчилар, арғамчи тўқувчилар ва

[41] 164-165- бетлар.
[42] 200- бет.

бошқалар бор эди”[43].

Ўрта асрларда европалик элчи томонидан эътироф этилган хизмат кўрсатишнинг юксак даражасини таъминлайдиган маънавий омил ва заминлар мавжуд эди. Аввало, меҳмонларга хизмат кўрсатиш Шарқ халқлари этикетида муҳим аҳамият касб этиб, аждодларимиз томонидан мазкур соҳада яхши миллий анъаналар шаклланган. Буюк мутафаккирларимизнинг асарларида меҳмонларга хизмат кўрсатишга оид назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Темурийлар даврининг етук алломаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари баён этилган асарларда хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари хусусида қимматли маълумотларни баён этган.

Аввало олим хизмат кўрсатиш соҳаларини таснифини ишлаб чиқади.

1. Маъракада хизмат қилувчилар: маддоҳлар, ғазалхонлар ва соққалар; хосагўйлар ва бисотандозлар; қисса сўйловчилар ва афсона айтувчилар, яъни бахшилар.

2. Томоша кўрсатувчи паҳлавонлар: кураш тушувчилар; тошотарлар; нова ташувчилар; ҳаммоллар; дорбозлар; кучини намойиш қилувчилар.

3. Томоша кўрсатувчи ўйин аҳли: косабозлар; қўғирчоқбозлар; соққабозлар[44].

4. Меҳмонхонада хизмат кўрсатувчилар: ходимлар, ошпазлар, қассоблар ва ҳоказо.

Ҳусайн Воиз Кошифий маъракa ва унга масъул бўлган шахслар хусусида тўхталиб ўтар экан шундай дейди: “Агар маъраканинг аркони(устунлари) нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айтгил: биринчидан, ювиниб покланиш, яъни мъракага кирган киши покиза бўлмоғи лозим, зеро покларнинг жойига поклик қадамини қўйиш жоиз. Иккинчидан, маъракa бўладиган жойни супуриб-сидириш, чанг-ғубордан тозалаш шарт. Учинчидан, бурро ва маъноли нутқ сўзласин, яъни сўзни шундай равон ва маънодор қилиб айтсинки, эшитувчиларнинг кўнгли роҳатлансин. Тўртинчидан, изланиш бўлсин, яъни маъракa аҳлидан нимани ҳоҳласа, қўлга киритсин...”[45]. Демак ўрта асрларда маъракага масъул бўлган шахс муайян ахлоқий талабларга риоя этишлари шарт бўлган. Аввало бундай одамлар хушмуомала ва зийрак бўлишлари кераклиги энг асосий талаб бўлган.

Маъракa тузувчиларга хос хислатларни баён этар экан, биринчидан, очиқ юзли бўлсин, табассум қилиб турсин, иккинчидан, чаққон бўлсин, ҳаракатлари енгил, ёқимли бўлсин. Учинчидан, маракага кечикиб келмасин. Тўртинчидан, кенг ва баҳаво жойни танлансин. Бешинчидан, агар бирор киши керакли жойда ўтирмаган (жойлашмаган) бўлса, унга мулойим оҳангда лутф билан муомала қилиб, жойлаштириб қўйсин, қўпол муомала қилмасин. Олтинчидан, йиғилганлардан ҳиммат ва мадад тиласин. Еттинчидан, дуо билан устозларни

---

[43] 199 бет

[44]Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2011. -88-107- бетлар

[45] 88-бет.

хотирага олсин. Саккизинчидан, агар маърака ўтаётган диёрда бирор азиз-авлиё, бузругвор ўтган бўлса, унинг руҳини ёдга олсин. Тўққизинчидан, дуою фотиҳа ўқисин. Ўнинчидан, киноялы, эътирозли гапларни гапирмасин, ҳаммага дилу жондан дуо айтиб, ҳунарини кўрсатсин”[46]. Аллома маъракани бошқаришнинг ҳам ўз ахлоқий қоидалари борлигини ва унга қатъий риоя этиш хизмат кўрсатиш жараёнининг сифатли бўлишини таъминлайди деб уқтирмоқла .

Ҳусайн Воиз Кошифий меҳмон кутишнинг муайян одоб-ахлоқ қоидалари мавжудлиги ҳамда ҳар бир мезбон бу талабларга риоя этиши лозимлигини баён этар экан, шундай дейди: “Агар меҳмон кутишнинг одоби ва қоидалари нечта деб сўрасалар, ўн тўртта деб айтгил. Иккитаси шарт, олтитаси асос (аркон), яна олтитаси одобдир”[47]. Кошифий меҳмон кутиш одобларини таснифини келтирар экан уларнинг шарти ва асослари ҳамда одобларини ҳар бирини алоҳида изоҳлайди.

Меҳмон кутиш одобининг асосларини изоҳлар экан Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди: “Агар олтита асос қайсидир, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, меҳмонни таъзим билан кутиб олиш ва яхши жойга ўтказиш, иккинчидан, меҳмон қаршисида очиқ чеҳра билан хушнуд ўтириш. Учинчидан, меҳмон қанча (кўп) келса ҳам ранжимаслик. Тўртинчидан, чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш. Бешинчидан бахиллик қилмаслик ва меҳмондан нарсасини қизғанмаслик. Олтинчидан, ясама илтифот кўрсатмаслик, қўлдан келгунча меҳмонни сидқидилдан самимий хурсанд қилиш”[48]. Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан баён этилган меҳмон кутиш одобининг асослари ҳозирги замон хизмат кўрсатиш тизимида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ҳусайн Воиз Кошифий баён этган меҳмон кутиш одобининг тўртинчи шарти “чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш” миллий менталитетимиз ҳамда диний қадриятларимизга мувофиқ бўлиб, кўпинча шахсий хонадонингизга келган меҳмонни назарда тутади.

Ҳусайн Воиз Кошифий меҳмон кутиш одобини баён этар экан мезбондан ташқари меҳмон ҳам риоя этиши лозим бўлган ахлоқий қоидалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади. Ҳусайн Воиз Кошифий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ахлоқий талабларни баён этар экан, меҳмон кутиш одобидан ташқари яна, алоҳида бир фаслда ходимлар (хизматкорлар) одоби ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Мазкур фаслда ходимларни одоб-ахлоқ қоидаларини баён этар экан шундай дейди: “...ходим тўрт ишни яхши билиши ва доим адо этиши лозим. Бунинг бири – супуриб-сидириш, иккинчиси – овқат пишириш, учинчиси- кир ювиш, тўртинчиси - идиш-товоқ ювиш. Ва бу ишларнинг ҳар бири учун амал қилинадиган маълум қоидалар бор”[49]. Ҳусайн Воиз Кошифий бу қоидаларни барчасини бирма-бир санаб ўтади. Супуришнинг йигирмата қоидасини тушунтириб беради. Бундан ташқари ходимларнинг овқат пиширишда ўн

[46] 89-бет.

[47]Кошифий Ҳусайн Воиз Футуватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2011. -77-б.

[48]Ўша асар -78- бет

[49]Ўша асар 85- бет

олтита, кир ювишда еттита қоидаларга риоя қилишлари лозимлигини батафсил изоҳлаб беради. Шунингдек мешкобчилар касбий ахлоқий талабларини баён этар экан, аввало улар пок бўлиши, хусусан, маънавий жиҳатдан қалби пок бўлиши лозимлигини таъкидлаб, уларнинг касбларига тегишли ўнта ахлоқий қоидани тушунтириб беради[50].

Шарқ халқлари маънавиятида хизмат кўрсатиш, хусусан, меҳмон кутиш одоби ва меҳмоннинг ахлоқий қоидалари алоҳида аҳамият касб этган. Ўрта асрларда карвонсарой ва чойхоналарда, халқ сайиллари ва базмларда, тўй ва ма-ракаларда ҳар бир мезбон ва меҳмон, ходимлар ва хизматкорлар, хуллас хизмат кўрсатувчи сервис аҳли юқорида баён этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга ҳаракат қилганлар. Мазкур ахлоқий талаблар ўрта асарларда хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражада бўлишини таъминлаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, темурийлар даврида мамлакатга ташриф буюрган чет эллик элчилар ва сайёҳлар ўлка халқлари томонидан хизмат кўрсатиш даражасининг юқори эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Иккинчидан, ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса меҳмон кутиш одоби Шарқ халқлари этикетида муҳим аҳамият касб этган ва унга риоя этишга алоҳида масъулият билан ёндашилган.

Учинчидан, мутафаккир алломаларимиз ўз асарларида хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиққанлар. Хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан шарқона этикет асосида баён этилган хизмат кўрсатиш одоблари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва мазкур соҳадаги мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнида муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

СУЖЕНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ РАСХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ, ВЫЗВАННОЕ АДАПТАЦИЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ К УСЛОВИЯМ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Хусанов Б. - Главный научный сотрудник Самаркандского регионального филиала Центра экономических исследований и реформ, к.э.н., доцент.

Аннотация*: В статье рассматриваются исторические способы социального обеспечения населения в практике. Сопоставлена ликвидация диспропорции между оплатой и производительностью труда путем доведения доли средней заработной платы в приросте производительности.*

Ключевые слова*: доходов населения, затраты, прожиточный минимум, капитал, рыночная экономика.*

Аннотация: *Мақолада аҳолини ижтимоий таъминлашнинг тарихий усуллари амалда кўриб чиқилган. Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, ўртача иш ҳақининг унумдорлик ўсишидаги улушини келтириш йўли билан таққосланади.*

Таянч иборалар: *аҳоли даромадлари, харажатлар, яшаш минимуми, капитал, бозор*

[50]Ўша асар 93- бет

иқтисодиёти.

Annotation: *The article discusses the historical ways of social security of the population in practice. The elimination of the disproportion between wages and labor productivity is compared by bringing the share of average wages in productivity growth.*

Key words: *income of the population, costs, subsistence level, capital, market economy.*

В социально-экономической ситуации, в которой оказалась наша страна, реформирование доходов населения – это не второстепенная, а кардинальная проблема. Формирование социально-ориентированной рыночной экономики, цивилизованного рынка предполагает реализацию общемировых тенденций, которые достаточно отчетливо проявились в странах с рыночной экономикой.

ООН давно признала, что часовая заработная плата ниже 3 долл. является предельной. Зарплата работника в странах с переходной экономикой в 1994-1995 гг. была намного ниже этого порогового участия. За годы экономических реформ это положение не улучшилось. Диспропорция между низкой оплатой труда по отношению к нашей относительно низкой производительности труда за 2000-2015 гг. не была ликвидирована, она только увеличилась.

По данным Всемирного банка, в 1997 г. среднестатистический узбекистанец по сравнению с жителями других стран тратил гораздо больше времени, чтобы заработать на те или иные товары. Затраты рабочего времени, эквивалентные стоимости 17 видов товаров и услуг, работника превышали более чем в 15 раз затраты австрийца и примерно в 3 раза больше, чем затраты словака, чеха, румына[51].

Сложившаяся после августа 2016 г. экономическая ситуация в стране обострила проблему необходимого роста заработной платы. Численность населения с денежными доходами ниже прожиточного минимума возросла за 2005 г. на 14% и составила 6 млн. человек[52]. Проблема повышения заработной платы вышла за рамки чисто экономической задачи. Она должна рассматриваться в качестве важнейшей социальной проблемы, а также проблемы экономической безопасности. Сегодня повышение заработной платы приобретает значение исходного условия роста производства и инвестиций. Реальным источником средств для решения этой задачи является восстановление социального статуса труда как основного источника личных доходов, резкого сокращения распределения по собственности и чрезмерной дифференциации доходов.

Ликвидация диспропорции между оплатой и производительностью труда путем доведения доли средней заработной платы в приросте производительности хотя бы до уровня восточноевропейских стран (то есть с 20-22 до 32-35%) является сегодня одной из основных задач экономической политики.

Реальный источник быстрой мобилизации ресурсов для пресечения опасной социальной поляризации – перераспределение совокупного личного дохода (СЛД) за счет прогрессивного обложения высокодоходных групп и

[51] По отчетным данным Всемирного Банка

[52] По отчетным данным Госкомстат Республики Узбекистана

трансфертов малоимущим. Необходимость экстренных мер по улучшению условий жизни беднейшего населения и полезность прогрессивного перераспределения доходов физических лиц (не требующего утяжеления налогового пресса на производство) признаются практически всеми. Однако конкретные предложения в этой области обычно отсутствуют. Тем не менее, можно оценить перспективность предлагаемой меры.

Как показывают исследования, перераспределение всего 13% СЛД позволило бы в 1,5 раза поднять благосостояние 60% населения путем удержания менее 24% дохода высокообеспеченных слоев и, ниже которой сейчас находится до 40% населения[53]. Таким образом, решение проблемы повышения уровня доходов беднейших групп, отчасти, может быть обеспечено за счет совершенствования налоговой системы.

Правомерна и более общая постановка вопроса – о необходимости пересмотра налоговой системы в направлении адекватного отражения в ней вклада основных факторов производства в ВВП. Ныне основной упор в системе налогообложения делается на труд, точнее – на фонд оплаты труда. Между тем, у нас самый существенный вклад в ВВП вносит не труд и даже не капитал, а природно-ресурсная рента.

Действительное соотношение между трудом, капиталом и рентой выглядит как 1:4:25. В системе же бюджетного финансирования оно предстает совсем иным, а именно: как 1:0,25:0,19. Несоответствие между первым и вторым соотношениями является результатом скрытого перераспределения значительной части реального дохода в пользу небольшой группы криминального бизнеса. Причина такого несоответствия – нерешенность проблемы собственности, в результате чего реальный доход государства оказался секвестрованным не менее чем на 2/3. В этом и заключается главная трагедия реформ: богатая, по существу, страна, по форме – банкрот.

К сожалению, большинство руководителей до сих пор не замечает этого вопиющего противоречия. Нет осознания того определяющего факта, что налоги на заработную плату вообще следует ликвидировать: главную нагрузку должна взять на себя рента.

Надо четко понимать, что в нынешних условиях заработная плата является не столько источником доходов, сколько условным параметром перераспределения налоговой нагрузки. Облагая труд, мы примерно в два раза увеличиваем издержки производства, а значит, и цены на нашу не очень качественную продукцию. Тем самым, резко снижается ее конкурентоспособность. Одновременно создается мощный стимул к сокращению числа рабочих мест.

Следовало бы упразднить все налоги и начисления с фонда оплаты труда, ликвидировать НДС и перенести тяжесть налогообложения на прибыль, заранее зафиксировав ту ее долю, которая должна поступать в бюджет.

В то же время нужно было бы предусмотреть близкое к 100%

[53]Хусанов Б.Ш. Финансовқй механизм регулирования социального обеспечения населения: теория и практика: Монография: - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2021. – 208 С.

перечисление в доход государства ренты от природо-эксплуатирующих отраслей. В этом убеждают существенные различия производительности труда в разных сферах экономики.

Для усиления стимулирующего воздействия налоговой политики на рост производства ее необходимо дополнить соответствующей системой дотаций и социальных трансфертов. Без введения стимулирующих дотаций не удастся поднять сельское хозяйство, машиностроение, легкую промышленность. Экспериментальные расчеты опровергают укоренившийся в сознании наших экономистов стереотип, что, дескать, дотации и льготы – это всегда вычет из бюджета. Умелое сочетание налоговой нагрузки с системой льгот и выплат является мощным рычагом подъема экономики, борьбы с безработицей, снижения инфляции и дефицита бюджета.

В росте потребительских расчетов, усилении заинтересованности хозяйствующих субъектов в инвестировании большую роль играют государственные расходы. На это обращал внимание Дж.Кейнс. В полной мере подобная мера была реализована еще президентом США Ф.Рузвельтом во время Великой депрессии. Он, используя власть, обеспечивал движение денежных потоков из государственных структур в производственные отрасли, осуществляя это за счет федеральных средств.

К сожалению, на практике и в экономической теории недооценивается позитивная роль государственных расходов. Ныне роль государства в перераспределении ВВП и предоставлении трансфертов существенно сократилась. Но некоторые продолжают отстаивать тезис о дальнейшем сокращении этой роли.[54]

Такой подход является упрощенным. Он неточно раскрывает взаимосвязь государственных расходов и доходов, перенося принципы микроэкономики механически на уровень макроэкономики, элементом которой является государство. У государства нет других целей, кроме защиты общих интересов и обеспечения нормальных условий развития экономики. Исходя из этого, доходы не могут быть целевой функцией государства. Поэтому неправомерно ставить вопрос о соответствии доходов и расходов государства. Когда возникает необходимость в обеспечении богатства общества и защиты его интересов, то ни о каком соответствии доходов и расходов государства не может быть и речи. Ф.Рузвельту принадлежат крылатые слова о том, что когда есть хоть один безработный, то не может быть бездефицитного бюджета.

Расходы государства не определяются текущими доходами, они в большей мере связаны с будущими доходами как общества, так и государства, которые по своей сути являются доходами будущих периодов. Финансируя науку, образование, здравоохранение, человеческий капитал, государство формирует стратегические ресурсы, добивается увеличения будущих доходов.

Резюмируя сказанное, мы приходим к выводу о том, что государственные расходы должны быть достаточными с точки зрения обеспечения нормальных

[54] Роик В.Д. Экономика развития: неравенство, бедность и развитие: учебное пособие для вузов. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 474 с.

условий макроэкономического воспроизводства. Превышение текущих доходов является инвестициями в будущие доходы общества и государства. Особенно неприемлемо уменьшение государственных расходов в кризисные периоды. Их сокращение ведет к сокращению ВВП, а вместе с ним и возможностей для дальнейшего развития экономики. Удельный вес государства в экономике и в ВВП представляет собой своеобразную функцию необходимого уровня инвестиций в развитие экономики и увеличения доходов общества в стратегическом будущем.

УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ В МЕБЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Махмудова Н.Ж. - научный исследователь Ферганского политехнического института, кафедры менеджмента

Annotatsiya. *Maqolada raqamli transformatsiya jarayonida mebel sanoatida risklarni boshqarishning asosiy jihatlari yoritilgan. Raqamli transformatsiya sharoitida korxonalar faqat risklarni hisobga olgan holda to‘g‘ri biznes qarorlarini qabul qilishlari kerak, degan xulosaga kelindi.*

Kalit so'zlar: *risk, risklarni boshqarish, mebel sanoati, raqamli transformatsiya.*

Аннотация*. В статье освещены ключевые аспекты управления рисками в мебельной отрасли в ходе цифровой трансформации. Сделан вывод, что условиях цифровой трансформации предприятиям необходимо лишь принимать правильные бизнес-решения с учетом рисков.*

Ключевые слова: *риск, управление рисками, мебельная промышленность, цифровая трансформация.*

Annotation. *The article highlights the key aspects of risk management in the furniture industry in the course of digital transformation. It is concluded that under the conditions of digital transformation, enterprises only need to make the right business decisions, taking into account risks.*

Key words: *risk, risk management, furniture industry, digital transformation.*

Сегодня компании стремительно осваивают цифровые технолгии в условиях, когда объем данных увеличивается, уровень автоматизации повышается, кибератаки становятся все изощреннее, а ожидания клиентов постоянно растут и меняются.

Хотя многие технологические риски уже давно известны, ставки серьезно выросли, так как внедрение цифровых технологий повышает риски, не связанные с технологиями как таковыми. Учитывая расширившийся спектр новых угроз, руководители компаний и советы директоров хотят быть уверенными в том, что все риски учтены и соответствуют допустимому уровню.

Бизнес-словарь определяет риски или барьеры для входа как «экономические, процедурные, нормативные или технологические факторы, препятствующие выходу новых фирм в отрасль или на рынок». Способность преодолевать такие барьеры может создать или разрушить бизнес в любой

отрасли. Люди, желающие войти в мебельный бизнес, должны учитывать несколько потенциальных барьеров.

Крупные мебельные компании могут затруднить мелким мебельным предприятиям привлечение клиентов, когда они выходят на рынок. Крупные компании часто известны всем, имеют значительные ресурсы для маркетинговых компаний и могут воспользоваться эффектом масштаба, тем самым снижая свои производственные затраты и цены, взимаемые с потребителя. Например, крупнейший в мире мебельный магазин IKEA может использовать свой размер для снижения производственных затрат и предоставления мебели по низким ценам.

Спроектировать мебель не так-то просто. Проектирование мебели — это художественная ниша, которая ориентирована как на функциональность, так и на визуальную привлекательность различных типов мебели. Простое хранение и удобство больше не являются единственными функциями, связанными с современной мебелью нового поколения. Существует спрос на доступ к интернету одним касанием, зарядные порты, функции, удобные для приложений, и многое другое.

На рабочих местах растет интерес к обновлению своего пространства умной мебелью. Это не только помогает повысить производительность труда сотрудников, но и придает более современный вид офисной среде.

Современный дизайн мебели ограничен только воображением и творческими способностями дизайнера, когда дело доходит до сочетания функциональности и моды. Интернет вещей теперь можно расширить, включив в него современную мебель. Тем не менее, быстрое развитие технологий является проблемой, когда дело доходит до проектирования мебели нового века. То, что было современным в прошлом году, уже не является недавней особенностью. По мере роста ожиданий клиентов современное производство мебели также должно находить решения различных проблем, с которыми оно сталкивается в новой среде.

Мебельная промышленность включает в себя широкий спектр продуктов, материалов и производственных процессов. Мебель может быть изготовлена из чего угодно, от пластмассы и дерева до металла или стекла, и, следовательно, цепочки создания стоимости и условия труда сильно различаются в зависимости от конкретного продукта. Во многих случаях мебельная промышленность является трудоемкой, требующей большого количества ручного труда. Есть много стран вовлечены в мебельную промышленность на общем уровне. Тем не менее, продукты, включенные в эту категорию, в значительной степени разрабатываются и производятся в скандинавских странах. Компоненты также в значительной степени поставляются из европейских стран и в некоторой степени из азиатских стран. Если комплектующие поставляются из азиатских стран, возрастают риски нарушения трудовых прав и плохих условий труда. На уровне сырья прослеживаемость ограничена. Следовательно, риски, как правило, возрастают дальше по цепочке поставок в развивающихся странах со слабыми правовыми институтами и ограниченным верховенством закона. Поэтому важно помнить,

что риски могут существенно различаться в зависимости от того, где производятся компоненты и сырье.

Спрос на продукцию древесно-композитной и мебельной промышленности остается стабильным на протяжении многих лет. Фактические риски для отрасли заключаются в различных факторах затрат на рентабельную обработку древесины и производство материалов. С одной стороны, растут цены на древесину как сырье в Германии, а также высокий спрос на слово как источник энергии на заводах по производству биомассы. С другой стороны, увеличение затрат на энергию также означает более высокие затраты на производство. Третий фактор заключается в том, что среди производителей химического сырья для производства древесных композитов наблюдается усиление концентрации лишь на нескольких поставщиках. Эта зависимость от отношений с поставщиками приводит к значительно более высоким убыткам от прерывания бизнеса в случае, если поставщик не может поставить.

Переработка древесины в древесные композиты и мебель сопряжена с множеством пожароопасных ситуаций, например, в результате расщепления древесины на щепу и волокна или прессования и сушки композитных материалов. Из-за высокой пожарной нагрузки из-за сырья, продуктов и остатков материалов в цехах источники воспламенения, такие как искры от производственных систем, горячие поверхности производственного оборудования или технические дефекты, могут быстро вызвать пожар или даже взрыв. Таким образом, всеобъемлющая стратегия противопожарной защиты является неотъемлемой частью управления рисками в деревообрабатывающей промышленности. Автор предлагает целевую оценку рисков с точки зрения пожарной опасности для компании и с точки зрения всех других рисков, характерных для компании, включая:

- Остановка бизнеса из-за технических повреждений или нехватки поставок
- Ответственность за телесные повреждения в результате производственной системы или продуктов (из-за машин, древесной пыли, лака и растворителей)
- Экологические риски от обработки клеев и лаков
- Транспортные потери
- Риски лесоуправления, т.е. из-за лесных пожаров, вредителей и последствий изменения климата
- Стратегии страхования для деревообрабатывающих предприятий с учетом специфики компании.

Список литературы

1. И.Шеримбетов Рискка асосланган аудит ва унинг аҳамияти//Бозор, пул ва кредит. – Т., 2017. -№10. – Б. 4-9.

2. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.

3. Махмудова Н. Ж. Оценки рисков промышленного предприятия //НАУКА СЕГОДНЯ: ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ

ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2021. – С. 18-19.
4. Махмудова Н. Ж. Совершенствование системы управления рисками устойчивого развития производственных предприятий // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №3. С. 324-331. https://doi.org/10.33619/2414-2948/76/36

MAMLAKATIMIZDA TURIZMNI SAMARALI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING SEGMENTATSIYASIDAN FOYDALANISH

Karimov A.A. – SamISI, Servis fakulteti dekan o'rinbosari

Annotatsiya: *maqolada turizmining rivojlantirishda marketing segmentatsiyasidan foydalanish imkoniyatlarining nazariy asoslari yoritilib berilgan.*

Kalit so'zlar: *turizm, marketing, segmentatsiya, toifa, demografik. Geografik, psixografik, xulqiy, iste'mol hajmi, xarid qobiliyati*

Аннотация: *В статье описаны теоретические основы возможности использования маркетинговой сегментации в развитии туризма.*

Ключевые слова: *туризм, маркетинг, сегментация, категория, демография. Географические, психографические, поведенческие, потребление, покупательная способность*

Annotation*: In the state described the theoretical basis of the possibility of using marketing segmentation in the development of tourism*

Keywords: *tourism, marketing, segmentation, category, demography. Geographic, psychograficheskie, povedencheskie, potreblenie, pokupatelnaya sposobnost*

Hozirgi kunda hamma sohalarga marketing juda keng quloch yozib kirib kelmoqda. Shu jumladan turizmga ham, bizga ma'lumki hamma sohalarda bo'lgani kabi turizmda ham bir qator muammolar yig'ilib, ayrim davlatlarda shu masalani hal qilish asosiy masalardan biri bo'lib turibdi, chunki turizm nafaqat o'sha davlatni dunyoga tanitadi, ana shu davlat iqtisodiyotiga ham sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Agar turizm faoliyati yaxshi yo'lga qo'yilsa ming-minglab balki millionlab aholi ishli bo'lib qolishadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-4861 sonli farmonida quyidagilar ustuvor vazifa sifatida belgilab qo'yilgan "turizm tarmog'i uchun, ayniqsa menejment va marketing sohasida malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish, gidlar (ekskursiya yetakchilari) tayyorlash, turizm faoliyati sub'ektlari xodimlarini muntazam ravishda qayta tayyorlash va malakasini oshirish."[55]

Shularni inobatga olgan holda aholing ayrim hususiyatlari, yoki ularning individual yoki institutsional guruhlarga, segmentlarga bo'lgan holda turizm faoliyatini yuritish, turistlarni jalb qilishda katta samara beradi.

[55] O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida PF-4861-son (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016 y., 49-son, 558-modda, 2017 y., 1-son, 3-modda, 19-son, 332-modda)

Toifa	Segmentlashning o‘zgaruvchanligi	
Demografik	Yosh Jins Xarid qobiliyati Kasb	Ma`lumot Irq va millat Oilaning hayot sikli
Geografik	Dunyo mintaqalari Mamlakatlar Mamlakat mintaqlari Shtatlar Okruglar Shaharlar Kvartallar Iqlim	Joy Aholining zichligi Bozorning zichligi
Xulqiy	Iste`mol hajmi Iste`mol tipi Tovar belgisiga bog‘langanlik Kutilayotgan foyda	
Psixografik	Ijtimoiy sinf Shaxsiy tavsiflar Turmush tarzi	

Yuqoridagi xar bir segmetlash turlariga to‘xtalib o‘tamiz:

Turizmni demografik segmentlashtirish orqali rivojlantirishda asosan dunyodagi aholining demografik jihatlariga e’tibor bergan holda turizm faoliyatini rivojlantirishni nazarda tutadi.

Turizmning faol shakllariga eng ko‘p turlanishini 18-30 yoshga to‘g‘ri keladi. Ana shu jihatlarni inobatga olgan holda Germaniayga dam olish uchun dunyodan har yili millionlab sayyohlar tashrif buyurishadi. Buning asosiy sababi sifatida Germaniyada 18-30 yoshdagi bolalar uchun ko‘plab tungi klublar dam olish maskanlari yaratilganligini ko’rsatish mumkin.

Turistlarning eng harakatchanligi yuqori bo‘ladigan yoshi bu 30-50 yoshni tashkil etadi. Ana shu jihatlarni inobatga olgan holda turizm faoliyatini rivojlantirishga Malayziya xam alohida ahamiyat qaratgan Malayziyadagi «Gunung National Park» ga keluvchi turistlarni qaraydigan bo‘lsak undan 47% ni 30-50 yoshli kishilarga to‘gri keladi. Malayziyadagi ushbu park asosan turizmda yosh bo’yicha harakatini inobatga olgan holda xizmatlar dasturi ishlab chiqilgan. Parkga 20 yoshgacha bolalarning tashrifi bor yo‘g‘i 10% ni tashkil etadi. Buning asosiy sababi Parkdagi atraksionlarning o‘rta yoshli kishilar uchun moslab qurulganligidir.

Yevropaning 12 mamlakatida o‘tkazilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki 2020 yilga borib aholining 25% ni 60 yoshdagilar tashkil qiladi. AQShda turistlarning umumiy sonidan 28% ni yoshi yetuk bo‘lgan sayyohlar tashkil qiladi. Yevropaga jo‘naydigan kanadaliklarning 22% ga yaqini 55 yoshdagi va undan yuqori bo‘lgan

turistlardir. Albatta insonnning yoshi o‘tgan sari sokin va xavfsiz tarixiy joylarni ziyorat qilishga moyil bo’lishadi, shularni inobatga olgan holda yurtimizda ham turizm faoliyatini rivojlantirish uchun bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan yoshi 50 dan oshgan insonlarni jalb qilish uchun dunyoning juda ko‘p davlatlariga vizasiz rejimni joriy etilishidir. Bundan tashqari turistlarning xavfsizligi uchun tuni kun shaharda turistlar xavfsizligini taminlab turgan «tourist police» xizmati ham yo‘lga qo‘yilgan.

Jo‘g‘rofik segmentlashtirish bu xam turizmni hududlar aholining zinchligi, hududlar joylashganligi va shu kabi boshqa omillarni inobatga olgan holda rivojlantirishni nazarda tutadi.

Dunyoda shunday davlatlar borki ulardagi ekzotik tabiati sayyohlarning doimiy nigohida bo‘lib kelmoqda va o‘zlarining hayot tarzini mamlakatga tashrif buyuruvchi turistlarsiz tassavvur qila olishmaydilar, Ana shunday davlatlarga 2017-yilgi ma’lumotlarga ko‘ra:

№	**Davlatlar**	**Turizmning YaIMi ulushi %da**
1	Maldiv	39.6%
2	Biritaniya Vigrin orollari	35.4%
3	Makao	29.3%
4	Aruba	28.1%
5	Seyshel orollari	26.4%

Yuqorida jadvalda misol keltirib o‘tilgan davlatlarda o‘zlarining turizm uchun mavjud bo‘lgan tabiiy imkoniyatlaridan to‘la qonli foydalanib kelishmoqda va ana shu jihatlari tufayli turizm mamlakat iqtisodiyotiga sezilarli ta’sir qilib kelmoqda. Ana shunday o‘zining tabiiy imkoniyatlaridan to‘g‘ri foydalanib salohiyatini rivojlantirib kelayotgan mamlakat bu AQSh hisoblanadi. Hammamizga ma’lumki dunyodagi eng sersuv sharshara hisoblangan «Niagara» sharshararasi ana shu davlatda joylashgan, shu sharshara ortidan AQSH shtatlari milliardlab foyda ko‘rmoqda. «Niagara» sharsharasi atrofida dam olish maskanlari 5 yulduzli mehmonhonalar osma liftlar barpo etilgan.[56] Shu va boshqa qo‘shimcha imkoniyatlarni turistlarga yaratib berish orqali AQSh hukumati «Niagara» sharsharasini ko‘rish uchun keluvchi sayyohlar sonini 50 mln nafarga oshirishga erishdi.

Dunyo sayyohlari ichida hayvonot olami vakillarini o‘zining yovvoyi tabiati bilan o‘ziga tortuvchi Afrika qitasi bu qit’ada turizm faoliyatini rivojlantirish uchun yetarli tabiiy muhit va o‘ziga hos iqlimi mavjud. Har yili Afrikadagi Keniya davlatiga minglab sayyohlar xaqiqiy yovvoyi tabiatni o‘z ko‘zi bilan ko‘rish uchun tashrif buyurishadi. Albatda bu davlatning iqtisodiy holati va davlatdagi tinchlik holati darajasi bilan bevosita ta’sir qiladi.

Yurtimizning tabiiy geografik joylashuvi va birin-ketin almashinib keluvchi

[56] https//books.google.co.uz/Tourism and Nature Conservation in Malaysian National Parks

fasli, maftunkor tog‘larida ekoturizmni rivojlantirish uchun qulay imkoniyat bor edi. Lekin bunga o‘tgan qator yillar davomida e’tibor berilmay kelayotgandi. So‘ngi yillarda ekoturizmga ham alohida etibor qaratilmoqda shu jumladan turistik zonalarni tashkil qilishga ham alohida etibor qaratilmoqda. Jumladan Aydarko‘l ko‘llar tizimida turizmni rivojlantirishga, chorvoq suv ombori atrofida,yana boshqa ko‘pab suv havzalari tog‘ yon bag‘rlarida turistlar uchun uchun qulay shart sharoitlar yaratishga alohida etibor qaratilmoqda.

Yurtimiz serquyosh o‘lka yutimizda nimaiki yetishtirilgan bo‘lsa asal kabi tilni yorar darajada totlidir. Shu uchun ham bu mahsulotlarga dunyo bo‘yicha talab yuqoridir. Ijtimoiy tarmoqlarning birida bir Rossiyalik xonanda O‘zbekiston yoki Qirg‘izistonga borib dalada pishayotgan tarvuzni tatib ko‘rmoqchiligini bildirgan. Bundan ko‘rinadiki yurtimizda «dala shiypon turizmini» ham yo‘lga qo‘ysak bo‘ladi, bundan tashqari cho‘l xududlardan golf maydonlari qurish ham turizmni yurtimizda rivojlantirish uchun yangi qirralardir.

Turizmni rivojlantirishda xulqiy segmentatsiyadan foydalanish bu usulda asosan mamlakatda mavjud turizm salohiyatidan qaysi birida yaxshi daromad keladigan bo‘lsa o‘sha turiga alohida e’tibor qaratishni nazarda tutadi. Misol uchun Saudiya Arabistonida ziyorat turizmini rivojlantirish uchun juda yaxshi imkoniyat yaratilgan. Bundan tashqari musulmon olami uchun aziz va qadrli bo‘lgan Makka va Madina shaharlari ham aynan shu davlatda joylashganligi, haj va umra safarlariga ushbu davlatga millionlab sayyohlar tashrif buyurishadi. Ular Saudiya Arabistoni uchun daromad manbayi bo‘lib qolmasdan aholisi uchun qo‘shimcha ish o‘rinlari yaratib bermoqda. Shu tufayli ham Saudiya Arabistonida boshqa turizm turlariga qaraganda ziyorat turizmini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Yurtimizdagi asoru atiqalarning ko‘pligi uchun ham turizmdan tushadigan daromadning ham asosiy qismini ziyorat turizmi tashkil etishini inobatga olgan holda yurtimizda turizmning boshqa sohalariga qaraganda ziyorat turizmini rivojlantirishga ko‘proq etibor qaratilmoqda. Kelajakda boshqa turizm sohalari ham ziyorat turizmi singari rivojlanishi mumkin. Buning uchun marketing faoliyatinini yaxshiroq yo‘lga qo‘yish kerak.

Psixografik segmentlashtirish turizmda o‘sha sayyohlarning qiziqishlari, turmush tarziga va shu kabi psixalogig jihatlarni inobatga olgan holda turizm faoliyatini rivojlantirishni ko‘zda tutadi. Sayohat uchun tashrif buyurayotgn turistlarning ko‘pchiligida taom masalasida muammo yuzaga keladi. Yani ular tashrif buyurgan joyning taomlariga moslasha olishmaydi. Ana shunday muammolar ham turistlar oqimini kamayishiga sababchi bo‘lishi mumkin, bu muammoni yechish uchun mamlakatda xorijiy tamaddixonalar sonini oshirish kerak.

Bundan tashqari reklamaga ham alohida etibor qaratish maqsadga muofiq.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki marketing faoliyati boshqa sohalarda qo‘llanilib yetarlicha natija bergani kabi turizm sohasida ham yaxshigina natija beradi. Yuqoridagi segmentlashdan foydalanilgan holda turizmni tezroq va keng ko‘lamda rivojlantirish mumkin.

РЕСТОРАНЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Шукуров И.Х. – СамИСИ, Сервис кафедраси мудири, доцент
Абдурайимов У.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация: *ушбу мақолада ресторанларда кўрсатилаётган хизматлар сифати, хизмат кўрсатиш маъданияти ва уни яхшилаш йўллари бўйича таклифлар берилган.*
Калит сўзлар: *ресторан, сервис, хизмат кўрсатиш, маъданият, касбий этикет.*
Аннотация: *В данной статье представлены предложения по качеству предоставляемых услуг в ресторанах, культуре обслуживания и пути ее повышения.*
Ключевые слова: *ресторан, обслуживание, обслуживание, культура, профессиональный этикет.*
Annotation: *This article provides suggestions on the quality of services provided in restaurants, the culture of service and ways to improve it.*
Keywords: *restaurant, service, service, culture, professional etiquette.*

Кейинги йилларда, Республикамизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўламининг самараси ўлароқ, барча соҳаларда иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги кузатилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг негизи ҳисобланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг модернизация қилиниши ҳисобига уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда самарадорлигининг ўсишига эришилмоқда. Айниқса, иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боис, бугунги кунда мазкур соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 36% ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткични янада ошириш мақсадидиа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11-майдаги № ПҚ-5113-сонли “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистоннинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам хизматлар соҳасини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилганлиги шулар жумласидандир.

Республикамизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш соҳалари ичида, овқатланиш корхоналари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда, Республикамиз ҳудудида турли мулкчилик шаклига эга бўлган овқатланиш корхоналари – ресторан, кафе, бар, тамаддихона, ошхона ва бошқалар мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан ишлаб чиқарилаётган таомлар ассортиментларининг чегараланганлиги, таомлар нархи, хизматлар кўрсатиш даражаси каби кўрсаткичлари билан фарқланади. Ресторан – бу овқатланиш корхонасининг барча кўрсаткичлари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш) устунликка эга бўлган тури ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ресторан хизмати бошқа овқатланиш корхоналаридан фарқли ўлароқ, мижозларнинг яхши дам олиб, ҳордиқ чиқаришини таъминлашни ўз ичига олади. Шунинг учун, ресторанларда тайёрланадиган кулинар маҳсулотлар юқори сифатли бўлиши билан бир қаторда, унда кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиш маданияти ҳам етарли даражада бўлиши керак. Ресторанларда хизмат

кўрсатиш маданияти деганда, ресторан фаолиятида бажарилиши зарур бўлган барча асосий хизматларни белгиланган қоида ва меъёрлар бўйича ўз вақтида тўла- тўкис амалга оширилиши тушунилади. Шундай экан, хизматлар кўрсатиш маданиятига таъсир этувчи бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига ресторанларда фаолият юритаётган ходимларнинг махсус билим ва малакага эга бўлишлари, хизмат кўрсатиш ҳудудлари (участка) нинг "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" га (СНиП) мос келиши, ресторан жиҳозларининг замонавийлиги, дизайни ва шу кабиларни киритиш мумкин.Ресторан хизматларини юқорида қайд этилган омиллар асосида ташкил этилиши унинг нуфузини белгилаш учун хизмат қилади.Кейинги пайтларда, ресторанларда асосий хизматлардан ташқари, қўшимча хизматлар (таксига буюртма бериш, суратга олиш, мижоз истаган қўшиқ учун буюртма бериш, кимёвий тозалаш ва бошқалар) ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса ўз навбатида ресторан нуфузининг янада юқори бўлишига сабаб бўлади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда ресторанларда кўрсатилаётган хизматлар маданиятини ҳамма вақт ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Айрим ҳолатларда, мижозлар ресторанларда кўрсатилаётган хизматларнинг тўлиқ бажарилмаслик ҳолатларига ёки махсус билим ва малакага эга бўлмаган ходимлар хизматига дуч келишади. Бундай вазиятда дам олиш учун келган мижоз руҳиятида чарчоқ сезила бошлайди. Масалан, кейинги пайтларда фаолият юритаётган кўпчилик ресторанларда асосий хизмат турларидан бири ҳисобланган гардиробнинг йўқлиги, қўл ювиш мосламалари ва ҳожатхона ячейкаларининг меъёридан камлиги кузатилмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, айни қиш кунларининг бирида ресторанга дам олиш учун келган киши қўлидаги юк ва устки кийимини гардиробга топшириб кириш ўрнига, ўзи билан овқатланиш залига олиб кирса, ёки бўлмаса, дам олиш вақтининг анчагина қисмини ҳожат чиқариш учун навбат кутишда ўтказса, ноқулай аҳволда қолмайдими? Бундай ҳолатларда, албатта мижозларнинг ресторан хизматларидан ҳақли равишда норози бўлишларига сабаб бўлади ва ўз ўрнида ресторанда кўрсатиладиган хизматлар маданиятининг пастлигидан далолат беради.

Кўп йиллик ўрганишлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ҳолатларнинг бўлиши, айниқса хусусий ресторанлар фаолиятида учрайди. Чунки бундай ресторан соҳибларининг кўпчилиги бошқа соҳа мутахассислари бўлиб, махсус билимга эга бўлмаганликлари учун хизмат кўрсатиш маданиятининг сир-асрорларидан бирмунча йироқ бўлишади. Шу боис, бизнинг фикримизча, барча хусусий ресторанларда фаолият юритадиган иш бошқарувчи ёки менежерлар махсус ихтисосликга эга бўлган мутахассислардан бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ресторанларда хизмат кўрсатиш маданиятини белгилайдиган омиллардан яна бири официантлар хизмати ҳисобланади. Маълумки, улар хизмат фаолияти давомида мижозлар билан бевосита, яъни юзма-юз контактда бўлишади. Ҳолбуки, ресторан хизматининг бу бўғини жуда муҳим бўлиб, мижозлар кайфиятининг у ёки бу томонга ўзгаришига тез таъсир кўрсатади. Шунинг учун, ресторан хизматлари маданияти даражасини аниқлашда официантлар хизмати жуда муҳим ҳисобланади.Ресторанларда

официанларнинг хизмат фаолиятидаги бажарадиган вазифалари кенг қамровли ва нозик бўлиб, уларни юксак дид билан амалга оширишни талаб этади. Улар томонидан амалга ошириладиган хизмат турлари қуйидагилардан иборат:

- мижозларни касбий этикет қоидалари асосида кутиб олиш;
- овқатланиш ва дам олиш учун келган мижозларни таркиби (жинси), ёшини эътиборга олган ҳолда белгиланган қоидалар асосида жойлаштириш ва кўмаклашиш;
- белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда буюртма олиш;
- столни серверовка қилиш ва қўшимча идишлар билан таъминлаш;
- мижозлар томонидан берилган саволларга хушмуомалалик билан жавоб бериш;
- хизмат вазифасидаги барча операцияларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- белгиланган қоидалар асосида ҳисоб-китоб қилиш ва хушмуомалалик билан уларни кузатиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган кўпчилик ресторанларда хизмат кўрсатаётган официантларнинг махсус билимга эга эмасликлари ва тажрибасизлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида ресторанда кўрсатилаётган хизматлар маданиятига салбий таъсир қилади.Шу боис, соҳада юз бераётган муаммоли вазиятларни бартараф этиш ва ресторанларда кўрсатиладиган хизматлар маданиятини янада яхшилаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ресторанлардаги хизматлар кўрсатиш участкаларининг меъёрий кўрсаткичларини, шу соҳа учун ишлаб чиқилган “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари” га мослигини таъминлаш;
- ресторан фаолияти устидан назорат қилувчи “Санитария эпидемиология хизмати” ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг ва ўз навбатида, назорат ташкилотлари олдида ресторан ходимларининг масъулиятларини янада ошириш;
- ресторанларда, айниқса хусусий ресторанларда фаолият юритаётган иш бошқарувчи ёки менежерларнинг махсус ихтисосликга эга бўлган мутахассислардан танланишига эришиш;
- ресторанда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус билимга эга бўлишлари ресторан фаолияти кун тартибининг асосий масаласига айланиши ва зарурат сезилганда уларнинг малакаларини оширишлари учун етарли шароит яратилишини таъминлаш;
- мазкур соҳа бўйича олий ўқув юртига кираётган абутуриентларни қабул қилишда, уларнинг соҳага бўлган мойиллиги ва қизиқишларини ҳисобга олиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган таклифларни амалга оширилиши ресторанларда кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиш маданиятининг даражасига ва ўз навбатида ресторан нуфузига ижобий таъсир кўрсатади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАРКИБИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Жураев И.К – СамИСИ, МДМ-121 гуруҳ магистранти
Хусанов Б.Ш.– СамИСИ проф.в.б.**.** илмий раҳбар

Аннотация: *Мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини ҳисоблашда солиқ потенциалидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш борасида мустақил изланишларимиз натижалари баён этилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳақида сўз борганда албатта, ҳудудда йиғиладиган солиқ тушумлари муҳим ҳисобланади. Бунда ривожланган давлатлар илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ҳудудлар солиқ тушумларини баҳолашда солиқ потенциалидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.*

Калит сўзлар: *бюджет, бюджет даромадлари, солиқ, солиқли даромадлар, солиқ потенциали, репрезентатив солиқ тизими.*

Аннотация: *В данной статье представлены результаты независимых исследований по поводу использования налогового потенциала в расчете доходной базы местных бюджетов в условиях Узбекистана. Говоря о доходах местных бюджетов, конечно, значительную роль играют сборы налоговых поступлений в регионе. Считается целесообразным широкое использование передового опыта развитых стран, то есть, использования налоговой потенциала для оценки налоговых поступлений регионов.*

Ключевые слова: *бюджет, доходы бюджета, налог, налоговые поступления, налоговый потенциал, представительная налоговая система.*

Abstract: *This article presents the results of independent research on the use of tax potential in terms of the revenue base of local budgets in the conditions of Uzbekistan. Talking about the incomes of local budgets, of course, the important role played by charges of tax revenues in the region. It is considered appropriate to the widespread use of best practices of developed countries, that is, the use of tax capacity to assess the tax revenues of regions.*

Key words: *budget, budget revenues, tax, tax revenues, tax potential, representative tax system.*

Маҳаллий бюджетлар Давлат бюджетининг асосини ташкил этганлиги учун маҳаллий бюджетлар даромадларни ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига жуда катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда халқимиз фаровонлигининг ошишига ҳамда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига тезроқ қўшилишига ёрдам беради. Республикамизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда давлат бюджет тизими алоҳида ўрин тутади[1]. Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамизда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: “ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас”[2].Дунё амалиётида солиқ потенциали дейилганда молия йили

давомида мамлакат ҳудудлари бўйича ягона солиққа тортиш шартларини қўллаган ҳолда давлат ҳокимияти органлари томонидан йиғилган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган давлат бюджет даромадлари тушунилади[3]. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади. Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳудуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда харажатлар ягона ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади ва даромадлар марказга тўпланиб, қайта тақсимлаш орқали ҳудудларга берилади.

Юқорида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида айтиш мумкинки, Барча ислоҳатларнинг мақсади бюджет сиёсатида давлат бюджети тақчиллигини белгиланган меъёридан ошиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдир. Бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бизнингча, республика бюджети харажатлари – давлат зиммасига юкланган вазифаларни умумдавлат миқёсида бажарилиши жихатидан тадбирларни амалга оширувчи ташкилотларни молиялаштириш тушунилиши керак.

Адабиётлар рўйхати

1. Кенжабаев О.Т. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини самарали бошқариш масалалари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104б.

3. Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?. International Monetary Fund.

4. Примова Н.И. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиялари шаклланиши ва уларнинг гуруҳланиши//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН - РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ

Янгибоев Б.Я. - СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Аннотация: *Мақолада ахборот технологияларининг рақамли иқтисодиётга ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилиши, унинг ҳозирги ривожланиши жараёнида Ўзбекистонда бажарилиши лозим бўлган айрим масалаларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.*

Калит сўзлар: *ахборот муҳити, ахборот технологиялари, компьютер технологиялари, электрон технологиялар, рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт.*

Аннотация: *В статье делается попытка показать, что информационные технологии служат основой для перехода к цифровой экономике, некоторые вопросы, которые необходимо решать в Узбекистане в процессе его современного развития.*

Ключевые слова: *информационная среда, информационные технологии, компьютерные технологии, электронные технологии, цифровые технологии, цифровая экономика.*

Abstract: *The article tries to show that information technology serves as a basis for the transition to the digital economy, some of the issues that need to be addressed in Uzbekistan in the process of its current development.*

Keywords: *information environment, information technology, computer technology, electronic technology, digital technology, digital economy.*

Замонавий техника ва технологиялар ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизнинг турли жабҳаларини мисли кўрилмаган даражада миқдорий ва сифатий ўзгаришлар билан янгилаб бормоқда.

Бу илмий адабиётларда ахборот технологиялари, ҳозирга келиб эса рақамли технологиялар (рақамли иқтисодиёт) номини олди. Бундай ўзгаришларнинг бутун инсоният жамиятининг барқарор ривожланиши мақсадларига эришишида муҳим ҳисса қўшиши ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳаётий заруриатга айланиб қолиши, муқаррар.

Ахборот технологияларининг ривожланиб, такомил этиб бориши рақамли иқтисодиётга ўтиш учун замин ҳисобланиб, унинг пойдевори, бошланғич бўғинидир. Рисоладан ахборот технологиялари масалалари билан шўғилланувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг умумий манфаатлари учун хизмат қилиши ва барча жабҳаларни кенг миқиёсда қамраб олиши табиий жараёнга айланмоқда. Бундай иқтисодиёт кўплаб янги билим ва кўникмаларни, ижтимоий ҳимоя қилишнинг тубдан янги чораларини, меҳнат ва дам олиш ўртасидаги сифат жиҳатидан янги муносабатларни талаб қилади.

Янги ечимларни излаш ҳукуматлар, фуқаролик жамиятлари, сиёсий доиралар, илмий ҳамжамиятлар томонидан замонавий технологияларни яратиш борасидаги ҳамкорликни талаб қилади. Ҳар куни биз рақамли технологияларнинг тинчликни мустаҳкамлашига, инсон ҳуқуқларининг кенгайишига ва бутун жамият манфаати учун барқарор ривожланишига қандай ҳисса қўшаётганига кўплаб далилларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот - коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора - тадбирлар амалга

оширилмоқда. 2020 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Миллий Дастурнинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир.

Дастурга биноан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча худудларида IT - паркларни ташкил этиш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланган. Бундай ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз халқимизнинг янада тўкин ва фаровон яшашлари учун хизмат қилади.

Ахборот технологиялари рақамли иқтисодиётга ўтишнинг дастлабки пойдевори ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса ҳам тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир.

Бугунга келиб рақамли ахборот технологиялари ахборотларни оммавий ва тезкор ишлов беришга йўналтирилган. Улар раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига, ўзгарувчан бозорнинг мумкин бўлган кутилмаган ҳодисаларидан ҳимояланишига, рақобатбардошликни таъминлаш учун керакли шарт - шароитлар яратиб, натижада муваффақиятга эришишларига ёрдам беришлари керак.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш - бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Бугунга келиб рақамли ахборот технологиялари ахборотларни оммавий ва тезкор ишлов беришга йўналтирилган. Улар раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига, ўзгарувчан бозорнинг мумкин бўлган кутилмаган ҳодисаларидан ҳимояланишига, рақобатбардошликни таъминлаш учун керакли шарт - шароитлар яратиб, натижада муваффақиятга эришишларига ёрдам беришлари керак.

Ахборот технологияларини жорий қилиш ва уни жадал суръатларда ривожлантириш қатор давлатлар учун устувор йўналишларнинг энг асосийсига айланиб улгурди. Улар рақамли ривожланишни амалга ошириш даврининг узоқ давом этиши, устуворликларнинг узлуксизлиги, асосий ахборот - коммуникация технологияларини яратишдан бошлаб, ушбу соҳада мақбул сиёсатни шакллантириш ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш дастурларини қўллаб - қувватлаши билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда 2020 йил рақамли иқтисодиёт муаммоларига бағишланган **«Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»** деб эълон килинган эди. Бу эса жуда катта рамзий маънога эга. Шу йилнинг ўзида

транспорт, геология, таълим, архив каби соҳаларни тўлик рақамлаштириш белгилаб берилган эди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Гбит с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит с.га етказилди. Бироқ буларнинг барчаси ахборот технологиялари билан таъминланиш даражаси етарли, деган хулосани бермайди.

Ўзбекистон ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича жаҳонда 95-ўринда турибди. Мамлакатимиз интернет тезлиги бўйича давлатлар рейтингида 129-ўрин (бу борада шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон интернет тезлиги бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар пастдир), иктисодий эркинлик индексида 140-ўринда тургани рақамли иктисодиётни жорий этишда қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини англатади.

Демак, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида айрим ижобий силжишлар билан бирга ечимини кутаётган масалалар ҳам етарлича. Президентимиз таъкидлаганидек, «Юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлсада, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ десак, бу ҳам ҳақиқат» (Янги Узбекистон, 2020 йил 28 январь, 2-сони).

Ечимини кутаётган масалалар онлайн ва бошқа тўлов турларини амалга оширишда ҳам мавжуд. 2017 йилда мамлакатимизда 34 фоиз ҳисоб эгалари рақамли тўловни амалга оширганлар, холос. Бу кўрсаткич Англияда 96 фоизга тенг. Эътиборлиси, мамлакатимизда терминал орқали тўловлар сонини ошириб боришга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё умумий бойлигининг 66 фоизи инсон капиталига, яъни асосан шахснинг илм даражасига туғри келмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 24 январида Олий Мажлисга қилган Мурожаатида «Энг катта бойлик - бу ақл - заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир», деган фикрни алоҳида келтириб ўтди(// htth: //o’z/ politics/zbekiston-respublikasi – president –shovkat –mirziyoev -oliy-25-01-2020).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни **хулоса** сифатида кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- мамлакатимизда мустақиллик йилларида илм - фан, шу жумладан ахборот технологиялари соҳасида чўқур ўзгаришлар бўлмоқдаки, унинг натижасида миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида рақамли иқтисодиётга ўтиш учун катта заруриат туғилди ва бунинг учун барча шарт - шароитлар яратилмоқда;

- ахборот технологиялари тўғрисида гап кетганда материал сифатида ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ахборот иштирок этишини таъкидлаб ўтишимиз лозим;

- ахборот технологиялари - бу объектнинг ҳолати, жараён ёки воқеанинг янги хусусияти тўғрисида ахборот олиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш воситалари ва усуллари мажмуидан фойдаланиладиган жараёндир;

- ахборот технологиялари рақамли иқтисодиётга ўтишнинг дастлабки пойдевори ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади.

- ахборот технологиялари ишлаб чиқаришнинг фаол кучига айланди, сунъий интелект эса техник тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги вазифаларини ҳал этиш имкониятини юзага келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 5349 - сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3822 - сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис йиғилишига Мурожаатномаси”. // htth: //o’z/ politics/zbekiston-respublikasi – president –shovkat –mirziyoev -oliy-25-01-2020).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4699 - сонли қарори.

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 6079 - сонли Фармони.

6. Fitzsimmons, James A., and Mona J. Fitzsimmons., Service Management: Operations,

7. Strategy,Information Technology, (6th ed.), McGraw-Hill/Irwin, 2006, ISBN-13: 978-007- 126346-7, and ISBN-10: Strategies for the 21st Century. McGraw Hill.

8. IT SERVICE MANAGEMENT A Guide for ITIL ® Foundation Exam Candidates Second Edition Ernest Brewster, Richard Grifths, Aidan Lawes, John Sansbury - 2012.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СЕРВИС СОҲАСИНИ ДЕВИРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Эгамкулов Д.Б. - СамИСИ “Иқтисодиёт” факултети 2-босқич талабаси
Азизқулов А. – СамИСИ доценти, илмий раҳбар

Аннотация: *Мазкур мақолада мамлакатлар иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири сервис соҳасини ўрганиб чиқиш кўзда тутилади. Мақолада ушбу соҳадаги жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда соҳани рақамлаштириш масалалари, бундаги еришиладиган ютуқлар ва афзалликлар билан бирга салбий ҳолатларни олдини олган ҳолда унинг амалиётга жорий қилинишини илмий ўрганиб ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни беришдан иборат.*

Калит сўзлар: *Рақамли иқтисодиёт, сервис, краудфандинг, краудсорсинг, рақамлаштириш.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается одна из основных отраслей экономики стран-сфера сервиса. В статье, исходя из мирового опыта в данной сфере, мы будем научно изучать вопросы цифровизации отрасли, ее внедрения в практику с учетом достигнутых в ней успехов и преимуществ, а также предотвращения негативных последствий.*

Ключевые слова: *Цифровая экономика, сервис, краудфандинг, краудсорсинг, оцифровка.*

Abstract: *This article discusses one of the main sectors of the economy of the countries-the service sector. In the article, based on world experience in this field, we will scientifically study the issues of digitalization of the industry, its implementation into practice, taking into account the successes and advantages achieved in it, as well as the prevention of negative consequences.*

Keywords: *Digital economy, service, crowdfunding, crowdsourcing, digitization.*

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси нисбатан узоқ бўлмаган вақтда, 1995-йили Массачусец университети америкалик олими Николас Негропонте томонидан фанга киритилди[57]. Олим ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, ижобий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.

Рақамли иқтисодиёт ахборотлашган жамиятнинг ҳосиласидир.

Рақамли иқтисодиёт – бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини таҳлил қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда тадбиқ қилишдир[58].

Тадқиқотчилар, шунингдек рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг (интернет орқали кўп сонли одамлардан оз миқдордаги пулни жалб қилиш орқали лойиҳа ёки корхонани молиялаштириш амалиёти) ва бошқа турдаги

[57] G`.M. Porsaev, B.Sh. Safarov, D.Q.Usmanova “ Raqamli iqtisodiyot asoslari”, - T.: 2020. 7-bet
[58] https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html

соҳаларни рақамли компютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир дейишадилар[59].

Рақамли технологиялар ривожланиши ортидан инсон, унга керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арзон сотиб олиш билан кўплаб қулайликларга эга бўлади.

Рақамли иқтисодиёт давр талаби бўлиб, унинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, бозорни ўсиши, сотувчилар ўртасида рақобатбардош муҳитни ҳамда янги инновациялар ривожланишини таъминлаб бериши мумкин.

«Рақамли» давлатлар бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швецария ҳисобланишади. Рақамли иқтисодиёт ривожланган 10 та давлатлар қаторига АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея ва Гонконг каби мамлакатларни киритиш мумкин[60].

Рақамли технологиялар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки Электрон иқтисодиёт пайдо бўлади.

Иқтисодиётнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – трансаксион (бозорда товарларни сотишда эгалик ҳуқуқини аниқлаш ва бериш билан боғлиқ харажатлар) секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информацион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (коммунал, шахсий ва ижтимоий) бирлаштиради[61].

Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафиги эса салмоқли бўлади. Шу боис иштирокчилар сони кўп ва IT хизматлари кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади.

Рақамли иқтисодиёт – транспорт, савдо, логистика ва шу сингари интернет билан фаол ишловчи соҳаларга чексиз қулайликлар яратади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларда Электрон сегментнинг улуши ЯИМнинг 10 фоизига яқинлашиб, 4 фоиз аҳоли бандлигини таъминлайди. Энг аҳамиятлиси, бу кўрсаткичлар барқарор тарзда ўсиб боради[62].

Прогнозларга кўра, яқин йилларда макроиқтисодиёт «learn production», аддиктив, нано ва биотехнология мезонларига таянадиган ишлаб чиқарувчиларга қаттиқ боғлиқ бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот кўлами ҳам ортиб боради,

[59] https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari
[60] https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html
[61] https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari
[62] https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari

ишлаб чиқариш ва фуқаролар мулоқоти, бизнес ва давлат органларини бошқариш тузилмаси еса жиддий ўзгаришларни бошдан кечиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, ахборот технологиялари кўплаб кундалик вазифаларни ҳал қилади, бунинг натижасида эса йирик кўламдаги амалиётлар тезроқ, арзонроқ, қулайроқ ва ўртадаги воситачиларсиз бажарилади.

Электрон савдо, интернет-банкинг ва бошқа шу каби замонавий йўналишлар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Натижада даромадни ошириш учун аксар соҳаларда автоматик тармоқли сервислар (масалан, сифатли веб-сайт ёки мобил илова каби) бизнесдаги воситачилар ўрнини эгалламоқда.

Бунинг самараси ўлароқ бизнес хизматга белгиланган нархларни сезиларли даражада тушириши, макроиқтисодий йўналишда еса якка ишлаб чиқариш ва нотўлиқ бандлик кўрсаткичлари ўсиши мумкин. Шунингдек, краудфандинг ва краудсорсинг[63] (натижага эришиш учун иштирокчилар ўртасидаги ишларни жалб қилиш ва тақсимлаш) каби йўналишлар ҳам ҳозирда янги иқтисодий технологиялар сирасига киритилмоқда.

Рақамлаштиришдан максимал фойда олишни истаган давлат, зарурий юқори технологик махсулотларнинг бозорини яратиши ва уни қўллаб-қувватлаши лозимдир. Шу билан бирга, параллел тарзда давлат бошқаруви, муҳим соҳалар ва корхоналар учун хусусий иловаларни ривожлантирган ҳолда, электрон иқтисодиётнинг асосий платформаларини назорат қилувчи инструментларни ўз измида сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт бутун дунёни қамраб олиши туфайли, ахборотлаштириш ва рақамлаштиришга оид ҳар қандай давлат лойиҳаси комплекс равишда ҳамда ягона кодлаш тизими, иқтисодий ва бошқарувга алоқадор ахборотни аниқлаш асосида ўрганилиши лозим.

«Биттадан-биттага» ва «биттадан-кўпга» мулоқот формуласидан «кўпдан-кўпга» формуласига ўтиладиган рақамли иқтисодиёт платформалари ушбу жараённинг энг муҳим бўлаги ҳисобланади. Ушбу соҳадаги силжишлар давлат кўмагида кичик ва ўрта бизнесга мос келадиган консалтинг ва техник ташкилотларни ривожлантириш орқали, иқтисодиётнинг реал секторидаги вазиятни автоматик тарзда кескин ўзгартиради (ва мазкур соҳаларда тузилмавий ислоҳотларга туртки беради) ва инновацион сервис соҳаси учун шарт-шароит яратишга ёрдам беради[64].

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиздаги хизматлар соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида қуйидаги афзалликларга эришиш мумкин:

1. Хизмат кўрсатиш тизимининг самарадорлиги таъминланади.
2. Сервис соҳасидаги истиқболли қарорларни тезроқ ва сифатли қабул қилишга эришиш имконияти пайдо бўлади.
3. Хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини шаффоф эканлигини кузатиб бориш имконияти вужудга келади.

[63] https://uz.wikidea.ru/wiki/Crowdsourcing

[64] https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari

4. Хизматлар соҳасидаги янги лойиҳаларнинг натижаларини онлайн кузатиб бориш ва фючерс бозорига тайёрлаш имконияти юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.05.2021 yildagi “Xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risidagi ” gi PQ-5113 son qarori

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил

24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси.

3. G`.M. Porsaev, B.Sh. Safarov, D.Q.Usmanova “ Raqamli iqtisodiyot asoslari”, - T.: 2020.

4. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.:ИНФРА-М, 2018. -381 с

5. Mustafoqulov Sh. “Raqamli iqtisodiyot – yangi O‘zbekiston taraqqiyotining yangi davri” http://tsue.uz/?m=20200225

6. www.uz.wikidea.ru

7. www.lex.uz

РАЗВИТИЕ БАНКОВСКИХ ИННОВАЦИЙ В СФЕРЕ ОБСЛУЖИВАНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

Ходжимамедов А.А. - Соискатель СамИЭС

Аннотация. *В статье описаны пути развития, внедрения и совершенствования банковских услуг, что является ключевым элементом развития банков на сегодняшний день в условиях цифровизации экономики. В результате исследования были изучены проблемы использования цифровых технологий в банках, а также выявлены перспективные направления их решения. Проанализированы взгляды ведущих ученых на совершенствование банковских инноваций. Также сформированы предложения и рекомендации по совершенствованию банковских инноваций в условиях цифровизации банковской системы.*

Ключевые слова. *банковское дело, инновации, цифровизация, трансформация.*

Abstract. *The article describes ways to develop, implement and improve banking services, which is a key element of the development of banks today in the context of digitalization of the economy. As a result of the study, the problems of using digital technologies in banks were studied, and promising areas for their solution were identified. The views of leading scientists on improving banking innovation were analyzed. Also, proposals and recommendations for improving banking innovation in the context of digitalization of the banking system were formed.*

Key words. *banking, innovation, digitization, transformation.*

Аннотация. *Мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бугунги кунда банклар ривожининг асосий элементи бўлган – рақамли технологияларни ривожлантириш, уни тадбиқ қилиш, банк хизматларини такомиллаштириш йўллари келтирилган. Тадқиқот натижасида банкларда рақамли технологиялардан фойдаланиш муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этишнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган. Банк инновацияларини такомиллаштириш бўйича етакчи олимлар фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, банк тизимини рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.*

Калит сўзлар. *банк, инновация, рақамлаштириш, трансформация.*

В настоящее время понятие банковских инноваций и банковских

инновационных технологий приобретает первостепенное значение для экономики, так как именно банковские инновации определяют потенциал для конкурентоспособности и развития банковской сферы, обусловливают возможность и необходимость осуществления определенных структурных изменений с целью стимулирования развития финансового сектора.

Исходя из финансово-кредитного экономического словаря, инновация– это новшество в производственной и непроизводственной сферах, в области экономических, социальных, правовых отношений, науки, культуры, образования, здравоохранения, в сфере государственных финансов, в финансах бизнеса, в бюджетном процессе, в банковском деле, на финансовом рынке, в страховании и др.[1].

Так, финансовая инновация – это новшество в финансовой сфере, результат процесса создания новых финансовых методов, инструментов, видов операций, платежных систем и технических приемов, способствующих улучшению функционирования финансовых учреждений, ускорению финансовых потоков, снижению рисков и издержек, ускорению финансовых операций, повышению эффективности бизнеса [1].

Несмотря на то, что теоретические знания по инновациям включают в себя понятие инноваций в финансовой и банковской сферах, а важность инноваций в указанных сферах неоспорима, часто эти сферы остаются за пределами пристального внимания и освещения, основной акцент делается на инновациях в сфере производства, науки, техники.

Указом Президента Республики Узбекистан от 21 сентября 2018г (№УП-55444) была утверждена «Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 — 2021 годы [2]». Основными задачами стратегии являются:

- вхождение Республики Узбекистан к 2030 году в состав 50 передовых стран мира по рейтингу Глобального инновационного индекса;
- повышение качества и охвата образованием на всех уровнях, развитие системы непрерывного образования, обеспечение гибкости системы подготовки кадров, исходя из потребностей экономики;
- укрепление научного потенциала и эффективности научных исследований и разработок, создание действенных механизмов интеграции образования, науки и предпринимательства для широкого внедрения результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ;
- увеличение вложения государственных и частных средств в инновации, научно-исследовательские, опытно-конструкторские и технологические работы, внедрение современных и эффективных форм финансирования мероприятий в данных сферах;
- обеспечение защиты прав собственности, создание конкурентных рынков и равных условий ведения бизнеса, развитие государственно-частного партнерства;

- создание устойчиво функционирующей социально-экономической инфраструктуры.

Таким образом, основной акцент в программе уделяется именно сфере образования. Банковская сфера указана как одного из источников финансирования инноваций (посредством предоставления банковских кредитов), упоминается также необходимость повышения автоматизации банковского сектора, развития электронных платежей и систем мобильного-банкинга и интернет-банкинга.

В целом программой предусматривается формирование благоприятных правовых, экономических и социальных условий для технологического развития национальной экономики.

Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан уделяет особое внимание инновациям в банковском секторе, и связи с этим наблюдается активное участие коммерческих банков Узбекистана в данном направлении. В банковской сфере Узбекистана наблюдается достаточно жесткая конкуренция. Основной целью работы коммерческого банка, как и любых других коммерческих организаций является получение прибыли. Данная цель достигается путем создания и удержания хорошей клиентской базы, способной приносить стабильный доход.

На сегодняшний день процедура открытия счета в банке хозяйствующего субъекта очень проста. Коммерческие банки открывают счет субъекту не позднее одного банковского дня, следующего за днем подачи заявления. Кроме того, хозяйствующие субъекты могут иметь текущие (расчетные) банковские счета в нескольких коммерческих банках. Это свидетельствует, о том, что у клиентов банков есть все необходимые условия для сравнения уровня банковских услуг, предлагаемых банковских продуктов и сервиса для выбора подходящего банка. Это стимулирует коммерческих банков развиваться, разрабатывать новые инновационные решения в банковской деятельности для привлечения клиентов.

Особую актуальность приобретает уровень банковских услуг и степень внедрения инновационных решений в банковском обслуживании крупных международных компаний, представляющих интерес для государства с точки зрения источников возможных инвестиций. Как правило, такие компании имеют завышенные требования к уровню банковского сервиса, сопоставимый с тем, который они получают в стране своего резидентства или в странах, где представлены филиалы рассматриваемой международной компании. Часто таким компаниям необходимы унифицированные решения, позволяющие вести унифицированный финансовый учет для головной компании по всем представительствам в разных странах. Значительное предпочтение получает дистанционное банковское обслуживание, особую ценность представляют скорость, качество и возможность унификации.

Изучив, опубликованную на официальных сайтах коммерческих банков Узбекистана, можно отметить, что наиболее технологически развитыми являются крупные коммерческие банки, особенно банки с иностранным капиталом. В некоторых случаях это обусловлено тем, что главным акционером

таких банков выступает зарубежные инвесторы, целью которых является унификация сервиса во всех своих сетевых банках. Однако полностью внедрить зарубежный опыт и последние современные разработки (например, международные пулы, включающие в себя несколько взаимосвязанных организаций в разных странах, потоки платежей между которыми происходят без ограничений и контролируются в единой унифицированной IT-системе что особенно распространено в странах ЕС) в сфере банковских услуг в Узбекистана несколько ограничена. Это связано с рядом факторами в сфере расчетов хозяйствующих субъектов, а именно - наличия строгого валютного законодательства и контроля. Тем не менее, узбекская банковская система инновационно развивается, адаптирует передовой опыт мировой банковской системы, разрабатывает собственные решения, применимые для нашей страны.

Для развития внедрения инновационных решений в банковском обслуживании юридических лиц предложим некоторые инновационные предложения:

1. **Централизованное банковское обслуживание юридических лиц**. Эта услуга, позволяющая юридическим лицам полный комплекс операций по расчетно-кассовому обслуживанию юридических лиц в любом отделении сети банка в любом городе республики. Сейчас юридическое лицо привязано к отделению, в котором был открыт его текущий счет по подавляющему большинству операций по расчетно-кассовому обслуживанию и может получить определенный комплекс услуг только в этом отделении. Данная услуга позволяет юридическому лицу получить такую же степень мобильность по своим операциям, что и физическое лицо. Услуга представляется банком как уникальная не только для Узбекистана, но и для стран СНГ.

2. Следующий – новый уровень **дистанционного банковского обслуживания** (системы электронных банковских платежей «Клиент-Банк» и «Интернет-Банк»). В ближайшей перспективе нужно развить системы дистанционного банковского обслуживания «Интернет-Банк», функционал которой в настоящий момент органичен. Развитие и функциональное наполнение данного банковского продукта позволит юридическому лицу не иметь привязки к конкретному рабочему месту для осуществления своих операций с банком, а осуществлять их в любой точке мира по средствам доступа в интернет.

3. **Услуга платежей по взаимосвязанным счетам («кэш пулинг»).** Данная услуга активно предоставляется банками своим клиентам во многих странах мира. Суть услуги заключается в том, что счета какой-то группы клиентов объединяются в единую систему и проводить платежи при острой необходимости можно за счет всех денежных средств со счетов организаций (филиалов организации), включенных в пул. Услуга может быть активно востребована клиентом, имеющим разветвленную филиальную сеть, она позволяет оперативно снабжать деньгами любой филиал. Пулы могут также образовываться из организаций, не связанных напрямую между собой. Если какой-то организации не хватает денежных средств, деньги можно позаимствовать из пула со счета партнера. С банком связываться нет

необходимости, операция происходит автоматически. Отношения между организациями по поводу заимствования денежных средств регулируются их внутренними договорными отношениями.

Вышеизложенные предложения приведут к созданию новых инновационных продуктов, применяемыми банком. Банковская система Узбекистана движется в направлении внедрения инновационных решений, создания достойных и высокотехнологичных решений в сфере обслуживания юридических лиц, не уступающих услугам зарубежных банков.

Хозяйствующие субъекты ведущие деятельность в нашей стране, осуществляют безналичные расчеты и имеют счета в банке. Создание благоприятной инфраструктуры в банковской сфере является важным звеном общей инфраструктуры экономики и инвестиционной привлекательности.

Список использованных источников:

1. Финансово-кредитный энциклопедический словарь /Под общ.ред.А.Г.Грязновой.-М.:Финансы и статистика, 2006.

2. Указ Президента Республики Узбекистан № 5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 — 2021 годы»

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲА КОРХОНАЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тураев А. - СамИСИ ассистенти

Аннотация. *Ушбу мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда солиқ имтиёзлари тақдим этилиши ҳамда солиқ муносабатларини оптималлаштиришга қаратилган фирк ва мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган.*

Калит сўзлар. *Солиқ, корхона, хизмат кўрсатиш, имтиёз, ставка, солиқ тизими, солиқ сиёсати.*

Аннотация. *В данной статье представлены взгляды и комментарии по предоставлению налоговых льгот предприятиям, работающим в сфере услуг, по совершенствованию и развитию налоговой политики в стране, а также по оптимизации налоговых отношений.*

Ключевые слова. *Налог, предприятие, услуга, льгота, ставка, налоговая система, налоговая политика.*

Annatation. *This article presents the views and comments on the provision of tax benefits to enterprises operating in the service sector, on improving and developing the tax policy in the country, as well as on optimizing tax relations.*

Keywords. *Tax, enterprise, service, privilege, rate, tax system, tax policy.*

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмининг таркибий қисми солиққа тортиш механизми хисобланади. Айнан ушбу солиққа торташ механизми оркали корхона иктисодий фаолиятини шакллантириш, олиб бориш ўзига хос ўринни

эгаллайди. Шу боис хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига солиқ имтиёзларини ташкил этиш муҳим ахамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини баркарорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири солиқ сиёсатининиг туғри юритилиши бўлиб хисобланади. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида солиқ муносабатлари борасида хам баркарорликка эришиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмокда. Агарда солиқ имтиёзлари хизмат кўрсатиш корхоналари учун туғри ташкил этилса, бундай муносабатни юзага келтиришга боглик меъёрий хужжатлар илмий асосланган бўлса, унда хизмат кўрсатиш корхонасини тўлиқ баркарорлашганлигидан далолат беради. Чунки хар қандай илмий асосланган меъёрий хужжатни амал қилиши корхоналарони молиявий баркарорлигига хизмат қилиши мукаррардир. Шу билан бирга, бир вактнинг ўзида амалиётга илм ва техниканинг янги ютукларига асосланган инновацион ахамиятга молик меъёрларни жорий этиш энг аввало солиқ солиш базасини аниқлаш, солиқ ставкасини иктисодий чегарасини белгилаш, турли солиқ тўлов тизимини кўллаш натижасида хизмат кўрсатиш тизими корхонларини фойдаси даромадининг баркарор ўсиши хам кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланиши мумкин бўлади.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинадиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадлари белгилаб берилди. [65]

Бундай шароитда, бизнинг фикримизча, барча соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида хам солиқ имтиёзларини худди шу йўналишларда такомиллаштириш уларни оптималлаштиришнинг муҳим замонавий йўналиши сифатида қаралмоги лозим.

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш муаммосини оқилона хал этиш билан боглик масалаларнинг биринчи гурухи уларнинг мохияти ва ташкил этиш принципларига тегишли хисобланади.

Солиқ имтиёзларининг мохиятига багишланган илмий қарашларни қиёсий тахлили бизга куйидаги муҳим хулосаларни чикариш имконини беради:

1. Умумий кесишув нукталари бўлишига қарамасдан солиқ

[65] МИРЗИЁЕВ Ш.М. - Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4389-сонли Қарор. 2019 йил 10 июль.

имтиёзларининг моҳиятини ифодаловчи мавжуд таърифлар, баъзи ҳолларда, бир-бирларидан шаклан ва мазмунан фарқ килади.

2. Аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари «солиқинг субъектига бошка солиқ тўловчига нисбатан афзаллик такдим этиш»[66] тарзида талқин этилади.

3. Солиқ имтиёзларини «солиқ тўламаслик ёки уларни озроқ микдорда тўлаш имконияти»[67] сифатида эътироф этиш холатлари хам мавжуд.

4. Айрим ўринларда «солиқ мажбуриятини кискартиришнинг турли вариантлари»[68]га солиқ имтиёзлари сифатида қаралмокда.

5. Баъзи ҳолатларда солиқ имтиёзлари «... ҳар қандай давлат иктисодий сиёсатининг инструменти»[69] сифатида умумий куринишда эътироф этилмокда.

6. Солиқ имтиёзларига «солиқ юкини енгиллаштириш», «солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошкача тарзда юмшатиш»[70] каби қарашлар хам мавжуд.

7. «... солиқ мажбуриятини харажатларнинг маълум бир катъий суммасига нисбатан тўғридан туғри қисқартирилиши»[71]га солиқ имтиёзлари деб қаралаяпти.

8. Солиқ имтиёзлари «... солиқлар бўйича турли хил енгилликлар»[72] сифатида эътироф этилаяпти ва х.к.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини ифодалашда, бизнинг назаримизда, унинг моҳиятини тўлиқ ифодаловчи ва кўпчилик томонидан эътироф этилган умумий таърифнинг йук эканлиги ушбу муаммога нисбатан солиқлар ва солиққа тортишга оид бўлган фанлар ривожланганлик даражасининг етарли эмаслиги билан белгиланади. Бундай холатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, солиқ имтиёзларининг ягона моҳиятини турлича талқин қилишга имконият очиб бериб, солиқ имтиёзларини такомиллаштириш масаласини оқилона ҳал этишни янада мураккаблаштиради.

Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига имтиёзли солиқларни кўллаш орқали, жамият хизмат кўрсатишининг ривожланишига, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилишини замонавийлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши

---

66 Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. - м.: Экономика, 2007. - с. 23; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и доп. - м.: Инфра, 2008. - с. 33; Узбекистан Республикаси Солик кодекси. Расмий нашр. - Т.: «Адолат», 2010. - 25 б.

67 Незамайкин В.Н., Юрзинова И. Налогообложение юридических и физических лиц. - М.: Экзамен, 2004. - с. 44; Завалишина И.А. Соликлар: назария ва амалиёт. - Т.; Иктисодиёт ва хукук дунёси, 2005. - 14 б.; Яхёев К.А. Солик. - Т.: Мехнат, 1997. - 20 б.; Толкушкин А.В. Налоги и налогообложение: Энциклопедический словарь. - М.: Юристъ, 2000. - с. 280.

68 Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. Учеб. пособие. - М.: Инфра-М, 2001. - с. 58; Маликов Т.С. Соликлар ва соликка тортипгаинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 166 б.

69 Бард З.С., Павлова Л.П. Налоги в условиях экономической интеграции. - М.: КНОРУС, 2004. - с. 23.

70 Алиев Б.Х., Абдулгалимов А.Ш. Теоретические основы налогообложения. Учеб. пособие / Под ред. проф. А.З. Дадашева. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - с. 89.

71 Сычев Н.Г., Илёин В.В., Крикунов А.В., Ермилов В.Г. Толковый словарь аудиторских, налоговых и бюджетных терминов. - М.: Финансы и статистика, 2003. - с. 103.

72 Жураев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солик назарияси. /Укув кулланма. - Т.: ТМИ, 2004. - 83 б.; Яхёев К.А. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: 2003. - 247 б.

мумкин. Солиқлар ёрдамида зарур ижтимоий масалалар ечилади. Ахолининг турли ижтимоий гуруҳлари даромадлари тартибига солинади, кам таъминланган шахслар солиқ тўловларидан озод қилинади. Демографик сиёсат талабларидан келиб чиккан ҳолда солиқ имтиёзлари ўрнатилади.

Чакана ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган холда, ялпи даромад солиғидан муайян имтиёзларга эга. Пластик карточкалардан фойдаланиш билан боғлик имтиёзни мол-мулк солиғи ва товар (хизмат)лар нархларига хам жорий этиш максадга мувофик. Савдо корхоналарига бу борада имтиёзларнинг кўзда тутилиши уларда пластик карточкаларни жорий қилишга бўлган мойиллигини кучайтириши билан биргаликда, накдсиз пул айланишини кўпайтиришга хизмат килади. Бу борада солиққа тортиш тартибини такомиллаштиришда ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётда синов ўтган илғор тажрибаларидан фойдаланиш хам муҳимдир.

Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига нисбатан солиқ муносабатларини ривожлантириш борасидаги меъёрий тизимни кай даражада кўйилганлигидир. Бозор муносабатларини модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида меъёрий тизимнинг йўлга кўйилганлиги солиқ тамойилларига амал этишнинг негизи бўлиб хисобланмоғи лозим. Агар меъёрий қиймат хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари учун етарли даражада солиқ муносабатини, бюджет даромадларига солиқларни тўлиқ тушишини таъминлашга имконият яратиб берса, бундай солиқ меъёри окилона солиқ муносабатини, енгил солиқ юкини амал қилишидан далолат беради. Шу билан бирга, бир вактнинг ўзида амалиётга илм ва техникани янги ютукларига асосланган прогрессив солиқ меъёрлари жорий этиш натижасида хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарининг фойдасини баркарор ўсиш хамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланади.

SPELEOTURIZM TUSHUNCHASI VA UNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Uralov Sh.A.- SamISI, MTF-121 guruh magistranti
Amriddinova R.S. - ilmiy rahbar, “Turizm” kafedrasi dotsenti

Annotatsiya: *Maqolada speleoturizmning o'ziga xos xususiyatlari, uning inson hayotidagi o'rni, sayyohlar uchun g'orlarni jalb qiladigan foydalari va xavflari tasvirlangan.*

Kalit so’zlar: *Speleoturizm, g’or, mashrut, sport, arqon, eksremal, aktiv.*

Speleoturizm - bu sport turizmining bir turi bo'lib, ma'nosi tabiiy yer osti bo'shliqlari (g'orlar) bo'ylab sayohat qilish va ulardagi turli xil to'siqlarni (sifonlar, quduqlar) turli xil maxsus jihozlar (akvovkalar, karabinlar, arqonlar, ilgaklar, individual xavfsizlik tizimlari va boshqalar) yordamida yengib o'tishdan iborat.

Yangi speleoturistik yo'nalishlarning ochilishi g'orlarni o'rganish - speleologiya bilan bog'liq. Speleologiya geologiyaning sohalaridan biridir. Ammo butun dunyo

bo'ylab minglab odamlarni g'orlarga jalb qiladigan asosiy narsa - bu dunyo xaritasidagi bo'sh joylarni o'rganish imkoniyati. Biroq, speleologiya bilan jiddiy shug'ullanish uchun jiddiy tayyorgarlikka ega bo'lish kerak.

Spelestologiya inson tomonidan yaratilgan yer osti inshootlari haqidagi ajoyib fandir. Spelestologiya bevosita speleologiya bilan bog'liq. Spelestologlar yer osti shahar infratuzilmalarini o'rganadilar: tashlandiq karerlar, tashlandiq konlar, suv o'tkazgichlari, eski yer osti yo'llari, quduqlar, yer osti ibodatxonalari va monastirlar.

G'orlar inson uchun nafaqat jozibador muhit, balki hatto tajovuzkor muhit bo‘lishi mumkin. Ko'pincha u yerda sovuq bo'ladi, namlik hukm suradi (masalan, alp karstining bo'shliqlarida harorat 2-3 ° C va 100% namlik) va qorong'u.

Eng mashhurlari g‘orlar vertikal g'orlardir. Ular yengib o'tishlari kerak bo'lgan turli xil vertikal qismlarni (quduqlar, to'siqlar va boshqalar) o'z ichiga oladi. Speleoturizm bo'yicha toifaga ega bo'lish uchun bir nechta g'orlardan o'tish kerak bo’ladi.

Speleoturistlarning odob-axloq qoidalariga, g‘orlarda o‘zini tutishiga, yer ostidagi tabiatga munosabatiga alohida talablar qo‘yiladi. Bu ularni qiziqtiradigan ob'ektning - g'orning, uning ekotizimining, turli xil tomchilatib shakllanishlarning, mineral va muz kristallarining o'ta mo'rtligi bilan bog'liq. Misol uchun, singan stalaktit faqat o'nlab va hatto yuzlab yillar o'tgach tiklanadi. G'orlarni o'rganish natijasida ko'plab mineral tuzilmalar vayron qilingan.

Speleoturizm sport turizmining bir turi sifatida faol dam olishning qiyin, ammo juda qiziqarli usuli hisoblanadi. Bunda siz piyoda yurish, toqqa chiqish, toshga chiqish va hatto suv ostida sho'ng'ishingiz mumkin. Bitta g'orda siz vayronalar, quduqlar, yoriqlar, yer osti daryolari, ulkan grottolarni topishingiz mumkin. Bu, albatta, juda qiziq, ammo bu, shu bilan birga, yer osti sayohatining asosiy kamchiligidir - ular ehtiyotkorlik bilan va uzoq muddatli tayyorgarlikni talab qiladi.

Speleoturizm ekskursiya, havaskor, professional bo'lishi mumkin. Ammo har qanday toifadagi sayyohlar o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lishlari kerak. Birinchidan, tabiiy yorug'likning yetishmasligi. Oddiy qilib aytganda, g'orlarda abadiy tun bor, bu o'z-o'zidan ekstremal sharoitlarni yaratadi. Ikkinchidan, er osti namligi har doim juda yuqori va bu sayohatchilar uchun noqulay. Uchinchidan, havo harorati pasayadi. To'rtinchidan, g'orlarda oson yo'llar yo'q! Bu har doim maxsus jihozlar va, albatta, chidamlilik, epchillik, kuch va psixologik barqarorlikni talab qiladi.

Bundan tashqari, odatiy transport vositalari bilan g'orlarga kirish qiyin. Ba'zan, yer ostiga tushishdan oldin, uning yuzasida bir necha kun sayohat qilish kerak bo’ladi.

Speleotouristlar toqqa chiqish va suvga sho'ng'ish bo'yicha mukammal mahoratga ega bo'lishi, konchilik yoki kayak ekspeditsiyalarida tajribaga ega bo'lishi zarur. Bu juda og'ir sharoitlarda elementar omon qolish usulidir. Tanlangan marshrutga qarab, g'or g'ayritabiiy darajada yuqori namlik (100% gacha), sovuq (ba'zi g'orlarda harorat -4 darajaga tushadi), suv to'siqlari va boshqalarga duch kelishi mumkin. Shuni qo'shimcha qilish kerakki, bu barcha qiyinchiliklarni to'liq zulmatda yengish kerak.

G'or labirintlari ko'plab sirlarni yashiradi, har bir g'orda juda ko'p g'ayrioddiy

va hayratlanarli hodisalar mavjud. Shuning uchun speleoturizm har yili sarguzasht va topishmoqlarni sevuvchilarni tobora ko'proq jalb qilmoqda, u hech kimni befarq qoldirmaydi.

Ba’zi odamlar noto'g'ri fikrda bo’lishadi ya’ni “speleoturizm hamma uchun mavjud emas, u bilan faqat umidsiz odamlar shug'ullanadi va oddiy odam buni qila olmaydi” deb o’ylashadi Ammo, agar qat'iyat va istak bo'lsa, har qanday odam uzoq mashg'ulotlardan so'ng ushbu ekstremal, ammo qiziqarli sport turiga qo'shila oladi.

Speleoturizmning mohiyati shundaki, odamlarning ma'lum bir guruhi g'orni o'rganish bilan shug'ullanadi. Lekin buning uchun maxsus jihozlarga ega bo'lish kerak: arqonlar, karbinalar, zhumar va boshqalar. G'orni o'lchash uchun lazer masofa o'lchagich zarurkim, buning yordamida g'orning chuqurligini, shuningdek, unga o'tishning kengligini o'lchash mumkin.

Qadim zamonlardan beri insoniyat g'orlarni o'rganishni boshlagan. Ibtidoiy odamlar uchun g'orlar yovvoyi hayvonlardan himoyalanish makoni bo‘lgan. Aytish mumkinki, ularning uyi edi. Shuning uchun speleoturizmni sportning bir turi deb o'ylamaslik kerak, uning yordamida siz faqat yaxshi jismoniy faollikni olishingiz mumkin. G'orlarni o'rganish paytida ko'plab qiziqarli narsalarni ko'rish mumkin: hayratlanarli tabiiy shakllanishlar va ba'zan hatto qoyalardagi g'ayrioddiy chizmalar va sh.k.

Shuni ta'kidlash kerakki, g'orlarni speleoturizm ko'rinishidagi tadqiq qilish faqat 20-asr boshida juda mashhur bo'ldi. Ammo o'tgan asrning o'rtalaridan boshlab bu sport turi sifatida juda mashhur bo'ldi.

Ko'pincha bu sport sarguzasht xarakteriga ega odamlarni o'ziga jalb qiladi. Tajribali gidlar sayyohlar bilan bemalol borishlariga va yo'nalishlar allaqachon ko'p marta tekshirilganiga qaramay, hali ham xavf ehtimoli mavjud.

Speleoturizm odatda turlarga bo'linadi, ularga marshrutning qanchalik qiyinligi ta'sir qiladi. Ba'zida bunday sayohatda speleoturistlar qor va suv to'siqlari bilan uchrashadilar. Hammasi g'orning qayerda joylashganiga bog'liq. Ayniqsa, sportchi-g'orchilar tez-tez tashrif buyuradigan g'orlarda hatto devorlarga maxsus "favqullodda tugmalari" osib qo'yilgan. Eng ekstremal sayohatlar yangi kashf etilgan yer osti qirolliklari orqali amalga oshiriladi.

Barcha g'orlar murakkabligi bo'yicha 9 toifaga bo'lingan va ularning har birini o'rganish uchun ma'lum mahorat va maxsus jihozlar kerak bo'ladi. Qiyinchilikning asosiy ko'rsatkichlari g'orning qiyinligi va to'siqlar soni, shuningdek, marshrutning uzunligi bilan belgilanadi.

Zamonaviy dunyoda yana bir tushuncha bor – speleoturizm sporti, bu yanada murakkab tushuncha. Bunday holda, sport toifasiga ega bo'lishni istagan sportchilar turli xil vazifalarni bajaradilar: ular rasmiy ravishda belgilangan qiyinchilik toifasiga mos keladigan bir nechta g'orlardan o'tishlari kerak. Ushbu shartlarni bajarish bir qarashda ko'rinadigan darajada oson emas, chunki marshrutlarda doimo turli xil to'siqlarga duch keladi: yer osti daryolari, vayronalar, tor daralar va boshqalar.

Speleoturizmning yangi marshrutlari odatda g'orlarni speleologiya ilmi uchun faol o'rganayotgan speleologlar tomonidan ochiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu juda qiyin jarayon, chunki g'orning o'lchamlarini aniqlash, uning barcha egilishlarini, burilishlarini hisoblash va keyin ushbu ma'lumotlarni kadastrga kiritish uchun tegishli

organlarga tekshirish uchun yuborish kerak. Shuni yodda tutish zarurkim, har qanday g'or to'liq o'rganilmagan va odamlar har safar unda yangi o'tish joylari va bo'shliqlarni ochishlari mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Belousova T. M. Yo'qolgan zindonlarning sirlari. M .: Astrel, 2009.541 p.
2. Dolotov Yu.A. Rossiyadagi yer osti kult inshootlarini ko'rib chiqish // Speleologiya va spelestologiya: maqolalar to'plami. IV xalqaro materiallar. ilmiy. sirtqi kurs konf. Naberejnye Chelni: NISPTR, 2013. S. 163-169.
3. Dolotov Yu.A. Spelestologik ob'ektlarning tipologiyasi // Speleologiya va spelestologiya: fanlarning rivojlanishi va o'zaro ta'siri: stajyor materiallari. ilmiy-amaliy konf. (2010 yil 16-20 noyabr, Naberejnye Chelni). Naberejnye Chelni: NGPI, 2010. S. 236-250.
4. O'rta asrlardagi yirtqich hayvonlarning hayoti / boshiga. lat.dan, N. Gorelovning maqolalari. SPb .: Azbuka-klassika, 2004.224 b.

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH VA DIVERSIFIKATSIYALASH SHAROITIDA AHOLIGA XIZMAT KO‘RSATUVCHI KORXONALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Suvonov A. – SamISI, MI-220 guruh magistranti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada iqtisodiyotni modernizatsiyalash va devirsifikatsiyalash sharoitida aholiga xizmat ko‘rsatuvchi servis korxonalari faoliyatini samaradorligi va yuqori rentabellik darajasini oshirish yo‘llari taxlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *bozor, servis korxonasi, xizmat ko‘rsatish sohasi, samaradorlik, fan-texnika taraqqiyoti.*

Аннотация: *В данной статье анализируются пути повышения эффективности и высокой рентабельности сервисных предприятий в условиях модернизации и деволюции экономики.*

Ключевые слова: *рынок, сервисное предприятие, сфера услуг, эффективность, развитие науки и техники.*

Abstract: *This article analyzes ways to improve the efficiency and high profitability of service enterprises in the context of modernization and devolution of the economy.*

Key words: *market, service enterprise, service sector, efficiency, development of science and technology.*

O‘zbekiston Respublikasining mustaqillikka erishishi milliy iqtisodiyotimizda miqdor va sifat o‘zgarishlariga sabab bo‘ldi. Bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyoti jamiyatni demokratiyalashtirish, iqtisodiyot salohiyatlarini mustahkamlash va mamlakatni rivojlangan davlatlar qatoriga kiritishga yo‘naltirilgan, bozor munosabatlariga o‘tishning mamlakatimiz uchun maxsus ishlab chiqilgan modeli asosida rivojlanib bormoqda. Bu model O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan ilgari surilgan iqtisodiyotni islohot qilishning muhim tamoyillariga asoslangan hamda xo‘jalik faoliyati yurituvchi subektlarning erkinligi,

xususiy mulkchilik va tadbirkorlikni himoya qiluvchi zaruriy qonun hujjatlari bilan belgilab berilgan.

Iqtisodiyotning barqaror rivojlanishini ta’minlash, aholining turmush darajasini oshirish va samarali bandligini ta’minlashda xizmatlar sohasining har tomonlama rivojlanishi muhim masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Hozirgi kunda rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiy o‘sishni ta’minlash uchun xizmatlar sohasini jadal rivojlantirishni eng muhim vazifalardan biri sifatida qo‘yishmoqda. Xizmatlar sohasi aholining barcha qatlamlarini qamrab oladi va jamiyatda sodir bo‘layotgan deyarli barcha ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ta’sir ko‘rsatadi, bu esa mazkur masalaning qanchalik muhim va ahamiyatli ekanligini ko‘rsatib beradi.

O‘zbekistonda mustaqillik yillarida, iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, mamlakat aholisining bandligini, daromadlarini va turmush sifatini oshirishning muhim yo‘nalishlari va omillaridan biri sifatida xizmatlar sohasi va servisni jadal rivojlantirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirildi.

Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish O‘zbekiston iqtisodiyotining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, O‘zbekistonda xizmat sohasi iqtisodiyotning real sektoriga nisbatan jadal sur’atlarda rivojlanib bormoqda. Bu jahon iqtisodiyotidagi globallashuv tendensiyalarini hisobga olgan holda, milliy iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlar, o‘z navbatida aholi farovonligini oshirish, shuningdek, bozorni xizmatlar sohasi bilan to‘ldirishga ham bog‘liq.

Iqtisodiyotning rivojlanishi uchun talab qilinuvchi ushbu vazifalarning amalga oshirilishida korxonalarga katta rol’ ajratilib, ular iqtisodiyotning asosiy ishlab chiqarish bo‘g‘ini bo‘lishi bilan birga mahsulot ishlab chiqarish, aholiga xizmat ko‘rsatish tufayli iste’molchilarning talablarini ham qondiradilar.

Xizmatlar ko‘rsatish korxonalari – ijtimoiy ishlab chiqarishning bosh bo‘g‘ini bo‘lib, unda ilmiy iqtisodiyotning asosiy iqtisodiy masalalari hal etiladi. Xizmatlar ko‘rsatish muayyan texnologik jarayonlar, mehnat qurollari materiallari, odamlarning bilimi va ko‘nikmalari ijtimoiy mehnat taqsimoti va kooperatsiyalashga asoslangan holda mustaqil amalga oshiriladigan tizimga aytiladi.

Aholiga xizmat ko‘rsatuvchi korxonalar tamonidan taqdim etiladigan xizmatlar hajmi va assortimenti, xilma xilligi, xom ashyo etkazib beruvchilar va haridorlar baholarni shakllantirish, resurslardan tejamli foydalanish, kadrlarni qo‘llash, yuqori unumli texnika va texnologiyadan foydalanish masalalari hal etiladi. Korxona faoliyatining samaradorligi ishlab chiqarishni quyidagicha tashkil etish shakllariga ega: konsentratsiyalash, bir joyga jamlash; ixtisoslashtirish; kooperatsiyalash; ishlab chiqarishni murakkablashtirish kabi usullardan foydalanishga bog‘liq.

Har bir mamlakatning iqtisodiy quvvati hamda fan-texnika taraqqiyoti va iqtisodiyotni modernizatsiyalash ko‘rsatkichlarini birinchi o‘rinda yirik korxonalar belgilab beradi. SHu sababli “kichik” iqtisodiyotni rivojlantirish, ya’ni kichik va o‘rta korxona hamda mikrofirmalarga keng yo‘l ochib berishda yirik korxonalarning o‘rni va rolini unutmaslik darkor. CHunki bu korxonalarda ishlovchi xodimlar soni katta bo‘lishdan tashqari, fan-texnika yutuqlarini hayotga tatbiq etish, yuqori sifatli

mahsulot ishlab chiqarish, mehnatni rag‘batlantirish hamda do‘stona, sherikchilik aloqalarini (jumladan, xorijiy korxona va firmalar bilan) rivojlantirishga keng imkoniyatlar mavjud. SHu sababli yirik, o‘rta va kichik korxonalarning optimalligi jamoatchilik ishlab chiqarishi talablari va milliy iqtisodiyotning rivojlanish istiqbollaridan kelib chiqqan holda fan va xo‘jalik amaliyotining eng muhim vazifasi hisoblanadi.

Korxonalarning faoliyati milliy iqtisodiyot va uning tarmoqlariga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta’sir ko‘rsatadi. Korxonalar qanchalik yaxshi, samarali va rentabelli ishlasa, butun iqtisodiyotning, jumladan, ularning o‘zlarining ham ko‘rsatkichlari yuqori bo‘ladi. Bozor iqtisodiyoti korxonalar faoliyatini erkinlashtiradi, ularning mustaqilligini mustahkamlaydi hamda ishlab chiqarishni tashkil etish va rentabellikning yuqori ko‘rsatkichlariga erishishga keng imkoniyatlar yaratadi.

Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, bozor iqtisodiyoti sharoitlarida barcha korxonalar ham raqobatchilikni engib, samarali ishlab keta olmaydi hamda daromad yoki foyda ololmaydi. Natijada minglab korxonalar tashkil qilinib, xo‘jalik faoliyati doirasiga qo‘shiladi va deyarli shunchasi turli sabablarga ko‘ra tugatiladi. SHu sababli bankrotlik, korxonalarning tugatilishi bozor iqtisodiyot sharoitlarida odatiy xol bo‘lib, bu ahvolga tushib qolishdan ehtiyot bo‘lish kerak bo‘lsada, lekin bundan fojea ham yasash kerak emas. Servis korxonalarining mehnat qobiliyati va daromadligi milliy iqtisodiyotga qo‘shiladigan hissasi tobora ko‘payib borayotganligini hamda aholini ish bilan ta’minlashda ham katta ahamiyat kasb etishini unutmaslik muhim.

Servis korxonalari faoliyatini samarali va yuqori rentabelli darajada amalga oshirish zaruriyati, barcha korxonalar ishlab chiqarishni kerakli tarzda tashkil qilish hamda o‘z hamkorlari va davlat oldidagi majburiyatlarni qat’iy tarzda bajarish intizomi bilan o‘zviy bog‘liqdir. Ular o‘z faoliyatida ishlab chiqarishning barcha omillaridan - er, tabiiy va mehnat resurslari, texnika va texnologiyalar, investitsiyalar, hozirgi zamon fani tomonidan ishlab chiqarishning asosi yoki mamlakatning milliy boyligi deb ataluvchi zamonaviy axborot tizimidan foydalanadi.

Xizmat ko‘rsatish korxonasi samaradorligini oshirish, xo‘jalik yuritishning bozor tizimi har qanday davrning muhim talabidir. Samaradorlik istalgan korxonaning iqtisodiy barqarorligi va faoliyat yuritish qobiliyatini aks ettiradi. Har qanday ishda, jumladan, korxonalar faoliyatida samaradorlikning, ijobiy natijalarning mavjud bo‘lmasligini, obrazli qilib aytganda, ovoragarchilik, vaqt, kuch va resurslarni yuqotish bilan izohlash mumkin. Fan-texnika taraqqiyoti korxonalarning ishlab chiqarish faoliyati samaradorligini oshirishda muhim omil bo‘lib kelgan va hozirda ham o‘z ahamiyatini yuqotmagan. Mazkur omildan quyidagi yo‘llar bilan foydalanish mumkin:

•ishlab chiqarish va mehnatni mexanizatsiyalashtirish, avtomatlashtirish hamda kompleks ravishdagi mexanizatsiyalashtirish;

•asosiy texnologik jarayonlarni robotlashtirish;

•progressiv, mehnat hamda resurslarni tejashga yunaltirilgan texnologik jarayonlarni amaliyotga kiritish va ulardan keng foydalanish;

•xom ashyo va materiallar (mehnat predmetlari) zamonaviy turlarini yaratish va ulardan foydalanish;

•ishlab chiqarishni tashkil qilish, rejalashtirish va boshqarish jarayonlarida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, hisoblash texnikasidan foydalanish;

•ishlab chiqarish va mehnatni ilmiy tashkil qilish.

Bozor munosabatlari shakllanayotgan hozirgi sharoitlarda, chuqur sifat o‘zgarishlari, tamoyillari yangi texnologiyalar va so‘nggi avlod texnikasiga o‘tish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini fan va texnikaning eng yangi yutuqlari asosida qayta qurollantirish zarur. SHu bilan bir qatorda olimlar, konstruktorlar, muhandis va ishchilarning ijodiy ruhda mehnat qilishlari uchun iqtisodiy va ijtimoiy manfaatdorlikni yaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

Korxonalar ishlab chiqarish faoliyatining samaradorligini oshirishda tashkiliy iqtisodiy omillar, jumladan, boshqaruv ham muhim o‘ringa ega.

Korxona faoliyatining samarali bo‘lishida ishlab chiqarishni intensivlashtirish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning turi va sifatini oshirish hamda jahon standartlari darajasiga etkazish, korxonaning ishlab chiqarish tuzilmasini yaxshilash kabi omillar ham muhim o‘rinni egallaydi. Bunga esa zamonaviy mashina va asbob uskunalar, zamonaviy texnologiyalar, ishlab chiqarish va mehnatni tashkil qilishning ilg‘or usullaridan foydalanish orqali erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Shavkat Mirziyoev “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi”, “O‘zbekiston”, Toshkent 2022.

2. B.A.Abdukarimov va boshqalar, “Korxona iqtisodiyoti”.: darslik – 2-qayta ishlangan va to‘ldirilgan nashri. – T.: “Fan”, 2012 – 371-bet

3. M.Q.Pardaev,T.X.Mamasoatov,O.M.Pardaev “Modernizatsiya,diversifikatsiya va inovatsiya – iqtisodiy o’sishning muhim omililari”. Monografiya .-T :”Navruz”,2014-104 bet.

4. www.lex.uz

5. www.stat.uz

ОВҚАТЛАНИШ, САВДО ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТКАЗИШДА РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШ

Қурбонов Ж.М. – СамИСИ профессори, т.ф.д.
Курбонова Р.Ж. – СамИСИ доценти, ф.ф.д.(Pd)
Хакимов Д. – СамИСИ 2-босқич талабаси

Аннотация: *Мақолада ракамли иктисодиёт таърифидаги регенерациялашда хизмат кўрсатиш корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга ўтишида электрон техникадан амалий фойдаланиш кўрсатилган.*

Калит сўзлар*: рақамли иктисодиёт, регенерация, электрон техника, рақамли платформа, сервер, интерфейс, POS-система, фискал регистратор.*

Аннотация: *В статье приведена, что в определение цифровой экономики надо вводит регенерацию и для перехода предприятий на цифровой экономики исползовать электронную технику.*

Ключевые слова: *цифровая экономика, регенерация, электронные технологии, цифровая платформа, сервер, интерфейс, POS-система, фискальный регистратор.*

Abstract: *The article shows that regeneration should be introduced into the definition of the digital economy and electronic equipment should be used for the transition of enterprises to the digital economy.*

Keywords: *digital economy, regeneration, electronic technologies, digital platform, server, interface, POS system, fiscal registrar.*

Президентимиз айтганидек: «…тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради….қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади»[1].

Ракамли иктисодиёт таърифини “Ракамли иктисодиётнинг рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият хисобланади ва рақамли технологияда маълумотни электрон шаклда регенерациялаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш “ деб кабул килсак[2], ундаги генерациялаш жараёнида корхонадаги фаолият жараёнлари ҳақидаги маълумотлар рақамлаштирилади ёки рақам шаклига келтирилади.Бунинг учун, корхонадаги мавжуд электрон техникадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic фирмаларга карашли ҳисобланиб, улар ҳақидаги маълумотлар бизнинг[3] ишимизда келтирилган. Шунинг учун, овкатланиш, савдо ва мехмонхона хужалигини боскичма - боскич рақамли иқтисодиётга ўтиш йуллари мавзуси долзарб ҳисобланади..

Биз тадқиқотимизнинг пандемия даврида Самарқанд шаҳар «Оби – Рахмат» МЧЖ («Юлдуз ресторани ва савдо маркази») ва бошқа корхоналарда, бўлажак маҳаллий ёки тармоқлараро рақамли платформаларга қўшилиш, корхона фаолиятидаги жараёнлар ҳақидаги маълумотларни рақамлаштириш ёки рақам шаклига келтириш учун, улардаги мавжуд электрон техникадан фойдаланган ҳолда, ягона серверини ташкил этиш ва бунинг ёрдамида айрим ташқи алоқаларни ўрнатишни таклиф этдик. Самарқанд шаҳар «Оби –Рахмат» МЧЖ («Юлдуз ресторани ва савдо маркази»)да, ҳозирги вақтда жами 2 та POS-система, 12 та электрон касса аппарати, 8 та электрон тарози ва 3 та персонал компьютерларнинг хаммаси HPE ProLiant DL120 Gen9 серверига уланди. Бунда, корхонадаги мавжуд ВЭ-15Т электрон тарозилари электрон касса аппарати билан боғланишини ОНЦ-ВГ -4-5/16 В ва РШ»Н-1-5 вилкали махсус кабеллар ёрдамида уланди (расм.1).





POS-терминал



BEETLEPOS-SAMSUNGER 4615RF

Расм 1. Электрон тарозининг касса аппарати билан боғланиши, POS-терминал.

POS-системалар, фискал регистратор асосидаги назорат-касса машинаси, фақат компьютер-касса тизимида ишловчи, алоқа тармоғидан маълумот олиб ишловчи комплекс тизимга киради. Улар асосан магнит карта тўловида ишласада, тезликда смарт-картага ва PIN PADга ҳам мослаштирилади. Улардаги мавжуд портлари: 2xRJ-11 2/6 портли (телефон линияси ва телефон учун), 1xRJ-11 4/4 порти PIN PAD (RS-232)ни улашга, 1xRJ-45 порти RS-232 учун; акумлятор учун, модеми 14400 бит/сек, смарт-карт қабул қилувчиси ва 32 битли процессори, маълумотларни ҳимояловчи RAM диски билан таъминланган. POS-система BEETLEPOS-Kга турли периферий жиҳозларни улаш билан бирга, касса терминали “локал” алоқа тармоғи билан администрациядаги савдо зали менеджери иш жойи билан боғлаш ва унинг ёрдамида товар ҳаракатини, қолдиғини, сотиш назоратини, кунлик тушумни кузатиш билан, бошқа вазифаларни ҳам бажариш мумкин. Корхонадаги SAMSUNGER 4615RF– электрон назорат-касса машинаси хам, кўп функцияли бўлиб, ўзаро турли тармоқлар (касса, секция, ошхона, администрация ва ҳ.к.) боғланиш учун қулай интерьер билан таъминланган ва RS-232 интерфейси билан персонал компьютерга ёки электрон тарозига чиқиши мумкин. Ушбу электрон техникаларга асосан, «профи-Т», «Штрих-М: Кассир», «Frontol», «Advanced Storesi Retail» дастурлари кулланилади. Корхонада олинган, HPEP ro Liant DL120 Gen9 Serverixcham 1U шасси ва юқори ишлаш самарадорлиги учун Intel® Xeon® E5-2600v3 / v4 ёки E5-1600v3 / v4 процессорига, 2400 МГц частотада, максимал 256 Гбайт қувватга эга. Ушбу яратилган корхонада ягона тизим ёрдамида корхона кўпгина юқорида келтирилган қўшимча хизматларни йўлга қўйиб ишламоқда. Худди шундай ягона тизим Ургут шаҳар “Ургут Файз савдо” МЧЖ савдо маркази ва ошхонасида, Жума шаҳар “Жума Файз” МЧЖда тузиш тавсия этилди, лекин бу корхоналарнинг қуввати кичик ва мавжуд электрон техника воситаларининг кам булгани учун, сервер компьютери ўрнига қуввати каттарок персонал компьютердан фойдаланилди. Корхонада ички бошқарув ва назоратдан ташқари, ташқи алоқага чиқиш имконияти туғилди ва кўпгина қўшимча хизматлар ва бошқа ишлар олиб борилмоқда. Умуман олганда, корхонанинг самарадорлиги уртача 14 – 17%га ошди.

Юқорида келтирилган методика асосида, Самарқанд шаҳар мехмонхоналарида ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш ишлари тавсия этилди.

Бундан ташқари, меҳмонхоналарни мавжуд электрон воситалари билан «HRS» компаниясини «Fidelio» ва «Micros» дастурий аппаратлари тизими ёрдамида тўлиқ бир тизимга келтирилиши мумкинлиги асосланди (2- расм).

Худди шунингдек, «Рексофт» Россия фирмаси ишлаб чиқган «Эделвейс» меҳмонхонани автоматлаштиришнинг стандарт комплекси (АБТ) билан хам, (Расм 2.) меҳмонхонани барча бўлим ва бўлинмаларини (меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш, халқаро интернет тармоғи орқали бронлаш, омбор, бухгалтерия, ресторан ва бар, банкет хизмати, техник бўлим, сотув ва маркетинг ва бошқалар учун дастурлар) рақамли бир тизимга келтирилиши тавсия этилди.



Расм 2. Меҳмонхонада автоматик системани (ASU «Edelveys») қўллаш схемаси.

Юқорида келтирилганлар ёрдамида, хизмат кўрсатиш корхоналарида: автоматик равишда бошқарув тизимлари инвестицияларни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув, режалаштириш ва йўқотишларни камайтириш, турли янги қўшимча хизматларни кўрсатиш, умуман олганда турли рақамли платформаларга боғланиш билан корхоналар самарадорлигини (20 -25%) кескин ошириш мумкинлиги курсатилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини мавжуд электрон техникасидан фойдаланиб рақамли иқтисодиётга ўтказилса корхоналар самарадорлигини (20 -25%) ошириш мумкин. Бунинг учун,хизмат кўрсатиш корхоналарида сервер тизимини, рақамли технологиясини яратиб, махаллий-, тармокларароро-,республика микёсида рақамли платформаларни ташкил этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Зарафшон “ газетаси, 2020 йил 25 январь.10-11-сон, 4- саҳифа.

2. Курбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтишининг ташкилий иқтисодий механизмлари. XII халқаро иқтисодчилар форуми. Пандемия шароитида ижтимоий иқтисодий оқибатлар ва Ўзбекитон аҳолисининг камбағаллик

даражасини қисқартириш” мавзусида Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами,Тошкент 2020 йил

3. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b.

4. Курбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж.Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент: Ношир нашриёти, 2019. -168 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШИНИНГ АСОСЛАРИ

Қурбонов Ж.М. – СамИСИ профессори, т.ф.д.
Курбонова Р.Ж. – СамИСИ доценти, ф.ф.д.(Pd)
Хакимов Д. – СамИСИ 2-босқич талабаси

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақамли иқтисодиётга ўтишининг асослари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотда тизимли таҳлил, ракамли иктисодиёт, статистик ва мантиқий таҳлил методикасидан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт таърифи такомиллаштирилган.*

Калитли сўзлар: *рақамли иқтисодиёт, ЯИМ, пандемия, рақамли билимлар, электрон платформа, савдо, умумий овқатланиш корхонаси, рақамлаштириш.*

Аннотация:*В этой работе, освещаются основы перехода сервисных предприятий Узбекистана к цифровой экономике. Кроме того, в исследовании используя методики системного анализа, цифровой экономики, статистического и логического анализа , совершенствован определение цифровой экономики*

Ключевые слова: *цифровая экономика, ВВП, пандемия, цифровые знания, электронная платформа, торговля, предприятие общественного питания, цифровизация.*

Annotation:*In this work, the basics of the transition of service enterprises of Uzbekistan to the digital economy are highlighted. In addition, in the study, using the methods of system analysis, digital economy, statistical and logical analysis, the definition of the digital economy has been improved*

Keywords: *digital economy, GDP, pandemic, digital knowledge, electronic platform, trade, catering company, digitalization.*

Маълумки, хизмат кўрсатиш корхоналарига: умумий овқатланиш (ресторанлар, ошхоналар, кафе, барлар ва ҳ.к.) меҳмонхона (отеллар, ботеллар, хостеллар ва ҳ.к.), савдо (дўконлар, магазинлар, мини- , супер-, гипермаркетлар) ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи корхоналар киради. Хизматлар соҳасининг 2019 йилдаги Узбекистон ЯИМдаги улуши 35,5%, шундан алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ва бошқа турдаги хизматлар улуши – 20,9 %, ташиш ва сақлаш, ахборотлаштириш ва алоқа -7,7 %, савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари - 6,9 %ни ташкил этади [1].

2020 йил пандемия шароитида узлуксиз давом этган карантин натижасида кўплаб корхоналар катта зарарга учрадилар ва ходимларини ишдан бўшатишга мажбур бўлдилар. Лекин, шундай шароитда ҳам ўз иш фаолиятларини анъанавий усулдан online усулига ўзгартириб, корхонадаги мавжуд электрон

ресурсларни ишга солган ҳолда қисман бўлса ҳам, ўз иш фаолиятларини тўхтатмаганлар ҳам бўлди. Бунда, улар аҳолининг турар ёки хоҳиши бўйича кўрсатилган манзилга: овқатланиш маҳсулотларини, тайёр таомларни ва бошқа хизматларни олдиндан буюртма асосида хизмат кўрсатишни давом эттирдилар. Лекин, бунда ҳам, корхона эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни олиш қийин бўлди. Худди шундай, ташқи алоқаларнинг сустлиги сабабли ҳозирги вақтда корхонани асосий фондларини сотиш ёки ижарага беришда тўсиқларга учраяптилар. Бунда, корхоналар ҳақидаги маълумотлар банкининг йўқлиги, бу жараённи самарасизликга олиб бормоқда. Фикримизча, бунинг асосий ечими барча корхоналарни рақамли иқтисодиётга ўтказиш керак. Президентимиз айтганидек: «…Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради….қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳалари тўлиқ рақамлаштирилади. Шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими ...»[2] комплекс ҳал этилади. Лекин бу дегани, бошқалар караб ўтириши керак дегани эмас, ҳозирдан бошлаб мавжуд ресурслардан фойдаланилган холда рақамли иқтисодиётга босқичма - босқич ўтишни бошлашлари керак. Ушбу муаммога каратилган барча тадкикот ишлари ута долзарб хисобланади.

Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Иқтисодиётда янги тенденциялар ва ҳодисаларни таҳлил қилишга кучли эътибор қаратиб, ҳамда Ничолас Негропонте, Чрис Меер, Моҳанбир Савҳней, Даниел Спулбер, Дон Тапссотт, Стеве Журветсон, Патрисиа Сейболд каби америкалик тадқиқотчиларнинг асарларига таянган ҳолда, муаллифларнинг «янги иқтисодиёт», «иқтисодиёт 2000», интернет иқтисодиёти», «Нет иқтисодиёт», «Web иқтисодиёт», «рақамли иқтисодиёт», «электрон тижорат», «номоддий иқтисодиёт», «буюм кўринишида бўлмаган иқтисодиёт» каби атамалардан фойдаланган ҳолда замонавий иқтисодиётнинг янги жиҳатларини тавсифлашга интилишини қайд этиш мумкин [3].

Ушбу атамалар кўпинча глобал электрон тармоқ шаклланиши, шахсий компютерларнинг глобал тарқалиши, дастурий таъминотни (Софтwape)яратиш ва узлуксиз такомиллаштириш, ахборот технологияли ва рақамли технологиялар ривожланиши, ИТ-компанияларнинг номоддий маҳсулот ва ҳизматларини ишлаб чиқариш билан асосланадиган иқтисодиётдаги янги ҳодисаларни кўриб чиқишда синоним сифатида фойдаланилади.Ушбу соҳадаги мавжуд тадқиқот натижаларига таяниб, рақамли иқтисодиёт предметли соҳасининг қуйидаги таърифини таклиф қилиш мумкин: “рақамли иқтисодиёт – мавжудликнинг технорақамли шакли бўлиб, товар ва ҳизматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича иқтисодий муносабатлар тизимли йиғиндисидир. 1995 йилда Массачусец университетида

дарс берувчи америкалик компютер олими Николас Негропонте "рақамли иқтисод"атамасини ўйлаб топди.[4], у "рақамли иқтисодиёт-бу маълумотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва рақамли компютер технологияларининг янги усулларига асосланган иқтисодиётдир."деб таъкидлади.

Ракамли иктисодиёт таърифини куришдан олдин, максадга мувофик **р**ақамли кўринишга келтириш ва рақамлаштиришни изохласак.

Рақамли кўринишга келтириш бу – ахборотни жисмоний воситалардан рақамли воситаларга ўтказишдир. Рақамли кўринишга келтиришга мисоллар – электрон китоблар, видеокурслар, суратнинг рақамли нусхасини яратиш ва бошқалар. Бунда ахборот структурасининг ўзгариши рўй бермайди: у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос. Рақамли кўринишга келтириш кўпинча мавжуд бизнес-моделни такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Рақамлаштириш эса – рақамли шаклда бўлган бутунлай янги маҳсулотлар яратишдир. Масалан, мултипликатцияли динамик ўқув курси ёки ҳужжатни шарҳлашнинг интерактив тизими – бу рақамлаштиришдир. Рақамлаштириш асосида яратилган маҳсулотни унинг сифатини жиддий йўқотмасдан туриб, техник воситаларга ўтказишнинг имкони йўқ, шу сабабли рақамлаштириш, рақамли кўринишга келтиришдан фарқли равишда, бизнесга сезиларли даражада кескин ривожланиш ва янги рақобатли устунликлар қўлга киритишга имкон беради[5].

Рақамли иқтисодиёт– жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва ҳизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолиятидир.

Бизнингча, ракамли иктисодиёт рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият эканлигини инобатга олиб, рақамли технологияда (маълумотни электрон шаклда тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш) асосланган таърифини кабул килиб, унинг тулалигини таъминлаш максадида, унинг жараёнлари қаторида биринчи ўринда генерациялаш жараёнини қўйишимиз лозим.

Генерациялаш жараёнида корхонадаги фаолият жараёнлари ҳақидаги маълумотлар рақамлаштирилади ёки рақам шаклига келтирилади. Бунинг учун, корхонадаги мавжуд электрон техникадан (уларнинг таснифи расмда келтирилган) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic фирмаларга карашли ҳисобланиб, улар ҳақидаги маълумотлар ўқув қўлланмамизда келтирилган[6].

Хизматлар соҳаси буйича олиб борилаётган ишларнинг тахлили шуни курсатдики, мамлакатларнинг ракамли иктисодиётга утишида: ракамлаштириш методологияси[7], соха ракамли платформаларини яратиш моделлари[8], унинг саноат корхоналари билан трансформацияси[9], тадбиркорлик структурасининг ракобатбардошлигига таъсири[10] ва бошкалар мухим касб этади.

Шунинг учун, Республикамизда таклиф қилинган рақамли иктисодиётга ўтиш механизмлари асосида, рақамли технологиянинг маҳаллий, бошқа даражадаги рақамли платформаларини яратиш, шунингдек унинг манбаи ҳисобланган ташкилотлар, корхоналар серверини ташкил этиш лозим.



1 - расм. Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси таснифи.

“Рақамли иктисодиётнинг рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият хисобланади ва рақамли технологияда маълумотни электрон шаклда регенерациялаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш “ таърифини кабул килишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси “Зарафшон “ газетаси, 2020 йил 25 январь.10-11-сон, 4- саҳифа.
3. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b

4. Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин [электронный ресурс].- Режим доступа: https://finance.rambler.ru/economics (Дата обращения 21.12.2018)

5. Абдрахманова Г. И. , Вишневский К. О. , Гохберг Л. М. и др. ; науч. Ред Гохберг. Л. М. ; Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение. Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. — 82, [2] с. — 250 экз.

6. Курбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж. Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент: Ношир нашриёти, 2019. -168 б.

7. Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.

8. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234.

9. Скруг В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208

10. Бабкин А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – С. 40874102. doi: 10.18334/rp.18.24.38670

ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚҚАНЛИГИ

Кахаров Ж.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация: *Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш объектив заруратининг келиб чиқганлиги асосланган. Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг механизмларини яратиш бўйича тавсиялар берилган.*

Аннотация: *в статье обоснованы объективное необходимости организации и развития гастрономического туризма в Узбекистане. Приведены рекомендации по создания механизмы для организации и развития гастрономическог туризма в Узбекистане.*

Abstract*: the article substantiates the objective need for the organization and development of gastronomic tourism in Uzbekistan. Recommendations are given on the creation of mechanisms for the organization and development of gastronomic tourism in Uzbekistan.*

Калит сўзлар: *гастрономия кўргазмаси, гастрономия фестивали, гастрономия форуми, миллий кулинария,*

Ключевые слова: *гастронмическая выставка, гастрономический фестивал, гастрономический форум, национальная кулинария.*

Keywords: *gastronomic exhibition, gastronomic festival, gastronomic forum, national cuisine.*

Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг ҳудудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибадорлиги

жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эгадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжуд. Мамлакатнинг сўлим қўриқхоналари ва миллий боғлари унинг бой ва ранг-баранг табиати дурдоналаридир. Мамлакатда миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари авайлаб асраб келинди ва ривожлантирилмоқда. Жаҳонга машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади.

Туризм кўп қирралигини, яна бир бор тасдиқлади. Жаҳон туризмида янги йўналиш-таомлар туризми-гастрономия туризми ўзининг шиддатли тараққиётини бошлади. Худди ҳозирги таомлар куни кеча пайдо бўлганидек тасаввурлар пайдо бўлди ва янги ғояни-инновацияни тезда илғаб олувчиларнинг ташаббускор шиорлари ва рекламалари тасирида одамлар турли-туман ва турли мазалиликга эга таомларни ёппасига излашга тушди[73]. Ҳозирда гастрономия туризм жаҳон сайёҳлик бозорининг энг жадал ва ривожланаётган туризм йўналиши сифатида тан олинган.

БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO, озиқ-овқат туризм бўйича Глобал ҳисобот тадқиқотлари) маълумотларига кўра, саёҳатчиларнинг 79 фоизи гастрономия тадбирлар тақвими ва маҳаллий ошхоналарнинг хусусиятларини ўрганиб чиққандан сўнг, саёҳат режаларини тузишади. Шунингдек, тадқиқотга кўра, ҳар учинчи сайёҳ бораётган давлатининг миллий ошхонасини саёҳат қилиш учун мотивация деб ҳисоблайди ва у умумий харажатларнинг тахминан 30 фоизини овқатланишга сарфланиши ўрганилиб чиқилди. Сўнгги 20 йил ичида дунёда туризмнинг ўсиши ўртача 9,4 % га ошган бўлса, мазкур ўсиш суръати туризм турлари ичидан гастрономия туризм кўрсаткичи 15,5 % йиллик ўсишни кўрсатган.

Ўзбекистоннинг туризмида гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш заруратининг келиб чиқганлигини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

1. *Ватанимизда гастрономия туризмини ривожлантириш биринчи маротаба Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида акс эттирилди.* -“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли *турларини–зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик,* ***гастрономик*** *туризмни..... ривожланти риш, ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”* белгиланган.

2. *Ўзбекистонда гастрономик туризм ассоциацияси очилди.*

Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси анжуманлар залида тегишли идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида 2019 йил 6 август куни “Ўзбекистон

[73].Вульф Эрик «Что такое гастрономический туризм» //http:// www. World of travel. org/ what-is-food-tourism.

гастрономик туризм ассоциацияси”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганларга ассоциациянинг мақсади, фаолияти ва аъзолик шартлари бўйича тақдимот ташкил қилинди. Ўзбекистон республикаси туризм ва спорт вазирлигининг хабарига кўра, ассоциация фаолиятини йўлга қўйишдан мақсад, гастрономия туризми йўналишида турли тадбирлар, жумладан кўргазма, фестиваль, форум, семинар, илмий анжуман, давра суҳбати, танлов ва шу каби бошқа тадбирларни ташкил этиш, ассоциация қошида халқаро грантлар ҳомийлигида ўзбек миллий кулинарияси тарихи, бугуни ва келажаги бўйича гастрономик туризм тараққиёти учун хизмат қилувчи турли лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Ассоциация Ўзбекистонда сайёҳлик мавсумини узайтириш мақсади да ҳар йилнинг ноябрь ойида мунтазам равишда “Лаззатли Ўзбекистон” халқаро миллий таомлар фестивалига мезбонлик қилади, фестивалга халқаро туристик агентликларини мунтазам жалб этиб боради ва тадбир доирасида Ўзбекистон бўйлаб ҳудудий гастрономик турларни ташкил этади.

3. *2016 йил 1-декабрда Миллий таомимиз–ош ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меърослар рўйхатига киритилди.*

Миллий таомимиз–ошнинг 2016 йил 1-декабрда ЮНЕСКОнинг репрезентатив номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилгани шоҳ таомимизнинг дунё наздидаги юксак ўрнини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаровнинг таъкидлашича:

- ЮНЕСКОнинг талаблари бўйича шунчаки истеъмол қилинадиган таомнимас, балки у билан боғлиқ бўлган маданият ва анъаналарни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади;
- Ўзбек халқининг ҳаётида палов миллий таоминнинг ўрни, миллий таомларимиз билан боғлиқ бўлган қадриятлар, маънавиятимиз, урф-одатларимизни сақлаб қолиш мақсадида бу иш амалга оширилди;
- Ўзбек миллий таоми ошнинг тарбиявий жиҳатлари очиб берилди. Жумладан, маҳаллалар ёки чойхоналарда қўни-қўшни, ошна-оғайнилар йиғилиб, ош устида ўзаро суҳбатлашиши, бу суҳбатларда фарзандлар тарбияси, келажаги тўғрисида маслаҳатлашиши, муҳим масалалар муҳокама қилиниши, маслаҳат оши, тўй оши, маъракa оши, каби анъаналаримизнинг хусусиятларини чуқур ўрганиб, мазмун-моҳиятини, ош билан боғлиқ бўлган маданият ва анъаналар нинг жамиятдаги роли очиб берилди.
- Ош шунчаки таом эмас, балки жамоани бирлаштирувчи маданият воситасига айланиб қолганлиги кўрсатилди;
- ЮНЕСКОдагилар паловнинг нафақат инсонни озуқа, шифо ва қувват бўлиб тўйинтириши, балки унинг тарихи ва жамиятдаги ўрнига юқори баҳо беришди. Бу ёшларимиз ўртасида миллий қадриятлари миз тикланишида, миллий пазандачилигимиз сақланиб қолишида муҳим аҳамиятга эга[74].

4.*Ўзбек нонлари бўйича ҳужжатларнинг ЮНЕСКОга тақдим этиш учун тайёрланаётганлиги.* Дунёга машҳур нонларимиз бор. Нон ризқ-рўзимиз.

[74]. Г. Бобоева, ЎзА, 27.07.2019

Юртимизда тайёрланадиган нонларнинг тури кўп. Хусусан, ўзбек пазандачилигида оби нон, патир нон, ширмой нон, жиззали нон ва гижда нон каби нонлар, айниқса, тандирда пиширилган нон турлари кенг тарқалган. Нон билан боғлиқ бўлган урф-одатларимиз ҳам кўп. Халқимиз нонни шунчалик қадрлайдики, янги туғилган чақалоқнинг ризқи бутун бўлсин, деб бешигига кулча осиб қўйишади, ҳарбий хизматга кетаётган йигитларимизга ризқини қидириб қайтсин, деб нон тишлатиб қолишади. Келинчак куёв уйига кирганда яхши ниятлар билан қўлтиғига нон қистиришади, меҳмонга борилганда жуфт нон билан кириб борилади.Нон билан боғлиқ бўлган тарбиявий урф-одатларимиз жуда кўп бўлгани учун ҳам буларни келажак авлодларимизга етказиб, керак бўлса, ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритишга арзийди.

5.*Ўзбекистон гастрономия туризмининг халқаро гастрономия туризмида тан олинаётганлиги:*

а) Ўзбекистон делегацияси 2017 йилнинг 25- сентябрида Франция нинг пойтахти Париж шаҳридаги Le Village International de la Gastronomie (Гастрономияларнинг халқаро қишлоғи) халқаро гастрономия фестивалига келган 40 та давлатлар қаторида таклиф қилинди ва қатнашди. Халқаро гастрономия фестивали Машҳур Эйфел минораси яқинида, Сена дарёси соҳилида халқаро фестиваллар учун махсус қурилган қишлоқда ташкил қилинди. Делегация халқаро фестивалда «Ўзбек миллий ошхонаси» стендини кўрсатишди фарангларни, фестивал қатнашчиларини ўзбек таомлари дастурхонига таклиф қилишди. Ўзбекистон бўлимига Франция нинг машҳур кишилари, шоирлари ва ёзувчилари ҳам келишди. Ўзбекистоннинг гастрономия салоҳияти ва бетакрор таъмга эга бўлган таомлари айниқса палов Франция халқи ва фестивал қатнашчиларига манзур бўлди.

б) Туркиянинг Афьонкарахисар шаҳрида 2018 йилнинг16-18 март кунлари халқаро туризм ва гастрономия фестивали ўтказилди. Фестивалга давлатлардан туризм экспертлари ва овқатлантириш ташкилотларининг расмий вакиллари қатнашди. Ўзбекистон номидан- Ўзбекистон ошпазлари ассоциацияси раиси А. Умаров халқаро жюри-эксперт аъзоси сифатидан фаолият юритди.

в) National Geographic Traveler журнали томонидан Россия ҳудудида ташкил қилинган танловда Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллади (2018 йил 15 октябр), **“**Гастрономия туризми” йўналиши бўйича бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида жами овозларнинг 34 % и Ўзбекистонга берилди, Италия – 21 % овоз жамлаб иккинчи ўринни эгаллади, Озарбайжон 17% овоз билан учинчи ўринни, Франция 13 % овоз билан тўртинчи. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ўз рақибларидан бир неча баробар ўзиб кетган. Иккинчидан, айнан Россияда Ўзбекистон гастроно мия сайёҳлик йўналиши сифатида юқори қадрланади[75].

6.«*Ўзбекистоннинг миллий ошхоналари» дунёнинг энг йирик давлат ларининг энг шаҳарларидаги ресторанларида очилганлиги ва ишлаётганли ги.* Россия Федерациясининг пойтахти Москва шаҳрида 300 дан ортиқ

[75]. https://sputniknews-uz.com/tourism/

ресторанларида ўзбек ошхонаси мавжуд. Шундай ресторанлардан Ню-Йорк, Берлин, Франкфурт, Лондон, Лос-Анжелос, Дубай, Пекин, Сеул, Санкт-Петербург, Рига, Истамбул ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам кўпаймоқда. Хориждаги бир нечта тахлилий тадқиқотлар агентликлари ва журналлар ўтказган сўровномаларда Ўзбекистон гастрономик туризм йўналишида энг машҳур йўналиш сифатида тан олинмоқда[76].

7.*Ўзбекистонда биринчи «Gastro Bazar»* -I-*Халқаро гастрономия фестивали ўтказилганлиги.* 2019 йилнинг 9-11 август кунлари Тошкент шаҳрида «Gastro Bazar-2019» I Халқаро гастрономия фестивали ўтказилди.

Ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, олдин ҳам гастрономия ва туризм ўртасидаги алоқалар сайёҳлар оқимини кўпайти ришга ёрдам бериб келган ва сайёҳларнинг ташриф кунларини узайтириш га ёрдам бериб келган. Халқаро гастрономия фестивалида Туркияда тажрибадан ўтган «Гастрономик оролча» ҳақида маълумотлар ўрганилди, оролча тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш ва Ўзбекистон гастрономияси ни турк ОАВлари орқали соҳанинг ёритилиши масалалари кўриб чиқилди[77].

Хулоса: 1. Мақолада келтирилган расмий маълумотлар Ўзбекистоннинг миллий туризмида гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг объектив заруратининг келиб чиқганлиги тўлиқ тасдиқлайди.

2. Ўзбекистонда гастрономия туризмининг замонавий рекламалари ва маршрутларини, замонавий ахбортлар тизимини яратишдаги тадқиқот ларни кучайтиришни талаб қилади.

Таклифлар: Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожланти ришнинг қуйидаги механизмларини яратиш мақсадли йўналишлар бўлади деб ҳисоблаймиз:

1. Хориж давлатларидаги гастрономия туризмининг тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш йўлларини;

2. Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ривожлантириш нинг истиқболли йўналишларини;

3. Ўзбекистонда гастрономия туризми хизматларини такомиллаштириш йЎлларини;

4. Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантиришда гид-экскур сиячи хизматларини такомиллаштиришни.

САВДО ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташматов Ш.У. – СамИСИ ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада савдо хизматлари соҳасида рақамлаштириш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Рақамлаштириш, интернет технологиялар, бизнес модел, интернет савдо хизматлари, интернет-дўкон*

[76].«Xabar.uz»;

[77].Туризм «Gastro Bazar - 2019»

Аннотация: *В статье рассматривается специфика процесса цифровизации в сфере торговых услуг.*

Ключивые слова: *Оцифровка, интернет-технологии, бизнес-модель, услуги интернет-торговля, интернет-магазин*

Abstract: *The article discusses the specifics of the digitalization process in the field of commercial services.*

Keywords: *Digitization, internet technology, business model, internet-trade services, internet-shop.*

Жаҳон хўжалиги тараққиётининг юқори суръатлари иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига рақамли технологияларнинг жадал кириб бориши билан боғлиқ. Бу эса дунёнинг турли мамлакатлардаги анъанавий иқтисодий ва ижтимоий тузулмаларнинг ўзгариши учун замин яратмоқда[78]. Рақамлаштириш жараёни технологияларни, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий жараёнларни, товар ва хизматларнинг истеъмолчилари, сотувчилари ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа усулларини ўзгартирмоқда. Бошқа томондан, у ҳозирги ислоҳотларнинг асоси бўлган аҳоли турмушининг юқори сифатини таъминламоқда[79]. Бу айниқса, коронавирус пандемияси дунё халқларининг одатий турмуш тарзига ўз тузатишларини киритаётган ҳозирги пайтда ўта долзарб ҳисобланади.

Рақамлаштириш оммавий тенденция сифатида дунё мамлакатлари миллий иқтисодиётининг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. У барча ахборотларни виртуал майдонга кўчириш, шунингдек, асосий қуроли интернет-майдон бўлган янги бизнес моделни шакллантириш имконини беради ҳамда омбор ва савдо майдонларининг қисқариши эвазига савдо корхоналари харажатларини камайтиради. Демак, истеъмол нархларининг пасайиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, янги бизнес модел товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг мижозлар, етказиб берувчилар ҳамда давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини тўлиқ ўзгартиради[80]. Бу эса илмий тадқиқотчилар олдига янгидан-янги вазифаларни қўяди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида савдо хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнлари рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида амалга ошади, савдо хизматларининг ўзи эса кўпинча ахборотли бўлади.

Рақамли иқтисодиёт хизмат кўрсатиш соҳасидаги чакана савдо бозорининг ўзгаришига ўзига хос таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида хизматларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш технологияларини рақамлаштириш жараёнларини қайта қуриш амалга ошмоқда. Инсоният ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи учун хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни рақамлаштириш

[78] Rudskaya I.A., Rodionov D.G. Comprehensive evaluation of Russian regional innovation system performance using a two-stage econometric model // Revista ESPACIOS. 2018. № 04 (39). С. 40.

[79] Afanasieva N. V, Rodionov D.G., Vasilev Y.N. System of indicators of coal enterprise competitiveness assessment // Espacios. 2018. № 36 (39). С. 10.

[80] Kochinev Y.Y., Rodionov D.G. Probabilistic assessment of projected deviation in a general population when applying the monetary method 2018. 4919-4924 с

жараёнлар ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу жараёнлар ахборот ва интернет технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, хизматларни ишлаб чиқариш (кўрсатиш) натижасининг ўзи ҳам рақамли. Рақамлаштириш такрор ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ҳаракатга келтиради. Бунда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили билимлар ҳисобланиб, улар ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши билан боғлиқ ва рақамли хизматларни кўрсатиш усулларини яхшилашга ёрдам беради[81].

Чакана савдо хизматлари соҳасига рақамли технологияларни жорий этилиши ҳисобига истеъмолчиларнинг бозорда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар ҳақида хабардорлиги даражаси ошади, бу эса етказиб бериш вақти ва усули яхшиланганлиги учун истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла қондирувчи маҳсулотларни излашнинг соддалашишига олиб келади. Рақамли технологияларнинг жорий қилиниши компанияларга ахборот технологиялари инфратузилмаси устидан эгилувчан бошқарувни амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун Citrix, Hiper-converge infrastructure, Microsoft, Nutanix, Open Stack, Oracle, Vmware каби технологиялар қўлланилади[82].

Замонавий шароитларда истеъмолчи ҳоҳиш-истаклари ва истеъмол таомиллари ҳақидаги ахборотлар чакана савдо корхонасининг стратегик устунликларидан бири сифатида баҳоланади. Бу каби ахборотларга эга бўлишлик, уларни тизимлаштириш ва турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш корхонанинг стратегик режасини ишлаб чиқишда кенг қўлланилади. Анъанавий тарзда маркетологлар бу каби муҳим маълумотларни WEB-саҳифалар (ташрифлар сони, частотаси, даврийлиги, муҳокама ва эътирозларни ўрганиш, FAQ[83]), WEB-сўровлар, тармоқ бўйлаб турли ахборотларни тарқатиш (SPAM), интерактив конференциялар орқали тўплайдилар. Самарадорлик нуқтаи назаридан бу камроқ сарф-харажатлар эвазига эришилади ва маҳсулот таннархининг пасайишига, демак бозорда рақобатбардошлик ошишига сабаб бўлади.

Интернет савдо технологиялари сотувчилар ўртасида ахборот асимметриклигини камайтиради, бу эса маълумотларнинг эркинроқ айланишига имкон беради ва шу орқали рақобатчиларнинг нарх ўзгаришига жавоб реакциясини рағбатлантиради. Интернет савдонинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, сотувчилар ўртасидаги виртуал боғлиқлик ҳар бир рақобатчининг нарх белгилаш ва товар (хизмат)ларнинг оптимал ҳажмини танлаш бўйича қарорларини тўлиқ ҳисобга олади ҳамда ўзининг қарорини қабул қилади. Бошқача қилиб айтганда “фирмалар маҳсулотларига нарх белгилашда бошқаларининг жавоб реакциясини ҳисобга оладилар. Натижада, уларнинг ўзаро бирлашиши, келишиб олиши кузатилади. Ўз-ўзидан бозорда

[81]Афасижев Т.И., Жуков Б.М., Новиков В.С. Виртуальные отношения в сфере услуг: факторы и перспективы глобализации // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. 2012. № 1.

[82]Бошқа сноска қўямиз

[83]FAQ (от англ. FrequentlyAskedQuestion(s) –энг кўп бериладиган саволлар, энг кўп муҳокама қилинадиган масалалар.

ёки тармоқда нарх сиёсатини юритиш кам сонли гигант фирмалар томонидан амалга оширилади. Бунда етакчи фирма ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартиришида қолган фирмаларнинг жавоб реакциясидан унумли фойдаланади”[84].

Бизнингча, интернет савдо хизматлари бозори олигополистик бозор тузилмасига эга бўлган ҳолда, етакчи интернет-дўкон бозорга тааллуқли бўлган барча ахборот, қолган дўконларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга деб қаралади. Шу боисдан ҳам интернет-дўконларнинг бозордаги хатти-ҳаракатини олигополия шароитида рақобат модели асосида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Интернет-дўконлар бозорга тааллуқли бўлган барча ахборот, қолган иштирокчилар фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга ҳисобланадилар. Бунда интернет-дўконлардан бирининг сотиш ҳажми, нархини ўзгартиришига қолган интернет-дўконларнинг жавоб реакциясидан унумли фойдаланади[85]. Анъанавий бозорларда жуда кўплаб фирмалар томонидан таклиф этилаётган хизматлар нархини таҳлил қилиш ва аниқлаш жуда мураккаб, бунинг учун турли маҳсулотлар учун юзлаб ва минглаб рақобатчи нархларни кузатиш, энг мақбул нархни белгилаши амалда имконсиз. Аммо Интернет фирмалар томонидан таклиф қилинаётгн хизматлар, нархларни кузатишда жуда катта имкониятга эга. Рақобатчилар ўртасида муайян вақт оралиғида нархларни ўзаро таққослаш имконини берувчи алгоритмлар яратилган бўлиб, энг яхши қулай нарх даражасини белгилаш жараёнини анча соддалаштиради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда интернет савдо хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Истеъмолчиларнинг тўлиқ мустақиллиги ва воситачилар ролининг катталиги. Бу ўз навбатида товарлар ва хизматлар танловининг, шу билан бирга тақдим этиладиган маълумотларнинг кўпайишига олиб келади. Интернет савдо хизматлари виртуал бозорда амал қилиши бозорга киришдаги тўсиқларнинг ҳам бартараф этилишига олиб келади. Бунинг натижасида воситачилар сони кўпайиши одатий ҳолатга айланади. Ушбу воситачилар янги хизматларни таклиф қилиши, янги бозор сегментини яратиши, баъзан эса анъанавий воситачиларни тўлалигича алмаштириши ёки уларга рақобатчи бўлиши мумкин. Натижада истеъмолчилар воситачилар томонидан жуда кўп муқобил вариантлардан танлаши, энг қулай харид, етказиб бериш нархларини келишиши мумкин бўлади. Мазкур ахборот алмашинув механизми истеъмолчилар хабардорлигининг ортишига савдо хизматлари соҳасида рақобатнинг кучайишига олиб келади.

2. Интернет савдо хизматлари бозорининг жадал ўсиш суръатлари. Интернет савдонинг тез ўсиши бозорда фирмаларнинг ҳукмронлигига чек қўйилишига, рақобатнинг кучайишига олиб келади. Интернет савдо хизматларига талабнинг тез ўсиши ва янги маҳсулотлар турларининг кўпайиши

[84]К.М.Ибодов. Монополияга қарши бошқарув назарияси.Ўқув қўлланма . Т:, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2020 йил. – 304 бет. 29-33 бетлар

[85]К.М.Ибодов. Монополияга қарши бошқарув назарияси. Ўқув қўлланма . Т:, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2020 йил. – 304 бет. 61 бет.

муайян фирма учун бозор улушини доимий сақлаб қолишни мураккаблаштиради.

3. Бозорга киришдаги тўсиқларнинг заифлиги. Бир қарашда, етакчи интернет-дўконлар фаолият кўрсатмайдиган монополиятик рақобат муҳитида янги ривожланаётган бозорларга киришда тўсиқлар мавжуд эмас деб қаралади. Бу айнан интернет савдо хизматлари соҳасига хос бўлиб, онлайн бизнес рақобатчилар сонининг ортиши билан киришдаги тўсиқларнинг сезиларсиз даражага тушишини назарда тутади. Бу ерда энг асосий тўсиқ сифатида янги сайтларнинг муваффақиятсизлиги ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда интернетда сайт яратиш осон, аммо бу тижорат муваффақиятига олиб келиш ёки олиб келмаслиги мавҳумдир, истеъмолчилар учун энг юқори сифатли хизмат даражасини таклиф қилмайдиган сайтларга ташрифлар сони кам бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, интернет тармоғида ҳам анъанавий дўконлар каби диққат-эътиборни жамлаш талаб этилади. Масалан, таниқли товарлар ва янги маҳсулотлар учун “қулай нарх”, “янгилик”, “махсус таклиф” “акция” каби воблерлар кенг қўлланилмоқда. Махсус иловалар орқали истеъмолчилар ушбу товарларни нархи, тури бўйича саралаши мумкин. Ҳар йили янги йил арафасида аксарият янги йил учун безаклар ноябр ойининг охирларига бориб сотиб тугатилади, янги йилгача бўлган даврда эса байрамга тааллуқли бўлган турли реклама роликларини кузатишимиз мумкин. Бу ҳам интернет савдонинг махсус технологияси бўлиб, етакчи корхоналар учун интернет маркетинг ахборотларининг муҳим манбаси ҳисобланади. Бу ерда сотувчилар харидорларни кўпайтиришни асосий мақсад қилган ҳолда сайт ёрдамида истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, янги маҳсулот портфелини яратишга ҳаракат қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда истеъмолчиларнинг интернетда ишлаш кўникмаларининг етарлилиги келгусида нарх эластиклигининг ортишига олиб келади. Талаб эластиклиги паст бўлган истеъмолчилар одатда анъанавий бозордан интернет бозорига ўтиб кетиши кузатилмайди. Аксинча талаб эластиклиги юқори бўлган истеъмолчилар нарх ўзгаришларига жуда сезувчан бўлганлиги сабабли интернетда ишлаш кўникмаларига эга истеъмолчилар энг кам транзакцион харажатлар ҳисобига янги сегментга ёки янги интернет-дўконга ўтиб кетиши мумкин бўлади.

KO‘P TARMOQLI IQTISOD MODELI

X.Qarshiboyev. - dotsent. SamISI.
E-mail: karshiboyev@mail.ru
F.X.Qilichova. - BH-121 guruh talabasi. SamISI

Annotatsiya: *ikkita tarmoq bo’yicha zarur bo’lgan yalpi mahsulot hajmini hisoblash thlili o’rganilgan.*

Kalit so’zlar*: balans, ko’p tarmoqli, iqtisod moduli, narmoqlararo balans.*

Аннотация: *Изучен анализ вычисления объёма необходимой валовой продукции по двум каналам.*

Ключевые слова: *баланс, многоканальная модель экономики, межотраслевой баланс.*

Annotation: *the analysis of the calculation of the volume of the necessary gross production by two channels.*

Key words: *balance, multi-channel model of economy, interbranch balance.*

Balans tahlilining maksadi - makroekonomikada vujudga keladigan ko‘p tarmoqli xo‘jalik yuritishning effektivligi bilan bog‘liq savolga javob berishga to‘g‘ri keladi: har bir n tarmoqning mazkur mahsulotga bo‘lgan talabni qondirish uchun ishlab chiqarish hajmi qanday bo‘lishi kerak? Bunda har bir tarmoq bir tomondan, ma’lum bir mahsulotning ishlab chiqaruvchini, boshqa tomondan - ham o‘z mahsulotini, ham boshqalar ishlab chiqargan mahsulotning iste’mol qiluvchisi bo‘lib chiqadi.

Tarmoqlar orasida bog‘liqlik, qoidasiga ko‘ra, tarmoqlararo balans jadvallarida o‘z aksini topadi, uning matematik modeli esa 1936 yilda amerika iqtisodchisi V.Leontev tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, ularni tahlil qilishga imkon beradi [1].

Faraz qilaylik, n ishlab chikarishning n tarmog‘i, har biri o‘z mahsulotini ishlab chiqarish ko‘rilmoqda. Ishlab chiqarilgan mahsulotning bir qismi mazkur sanoat korxonasi ichki ishlab chiqarish ehtiyojlariga sarflanadi, boshqa qismi esa oxirgi maqsadlar uchun (moddiy ishlab chiqarish sohasidan tashqarida) shaxsiy va ijtimoiy iste’mol qilish uchun.

Ma’lum vaqt davomida ishlab chiqarish jarayonini ko‘rib chiqamiz (masalan, yil).

Quyidagi ko‘rsatkichlarni belgilaymiz: x_i - umumiy (yalpi) mahsulot xajmi i - tarmoqning $(i = 1,2,...,n)$;

x_{ij} - mahsulot hajmi i-chi va j-chi tarmoqning ishlab chikarish jarayonida iste’mol qiluvchi $(i, j = 1,2,...,n)$;

y_i - ishlab chiqarish bo‘lmagan iste’molchi uchun i tarmoqning oxirgi ishlab chiqargan mahsuloti hajmi.

Agar i-chi tarmoqning yalpi mahsuloti hajmi n tarmoqli iste’mol qiladigan mahsulot hajmi va oxirida olinadigan mahsulot summasiga teng bo‘lsa, unda

$$x_i = \sum_{j=1}^{n} x_{ij} + y_i \quad (i = 1,2,...,n). \qquad (1)$$

(1) tenglama balans bog‘lanishi deyiladi. (1) tenglamaga kirgan barcha kattaliklar narx ko‘rsatkichlariga ega bo‘lib, ularni baholi tarmoqlararo balansida ko‘rib chiqamiz.

To‘g‘ri harajatlar koeffitsiyentini kiritamiz

$$a_{ij} = \frac{x_{ij}}{x_j},\ (i, j = 1,2,...,n), \qquad (2)$$

bular i -chi tarmoq birlik mahsulotini ishlab chiqarish uchun j -chi tarmoq mahsulotiga harajatlarni ko‘rsatadi.

Faraz qilaylik, vaqtning ma’lum oralig‘ida a_{ij} koeffitsiyentlari o‘zgarmas bo‘lib, ishlab chiqarish texnologiyasiga bog‘lik bo‘lsin. Bu moddiy sarflarning yalpi mahsulot ishlab chiqarishga chiziqli bog‘liqligini ko‘rsatadi, ya’ni

$$x_{ij} = a_{ij} x_j,\ \ (i, j = 1,2,...,n) \qquad (3)$$

natijada mazkur asosda tuzilgan tarmoqlararo model chiziqli bo‘lishini hosil qilamiz.

Endi (1) balans munosabati quyidagi shaklda bo‘ladi:

$$x_i = \sum_{j=1}^{n} a_{ij} x_{ij} + y_i \quad (i = 1,2,...,n). \qquad (4)$$

Quyidagicha belgilashlarni kiritamiz

$$\mathrm{X} = \begin{pmatrix} \mathrm{x}_1 \\ \mathrm{x}_2 \\ ... \\ x_n \end{pmatrix}, \quad A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & .... & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & .... & a_{2n} \\ .... & ..... & .... & ..... \\ a_{n1} & a_{n2} & ..... & a_{nn} \end{pmatrix}, \quad \mathrm{Y} = \begin{pmatrix} \mathrm{y}_1 \\ \mathrm{y}_2 \\ ... \\ y_n \end{pmatrix}$$

bu yerda X -yalpi mahsulot vektori, Y - oxirgi mahsulot vektori, A - to‘g‘ri sarf matritsasi (texnologik yoki strukturaviy matritsa).

U holda (1) sistemani matritsa ko‘rinishida quyidagicha tasvirlash mumkin:

$$X = AX + Y \qquad (5)$$

Tarmoqlararo balansi asosiy masalasi X yalpi mahsulot ishlab chiqarishning shunday vektorini topish kerakki, ma’lum to‘g‘ri sarf qilinadigan A matritsasi oxirgi mahsulot Y berilgan vektorini ta’minlaydi.

(5) tenglamani quyidagi ko‘rinishda yozib olamiz:

$$(E - A)X = Y \qquad (6)$$

Agar $(E - A)$ matritsasi maxsus bo‘lmagan bo‘lsa, ya’ni $|E - A| \neq 0$ u holda (6) tenglikdan X ni topamiz

$$X = (E - A)^{-1} Y \qquad (7)$$

$S = (E - A)^{-1}$ matritsasi to‘la harajatlar matritsasi deb ataladi.

Ma’lumki, S matritsaning har bir s_{ij} elementi $i-$ chi tarmoqli yalpi mahsulotini ishlab chiqarishi bo‘lib, $j-$chi tarmoqli $y_j = 1$ $(j = 1,2,...,n)$ oxirgi mahsulotini ishlab chiqarishini ta’minlaydi.

Masalaning iktisodiy mazmunidan kelib chiqqan xolda x_i manfiy bo‘lmasligi, manfiy bo‘lmagan ko‘rsatkichlarda $y_i \geq 0$ u $a_{ij} \geq 0$, bu yerda $(i, j = 1,2,...,n)$.

$A \geq 0$ matritsasi unumdorlik deb ataladi, agar ixtiyoriy $Y \geq 0$ vektori uchun (6) tenglamaning $X \geq 0$ yechimi mavjud bo‘lsa. Bu holatda Leontev modeli ham unumdorlik deb ataladi.

Jadvalda hisobot davridagi balans bajarilishi keltirilgan pul birligida

Tarmoq		Iste’mol		Oxirgi mahsulot	Yalpi mahsulot
		energetika	mashinasozlik		
Ishlab chiqarish	Energetika	7	21	72	100
	Mashinasozlik	12	15	123	150

Har bir tarmoq bo‘yicha zarur bo‘lgan yalpi mahsulot hajmini hisoblang, agar energetika tarmog‘idagi oxirgi mahsulot mikdori ikki barobar oshsa, mashinasozlikda esa avvalgi bosqichda saqlansa.

Quyidagilarga egamiz

$$x_1 = 100,\ x_2 = 150,\ x_{11} = 7, x_{12} = 21, x_{22} = 15; y_1 = 72, y_2 = 123.$$

(2) formula ko‘ra to‘g‘ri sarf-harajatlar qilinadigan koeffitsiyentlarni topamiz:
$a_{11} = 0{,}07, a_{12} = 0{,}14, a_{21} = 0{,}12,\ a_{22} = 0{,}10$ ya’ni to‘g‘ri sarf- harajatlar matritsasi $A = \begin{pmatrix} 0{,}17 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}10 \end{pmatrix}$ manfiy bo‘lmagan elementga ega va unumdorlik kriteriyasini qanoatlatiradi:

$$\max\{0{,}17 + 0{,}12;\ 0{,}14 + 0{,}10\} = \max\{0{,}19; 0{,}24\} = 0{,}24 < 1.$$

Shuning uchun ixtiyoriy Y oxirgi mahsulot vektori uchun zarur bo‘lgan yalpi mahsulot hajmini X ni (7) formuladan topamiz:

$$X = (E - A)^{-1} Y$$

To‘la harajatlar matritsasini aniqlaymiz $S = (E - A)^{-1}$: $E - A = \begin{pmatrix} 0{,}93 & -0{,}24 \\ -0{,}12 & 0{,}90 \end{pmatrix}$.

Shunday qilib $|E - A| = 0{,}8202 \neq 0$. S ni topamiz.

$$S = (E - A)^{-1} = \frac{1}{0{,}8202} \begin{pmatrix} 0{,}90 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}93 \end{pmatrix}$$

Shart bo‘yicha oxirgi mahsulot vektori $Y = \begin{pmatrix} 144 \\ 123 \end{pmatrix}$. U holda (4) formulaga ko‘ra yalpi mahsulot vektorini topamiz:

$$X = \frac{1}{0{,}8202} \begin{pmatrix} 0{,}90 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}93 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 144 \\ 123 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 179{,}0 \\ 160{,}5 \end{pmatrix},$$

ya’ni, yalpi mahsulotni energetika tarmog‘ida 179,0 kelishilgan birlikka, mashinasozlikda esa – 160,5 kelishilgan birlikka ko‘paytirish zarur.

Adabiyot

1. Н.Ш.Кремера. Высшая математика для экономистов. М: “ЮНИТИ”. 1998.

XORIJIY MAMLAKATLARDA TURISTIK KLASTER TUZISH TAJRIBASI

Norqulova Dilfuza – PhD, “Turizm” kafedrasi dotsenti
Gadoyeva Muborak – MTF-121 guruh magistranti

Annotatsiya: *ushbu maqolada Antalya shahridagi mavjud turistik klastyerining tahlili keltirilgan bo’lib, mavjud infratuzilmani muammolari o’rganilib chiqilgan.*
Kalit so’zlar: *turizm, klaster, strtegiya, turistik mahsulot.*
Аннотация: *В данной статье проводится анализ существующего туристического кластера в Анталии и рассматриваются проблемы существующей инфраструктуры.*
Ключевые слова: *туризм, кластер, стратегия, туристический продукт.*
Annotation: *This article provides an analysis of the existing tourism cluster in Antalya and examines the problems of the existing infrastructure.*
Keywords: *tourism, cluster, strategy, tourism product.*

Turizm klasterining o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadigan bo’lsak, mahalliy rivojlanish dasturlari uni mintaqaviy nomutanosiblik va ijtimoiy tengsizlikka qarshi kurashning mahalliy strategiyasi sifatida ko‘radi. Porter turizm nafaqat asosiy diqqatga sazovor joylarning (plyajlar yoki tarixiy joylar) jozibadorligiga bog’liq, balki mehmonxonalar, restoranlar, suvenirlar do'konlari, aeroportlar, boshqa transport turlari va boshqalarning qulayligi va xizmatiga ham bog'liqligini ta'kidlaydi. Misoldan ko'rinib turibdiki, hamkorlikda ishlash odatda bir-biriga bog’liq holda samarali. Bunday holatda birining yomon ishlashi boshqalarning muvaffaqiyatiga xalaqit berishi mumkin.

1-chizm. Antalyadagi turizm klaster xaritasi[1]



Figure 2: Antalya turizm klaster analiz



Porterga ko'ra klaster - bu o'zaro bog'langan kompaniyalar va muassasalarning geografik kontsentratsiyasi, xususan, soha klasteri o'zaro bog'langan tarmoqlar va raqobat uchun muhim bo'lgan boshqa ob'ektlarning ajoyib majmuasini o'z ichiga oladi. Turizm ta'rifini qo'llash orqali Antaliyadagi klasterlarning tarkibiy qismi sifatida beshta asosiy omilni hisoblash mumkin. Porterning olmos deb nomlanuvchi modeli raqobatni yaxshi tushunishni va korxonalar o'rtasida aloqalarni shakllantirishga katta qiziqishni talab qiladi. Biroq, mahalliy sanoat tarqoq va ichki bo'linishlarga to'la. Shunday qilib, klasterni birlashtirish va ushlab turish uchun zarur bo'lgan yopishqoq modda yo'qdek tuyuladi. Boshqa tomondan, bunday ijtimoiy kapitalning rivojlanishini kuchaytirish uchun kuchliroq ijtimoiy tarmoqlar va mahalliy rahbariyat zarur.

1-jadval. Anatalya Turizm klasteri tahlili

Hukumat	Strategiya, Struktura va Raqobat	Talab	Mavjud shart sharoitlar	Klaster

+ Barqaror va xavfsiz mamlakat	+/- Raqobat arxga bog'liq	+ sifatli editsina va ta'lim xizmatlariga bo'lgan ichki va xalqaro talabning yuqoriligi	+ ko'p miqdorda arixiy, diniy, ekologik va tabiiy resurslar	+ yuqori sifatli meditsina va a'lim institutlari
+/- Hukumat sosiy e'tiborni Dengiz hududlariga qaratyapti	+/-Mahalliy aholi uchun arzon narxlar	+/- turistlarning 60% ruslar, 40% germanlar, 10% inglizlar	+ sifatli chki yo'llar, kkita xalqaro aeraportlar (AYT va Gazipasa)	+ ko'pchilik havoyo'llariga ikkala xalqaro aeraportlarga kirish mavjud
- kuchsiz qo'llab quvvatlash va narketing plan	- chet elda inimal turizm targ'iboti	- taxminan 40% sayyohlar biznes oki ko'ngil ochar maqsadlar bilan shrif buyurganlar	- tunash joylarining rli tumanligi	- nehmonxonalar ham sifat ham niqdor xihatdan o'sib borayotganligi
- mahalliy turizm rejasining avjud emasligi	- xaridor va xizmatga e'tiborning yo'ligi	- ko'pgina Muqaddas joylarga sayohatlarda ejalashtirilmagan to'xtashlar	- malakali kadrlar	- klasterdagi rmalar o'rtasida umumiy uvofiqlashtirish ning yo'qligi
-siyosat va faoliyatda avomiylikning yo'qligi	- nvestitsiyalar oldidan yihalar uchun xnik-iqtisodiy asoslarning yo'qligi		-qoloq nfrastruk-tura	+Atrof-muhit muhofazasi Instituti

Antaliya klasterlarining tarkibiy tuzilmalarining ishlash darajalari shaharning umumiy iqtisodiy rivojlanishini belgilaydi. Boshqa tomondan, klasterlardagi o'zaro bog'liqlik tufayli bir klasterdagi har qanday muammo boshqalariga o'z ta'sirini ko'rsatmay qo'ymaydi.

Yaxshi faoliyat ko'rsatuvchi klasterlar lavozimga yoki muhimlilik darajasiga qarab ish yuritmaydi aksincha, xo'jaliklar, kompaniyalar va muassasalar o'rtasida teng aloqalarni o'rnatadi.

Samarqand turizm klasterini tashkil etish uchun ayni mos keluvchi hududlardan biri hisoblanadi. Bu yerning o'ziga xos bo'lgan turli yo'nalishlardagi ustuvorligi turizm klaster turiga ham ta'sir ko'rsatmay qolmaydi.

Ya'ni Samarqandning geografik joylashuvi, milliy ma'daniyati, mavjud turistik

resurslaridan kelib chiqqan holda gastronomik turizm klasterini ishlab chiqish har tomonlama maqbul ekanligini ko‘rish mumkin.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, turistik klasterni tashkil qilish orqali ko’plab tashkiliy mexanizmdagi muammolarni hal qilishga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. **Antalya Region Tourism Cluster: To Measure the Impact of Tourism Cluster on Regional Development** https://www.researchgate.net/figure/Tourism-Cluster-Map-in-the-Regions-of-Antalya_fig1_270475053
2. http://gtg.webhost.uoradea.ro/PDF/GTG-4-2021/gtg.38416-750.pdf
3. https://www.scielo.br/j/bar/a/k93HWPHbSZCSKdMtQBq39ZC/?lang=en

SPECIFIC FEATURES OF SPELEOTOURISM AND ITS PLACE IN HUMAN LIFE

Raximov Z. - assistant of professor, Samarkand Institute of Economics and Service.
Uralov Sh. - Master of Samarkand Institute of Economics and Service.
Xasanova Y.- Master of Samarkand Institute of Economics and Service.

Annotation: *The article describes the peculiarities of speleotourism, its place in human life, its benefits and dangers, which attracts caves for tourists.*
Keywords: *Speleotourism, cave, mashrut, sport, rope, extreme, active.*

Speleotourism is a type of sports tourism, which means traveling through natural underground cavities (caves) and overcoming various obstacles in them (siphons, wells) with a variety of special equipment (aquaculture, carbines). , ropes, hooks, individual safety systems, etc.).

The discovery of new speleotouristic routes is associated with the study of caves - speleology. Speleology is one of the fields of geology. But the main thing that attracts thousands of people to caves all over the world is the opportunity to explore the gaps on the world map. However, in order to seriously deal with speleology, you need to have serious preparation. A cave is another world in which a person has no usual signs.

Spelestology is an excellent science about man-made underground structures. Spelestology is directly related to speleology. Spelestologists study the infrastructure of underground cities: abandoned quarries, abandoned mines, aqueducts, old underground roads, wells, underground temples and monasteries.

Cave is not only a friendly but even aggressive environment for people and it is very difficult to live in this environment. Often there is cold, humidity prevails (e.g. the temperature in the cavities of alpine karst is 2-3 ° C and 100% humidity) and it is pitch dark.

The most popular are vertical caves. They include various vertical sections

(wells, barriers , etc.) that must be overcome. This requires additional preparation of the equipment.

To qualify for speleotourism, you have to go through several caves.

There are special requirements for the etiquette of speleotourists, their behavior in caves, and their attitude to the underground nature. This is due to the extreme fragility of the object of interest to them - the cave, its ecosystem, various drip formations, mineral and ice crystals. For example, broken stalactitis only recovers decades and even hundreds of years later. As a result of the study of the caves, many mineral structures were destroyed.

Speleotourism as a type of sports tourism is a difficult but very interesting way of active recreation. It's a kind of mix: here you can walk, climb, climb, rock, and even dive underwater. In one cave you can find ruins, wells, cracks, underground rivers, huge grottoes. This is certainly very interesting, but it is, at the same time, a major drawback of underground travel - they require careful and long-term preparation.

Speleotourism can be excursion, amateur, professional. But any category of tourists should have their own characteristics. First, the lack of natural light. Simply put, there is an eternal night in the caves, which in itself creates extreme conditions. Second, the ground humidity is always very high, up to 100%, which is inconvenient for travelers. Third, the air temperature decreases. Fourth, there are no easy paths in caves ! It's always a different place that requires belay systems, special equipment and , of course, endurance, agility, strength and psychological stability.

Also, access to caves is usually difficult for our usual transportation. Sometimes, before you go underground, you have to travel for a few days on its sacred surface.

Speleotourists must have excellent skills in climbing and diving, and experience in mining or skiing expeditions. It is necessary for elementary survival in very severe conditions. Depending on the chosen route, the cave may face unusually high humidity (up to 100%), cold (in some caves the temperature drops to -4 degrees), water barriers and others. It should be added that all these difficulties must be overcome in complete darkness.

Cave labyrinths hide many secrets, each cave has many unusual and amazing events. That is why speleotourism attracts more and more lovers of adventure and riddles every year, it does not leave anyone indifferent.

Some people mistakenly think that "speleotourism does not exist for everyone, it is practiced only by hopeless people, and ordinary people can not do it." then anyone can join this extreme but fun sport after a long workout.

The essence of speleotourism is that a certain group of people are engaged in cave exploration. But for this you need to have special equipment: ropes, carbines, zhumar and others. To measure the cave, you will also need a laser rangefinder, with which you can measure the depth of the cave, as well as the width of the passage to it.

From time immemorial, humanity has begun to study caves. For primitive people, caves are protected from the elements, from wild animals. It could be said that this was their home. Therefore, you should not think that speleotourism is a type of sport, with the help of which you can only get good physical activity. While

exploring the caves, you can see many interesting things: amazing natural formations and sometimes even unusual drawings on the rocks.

It should be noted that the study of caves in the form of speleotourism became very popular only from the beginning of the 20th century. But since the middle of the last century, the sport has become very popular.

Often, this sport attracts people with an adventurous nature. Despite the fact that experienced guides are comfortable with tourists and the routes have already been checked many times, you still have the possibility of danger, you may face certain difficulties and risks. By the way, you should know that in caves, as a rule, there is no one hundred percent humidity, low temperature and , of course, natural light.

Speleotourism is usually divided into types, which are affected by how difficult the route is. Sometimes on such a trip, speleotourists encounter snow and water obstacles. It all depends on where the cave is located .

Caves, crevices, abysses, and mines are already laid out, and crossing relatively well-known routes is called sport speleotourism. Especially in caves frequented by cave-athletes, special “panic buttons” are hung on the walls. The most extreme trips are made through the newly discovered underground kingdoms.

All caves are divided into 9 categories according to complexity, and to explore each of them you will need certain skills and special equipment. The main indicators of difficulty are the difficulty of the cave and the number of obstacles, as well as the length of the route.

In the modern world , there is another concept - sports speleotourism, which is a more complex profession. In this case, athletes who want to have a sports category perform a variety of tasks: they have to go through several caves that correspond to the officially defined difficulty category. Fulfilling these conditions is not as easy as it may seem at first glance, because the routes are constantly faced with various obstacles: underground rivers, ruins, narrow ravines, and so on.

New routes of speleotourism are usually opened by speleologists who are actively studying caves for the science of speleology. It should be noted that this is a very difficult task, because you need to accurately determine the dimensions of the cave, calculate all its bends, turns, and then send this information to the relevant authorities for verification to include in the cadastre. Keep in mind that any cave is not fully explored and people can open new passages and gaps in it every time.

LIST OF REFERENCES:

1. Kalutskov VN Ethnocultural landscape: textbook. Moscow: Moscow State University, Faculty of Geography, 2011.112 p.

2. Kvartalyanov AND Tourism. M. : Finance and Statistics Publishing, 2013. p.79.

3. Kniss VA Cave fauna in Russia and neighboring countries. - Ufa: Bashkir State University, 2011.

4. Nikitina AV Cultural landscape as an experience of experiencing space // History of history, philosophy, political and legal sciences, cultural studies and art. Questions related to theory and practice. Tambov: Diploma, 2011. No 6 (12): In 3 hours, Part II. S. 144-146.

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ

Каршибоев Хайрулло Киличович
доц. зав. кафедры “Высшей математики”,
Самаркандский институт экономики и сервиса,
E-mail: karshiboyev@mail.ru

Аннотация: *В данной статье рассмотрены математические методы анализа организаций массового обслуживания, оказывающие различные услуги населению для выявления эффективности деятельности и нахождения путей оптимизации. В качестве применения математического аппарата в обслуживании рассмотрен крупный супермаркет со столом заказов для которого и приведён анализ. Также показано на примере обслуживания рабочих инструментами из кладовой с неявными потерями, а именно необходимо ли содержать ещё одного кладового или текущее положение выгоднее, чем содержание нового кладового.*

Ключевые слова: *теория массового обслуживания, математический аппарат, системы массового обслуживания, распределение вероятностей.*

Аннотация: *Ушбу мақолада фаолият самарадорлигини ва оптималлаштириш йўлларини аниқлаш мақсадида аҳолига турли хил хизмат кўрсатувчи ташкилотлар таҳлилининг математик усуллари кўрсатилган. Математик аппаратнинг қўлланилиши сифатида буюртмалар столи мавжуд бўлган йирик супермаркет мисол тариқасида қаралган ва унга таҳлил келтирилган. Шунингдек ишчиларнинг анжомлар билан таъминлаш иши сезиларсиз, юқотишларсиз ишлашига мисол келтирилган, яъни хозирги ҳолати фойдалироқми ёки яна бир ишчининг сақланиши фойдалироқмилиги кўрсатилган.*

Калитли сўзлар: *оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, математик аппарат, оммавий хизмат кўрсатиш тизими, эҳтимоллар тақсимоти.*

Abstract: *In this article the mathematical methods of the analysis of the organizations of a queuing rendering various services to the population for identification of effectiveness of activity and finding of paths of optimization are considered. As application of a mathematical apparatus in an upkeep the large supermarket with an advance orders section for which is considered the analysis is provided. It is also shown on the example of an upkeep of workers by tools from the storeroom with implicit losses namely whether it is necessary to support one more stockman or the current situation is more favorable, than contents new stockman.*

Key words: *theory of a queuing, mathematical apparatus, systems of a queuing, probability distribution.*

Теория массового обслуживания впервые применялась в телефонном обслуживании, а затем ив других областях хозяйственной деятельности.

Например, организация нормального процесса обслуживания покупателей связана с правильным определением следующих показателей: количества предприятий данного торгового профиля, численности продавцов в них (в том числе и «механических»), наличия соответствующих основных фондов, частоты завоза товаров, численности обслуживаемого населения, плотности обращаемости и потребности в соответствующих товарах (по групповому и внутригрупповому ассортименту). Если предположить, что предприятие располагает необходимыми основными фондами, торгует товарами, имеющимися в достаточном количестве (при нормальной частоте завоза), то и тогда в процессе обслуживания остаются такие переменные величины, которые могут существенно повлиять на качество обслуживания. Надлежит, следовательно, выбрать такой оптимальный вариант организации торгового обслуживания населения, при котором время обслуживания будет

минимальным, качество – высоким, не будет излишних народно-хозяйственных затрат. Математический аппарат теории массового обслуживания облегчает решение этой задачи. При этом различают две формы обслуживания: с неявными потерями и с явными потерями.

Систему массового обслуживания с неявными потерями (правило очередей) можно показать на примере обслуживания рабочих необходимым инструментом (из обособленных кладовых промышленного предприятия).

Допустим, что в инструментальной кладовой работают два кладовщика.

Требуется определить, в какой мере они своевременно обеспечивают заявки на обслуживание, поступающие от рабочих; в очереди за инструментом дороже, чем дополнительное содержание еще одного или двух кладовщиков?

Таблица 1

Расчет полного числа приходов рабочих в кладовую

Шуни таъкидлаш керакки, агар курка-ўрдак гўшти сотиш учун мўлжалланган бўлса, танани узунасига тенг иккига бўлиб, ҳар ярим танани ўртасидан (курак қисми охиридан) умуртқа суягига перпендикуляр равишда тенг иккига бўлиб, орқа қисмига кесиб олинган қанотларини қўшиб, алоҳида полиэтилен пакетларга жойлаштирилади.

Тўртга бўлинган парранда гўшти харидорларга ўзига керакли миқдорда сотиб олиш имконини беради ва анча қулайликлар яратади (талабига қараб сайлаб олиш имконияти ва ҳ.к.).

Умумий суб маҳсулотлар, техник чиқитлар ва йўқолишлар миқдори курка-ўрдакнинг чала тозаланган вазнига нисбатан 36,0 %ни ташкил этди. Солиштириб кўрганда, ўрдак учун бу кўрсаткич рецептуралар тўпламида 33,4%. Озиқавий суб маҳсулотлари миқдори чала тозаланган вазнига нисбатан курка-ўрдак учун 23,8 %ни ташкил этса, ўрдак учун бу кўрсаткич рецептуралар тўпламида 23,1 %ни ташкил этади (1-жадвал).

Техник чиқитлар ва йўқолиши курка-ўрдакда 12,2 %, ўрдак учун рецептуралар тўпламида 8,9 %. Бу фарқни шу билан изоҳлаш мумкинки, гўшт комбинатларида паррандаларга сўйишдан олдин овқат берилмайди ва натижада чиқитлар миқдори оз бўлади (ичаклар ичидаги ахлатлар ва ҳ.к.).

2-жадвал

Чала тозаланган курка-ўрдакнинг алоҳида суб маҳсулотларининг умумий суб маҳсулотлар миқдорига нисбати % ҳисобида

Суб маҳсулотлари	**Вазни, г**	**Умумий суб маҳсулотлари миқдорига нисбатан, %**	
		Курка-ўрдак	**Ўрдак (рецептурага асосан)**
Боши	60	15,4	15,0
Оёғи	50	12,8	13,0
Бўйни	75	19,2	20,0
Қанотлари	80	20,5	18,0
Юраги	20	5,1	3,0
Жигари	45	11,6	13,0
Ошқозон	60	15,4	18,0
Жами:	390	100 %	100 %

Бизлар курка-ўрдакни келтириб даров сўйдик. Шунинг учун истеъмол қилган овқатлари, чиқит миқдорини кўпайтирган бўлиши мумкин.

Курка-ўрдакнинг алоҳида суб маҳсулотлари, умумий суб маҳсулотлар миқдорига нисбати ҳам фоиз ҳисобида аниқланди (2-жадвал) ва рецептуралар тўпламида келтирилган ўрдак билан солиштириб кўрганда фарқи оз бўлиб, нисбатлар умуман тўғри келади.

Курка-ўрдак филеси, кулинар ишлов беришга тайёр тоза тана вазнига нисбатан 33,3 %, сон қисми 23,8 г ни ташкил этди.

Рецептуралар тўпламида филе учун бу кўрсаткич паррандаларда 30-35 % ни ташкил этади.

2-жадвал

Курка-ўрдакка бирламчи ишлов беришда тана, суб маҳсулотлари ва чиқитлар миқдори (брутто вазнига нисбатан % ҳисобида)

№	Парранда	Кулинар ишлов бериш-га тайёр тана вазни		Суб маҳсу-лотлар ва йўқолиши		Озиқавий суб маҳсулотлари ишлов берилган		Техник чиқитлар ва йўқолиши	
		%	г	%	г	%	г	%	г
1.	Курка-ўрдак, чала тозаланган	64,0	1050	36,0	590	23,8	390	12,2	200
2.	Ўрдак, чала тозаланган	66,6	-	33,4	-	23,1	-	8,9	-

Пазандалик маҳсулотлари пиширишни қулайлаштириш ва ассортиментини кўпайтириш учун, ярим тайёр маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш лозим.

Шуларни эътиборга олиб, курка-ўрдакдан қуйидаги ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланди:

1. Тозаланган тана бутунлигича – бутунлигича қайнатиб ёки шкафда қовуриб тайёрлаш учун.

2. Филе – натурал котлетлар тайёрлаш учун.

3. Сони – қайнатиб, димлаб тайёрлаш учун.

4. Сон ва филеси ажратилган тана – рагу ёки шўрва тайёрлаш учун.

5. Тананинг олдинги қисми - қайнатиб, қовуриб, димлаб ва суюқ таомларга ишлатиш мумкин.

6. Тананинг орқа қисми – қайнатиб, қовуриб, димлаб ва суюқ таомларга ишлатиш мумкин.

Курка ўрдакнинг ёши ва вазнини эътиборга олиб, турли хилдаги таомлар тайёрлаш мумкин. Буларга:

1. Ёш курка-ўрдак бўлакланмаган танасидан қоғоз пакетга ўраб ёки ўрамасдан плита шкафида пиширишш.

2. Қарри паррандаларни сувда пиширишб, кейин шкафда сақлаб қизартириб олиш.

3. Бўлакланмаган танани қайнатиб олиш.

4. Филесидан начинкали ва начинкасиз котлетлар.
5. Бўлаклаб қовурдоқлар тайёрлаш.
6. Бўлаклаб димламалар тайёрлаш.
7. Шўрваларда ишлатиш.
8. Суяксиз суб маҳсулотларидан фарш тайёрлаш.
9. Суякли суб маҳсулотларни шўрваларда ишлатиш.

Курка-ўрдакдан тайёрланадиган таом ва пазандалик маҳсулотлари турини кўпайтириш технологияси ва рецептурасини такомиллаштириш мақсадида биз қуйидаги таомлар технологияси ва рецептурасини такомиллаштирдик.

Буғда пишган курка-ўрдакни тайёрлаш технологияси

Тайёрланган курка-ўрдак, жўжа табакаси таомига таёрланган каби тўш қисмини узунасига кесиб, ёйиб кенгайтирилади ва ясси ҳолатга келтирилади.

Ошпазлар болғачаси билан уриб текисланади. Ички ва ташқи томонидан меъёрида яхшилаб туз билан ишқаланади. Устидан ва ичига майдалаб тўғралган ёки эзилган чеснок, мурч, зира аралаштирилган сметана суртиб, парранда танаси ихчамлаштирилади ва қоғоздан қилинган пакет ичига солиб, яхшилаб ўралади ва духобкага қўйиб 80-90 минут давомида унча баланд бўлмаган ҳароратда пиширилади.

Духобкадан олинган тайёр паррандани пакетидан олинади, ажралиб чиққан парранда шарбатини алоҳида пиёлага олинади.

Паррандани бутунлигича ёки бўлаклаб, безатиб, ассорти шаклида дастурхонга узатиш мумкин.

Қуймоқли курка-ўрдак гўштини тайёрлаш технологияси

Тозаланган курка-ўрдак ихчамлаштирилиб, бутунлигича иссиқ сувга солинади. Ичига тўғралган пиёз, узунасига икки ёки тўрт бўлакка бўлинган сабзи, бўлакланмаган помидор солинади. Меъёрига қараб туз, зираворлар солинади.

Пишган парранда шўрвадан олинади ва порциясига бир бўлакдан юпқа қилиб кесилади. Бир порциясига битта хом тухум олиб туз билан аралаштирилади. Қиздирилган ёғли товага тухумнинг ярми солинади ва устига дарҳол порцилаб кесилган парранда гўшти бир қатор териб чиқилади. Тухум қовурилиши билан товадан олинади. Товани яна ёғлаб, устига тухумнинг қолган иккинчи ярми солинади ва устига дарҳол гўштнинг тухумсиз томони билан териб чиқилади. Натижада, порцияланган гўшт қовурилган тухум билан қопланган бўлади. порцияларни лаганга териб, устига майда тўғралган шивит кўкати сепиб, даструхонга узатилади.

Гарнирига, сомон шаклида кесиб, фритюрда қовурилган картошка берилади.

Кифтали парранда шўрваси

Қуймоқли курка-ўрдак гўштини тайёрлаш учун пишириб олинган шўрва ичига бўлакланган картошка солинади ва пишгандан кейин бутунлигича солинган помидорни эзиб, қайтадан қозонга солинади. Шўрва сувида мол гўштидан тайёрланган кифта пишириб олинади.

Кифта тайёрлаш учун гўштнинг қиймабоп қисми икки марта гўшт қиймалагичдан ўтказилади, чала пиширилган гуруч, тухум билан

аралаштирилади, туз ҳамда зиравор солинади ва кифта қилиб тайёрланади (бир порцияга 2 дона).

Тортилаётганда шўрвага кифта солинади ва майда тўғралган кўкат сепилади.

Демак, парранда гўштларидан ҳисобланган курка ва ўрдак гўшти ўзининг афзалликлари билан ҳайвон гўштидан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, чала тозаланган курка-ўрдакнинг алоҳида суб маҳсулотларининг умумий суб маҳсулотлар миқдорига нисбати, курка-ўрдакка бирламчи ишлов беришда тана, суб маҳсулотлари ва чиқитлар миқдори нисбатлари аниқланиб чиқилди.

Пазандалик маҳсулотлари пиширишни қулайлаштириш ва ассортиментини кўпайтириш учун, ярим тайёр маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш лозимлиги, курка-ўрдакнинг ёши ва вазнини эътиборга олиб, турли хилдаги таомлар тайёрлаш турлари ва айрим таомларнинг тайёрлаш технологиялари ва рецептуралари такомиллаштирилди.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИННОВАЦИОН МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамарасулов З.Э.– СамИСИ катта ўқитувчиси
Кахаров Ж.С.– СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Пирхалов Д.М.– СамИСИ, Сат-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ишда маиший хизмат кўрсатувчи технологик жиҳозлар гуруҳи орқали маиший хизматни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.*

Калит сўзлар: *хизмат, маиший хизмат, технологик жиҳозлар, бажариладиган операциялар, гуруҳлар.*

Аннотация: *В результате исследования разработаны рекомендации по развитию бытового обслуживания через группу технологического оборудования бытового обслуживания.*

Ключевые слова: *сервис, бытовая служба, технологическое оборудование, выполняемые операции, группы.*

Abstract: *The study developed recommendations for the development of consumer services through a group of technological equipment for household services.*

Keywords: *service, household service, technological equipment, operations performed, groups.*

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш техникавий прогресс, яъни технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришга таянади. Технологик операцияларни машина ва аппаратлар ёрдамида механизациялаш ва автоматлаштириш ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади, одамлар меҳнатини енгиллаштиради.

Маиший хизмат кўрсатиш технологик жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш борасидаги вазифаларни ҳал этишда машинасозлар, олимлар, ихтирочилар ва маиший хизмат кўрсатиш хизматчиларини ижодий ташабускорлигини сафарбар этиш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Алоҳида эътибор янги, янада мукаммаллаштирилган маиший хизмат

кўрсатишни машина, аппарат ва бошқа техникаларини яратишга кўмаклашувчи, лойиҳалаш соҳасидаги назарий ишланмаларни қўллаб қувватлашга қаратилмоғи керак.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни асосий ишлаб чиқариш жараёнлари кийим-кечак, пойафзал, бош кийимлари, трикотаж маҳсулотлари, хўжалик предметлари каби энг зарур предметларни профилактика қилиш, уларни йўқотилган хусусиятларини тиклаш ва аҳоли буюртмаларига кўра тайёрлаш билан боғлиқдир. Уларга бундай ишлов бериш жараёнлари механикавий, физикавий, кимёвий ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- меҳнатни енгиллаштиради;
- бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган вақтни қисқартиради;
- қувватларни концентрацияланишувига имкон беради;
- бир неча маҳсулотларга ишлов беришни таъминлайди;
- хом-ашёдан тежамкорона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш учун шароитлар яратади.

Маиший хизмат кўрсатиш технологик жиҳозлари ўз номенклатураси, мўлжалланиши, ишчи жараёнлари, кинематик ва динамик параметрлари, узатмали (привод) қурилмалари ва бошқаларга кўра турли-тумандир. Маиший хизмат кўрсатиш технологик жиҳозларини ишлаб чиқариш белгиларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлатиладиган;
- аҳолини шахсий фойдаланишида бўлган, яъни уй хўжалигида ишлатиладиган.

Ушбу технологик жиҳозлар ўз функционал – технологик белгиларига кўра қуйидаги операцияларни бажариши мумкин:

- кийимларни тикиш ва таъмирлаш;
- пойафзал тайёрлаш ва уни таъмирлаш;
- кийимларни тозалаш ва чойшабларни ювиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш;
- шахсий гигиена;
- уй-жой ҳолатини таъминлаш.

Бундан ташқари, маиший хизмат соҳасидаги асосий технологик жиҳозлар, бажарадиган операциялари сонига кўра умумий мўлжалланишли, турли модификациядаги операцияларни ва маълум бир операцияни бажарадиган бўлиши мумкин.

Маиший хизмат кўрсатиш технологик жиҳозларини уларда бажариладиган операцияларни физик моҳиятига кўра гуруҳ ва майда гуруҳларга бўлиб таснифлаш (1-чизма) мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки бундай тасниф уларни конструктив қуриш, лойиҳалаш ва ҳисоблаш методларини белгилайди.



1-расм. Маиший хизмат кўрсатиш технологик жиҳозлар таснифи

Маиший хизмат кўрсатиш технологик жиҳозларини таснифлаш схемасида технологик жиҳозлар асосий технологик жараёнларда сарфланадиган ва ўзгартириладиган энергия турига кўра машина ёки аппаратлар гуруҳига тегишли деб топилган. Машиналарда объектга механик ишлов бериш унга ишчи органларни таъсир йўли билан амалга оширилади ва бу жараён кинетик энергияни сарфланиши ва ишга ўзгартирилиши билан тавсифланади. Объектларга номеханик ишлов бериш уларга иссиқлик, кимёвий, электрик ва суюқликлар, газлар ҳаракатланишини физикавий ҳодисалари келтириб чиқарган энергия ёрдамида таъсир этиш йўли билан аппаратларда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган майда гуруҳларга тегишли бўлган машина ва аппаратларни мукаммалигини ошириш ўта муҳим бўлиб, унинг йўналишлари уларда кечадиган жараёнларни жадаллаштириш, ишчи ва ижро органларни оқилона лойиҳаларини ишлаб чиқиш, конструктив ва мустаҳкамлик ҳисобларини ўтказиш ва бошқаларга қаратилган. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида янги, мукамаллаштирилган машина ва аппаратларни кенг ишлатилиши кўрсатиладиган хизматларни юқори ишлаб чиқариш, яъни физик-техник хусусиятларини белгилайди.

ТАРКИБИ МИНЕРАЛ МОДДАЛАР БИЛАН БАЛАНСЛАШТИРИЛГАН ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОВҚАТЛАНИШДА ФОЙДАЛАНИШ

Мамарасулов З.Э.– СамИСИ катта ўқитувчиси
Худойбердиев А.Ю. – СамДВМЧБУ доценти, т.ф.н.
Халилов Р.Н. – СамИСИ, ХСЭ-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада таркиби минерал моддалар билан баланслаштирилшган гўшт маҳсулотларини овқатланишда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *минерал препарат, мол суяги, макро- ва микроэлементлар, "ичак таёқчаси", протеус бактериялар, гўшт маҳсулотлари.*

Аннотации: *В статье проводятся исследования и вырабатываются рекомендации по использованию мясных продуктов в сбалансированном по минеральным веществам питании.*

Ключевые слова: *минеральный препарат, говяжья кость, макро- и микроэлементы, «кишечная палочка», бактерии протея, мясные продукты.*

Abstract: *The article conducts research and develops recommendations for the use of meat products in the diet balanced with minerals.*

Keywords: *mineral preparation, beef bone, macro- and microelements, "intestinal rod", proteus bacteria, meat products.*

Ҳозирги кунда дунёда гўшт истеъмолини камайитириш соғлиққа фойда

ва атроф-муҳитнинг зарарланишини камайтиради, деган фикирда[92]. Аммо ўзига тўқ бўлган давлатларда гўшт истеъмол қилиш юқори даражада.

Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2022 йилнинг январ-февраль ойларида 92 мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари импорти амалга оширилган бўлса, 2021 йилда эса 89 мамлакатлардан озиқ-овқат товарлари импорти амалга оширилган[93]. Буларга асосан Қозоғистон (36,1%), Россия Федерацияси (25,6%), Бразилия (12,4%), Беларусь Республикаси (4,4 %) ва Покистон (3,6%) давлатларига тўғри келади. Жумладан, Қозоғистондан қорамол гўштининг импорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 ва Беларус Республикасидан эса 2,2 баробарни ташкил этган.

Шунингдек, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг организмида 30 % озуқавий, яъни оқсил ва минерал моддаларнинг етишмовчилиги кузатилмоқда. Овқатланиш рационида минерал моддаларининг етишмовчилиги рахит, кариес ва бошқа касалликларни келтириб чиқармоқда. Макро- ва микроэлементларни (кальций, фосфор ва бошқалар) фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга қабул қилинади. Ишнинг мақсади қилиб макро-микроэлементлар, яъни кальций ва фосфорнинг элементларига бой минерал препарати танлаб олинди. Ишни бажаришда препаратни таркибий қисмлари ўрганилиб, уларни гўшт маҳсулотлари таркибига қўшиш технологияси ва рецептурасини ишлаб чиқиш қабул қилинди.

Минерал препарат совутилган ёш мол суягини қайта ишлаш натижасида махсус технология билан олинган бўлиб, унинг таркибидаги сув моддасининг миқдори 3,2 %, оқсил 16,1 %, ёғ моддаси 6,4 % ва минерал моддалар миқдори эса 75 %ни ташкил этди.

Юқоридагилардан ташқари оқсил моддасининг таркибида триптофандан ташқари барча алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мавжуд бўлиб, айниқса лизин ва валин аминокислоталар миқдори юқори фоизни ташкил этди.

Ушбу препаратни қиймали гўшт ва гўшт маҳсулотлари рецептурасида 1-4 %гача қўллаш гўштдаги умумий алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар миқдорига салбий таъсир қилмайди.

Бизнинг текширишлар шуни кўрсатдики, минерал препарат таркибида комплекс макро- ва микроэлементлар мавжуд бўлиб, унинг аксарият қисмини кальций ва фосфор элементлари ташкил этди. Бу эса минерал препаратни гўшт маҳсулотлар таркибига макро- ва микроэлементлар бойитувчиси сифатида қўллаш имконини беради.

Қуйидаги 1-жадвалда минерал препаратнинг макро- ва микроэлементлар миқдори келтирилган.

---

[92] **https://www.bbc.com/uzbek/world-47129548** Ҳанна Ритчи, Оксфорд. Ўзбекистон - Дунё: Қайси давлатлар энг кўп гўшт истеъмол қилади?

[93] https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/19805-oziq-ovqat-mahsulotlari-importi-tarkibi-2022-yil-yanvar-fevral-oylari-holatiga

1-жадвал

Минерал элементларнинг таркиби

Гуруҳ элементлари	Миқдори, % да, кул моддасига нисбатан	Гуруҳ элементлари	Миқдори, мг/кг
Кальций	34,50 ± 0,76	Темир	19,30 ± 0,09
Фосфор	9,52 ± 0,11	Цинк	32,86 ± 0,21
Калий	0,03 ± 0,009	Марганец	4,23 ± 0,03
Натрий	0,91 ± 0,04	Мис	6,15 ± 0,05
Хлор	0,025 ± 0,01	Стронций	42,10 ± 0,17
Олтингугурт	0,06 ± 0,01	Кадмий	1,25 ± 0,02

Микроэлементлардан ташқари минерал препарат таркибида токсик элементлар таркибига кирувчи стронций ва кадмий элементлари борлиги ҳам аниқланди. Бироқ препаратни гўшт маҳсулотлари рецептурасига 4 %гача қўшиш “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти” томонидан белгиланган нормалардан (МДУ, ПДК) ошмаслиги кузатилди.

Ҳар бир қўшилаётган янги препаратни биргина таркиби эмас, балки уларнинг микробиологик кўрсаткичлари ва шакли ҳам текширилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, қўшиладиган препаратнинг 90 %ни размерлари 4,0 мкм дан кам ва уларнинг шакли ромб ва думалоқсимон шаклга эга бўлди.

Препаратнинг таркибида “ичак таёқчаси” ва протеус туридаги бактериялар текшириш натижасида топилмади. Микробиологик ва органолептик текширишлар препаратни санитария жиҳатидан тўла талабга жавоб бериши ва уни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшиш имконини берди.

Ишнинг иккинчи қисмида перпаратни гўшт маҳсулотидаги минерал моддалар нисбатини (кальций, фосфор) балланслаштириш мақсадида опитмал қўшиш фоизлари аниқланди.

Минерал препартни гўшт қиймасининг таркибига сув билан аралаштирилган суспензия шаклида қўшиш уларни тайёр маҳсулот таркибида тенг ва бир хил тақсимланишга олиб келди.

Кейинги тажриба текширишларида минерал препарат қўшилган гўшт маҳсулотларини кимёвий ва минерал таркиби аниқланди. Рецептурада препаратни қўшиш миқдори тайёр маҳсулотга нисбатан 1-8 %ни ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тажриба вариантидаги маҳсулотларда назорат вариантига нисбатан минерал моддаларнинг умумий миқдори юқори даражада бўлиши кузатилди. Тажриба вариантидаги аминокислоталар таркиби назорат вариант маҳсулотидан деярли даражада фарқ қилмади.

Органолептик баҳолашда таркибига 1-4 % препарат қўшилган маҳсулотлар юқори натижа кўрсатди. Фақат таркибига 8 % препарат қўшилган маҳсулотда ранг ва таъм кўрсаткичлари бироз паст баҳоланди.

Таркибига 1 % минерал препарат қўшилган гўшт маҳсулотида кальций элементининг миқдори 15 марта кўпайди ҳамда кальций ва фосфор элементларининг нисбати 1:1÷1,5 ни ташкил этди. Бу эса гўшт маҳсулотида ушбу элементларнинг нисбатини меъёр даражасига олиб келди. Ушбу нисбат назорат маҳсулотида 1:11 ни кўрсатди, бу эса узоқ вақт бундай маҳсулотни истеъмол қилишда организмдан кальций элементини ажралиб чиқишига олиб келади.

Минерал препарат қўшилган гўшт қиймасидан турли миллий, Европа ва Осиё таомлари тайёрлаш ва уларни туристлар рационида фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, препаратни нон ва нон маҳсулотларини рецептурасида қўллаш минерал элементларга бўлган эҳтиёжни қисман қондиришга ва бир қатор элементларни баланслаштиришга олиб келади.

МАМЛАКАТИМИЗДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Холиқулов А.Н. - СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Юлдашова Н.З. – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти

Аннотация: *ушбу мақолада мамлакатимизда ривожланаётган агросервис соҳаси, хизматларнинг турлари ва таснифи, агросервиснинг таркибий қисми ва аграр соҳада хизмат кўрсатишнинг роли берилган.*

Калит сўзлар: *хизмат, агросервис хизматлари, агросервис субъекти, агросервис объекти, ,технологик соҳа, техник хизмат.*

Аннотация: *в данной статье описывается развивающаяся сфера агросервиса в нашей стране, виды и классификация услуг, составляющая агросервиса и роль услуг в аграрной сфере.*

Ключевые слова: *услуга, услуги агросервиса, субъект агросервиса, объект агросервиса, технологическая сфера, техническая услуга.*

Abstract: *this article describes the developing agroservice sector in our country, types and classification of services, the component of agroservice and the role of services in the agrarian sector.*

Keywords: *service, agroservis services, agroservis subject, agroservis object,, technological sphere, technical service.*

Мамлакатимиз иқтисодиётини биз учта таркибий кисмга бўлишимиз мумкин: ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва сервис; шунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг тармоғи ҳисобланиб, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва саноат учун хом-ашё олишга қаратилган. Маълумки, жаҳон қишлоқ хўжалигида 1 млрд. дан ортиқ иқтисодий фаол аҳоли банд ва бевосита давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги қишлоқ хўжалиги ҳолатига боғлиқ, қишлоқ хўжалигида эса асосий ўринни хизматлар эгаллайди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда агросервис соҳаси жадал ривожланмокда. XXI асрнинг бошида агросервис соҳасида янги хизматлар ва

технологиялар пайдо бўлди, бу эса ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасининг глобаллашуви қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш соҳасининг рақобатбардошлиги масаласини кескин кўтарди.

Хизмат ва хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида бир қатор фанларни ўрганиш объекти ҳисобланади, асосан иқтисодиёт, информатика, маркетинг, менеджмент, социология фанларини ўрганади. Хизмат кўрсатиш соҳаси хизматларни кўрсатиш учун фаолият йўналиши сифатида қаралади. Энди аграр соҳадаги хизмат кўрсатиш ўзи нима?

Хизмат деганимизда, биз жисмоний ёки юридик шахс - истеъмолчи, мижоз, фойдаланувчи эҳтиёжларини қондириш учун бажариладиган иш, ҳаракат, фаолият ёки ҳодисани тушунишимиз мумкин.

Хизмат – бу эҳтиёжга мос келадиган моддий ва номоддий характердаги товарларни ишлаб чиқаришни таъминлаш орқали эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолиятдир. Яна бошқача таъриф берадиган бўлсак, хизмат - бу ишлаб чиқарувчи томонидан истеъмолчига, яъни унинг хусусиятларига бўлган талабга мувофиқ, тақдим этиладиган хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида якунланган натижаси ёки маҳсулотидир.

Мамлакатимизда агросервис соҳасида хизматлар турлари ва таснифи буйича айни даврларда бу борада хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Агросервис хизматлари турлари ва таснифи билан боғлиқ тадқиқотлар хорижлик олимлардан М.Паттон, К.Миллер, К Конвей, П.Стивенс, Г.А. Симонян, Г.Боллерлар томонидан олиб борилган. Ушбу олимлар ўз тадқиқотларида агросервисда хизматлар тушунчасини, моҳиятини, таснифини чуқур ўрганишган ва шу соҳада хизматларнинг самарадорлигини ошириш бўйича турли ҳил фикрларни билдирганлар.

Агросервис хизматлари қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллайди, чунки у бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган ташкилотларга ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва маънфаатларига тобора кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

Агросервиснинг бутун мажмуи сифатида самарадорликни ошириш, чорвачилик ва ўсимликларни етиштириш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ҳамда технологияларини ривожлантириш воситаси деб ҳисоблашимиз мумкин.

Агросервис хизматлари бир нечта таркибий қисмларга бўлишимиз мумкин:

-чорвачиликда ишлаб чиқариш хизматлари;

-ўсимликларни етиштиришда ишлаб чиқариш хизматлари;

-агротехника учун техник хизмат;

-қишлоқ хўжалигида молиявий хизматлар;

-агротехниканинг янги намуналарини яратиш бўйича илмий ёрдам хизматлари;

-аграр соҳада кадрларни тайёрлаш бўйича илмий ёрдам хизматлари;

-ўсимликларни етиштиришда илмий ёрдам хизматлари;

-ташкилотларни таъминлаш ва маркетинг соҳасидаги хизматлар;

-ўсимликларни етиштиришда ишлаб чиқариш хизматлари;

Аграр соҳада хизматлар турли ҳил бўлиб, биз мисол тариқасида агротехник хизматини кўриб ўтишимиз мумкин. Қишлоқ хўжалигининг технологик соҳаси – бу одамлар томонидан қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариши ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун сунъий равишда яратилган муҳитни яратадиган техник объектларга айлантирилган тизимдир.

Қишлоқ хўжалигида техник хизмат – бу қишлоқ хўжалиги техникаси бўлиб, агросаноат мажмуаси учун ушбу ускуналардан унумли фойдаланиш, уни бутун ишлаш муддати давомида хизмат кўрсатишга яроқли ҳолати ёки иш ҳолатида сақлаш бўйича ишлар ва хизматлар мажмуи ҳисобланади. Яна, қўшимча қиладиган бўлсак, агрокомплексни техниканинг эҳтиёт қисмлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ хўжалигининг таркибий қисми сифатида унинг иқтисодиётини ўз ичига олади, бу қишлоқ хўжалигида барча турдаги савдо ва нотижорат хизматларини кўрсатишни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Замонавий иқтисодиёт ва жамиятда агросервис соҳаси тобора кучайиб бормоқда ва иқтисодиёт ва нотижорат секторни ривожлантиришнинг асосий соҳасига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан қишлоқ хўжалигида, унинг илмий таъминоти ташкил этади.

Агросервис хизмати – бу харидорларнинг (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлган жисмоний ёки юридик шахсларнинг) эҳтиёжларини илмий, таълимий, маънавий, ижтимоий, моддий манфаатлар билан таъминлашга қаратилган молиявий-иқтисодий фаолият ёки қишлоқ хўжалигида технологик жараёнларнинг самарадорлигини ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ёки самарадорлигини ошириш учун шароит яратишдир.

Аграр соҳада хизмат кўрсатишнинг ролини қуйидагича белгилар билан таърифлашимиз мумкин:

- қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатишнинг ривожланишини тезлаштириши;

- хизмат кўрсатиш соҳасини илмий қўллаб-қувватлашнинг ривожланиш жараёнларини уйғунлаштириш, оптималлаштириш ва уни инновацион ривожлантириши;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш жараёнида, илмий изланишлар олиб боришда ва бу соҳада инновацион лойиҳаларни амалга оширишда натижаларнинг салбий бурилиш хавфини камайтириши;

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги молиявий натижаларни яхшилаш, қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий ва инновацион фаолият самарадорлигини оширилиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ – 6159-сон фамони “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими”

ҳамда “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси” 3 феврал, 2021 йил.

2. Симонян Г.А. Теоретические основы формирования сферы услуг//Вестник СГУТиКД. 2011 г.

3. Эргашев Р.Х., Холиқов С.Р., Тошбоев А.Ж., Инновацион иқтисодиёт, Т.: Иқтисод - “Молия” 2019 йил.

СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Юлдашева Н.А. - доктор философии по экономичеким наукам (PhD) Ферганского политехнического института, и.о. доцент кафедры «Менеджмент»

Аннотация. *Мақолада корхоналарда қўлланиладиган стратегияларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда саноат корхоналарини инновацион ривожланиш стратегияси моҳияти ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *глобаллашув, корхоналар, стратегия, бошқарув, ривожланиш, ўсиш.*

Аннотация. *В статье описаны виды и специфика стратегий, применяемых на предприятиях. Выделены показатели развития и сущность стратегии инновационного развития промышленных предприятий.*

Ключевые слова: *глобализация, предприятия, стратегия, управление, развитие, рост.*

Abstract. *The article describes the types and specifics of the strategies used in enterprises. The indicators of development and the essence of the strategy of innovative development of industrial enterprises are highlighted.*

Key words: *globalization, enterprises, strategy, management, development, growth.*

Глобализация экономики, быстрые изменения потребительского спроса, сокращение жизненного цикла продукции требуют от промышленных предприятий не только анализа и оценки внешней среды, но и прогнозирования ее будущих изменений и создания адекватной изменениям системы стратегического управления. В такой среде задача эффективного управления предприятием осуществляется по-разному, но в основе этого процесса должны лежать усилия менеджеров по созданию конкурентного преимущества путем выбора эффективных стратегий развития. Следовательно, в условиях сложности внешней среды предприятия должны постоянно приспосабливаться к изменениям в ней, приобретать новые качества и изменять существующие.

Проблемы стратегического развития экономических систем, в свою очередь, сложны. Эти стороны проблемы недостаточно изучены теоретически и практически применительно к конкретным условиям экономики. Под влиянием процессов глобализации и интеграции изменились и подходы к определению термина «стратегия предприятия». Если изначально стратегия была принята как устойчивый долгосрочный документ, не подлежащий пересмотру, то в современных условиях такой подход теряет свою актуальность. Постоянные изменения внешней среды (глобализация, усиление конкуренции и т.д.) в свою

очередь требуют от предприятий разработки новых стратегий для достижения долгосрочных конкурентных преимуществ на основе эффективного управления изменениями. В современных условиях стратегия предприятия должна быть ориентирована на его развитие, так как отсутствие поступательного движения в деятельности хозяйствующих субъектов приводит к потере их рыночных позиций.

Развитие может проходить в двух основных формах, которые соответствуют двум стадиям развития:

- эволюционный (гибкий, поэтапный);
- революционный (основной, скачок, точка бифуркации).

Эволюционный путь развития предприятия предполагает процессы изменения в ответ на изменения внешней среды. Организации, использующие этот метод, не будут вносить серьезные изменения до тех пор, пока не произойдут радикальные изменения в окружающей среде. Недостатком этого метода развития является то, что постепенные изменения не всегда могут адаптироваться к внешней среде, и это может привести организацию в состояние серьезного кризиса.

Альтернативой пути эволюции является революционное развитие. Это направление развития предполагает революционные внутренние изменения внутри организации, выводящие ее на совершенно новый уровень развития. Такое поведение связано с разрушением старых организационных структур, мышления и операционных процедур. Изменения в точке бифуркации происходят очень быстро, но они подготавливаются различными колебаниями внутри эволюционного этапа, выходящими за определенные пределы и обеспечивающими революционный скачок.

Различные колебания являются движущими силами экономики, которые в конечном итоге служат для определения направления развития. В то же время можно сделать вывод, что возникновение различных колебаний в экономике не является единственным источником развития. Любой процесс, протекающий в экономике, происходит под влиянием различных колебаний, набор которых меняется в зависимости от временного параметра. Когда в экономике накапливается критическая масса этих колебаний, они достигают точки бифуркации, а значит, существуют разные пути развития системы. В то же время в системе происходят серьезные изменения, которые приведут к состоянию хаоса в экономике, выведя ее на новый этап развития.

Здесь необходимо изучить различия между понятиями «развитие» и «рост». В связи с этим Р. Л.Акофф сказал: «Рост и развитие — не одно и то же. Рост может происходить с развитием или без него. Ограничение роста не ограничивает развитие». Основное различие между ростом и развитием состоит в том, что основные границы роста являются экзогенными, тогда как те, которые происходят вне системы, считаются эндогенными, специфичными для системы образом.

Экономический рост является ключевым условием повышения конкурентоспособности и во многом зависит от него. Поэтому задачу достижения высоких темпов экономического роста следует рассматривать в

комплексе с развитием предпринимательства. Развитие – это процесс деятельности, направленный на постоянное улучшение качества системы путем достижения заданных количественных показателей. Однако в экономической литературе развитие интерпретируется как один из обязательных элементов управления.

Процесс разработки стратегии развития предприятия можно сравнить с теорией Чарльза Дарвина. Он классифицировал процесс разработки с тремя основными элементами:

— наследственность;
— изменчивость;
— выбор.

Наследственность следует понимать как перенос влияния прошлых тенденций на будущее. Однако отрицание достижений предыдущей истории может привести к регрессу. Изменчивость означает, что в мире возникают различные неопределенности, что, в свою очередь, требует от организации поиска способов адаптации к этим изменениям. Модель общественного развития можно выразить как беспокойное движение материи, которое характеризуется возникновением новых форм организации, крушением старых структур и постепенным переходом от одной формы к другой. Таким образом, все процессы, происходящие в обществе, представляют собой случайное, закономерное, стохастическое и детерминированное единство.

Отбор позволяет выявить признаки, возникающие в результате влияния случайных факторов и затем переходящие в будущее под влиянием наследственных механизмов.

Стратегия развития – это целенаправленная деятельность, направленная на определение будущего развития предприятия, в результате которой достигается новое качество производства и управления.

В условиях мирового экономического кризиса стратегическое развитие является основой повышения конкурентоспособности и становится основной задачей субъектов хозяйствования, которая может быть достигнута путем решения следующих трех основных задач:

1. Постоянное совершенствование технологий в производственном процессе.

2. Эффективное использование новых технологий в производстве товаров и услуг в соответствии с рыночным спросом.

3. Необходимость освоения новой техники в короткие сроки.

Список использованной литературы

1. Баранчеев, В.П. Управление инновациями / В.П. Баранчеев, Н.П. Масленникова, В.М. Мишин. – М.: Юрайт-издат, 2009. – С. 19

2. Ефремов, В.С. Стратегическое управление в контексте организационного развития / В.С. Ефремов // Менеджмент в России и за рубежом. – 1999. – № 1.

3. Норт, Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики / Д. Норт. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997. – С. 12

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Сувонов З.Ш. - СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Давранова Д. – СамИСИ, ХС-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш ва ресторанниг хизмат кўрсатиш концепцияси эътиборга олиниши зарур жиҳатлар тўғрисида фикр билдирилган.*

Калит сўзлар: *инновация, инновациялар иқтисодиёти, хизмат кўрсатиш соҳаси, ресторан бизнеси.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается необходимость организационно и экономически обоснованного формирования сферы услуг в условиях развития инновационной экономики и необходимость учета концепции ресторанного обслуживания.*

Ключевие слова: *инновация, инновационная экономика, сфера услуг, ресторанный бизнес*

Annotation: *This article discusses the need for an organizational and economically justified formation of the service sector in the context of the development of an innovative economy and the need to take into account the concept of restaurant service.*

Key words: *innovation, innovative economy, service sector, restaurant business*

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда биринчи навбатда инновацияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришда техника ва технологияларни доимий равишда янгилаб бориш, янги рақобатбардош товар ва хизматлар билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш имкониятини беради. Бу эса кишилик жамиятининг барча соҳаларни жумладан иқтисодиётда ҳам ислоҳатларни амалга оширишни талаб этади.

Постиндустриал жамиятда ривожланишни информацион технологиялар ва комьютерлаштирилган тизимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса иқтисодиётнинг янги шаклини инновацион иқтисодиётни ташкил этишни тақозо этади. Тадқиқотлар натижасига кўра бу муаммони ҳал қилишда изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, чет эл олимлари инновацион иқтисодиётни барпо этиш орқали мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналиши эканлигини эътироф этишмоқда.

Ривожланган ғарб мамлакатлари шуни таъкидлашмоқдаки инновацион иқтисодиёт бу – илмга асосланган бутун жамият иқтисодиёти бўлиб, инсонларнинг барча соҳаларда янги ғоялар, янги машина ва янги технологиялар ва тизимларни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш билан белгиланади.

Инновациялар иқтисодиёти асосий вазифаси - инновацияларни (юқори технологияли инновациялар) доимий ва узлуксиз яратиш ва амалга ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш - рақобатда муваффақиятнинг асосий омили ва мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш. Табиий муҳитни сақлаб қолиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини ошириш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ва жаҳон бозорида

маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, савдо ва товарлар танқислигини камайтириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасидир.

Инновацион иқтисодиётда илмий ва технологик билимлар таъсири остида моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳалари ўзгаради ва технологик асосни тубдан ўзгартиради, чунки инновацион иқтисодиётда янги билим ва инновацияларга таянмайдиган ишлаб чиқариш ҳаётга мос келмайди. Ахборот технологиялари, компьютерлаштирилган тизимлар ва юқори ишлаб чиқариш технологиялари инновацион иқтисодиётнинг асосий тизимлари ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётда юқори салоҳиятга эга мутахасисларнинг ўрни беқиёс бўлиб, уларга бўлган талаб доимий равишда ортиб боради. Шунинг учун кадрларни тайёрлаш инновацион жараёнларни самарали бошқариш билан бирга инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали даврий равишда муаммоларни ечишга ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки инновацион иқтисодиёт кадрларни тайёрлашнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни тақазо қилади.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу соҳанинг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори коньюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[94]долзарб масала ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётининг турли тармоқлари қатори хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиндики, уларга асосан ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Натижада мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжларига муносиб равишда малакали сервисни ташкил этиш орқали хизматлар кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда унинг ЯИМ даги улушининг ошиб боришига эришилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси давлатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишидан бири бу овқатлантириш хизматларидир. Республикамизда овқатланиш корхоналарининг ҳажмининг ошиб бориши билан бирга уларда кўрсатилаётан сервисга талаб ҳам ўсиб бормоқда. Бугунги кунда овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган

[94] . “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил. www.iqtisodiyot.uz

ҳолда ва унга мос равишда ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Овқатланиш хизматларини тақдим этаётган корхоналар ишини давр талабидан келиб чиқиб инновацион ёндашишни талаб этмоқда.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бу - овқатланиш корхоналари учун кадрлар тайёрлашдир. Ҳозирги вақтда ресторан сервисини ташкил этишда соҳа мутахассисларидан профиссионал билимлар талаб этади.

Кундан-кунга ресторан бизнеси структураси кенгаймоқда, янгидан-янги хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Ресторанлар ўртасидаги рақобат муҳити корхона бошқарувида янгича ёндошувни талаб этмоқдаки, кечаги ишни ташкил этиш услублари бугунги кун талабларига мос келмай қолмоқда. Янги технологияларнинг жорий этилиши, замонавий сервиснинг қўлланилиши, юқори касбий тайёгарликка эга бўлган ходимларнинг хизмат вазифасига тайинланиши, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишда бўладиган мулоқат жараёнини умумэътироф этилган этикет меъёрларга ўзгартириш, хизматлар ва таомларнинг сифат даражасининг ошиб бориши ресторанларда мижозларнинг доимий оқимининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ресторан хўжалиги шундай бир-бири билан боғлиқ тизимлардан ташкил топган: масалан умумий овқатланиш бозори учун маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, иккинчи тамондан мехмондўстлик атмосфераси яратилади, маҳсулотни сотиш жараёнидаги хизмат кўрсатиш усулларини таклиф этади.

Бугунги кунда кўпгина йирик шаҳар ресторанлари ўз хужалигини ташкил этиш ва бошқаришда рестораннинг хизмат кўрсатиш концепцияси ва имиджини кўтаришга ҳаракат қилишмоқда.

Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида барча корхоналар хусусан ресторан бизнесида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасига боғлиқ бўлади. Ресторанлар сервисида эътиборга олиниши зарур жиҳатлар тўғрисида фикр билдирмоқчимиз. Булар:

- мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил ресторан сервиси ва унда кўрсатилаётган хизматларни амалга оширишда юқори хизмат кўрсатиш маданиятини шакиллантириш;

- ресторанда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг муомила ва кийиниш маданиятига қатъий амал қилиниши назоратини ташкил этиш;

- ресторанлар ва бошқа овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган тўй банкетларда эргономик талаблар, техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

- ресторан ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқ бўлишини инобатга олиб уларда меҳнат вазифасига бўлган мотивацияни шакллантириш;

- ресторанларга категориялар берилишининг миллий тизимини ишлаб чиқиш ва бунда стандарт талаблари билан бирга янги инновацион дастурлар ҳамда технологияларнинг доимий равишда қўлланилишини инобатга олиш.

- умумий овқатланиш корхоналарининг турлари, таркиби, тақдим этиладиган хизмат шакллари ва нархлари тўғрисида худудлар ва мамлакат миқёсида ягона электрон база яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фатхутдинов, Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов - СПб.: Питер, 2013. - 448 с.

2. Акмаева, Р.И. Инновационный менеджмент малого предприятия, работающего в научно-технической сфере: Учебное пособие / Р.И. Акмаева. - Рн/Д: Феникс, 2012. - 541 с.

3. Белова, С.О. Инновационное развитие общественного питания / С.О. Белова // Менеджмент и маркетинг: опыт и проблемы: сборник научных трудов / [под общ. ред. И.А. Акулича]; Белорусский гос. экон. ун-т, Дортмундская высш. шк., Ун-т Ганновера [и др.]. - Минск: Мэджик, 2011. - С. 23-27.

QO‘YLARNING SUT MAHSULDORLIGI, TARKIBI VA UNING XUSUSIYATLARI

Nurmatov Sh.Sh. – SamDVMChBU assistenti
Tursunov G‘S. – SamDVMChBU assistenti
Inomjonov B.M. – SamDVMChBU talabasi
Quvondiqova X.I. – SamDVMChBU talabasi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada turli zotli qo‘ylarning sut mahsuldorligi va laktatsiya davrini o‘rgangan xolda qo‘y suti mahsuldorlidi, kimyoviy tarkibi va zichligini o‘rganishlar natijasi bayon etilgan.*

Аннотация. *В данной статье описаны удои и период лактации овец разных пород, а также результаты исследований их химического состава и плотности.*

Annotation. *This article describes the milk yield and lactation period of sheep of different breeds, as well as the results of studies of their chemical composition and density.*

Kalit so‘zlar. *Qo‘y suti, sut mahsuldorligi, oqsil, yog‘, shakar, mineral tuzlar, quruq modda, zichlik, kimyoviy va texnologik xususiyatlar.*

Ключевые слова. *Овечье молоко, удой, белок, жир, сахар, минеральные соли, сухое вещество, плотность, химико-технологические свойства.*

Keywords. *Sheep milk, milk yield, protein, fat, sugar, mineral salts, dry matter, density, chemical and technological properties.*

Kirish. Qo‘y suti qadimdan xalqimizda qimmatli oziq-ovqat mahsuloti hisoblanadi. Uning tarkibida oqsil, yog‘, shakar va boshqa minerallar va vitaminlar mavjud. Qo‘y suti kaltsiy va minerallar miqdori bo‘yicha boshqa mashhur sut turlari orasida haqiqiy chempiondir. Qo‘y sutida sigir sutiga qaraganda deyarli ikki baravar ko‘p D vitamini mavjudligini hisobga olsak, osteoporozni davolash suyaklarni mustahkamlash va osteoporozning oldini olish uchun shunchaki almashtirib bo‘lmaydigan narsa ekanligi ayon bo‘ladi. Suyak to‘qimasini mustahkamlash funktsiyasidan tashqari, kaltsiy kasallikdan keyin tananing tiklanishida muhim rol o‘ynaydi va immunitet tizimini mustahkamlashga yordam beradi.

Material va metodlar. Qo‘y suti tarkibidagi jami quruq moddalar miqdori 20 % ni, uning nordonligi sigir sutiga nisbatan ancha katta bo‘lib 20-25 ^{0}T ni tashkil etadi. Hozirgi vaqtda qo‘y suti butun dunyo miqyosida keng-ko‘lamda ishlatiladi va uning miqdori yiliga 7-8 mln. tonnani tashkil etadi. Dunyoda eng ko‘p qo‘y suti

ishlab chiqaradigan davlatlarga Turkiya, Fransiya, Eron, Italiya, Gresiya, Bolgariya, Armaniston, Moldaviya, Rossiyaning Kavkaz o‘lkasidagi Respublikalar kiradi.

Markaziy Osiyo Respublikalarida jumladan, Qozog‘iston, Turkmaniston va O‘zbekiston Respublikalaridagi qorako‘lchilik xo‘jaliklarida qo‘yi suti ishlab chiqarish uchun katta imkoniyatlar mavjud. Ma’lumki qorako‘lchilikda 40-50 % tug‘ilgan qo‘zilar qorako‘l terisi uchun 1-3 kunlik holatida so‘yiladi. Qo‘zisi so‘yilgan qo‘ylarni laktatsiya muddatida 2-3 oy sog‘ish har bir qo‘ydan 30-50 kg yuqori sifatli qo‘y suti olish imkonini beradi. Har bir qo‘ydan kuniga o‘rtacha 400-500 gramm sut sog‘ib olish, ularga qayta ishlov berish va sifatli brinza va pishloq ishlab chiqarishni amalga oshirish mumkin.

Turli zotli qo‘ylarning sut mahsuldorligi va laktatsiya muddati har xil bo‘lib 60-150 kunni va o‘rtacha yillik mahsuldorligi 40-120 kg ni tashkil etadi (1-jadval).

1-jadval

Qo‘y sut mahsuldorligi

T/r	Qo‘ylarning zoti	Laktatsiya muddati, kun	Yillik sut mahsuldorligi, kg
1	Qorako‘l qo‘ylari	60-90	40-50
2	Jaydari qo‘ylar	60-70	40-45
3	Xisori qo‘ylar	120-150	70-120

Qo‘ylarni qo‘lda sog‘ish juda murakkab jarayon bo‘lib ko‘p mehnat, material xarajatlarni va ma’lum tashkiliy ishlarni bajarishni talab etadi.

Shuning uchun hozirgi vaqtda qo‘y sutini sog‘ib olish va undan yuqori sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish respublikamizda yetarli darajada rivojlanmagan.

Qo‘ylarning sutini sog‘ish va unga qayta ishlov berishni mexanizatsiyalashtirish mehnat unumdorligini oshiradi, sog‘ib olinayotgan sutning sifatini yaxshilaydi. Bu o‘z navbatida qorako‘lchilikda sut sog‘ishni tashkil etish uchun asosiy zamin tayyorlaydi, uni amalga oshirishga imkoniyat yaratiladi va sohaning samaradorligiga o‘z hissasini qo‘shadi.

Umumiy holda qo‘ylarning sut mahsuldorligi ularning zoti, ularni boqish xududidagi tabiiy sharoitlar, yaylovning holati va boshqa ko‘p faktorlarga bog‘liq. Qorako‘l qo‘ylari sut mahsuldorligi bo‘yicha ba’zi boshqa qo‘y zotlariga nisbatan ancha past ko‘rsatkichga ega. Lekin qo‘zisi teri uchun so‘yilgan mari qo‘ylarini sog‘ish iqtisodiy jixatdan samarador hisoblaniladi.

Natija va ularning tahlili. Qo‘y sutida quruq moddalar ko‘p bo‘lgani sababli uning zichligi sigir sutiga nisbatan katta bo‘lib 1,038 - 1,040 g/sm^3 ni tashkil etadi. Qorako‘l qo‘ylari sutining zichligi eng yuqori bo‘lib uning miqdori 1,042 g/sm^3 ni tashkil etadi. Qo‘y sutining kimyoviy tarkibi, o‘tkazilgan tajribalar orqali aniqlangan miqdori 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Qo‘y sutining kimyoviy tarkibi va zichligi

T/r	Qo‘ylarning zoti	Tarkibi (%)						Zichligi, g/sm^3
		Suv	Yog‘	Oqsil	Sut shakari	Mineral tuzlar	Quruq modda	
1	Qorako‘l qo‘ylari	81,4	8,5	3,2	4,7	0,90	19,6	1,042
2	Jaydari qo‘ylar	81,5	9,2	3,6	4,8	0,75	18,5	1,040
3	Xisori qo‘ylar	82	7,6	4,5	4,6	0,85	18,0	1,038

Qo‘y sutida oqsil va kul miqdori ko‘p bo‘lganligi uchun uning nordonligi ancha katta bo‘lib qorako‘l qo‘ylarining suti 19-24 ^{0}T, jaydari va xisori qo‘ylarining sutida 22-28 ^{0}T ga teng bo‘lishi kuzatildi. Xuddi shunday sut tarkibidagi yog‘ miqdori qancha ko‘p bo‘lsa undagi meneral tuzlari miqdori ham ko‘p bo‘lar ekan. Qo‘y sutining tarkibida oqsil moddalarning umumiy miqdori sigir sutinikiga qaraganda 2,0 barobar, quruq moddalar miqdori 1,5 marta ko‘p bo‘lganligi uchun o‘ziga xos xususiyatga ega, ya’ni quyuq va quyushqoqlik darajasi yuqori bo‘ladi. Sut tarkibidagi yog‘ moddalarining erish harorati 35,5-36 ^{0}C va qotish harorati 24,5-25 ^{0}C ni tashkil etadi.

Qo‘yning suti mahsuldorligi va uning fizik-mexanik, kimyoviy va texnologik xususiyatlari, ularning zoti, yoshi, yaylov hosildorligi, qo‘shimcha oziqlantirish va ularni boqish texnologiyasiga bog‘liq ekanligi, qo‘y sutiga qayta ishlov berish jarayonlarini o‘rganishda va ilmiy tadqiqot ishlarini bajarishda sutning bu xususiyatlarini alohida hisobga olishni talab etadi.

Xulosa. Qo‘y sutida oqsil va kul miqdori ko‘p bo‘lganligi uchun uning nordonligi ancha katta bo‘lib tajribalarda ko‘rib chiqildi.

Qo‘y sutida quruq moddalar ko‘p bo‘lgani sababli uning zichligi sigir sutiga nisbatan katta ekanligi aniqlandi.

Qo‘y suti suyak to‘qimasini mustahkamlash funktsiyasidan tashqari, kaltsiy kasallikdan keyin tananing tiklanishida muhim rol o‘ynaydi va immunitet tizimini mustahkamlashga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. A. Rahimov “Qorako‘lchilik”. Toshkent. “O‘qituvchi”, 1967 yil.
2. M.Z.Murtozayev, A.A.Kushakov, T.A.Aliboyev “Chorvachilik va parrandachilik asoslari”. Toshkent. “Fan va texnologiya”. 2012 yil.
3. Н.И.Куликова, О. Н. Еременко, А.О.Малахова “Основы животноводства”. Краснодар. ФГБОУ ВПО «Кубанский государственный аграрный университет», 2014 год.

OLMA HOSILINI UY ShAROITIDA SAQLASh

Yusupov A.H. - SamDVMChBU dosenti
Tashmanov R.K. - SamDVMChBU katta o‘qituvchisi
Mirzaxalimov A.U. - SamDVMChBU talabasi

Annotasiya. Maqola olmani saqlash va axoliga hamda iste’molchilarga yetkazib berish jarayonida muhim o‘rin tutadigan saqlash jarayoniga bag‘ishlangan bo‘lib, saqlashda innovasion texnologiyalar asosida qurilgan sovutgichli meva va sabzavot omborlari qurilishi, meva va sabzavotlarni yil davomida iste’molchilarga taklif qilinishi bilan bir qatorda mavsumdan tashqari vaqtlarda sotish orqali tadbirkorlarga daromad ham keltiradi. Maqolada olmani oddiy sharoitlarda saqlash usullari va hozirgi kunda innovatsion texnologiyalarni qo‘llab saqlash uchun foydalanilayotgan sovutgichli omborlar haqida ma’lumotlar beriladi.

Kalit so’zlar: Nisbiy namlik, xarorat, bug‘lanish, muzlash, sovuqxona, omborxona, istiqbolli dastur.

Kirish. Mamlakatning iqtisodiy barqarorligi va aholining munosib hayot kechirishini ta’minlashda fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, ularning yer maydonlaridan samarali foydalanish masalasi alohida o‘rin tutadi. O‘tkazilgan islohotlar tufayli qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining asosiy qismi fermer va dehqon xo‘jaliklari hamda tomorqa yer maydonlariga to‘g’ri keladi.

Respublikamiz bozorlarida mevalar ko‘paygan sari, uni nobud qilmasdan, sifatini pasaytirmasdan, istimolchilarga yetkazib berish hozirgi kunda ham dolzarb masalalardan biri bo‘lib kelmoqda. Bu masalada mevalarni o‘z vaqtida sifatli terib olishni, saralash, qadoqlash va innovatsion texnologiyalarni qo‘llab sifatli saqlash hamda iste’molchilarga yetkazish jarayonlarini o‘z ichiga oladi. Ma’lumotlarga ko‘ra rivojlanayotgan mamlakatlarda yetishtirilayotgan hosilning 25 dan 40% gachasi nobud bo‘lishi aynan shu jarayonlarning to‘g’ri tashkil etilmaganligidan deb xisoblanmoqda.

Bu borada respublikamizda bir qator ishlar olib borilmoqda jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Meva-sabzavot mahsulotlarini eksport qilish tartibi to‘g‘risidagi Nizomni tasdiqlash haqidagi 2019 yil 23 fevralda qabul qilingan №163 sonli qarori, hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Bog‘dorchilik va issiqxona xo‘jaliklarini hamda meva-sabzavot klasterlarini qo‘shimcha moliyaviy qo‘llab quvvatlash chora-tadbirlari to‘grisidagi 2020 yil 19 fevraldagi №102 sonli qarorida qayd qilinganidek, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini chuqur qayta ishlaydigan, tayyor va yarim tayyor oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish bo‘yicha eng zamonaviy texnologiyalar asosida jixozlangan yangi qayta ishlash korxonalarini qurish, innovatsion texnologiyalar asosidagi sovutgichli omborlarni qurish, mavjudlarini rekonstruksiya va moderinizasiya qilishga qaratilgan loyihalarni amalga oshirish, innovatsion texnologiyalar qo‘llanilgan zamonaviy turdagi sovuqxonalarni tashkil etish, ichki va tashqi bozorlarni bir maromda taminlanishini kafolatlaydi.

Mevalarni iste’molchilarga sifatli holda yetkazib berishning asosiy omili bo‘lgan saqlash va saqlash bilan bog‘liq bo‘lgan jarayonlarga innovatsion

texnologiyalarni qo‘llash muhim o‘rin tutadi. Respublikamizda bugungi kunda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining iqtisodiyotimizdagi o‘rni juda katta bo‘lib, hozirgi kunda yalpi ichki mahsulotni to‘rtdan bir qismini ishlab chiqarilayotgan qishloq xo‘jalik mahsulotlari valyuta tushumkorligini 55- foizidan ortiqrog‘ini ta’minlaydigan muhim eksport manbalaridan biri hisoblanadi

Materiallar va metodlar. Olmani saqlashda havo harorati, gaz muhiti, nisbiy namlikni ahamiyati katta. Ularda modda almashinuvi bo‘lib, u mevalarning rangi konsistensiyasi ta’mi va tarkibiga ta’sir etadi. Mevalar yuqori sifatliligiga ma’lum muddat saqlangandan keyin erishiladi. Shundan so‘ng modda almashinuvi buziladi, fiziologik jarayon yuzaga keladi va olma mevalarining rangi, ta’mi, xushbo‘yligi va tarkibi buziladi. Olmani Oq rozmarin (розмарин белый) navini uy sharoitida saqlash bo‘yicha izlanishlar olib bordik. Saqlash davrida asosiy ko‘rsatkichlarni nazorat qilish kerak:

Oq rozmarin navli olmani yertulaga saqlash uchun joylashtirish:





Nisbiy namlik: Olmaning har bir navlarini havoninig nisbiy namligiga bo‘lgan munosabatini turlichaliligi bilan kuzatiladi. Qalin po‘stloqli olma tez keskin buzilmaydi, yupqa to‘qimali po‘stloqqa ega navlarda esa so‘lish tezlashadi. Olma saqlashda havoning nisbiy namligini 90-95 foiz oralig‘ida ushlash tavsiya yetiladi. Ombor havosining nisbiy namligi psixrometr yordamida kuzatib turiladi. U omborning o‘rtasiga o‘rnatiladi.

Harorat: Turli nav olmalarni haroratga bo‘lgan munosabati har xildir. Olma saqlashda 10 ^{0}C farqi bilan 0 ^{0}C yaxshi harorat bo‘lishi mumkin. Ammo yetilmagan navlar uchun bunday xaroratda saqlanganida to‘liq pishmaydi. Ya’ni yetilish faolligini saqlab qoladi, rangi, ta’mi va xushbo‘yligi yaxshi bo‘lmaydi. Undan tashqari, ba’zi navlar mevalari 0 ^{0}C da uzoq saqlanishi natijasida to‘liq yetilish xususiyatini yo‘qotadi, oqibatda po‘sti va etida qorayishi ko‘payadi. Optimal harorat 0^{0}C dan 4^{0}C gacha belgilanadi.

***Bug‘lanish*:** Saqlashning dastlabki kunlarida olma tarkibidagi erkin suvdan halos bo‘ladi, shuning uchun tarkibidagi namlikni tez bug‘latadi va muvozanat namlikga tenglashadi. Keyinchalik bug‘lanish kamayadi va meva yetilgani sari yana kuchayadi. Bug‘lanishning bir tekis borishi olma omborlaridagi havo harorati va nisbiy namligiga bog‘liq. Olma tashish va saqlash vaqtida suvning bug‘lanishi hisobiga hamda boshqa har turli omillar ta’sirida terlaydi. Bug‘lanishni to‘xtatish va mevalarni xo‘lligicha saqlash uchun ombordagi namlikni oshirish va haroratni pasaytirish kerak. Mevalar terlaganda tez buziladi, chunki ularni sirtidagi namlik

mikroorganizmlar sporasining rivojlanishga imkon yaratadi.

20 sentyabrdan 20 yanvargacha saqlagandagi holat



Omborni mavsumga tayyorlash: Mevalarni joylashtirishdan oldin ombor chiqindilardan tozalangan, shamollatilgan va dezinfeksiyalangan, oltingugurt tutatilgan, devorlariga temir kuporosining 5 foizli eritmasi purkalgan bo‘lishi kerak. Meva qo‘yish uchun tagliklar bilan jixozlanib, shamollatish quvurlari tayyorlab qo‘yiladi. Olmalar uyum holida yoki yashiklarg joylangan holda tahlanishi mumkin.

Natijalar va ularning tahlili. ***Olma mevalarini saqlashning iqtisodiy samaradorligi.*** Fermer xo‘jaligida yetishtirilgan olma navlarini saqlashga joylashtirib, so‘ngra uning iqtisodiy samaradorligini qiyosiy tahlil qilish shuni ko‘rsatdiki, mavsumdan tashqari vaqtlarda olma narxi ko‘tarilishi sababli ularni saqlash ham iqtisodiy jixatdan rentabelli bo‘lishi mumkin ekan. 2020 yilda fermer xo‘jaligida yetishtirilgan Oq rozmarin olma navi mevalarining tannarxi 1800 so‘m/kgni tashkil etdi va biz 10 tonna olmani uy sharoitida saqlashga qo‘ydik, tabiiy kamayish 1,9 %. 20 sentyabrdan 20 yanvargacha saqlangan olmani 5000 sumdan sotdik. Demak olmani saqlashning iqtisodiy samaradorligi quyidagicha bo‘lishi mumkin (1-jadval).

1-jadval

Semerenko olma mevalarining 10 tonna miqdorini 4 oy saqlashning iqtisodiy samaradorligi

Ishlab chiqarish ko‘rsatkichlari	Qiymati
Xarajatlar: Sotib olish. Mahsulotni saqlashga joylashtirishdagi tannarxi, so‘m	180000 10 000x1800=18000000
Olmani saqlash xarajatlari (ijara, bir oy uchun 100 so‘m/kg)	10 000x400=4000000
Jami xarajat, so’m	18000000+4000000=22000000
Mahsulotni saqlashdagi tabiiy kamayishi 1,9 %, kg	10000*1,9/1000=9810
Mahsulotning realizasiya bahosi, so‘m/kg	5000
Yalpi daromad, so‘m	5000x9810=49050000
Sof daromad, so‘m	49050000-22000000= =27050000
Olma mevasini saqlashdan olingan daromad	27050000 so‘m = 27 mln so‘mni tashkil qildi.

Xulosa 1-jadval ma’lumotlaridan tahlil qilib ko‘rish mumkinki, mavsumdan

tashqari vaqtga kelib olma mevasining realizasiya bahosi ortadi, bu esa saqlanayotgan mevalarning yuqori baholarda sotilishi va xo‘jalikka katta foyda olib kelish imkoniyatlarini yaratadi.

Yuqoridagilarni hisobga olib meva sabzavotchilik bilan shug‘ullanib kelayotgan fermer xo‘jalik raxbarlariga va tadbirkorlarga yetishtirilgan meva va sabzavotlardan yuqori samara (foyda) olish uchun mahsulotlaringizni uy sharoitida ham sifatli saqlashlaringizni tavsiya qilamiz. Chunki aholiga sifatli mahsulotlar yetkazib berish va yuqori samaradorlikga erishish zamon talabidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” to‘g‘risidagi PF-60 sonli Farmoni

2. M. Isamiddinov “Mahsulotlarni sovuqxonada saqlash” o’quv qo‘llanma. Baqtriya press Toshkent – 2013.

3. Bo’riyev X.Ch. Xavaskor bog‘bonlarga qo‘llanma. “Sharq” nashriyoti, Toshkent-2002. B 202.

4. Bo’riyev X.Ch., Rizayev R.M. Meva-uzum mahsulotlarini biokimyosi va etishtirish texnologiyasi. “Mehnat” nashriyoti, Toshkent-1996 y. B 115.

СУБ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН “ҚОРИН РУЛЕТИ” ПАЗАНДАЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ОЗИҚАВИЙ ҚИЙМАТИ

Мўминов Н.– СамДВМЧБУ доценти
Турсунов А.– СамДВМЧБУ доценти
Назарова З.– СамДВМЧБУ магистранти

Аннотация: *мақолада суб маҳсулотларини чиқитсиз технология асосида ишлов бериш масалалари, шунингдек суб маҳсулотларидан тайёрланган пазандалик маҳсулотининг такомиллаштирилган технологияси ва рецептураси ҳамда органолептик ва кимёвий таркиби аниқланган.*

Калит сўзлар: *суб маҳсулотлари, биологик қиймати, алмашинмайдиган аминокислоталар, бирлаштирувчи тўқималар, коллаген, микрофлоралар.*

Аннотация: *в статье изучены вопросы безотходного использования субпродуктов, оптимизирована рецептура и технология кулинарного изделия из субпродуктов, определено органолептические показатели и химический состав.*

Ключевые слова: *субпродукты, биологическая ценность, незаменимые аминокислоты, соединительный ткань, коллаген, микрофлора.*

Abstract: *the article examines the issues of waste-free use of by-products, optimizes the recipe and technology of culinary products from by-products, organoleptic parameters and chemical composition are determined.*

Keywords: *by-products, biological value, essential amino acids, connective tissue, collagen, microflora.*

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қатор қарорларида хизмат

кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш билан бирга хизматлар соҳасида инновацион технологияларни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Қайд этиш лозимки, турмуш тарзининг яхшилана бориши натижасида гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда. Суб маҳсулотлари таркиби инсон истеъмоли учун зарур бўлган озиқавий моддалар – оқсиллардан, ёғлардан, углеводлардан, минерал моддалардан, ферментлардан ва витаминлардан иборат. Айниқса жигарда, буйракда, тилда, юракда худди гўштдагидек тўла қийматли оқсиллар ва шунингдек ҳамма алмашинмайдиган аминокислоталар мавжуд.

Витаминлик ва минераллик таркиби жиҳатидан жигар, буйрак, тил гўштга нисбатан тўла қийматли ҳисобланади.

Аҳолини озиқавий қиймати гўштдан қолишмайдиган, кўп касалликларни даволашда фойдали ҳисобланган, нархи эса арзон суб маҳсулотларидан тайёрланадиган таомлар рецептураси ва технологиясини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Илмий адабиётларда қайд этилишича гўшт маҳсулотларига пазандалик ишлов берилганда бириктирувчи толалар таркибидаги коллагеннинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган глютоза ва желатоза меъда шираси ажралишини кўпайтиради, ошқозон-ичак функциясини яхшилайди, ичакдаги фойдали микрофлоралар ҳолатини ва функциясини оширади.

Демак, қилинган илмий хулосалар асосида таркибида бириктирувчи толалар бўлган суб маҳсулотлари, овқатланиш рационининг зарурий компоненти ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга асосан қўйнинг қорин суб маҳсулотидан “Қорин рулети” технологияси ва рецептурасини ишлаб чиқишни, унинг органолептик кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

“Қорин рулети”ни тайёрлаш учун тозаланган қоринни 6-8 соат сувини алмаштириб туриб ивитилади, сўнгра устидан 2-3 марта қайноқ сув қуйилади, тозаланади ва ювилади.

Қоринни 25х25 см қилиб кесилади ва ёйиб қўйиб устидан узунчоқ, бармоқ шаклида кесилган (қалинлиги 1 см, узунлиги 4-5 см) думба ёғи ва узунасига тўрт бўлакка кесилган қизил сабзи кетма-кет қилиб териб чиқилади, орасига икки бўлакка кесилган саримсоқ доначалари, кўкат шохчалари қўйилади, мурч, туз, зира сепилади ва рулет шаклида ўралади. Ип билан бир учидан иккинчи учигача ўраб чиқилади ва иссиқ сувга солиб паст оловда қайнатилади. Пишишига 30 минут қолганда туз, сабзи, пиёз, лавр барги ва охирида мурч солинади.

Пишган рулетни сал совитиб, юзига сметана суртилади ва пиширириш печида (духобкада) рулетнинг юза қисми қизартириб олинади. Совигандан кейин кўндалангига кесиб порцияланади.

“Қорин рулети”ни тайёрлаш учун керак бўладиган маҳсулотларнинг рецептураси 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

“Қорин рулети” рецептураси

Маҳсулотлар	**Оғирлиги, г**	**Соф оғирлиги, г**
Қорин	600	600
Думба ёғи	300	200
Қизил сабзи	240	195
Саримсоқ	50	40
Кўкат	50	40
Туз	10	10
Мурч	0,5	0,5
Зира	2	2
Шўрваси учун:		
Сабзи	32	26
Пиёз	32	26
Туз	10	10
Лавр барги	2 дона	2 дона
Чиқиши:	**-**	**1000**

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини баҳолашда уларнинг органолептик сифат кўрсаткичлари, физико-кимёвий хоссалари ва биологик қийматини ҳар томонлама ўрганиш бу маҳсулотлар тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш имконини беради.

Органолептик баҳолаш энг тез усул бўлиб, маҳсулотнинг ташқи кўриниши, таъми, ҳиди, консистенцияси ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Физико-кимёвий усуллар эса анча мураккаб бўлиб, лекин озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқавий қиймати жиҳатидан ишончли ва тўлиқ хулоса чиқариш имконини беради.

Суб маҳсулотларидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг органолептик кўрсаткичлари билан, яъни ташқи кўриниши, ҳиди, таъми, консистенцияси ва бошқа кўрсаткичлари билан дегустаторлар томонидан юқори баҳоланди.

Қўй қорнидан тайёрланган “Қорин рулети”нинг кимёвий таркиби аниқланганда, оқсиллар миқдори – 11,2, ёғлар – 105,1, углеводлар – 1,78, кул – 0,96 граммни ташкил этди.

Суб маҳсулотлари витаминлар ва минерал элементларга бойлиги сабабли, тайёрланган “Қорин рулети” таркибидаги витаминлар ва минерал моддалар миқдорини анилқша, тайёр маҳсулотнинг озиқавий қийматини аниқлашда муҳим рол ўйнади. Натижалар шуни кўрсатдики, минерал элементлардан: Na – 69,7; K – 306,8; Ca – 28,7; Mg – 29; P – 126,5; Fe – 1,24 мг.ни ташкил этди. Витаминлардан: B1 – 0,05; B2 – 0,11; PP – 1,44; C – 7,2 -1,27 ва β-каротин – 1,27 мг эканлиги аниқланди.

“Қорин рулети”нинг энергетик қиймати – 279 ккал.ни ташкил этди.

Юқорида қайд этилганларга асосан хулоса этиш мумкинки, суб маҳсулотлари озиқавий моддаларга бой. Халқ табобатида ва тиббиётда ҳам суб маҳсулотларининг инсон саломатлиги учун ва айрим касалликларни даволовчи хусусиятлари тўлиқ тасдиқланган.

Суб маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда ишлов бериш, пазандалик маҳсулотлари технологияси ва рецептурасини такомиллаштириш асосида уларни чиқитсиз технология асосида рационал ишлатиш, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан юқори самарадорликка эга.

BIZNES KORXONALARI FAOLIYATINI MODELLASHTIRISHNING USLUBIY YONDASHUVLARI

Ismatov U.R. - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti o‘qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada biznes korxonalari va xususiy tadbirkorlar faoliyatini tahlil qilish va rejalashtirish uchun muhim hisoblangan iqtisodiy jarayonlarni modellashtirishning xususiyatlari va uslubiy yondashuvlari aks etgan.*

Аннотация: *В данной статье отражены особенности и методологические подходы к моделированию экономических процессов, важных для анализа и планирования деятельности коммерческих предприятий и частных предпринимателей.*

Abstract: *This article reflects the features and methodological approaches to modeling economic processes that are important for the analysis and planning of the activities of commercial enterprises and private entrepreneurs.*

Kalit so‘zlar: *Kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, model, modellashtirish, iqtisodiy-matematik model, korxona, boshqarish.*

Ключевые слова: *Малый бизнес, частное предпринимательство, модель, моделирование, экономико-математическая модель, предприятие, управление.*

Key words: *Small business, private entrepreneurship, model, modeling, economic and mathematical model, enterprise, management.*

Bozor iqtisodiyoti sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari faoliyatini tahlil qilishda iqtisodiy-matematik modellar va usullarning roli beqiyosdir. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari ishlab chiqarish masalalarini matematik modellashtirish va kompyuterdan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi, chunki hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida ma’lumotlar banki juda katta hajmda bo‘lganligi tufayli, iqtisodiy jarayonlarni tahlil qilish va ular asosida boshqarishni bashorat qilish muammosi turadi. Bu muammolarni hal qilish uchun yechiladigan masala aniq matematik ko‘rinishni olishi kerak.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari faoliyatini tahlil qilishda foydalaniladigan iqtisodiy-matematik model, tekshirilayotgan iqtisodiy masalaning barcha talab va shartlarini tenglamalar yoki tengsizliklar sistemasi ko‘rinishida ifodalaydi. Bu yerda masalani yechishda iqtisodiy maqsadni ifodalovchi funktsiyaning xususiyatini aniqlash asosiy talablardan biri bo‘lib, u modelning omillari bilan miqdorlarning qiymatlarini matematik nuqtai nazardan bog‘lovchi vazifasini bajaradi.

Iqtisodiy-matematik modellar yechilayotgan iqtisodiy masalani buzmasdan uni imkon boricha to‘g‘ri ifodalab, EHM yordamida eng muqobil, ya’ni optimal yechimini topib berishi kerak va bu olingan natijani kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari faoliyatini o‘rganishda hamda amaliyotga qo‘llashga qulay

bo‘lishi kerak.

Matematikadan iqtisodiyotda foydalanish ustida gap ketganda turli iqtisodiy hisoblashlar ustida emas, balki matematikadan iqtisodiy qonuniyatlarni o‘rganish, ya’ni nazariy xulosalar chiqarish nazarda tutiladi. Matematikaning afzalligi, tekshirilayotgan oby’ekt o‘rnini ma’lum ma’noda egallashi mumkin bo‘lgan matematik modellar bilan almashtirish mumkinligidadir. Iqtisodiy jarayonlarning asosiy xususiyatlarini matematik munosabatlar yordamida aks ettiruvchi iqtisodiyotning matematik modellari murakkab iqtisodiy muammolarni tekshirishda samarali vosita va matematik modellashtirishning qo‘llanishini EHMlarning rivojlanishidagi yangi sahifa deb qaraluvchi fikr noto‘g‘ridir.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari faoliyatini o‘rganish va tahlil qilishda iqtisodiy-matematik izlanishlar muhim uslubiy iqtisodiy savollariga javob berishi, matematik usullar qo‘llanishidagi ko‘plab xatolarning oldini olishi, iqtisodiyotda matematik modellashtirish imkoniyat va istiqbollarini to‘g‘ri baholashi, iqtisodiy izlanishlarning samarali yo‘nalishlarini tanlash imkoniyatlarini ochib beradi. Matematik modellashtirish usullarini bozor iqtisodiyoti sharoitida qo‘llash bilan bog‘liq bo‘lgan ko‘pgina ilmiy natijalar haligacha o‘z kuchini va dolzarbligini yo‘qotgan emas.

Respublikamizda bozor munosabatlariga o‘tishda fan-texnika taraqqiyoti natijasida xalq xo‘jaligi ishlarini rivojlantirish vazifalarining anchagina qismi zamonaviy kompyuterlar zimmasiga yuklatilganligi murakkab bo‘lgan iqtisodiy jarayonlarni modellashtirish imkonini beradi. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini bozor iqtisodiyotiga xos bo‘lgan tavakkalchilik va noaniqlik sharoitida optimal rivojlantirish uchun iqtisodiy-matematik modellardan keng ko‘lamda foydalanilmoqda. Modellashtirish murakkab ishlab chiqarish jarayonida ko‘plab qo‘llaniladi. Iqtisodiy ishlab chiqarish tizimlariga mansub bo‘lgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari faoliyatida matematikani tadbiq etishda va bu tizimlarni boshqarishda iqtisodiy kibernetikaning modellari va usullari muhim rol o‘ynaydi.

Iqtisodiy-matematik modellar va usullarning iqtisodiy tizimlarga tadbiq etuvchi tarmog‘i, murakkab iqtisodiy tizimlarni boshqarish uslublarini nazariy, ya’ni umumkibernetik ishlab chiqarish vositalari yordamida o‘rganadi. Bunday vositalarga, avvalo, ishlab chiqarish jarayonlarini matematik modellashtirish va o‘zaro iqtisodiy aloqalarni modellar yordamida tekshirish, murakkab tizimlarni oddiy tizimlarga keltirib tahlil qilish, turli oby’ektlardagi o‘zaro bog‘lovchi axborot aloqalarini o‘rganish hamda iqtisodiy tizimlarni rostlash uslublari kiradi.

Kuzatilayotgan oby’ektlarni chuqur va har tomonlama o‘rganish maqsadida tabiatda va jamiyatda ro‘y beradigan jarayonlarning modellari yaratiladi. Buning uchun oby’ektlar hamda ularni xossalari kuzatiladi va ular to‘g‘risida dastlabki tushunchalar hosil qilinib, turli xil shakldagi modellari yaratiladi. Keng ma’noda model biror oby’ektni yoki oby’ektlar sistemasini namunasidir.

Modelning hayotiyligi uning modellashtiriladigan oby’ektga qanchalik mos kelishiga bog‘liq. Bitta modelda oby’ektni hamma tomonini aks ettirish qiyin bo‘lganligidan unda oby’ektning eng xarakterli va muhim belgilarigina aks ettiriladi. Shuni ham ta’kidlab o‘tish kerakki, ortiqcha soddalashtirilgan model qo‘yilgan

talablarga yaxshi javob bera olmaydi, o‘ta murakkab model esa masalani yechish jarayonida qiyinchiliklar tug‘diradi.

Demak, modelning haqiqiyligi modellashtirilayotgan oby’ekt bo‘yicha to‘plangan ma’lumotlar hajmiga, bu axborotlarning aniqlik darajasiga, tadqiqotchining malakasiga va modellashtirish jarayonida aniqlanadigan masalaning xarakteriga bog‘liq bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Горбунов В.К. Математическая модель потребительского спроса. -М.: Экономика, 2004.
2. Замков О.О. и др. Математические методы в экономике. -М.: Дело и Сервис, 2004.
3. Кобелев Н.Б. Практика применения экономико-математических методов и моделей: Учебное пособие. -М: ЗАО Финстатинформ, 2000.
4. Робсон М., Уллах Ф. Реинжиниринг бизнес-процессов. Практическое руководство. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
5. Рубе В.А. Малый бизнес. История, теория, практика. -М.: ТЕИС, 2000.
6. Эддоус М., Стэнсфилд Р. Методы принятия решения. -М.: ЮНИТИ, 2000.
7. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. / Под ред. В. В. Федосеева. -М.: ЮНИТИ, 2002.

САВДО ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТУРЛАРИ

Рустамов Ж.Э. - СамИСИ катта ўқитувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада мамлакатимизда электрон тўлов тизимидан фойдаланиш усуллари, Интернет орқали тўловларнинг аҳамияти, бу соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, электрон савдо, электрон тижорат ва электрон бизнес тушунчалари, уларнинг қўлланилиш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилади.*

Калит сўзлар*: Интернет, электрон тўлов, электрон савдо, электрон тижорат, электрон бизнес, телекоммуникация, транзакция, электрон савдо-депозитарий тизими” (ЭСДТ), “Автоматлаштирилган Савдо Тизими” (АСТ), Uzcard, пластик карточка*

Аннотация: *в данной статье подробно описывается методи использования электронной платежной системы в нашей стране значения платежей через Интернет, нормативные правила, принятые в этой сфере, подробная рассматривается электронная торговля, электронная коммерция и электронной бизнес.*

Ключевые слова: *Интернет, электронная оплата, электронная торговля, электронная коммерция, электронный бизнес, телекоммуникации, транзакция, электронная система торговля и депозитарий "(ESTD)," Автоматизированная торговая система "(ATC), пластиковая карта, Uzcard*

Annotation: *this article describes the use of an electronic payment system in the country, the importance of methods of payments over the Internet, the rules adopted in this area, e-commerce, e-commerce and e-business concepts and information about the methods of their application.*

Keywords: *Internet, e-payment, e-trade, e-commerce, e-business, telecommunications, transaction, electronic trading and depository "(ESTD)," Automated Trading System "(ATC), a plastic card, Uzcard*

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида”ги ва 2013 йил 5 апрелдаги “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги қарорлари бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Интернетнинг кенг қамровли хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган портлардан фойдаланилмоқда. Туркум коммутацияси халқаро марказларининг ўтказиш қобилияти 4 баравар ошди, халқаро Интернет тезлиги эса секундига 5,61 Гбит га етказилди. Хўжалик юритувчи 945 та субъект Интернетдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатмоқда. Эндиликда Интернет хизматларидан фойдаланаётганлар сони 9,2 млн дан ошди.

Бошқарув тизимлари интеграциялашган, маълумотлар базаси тамойили бўйича қурилган бўлиши мумкин. Бундай тизимлар корхонадаги айланиб юрувчи бутун ахборот оқимига ишлов беради ва корхонанинг ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда унинг бир маромда ва режали ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Бу тизимлар турли-туман бошқарув ва техник-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Одатда бу тизимлар корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар (масалан, касалхоналар, автоматлашган омборлар, моддий-техника таъминоти ва заҳира қисмларини бошқариш, кадрларни ҳисобга олиш ва бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимлари) автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ) доирасида ишлайди. Кўпинча бу тизимлар айрим соҳаларга хизмат кўрсатади ва мустақил ҳисобланади, яъни ўзининг ахборот фонди, алгоритми ва дастурий таъминотига эга бўлади.

Техник воситалар ёрдамида фақат ахборот операцияларини автоматлаштиришга эришилади. Бевосита қарорлар қабул қилиш функцияларини ва бошқа бошқарув операцияларини одамнинг ўзи бажаради.

Шунинг учун бошқарув тизимлари одатда алоҳида хизматлар ва корхона раҳбариятига турли маълумотномалар ва ҳисобот шаклларини беришга йўналтирилган бўлади.

Электрон харидлар тизими давлат ва корпоратив харидлар савдо платформаларидан иборат бўлиб, улар бошланғич нархларни пасайтиришга қаратилган электрон аукцион савдолар шаклида амалга оширилади.

Савдо тизимининг ошкоралиги, аввало, электрон харидлар бўйича ахборот ресурси ва бир вақтнинг ўзида кўптармоқли савдо платформаси вазифасини бажараётган биржанинг махсус ахборот портали орқали таъминланмоқда. Электрон харидлар ташкил этилишининг яна бир муҳим шартларидан бири, бу савдо ғолиби аниқланаётган пайтида инсон омилининг мавжуд эмаслигидир. Харидлар ҳажми ва кўлами тобора кенгайиб бораётгани бозордаги соф рақобат муҳити янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Бу борада соҳага тегишли айрим тушунчаларга ҳам қисқача изоҳ бериб ўтамиз:

Электрон тижорат – ахборот технологиялари ёрдамида амалга

ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти. Электрон тижоратни тўрт йўналишга ажратиш қабул қилинган: бизнес бизнесга (busines-to-business, B2B); бизнес истеъмолчига (business-to--consumer, B2C); бизнес маъмуриятга (business-to-administration, B2A); истеъмолчи маъмуриятга (consumer-to-administration, C2A). Шунингдек, кейинги вақтда истеъмолчи истеъмолчига (consumer-to-consumer, C2C) ва истеъмолчи бизнесга (consumer-to-business, C2B) моделлари ривож топмоқда.

Транзакция – any business-related exchange. Масалан: мижоз амалга оширган тўлов, ишчига тўланган иш ҳақи.

Транзакцияларни кайта ишлаш тизими – бу бизнес транзакцияларини сақлаб қолиш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган одамлар, жараёнлар, дастурлар, маълумот базалари ва ускуналар билан ташкил этилган тўпламдир.

Қайд этиш ўринлики, жаҳон тажрибасида кейинги йилларда Интернетдан харид қилиш ҳажми ортди. Масалан, Россияда эндиликда ишга яроқли аҳолининг қарийб 30 фоизи интернет-дўконларга мунтазам буюртмалар берадилар. Кейинги уч йил ичида онлайн-харидорлар сони 2,5 баробарга ўсди. Бу ўсиш асосан энг фаол харидорлар ёшлар бўлмоқда. Интернет орқали харид қилинаётган энг машҳур товарлар тоифаларига маиший техника ва электроника (40 фоиздан зиёд), кийим-кечак ва пойабзал (15%), авто-эҳтиёт қисмлар ва уй учун буюмлар (10%дан) киради.

Ўзбекистонда сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш, уйга фаст-фуд етказиб бериш, тантанали маросимларни уюштириш, фитнес-клубларга абонементлар сотиб олиш ва бошқа йўналишларнинг ҳам истиқболи порлоқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида (ЎзРВБ) савдо ва савдо-депозитарий мажмуасининг имкониятлари қуйидагиларни таъминлайди:

Валюта, пул ва фонд бозорининг турли инструментлари билан биржа савдоларини ўтказиш;

Қатнашчиларнинг бевосита иш жойларидан (автоматлаштирилган иш жойлари) туриб, ЎзРВБ таркибида бўлган ягона савдо маркази базасида мазкур инструментлар билан биржа савдолари ўтказиш.

Шундан келиб чиққан ҳолда Республикамиз Валюта биржасида иккита дастурий мажмуалар: фонд бозори савдоларини ўтказиш учун “Электрон савдо-депозитарий тизими” (ЭСДТ) ва валюта бозори савдоларини ўтказиш учун “Автоматлаштирилган Савдо Тизими” (АСТ) ишлатилмоқда.

«ЭСДТ» дастурий мажмуаси Трейдернинг буюртма киритишидан тортиб, депозитар ҳисоб юритиш ҳамда савдо якунлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишгача бўлган савдо жараёнларини тўла автоматлаштиради ва техник жиҳатдан турли кўринишдаги давлат қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштириш, иккиламчи жойлаштириш ва кенг кўламдаги депозитар хизмат кўрсатиш имконини беради.

«АСТ» дастурий мажмуаси Дилерларнинг буюртма киритишидан тортиб савдо якунлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишгача бўлган савдо

жараёнларини тўла автоматлаштиради ва техник жиҳатдан, турли валюталар билан савдолар ўтказилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, маълумотлар базаси ва бошқарув тизими мураккаб ва кўп даражали маълумотлар тузилмаси бўлмиш товарлар каталогини сақлаш учун керак бўлади. Каталог, сайтнинг қидирув тизими билан бирга, товарларни тартиблашни амалга оширади. Бундай тизимни юқори даражаси бўлимлар рўйхатидан ташкил топган дарахт кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бўлимлар қуйи бўлимларни ёки муайян товарларга ҳаволаларни ўз ичига олиши мумкин ва ҳ.к.

Телекоммуникациялар, одатда, яхшигина қудратли ажратилган интернет-канал кўринишида бўлади, у веб-сайт ишлаши, онлайн-режимда буюртмаларни қабул қилиш, Skype ва бошқа мессенжерлар орқали мижозларни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлади.

Табиийки, Интернет тармоғида савдо амалга ошириш учун, юқорида айтилганидек, тегишли инфратузилмали ва товарни етказиб бериш тизимига эга омбор зарур бўлади. Онлайн-дўконнинг муҳим элементларидан яна бири етказиб бериш хизматидир. Йирик электрон бизнес, агар унда мавжуд бўлса, ўзининг шундай хизматидан фойдаланиши мумкин. Акс ҳолда, етказиб беришни амалга ошириш учун курьерлик компаниясини аутсорсингга ёлласа ҳам бўлаверади. Бошловчи бизнесменлар эса, фаолиятлари бошида ўзлари етказиб беришлари ёки почтадан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, бизнес-жарёнларни оптималлаштириш учун, Service Desk тизимини ўрнатиб, ишга тушириб юборган маъқул. У юз берадиган воқеаларга тезкорлик билан муносабат билдириш ва тизимлар ишидаги носозликларни тез бартараф қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, **Service Desk** ёрдамида мижозлардан тушаётган шикоятлар ва муаммоларни самарали ҳал қилиш мумкин. шуни унутмаслик керакки, сотувлар ҳажми ошгани ва кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайгани сари, табиийки, мижозлар томонидан шикоятлар сони ҳам ортиб боради, зеро янги сервислар 100 фоиз идеал бўла олмайди. Бунда истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам номақбул ҳолатларни аниқлашда жуда яхши ёрдамчи бўла оладилар. Айнан шу сабабли ўзи ичига call-марказни ҳам олган, оқилона ташкил этилган мижозларга хизмат кўрсатиш тизими е-бизнесни юритишда жуда муҳим саналади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ҳозирда глобал тармоқнинг ўзбек сегментида Uzcard карточкалари соҳиблари фақат уяли алоқа ва Интернетга уланиш учун ҳақ тўлаш билангина кифояланиб қолмаганлар. Кўплаб онлайн-дўконлар ва хизмат кўрсатувчилар ўзларининг виртуал тизимларини яратганлар. Улар сирасига озиқ-овқат, кийим-кечак, техника, парфюмерия, хўжалик моллари ва ҳатто мебель таклиф қилувчи Esavdo.uz, Uzbekmarket.uz, Erkatoy.com, toylar.uz, Vulkantrade.uz, Dekos.uz, imprazdnik.uz кабилар киради. Бундан ташқари, Интернет тармоғида дўкон очиш ёки хизматлар кўрсатиш нафақат тажрибали мутахассислар, балки бошловчи тадбиркорлар учун ҳам реал даромад манбаидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Aripov A.N., Mirzaxidov X.M., Shermatov Sh.X., Saidxodjayev S.R., Hasanov P.F., Amirov D.M., Bakirov O.A. Axborot – kommunikatsiya texnologiyalari. Izohli lug‘at. Toshkent, 2010.
2. Zaynalov N.R., Jomonqulova F.E., Suvankulov A.M. Turizmda avtomatlashtirilgan axborot tizimlari va texnologiyalari. Ma’ruzalar kursi. – Samarqand, SamISI, 2015 y.
3. Кизим А. В. Информационные технологии в туризме / А. В. Кизим. – Астрахань: Астраханский государственный университет, Издательский дом «Астраханский университет»,
4. J. Glenn Brookshear, David T. Smith, Dennis Brylow. Computer science. An overview. 11th Edition. Addison-Wesley, 2011.

ТУРИСТЛАР УЧУН МАРШУРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДА ОВҚАТЛАНИШ МЕНЮСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шукуров И.Х. – СамИСИ кафедра мудири, доцент
Мамарасулов З.Э. – СамИСИ катта ўқитувчиси
Абдурайимов У.А. – СамИСИ ассистенти
Шукуров Т. – СамИСИ магистранти

Аннотация: *мақолада маҳаллий ва хорижий туристларнинг тоғ туризми бўйича саёҳат қилиш чоғида ҳаракатланиш босқичлари ва бу босқичлар учун намунавий меню асосида овқатланиш вариантлари ишлаб чиқилди ва ушбу меню рационига амалга қилиш бўйича тавсиялар келтириб ўтилди.*

Калит сўзлар: *туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси, тоғ туризми, тўғри овқатланиш, меню (таомнома) рацион, тоифалар, босқичлар, вариантлар, овқатланиш турлари, калориялик, кимёвий таркиб, кунлик рацион.*

Айни дамда маҳаллий ва хорижий туристларнинг ташрифи кўпайиб бормоқда. Бу эса уларга хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, сифатли таомлар билан овқатлантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид қабул қилинган фармонлари ва қарорларида белгилаб берилган вазифаларни тўғри амалга ошириш керак бўлади. Булардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 10 илюда “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сонли қарори қабул қилинди[95]. Ушбу қарорда туризмни ривожлантиришга оид бўлган Низомлар ва уларда хизмат кўрсатиш турлари бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шунингдек туристларнинг

[95] www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сонли қарори. 2020 йил 10 илю.

овқатланишини тўғри ташкил этишга оид вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан 2021 йилда ЯИМда хизматлар улуши 119,2 %ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[96]. 2020 йилда асосий турлари бўйича хизматлар ҳажми 2019 йилга нисбатан 10%га камайганлигини кўриш мумкин. Бунга 2020 йилда COVID-2019 коронавирус пандемияси натижасида карантин чекловларининг кучайганлик сабабидир. Аммо, ҳозирги кунга келиб бу ҳолатлар кескин камайиб бориши оқибатида маҳаллий ва хорижий туристларнинг саёҳат қилишлари ўсиб бормоқда. Бу эса туристларга сифатли хизмат кўрсатиш ва тўғри овқатланишни ташкил қилишни тақозо этади.

Бундан келиб чиқиб, Биз ишимизда маҳаллий ва хорижий туристлар учун намунадаги менюни (таомнома) ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Аввало меню (таомнома) тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу овқатланиш корхоналаридаги мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни салатлар, газаклар, совуқ ва иссиқ таомлар, ширин таомлар, ичимликлар ассортиментини ўзида мужассам этишини билиш керак бўлади.

Менюни тузишда ҳар бир фаолият ва йўналиш бўйича тайёрланадиган маҳсулотларнинг истеъмолчилар учун қулай томонлари ҳисобга олинади. Рационал овқатланиш учун ҳам меню кунлик, ҳафталик ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Шунинг учун туристларнинг саёҳатга чиқишларида улар рациони бўйича тўғри овқатланиши яхши дам олишлари учун ёрдам беради. Шу сабабли ҳам Биз ишимизда туризм турларидан бири бўлган тоғ туризми учун намунавий тарздаги менюни тузишга ҳаракат қилдик.

Саёҳатчилар учун олдиндан менюни тайёрлаш уларга қулайлик туғдиради. Тузилган меню овқатланиш даври бўйича кунлар сони ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Саёҳатнинг тоифасига (I, II, III тоифалар) қараб йўналиш бўйича менюни тайёрлаш керак бўлади.

Агарда I тоифадаги саёҳат учун овқатланиш рацион менюси 6 кунга, ўрта тоифадаги (II, III тоифалар) саёҳат учун саёҳат қилишнинг давомийлигига қараб 4 ва 5 кунга тузилади[97].

Аммо, ҳафталик тузилган меню тоғ туризми бўйича саёҳат қилувчилар учун мос келмаслиги мумкин, чунки бу саёҳатда баландликка чиқишда катта юк тушади, натижада энергетик қиймат кескин ўзгаради. Шу боис тоғ туризми учун саёҳат йўналишини уч босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва у энергетик қийматни тўлиқ қоплаш имконини беради. Саёҳатга чиқадиаган тоғ туристларнинг энергетик қийматини қоплаш учун йўналишни учта босқичга бўлиш мумкин, яъни:

1-босқич – қорсиз водий бўйлаб ҳаракатланиш (баланд тоғлар бўйича ҳаракатланиш йўли орқали);

2-босқич – техник жиҳатдан қийин бўлмаган участкалар бўйлаб ҳаракатланиш;

[96] www.stat.uz/ хизматлар...
[97] https://tourlib.net/books_tourism/pitanie04.htm

3-босқич – қийин бўлган баланд тоғлар шароитидан келиб чиқиб ҳаракатланиш.

Ушбу келтириб ўтилган босқичлар учун меню қисқартирилган даврни (3 кунга) ҳисобга олиш зарур бўлади.

Тоғ туризми учун юқорида келтирилган йўналишнинг ҳар бир босқичи бўйича тузилади ва бунинг учун кунлик йўналишнинг тоифасига қараб, кунлик овқатланишнинг учта вариантини ҳисобга олиш керак (бу одатда А, Б, С ҳарфлар билан белгилаб олинди):

А – ушбу вариант учун энг кам қийинчилик туғдирадиган йўналишнинг кунлик қисми бўйлаб ҳаракатланишдаги овқатланиш;

Б – ўртача қийинчилик билан ҳаракатланишдаги овқатланиш;

С – юқори қийинчилик билан ҳаракатланишдаги овқатланиш.

Қуйида ҳар бир вариантдаги келтирилган таомлар уч суткага мўлжалланган. Бунда йўналишнинг тоифасига қараб биринчисидан иккинчисига ўтаётганда овқатланишнинг калория миқдори ортиб боради.

Шундай қилиб, ҳар бир босқич бўйича истеъмол қилинадиган таомлар, ичимликлар номи ва кунлик калориялигини келтириб ўтамиз.

Биринчи босқич. Кунлик овқатланишнинг умумий калориялиги 2700-3000 ккал.ни ташкилэтади. Истеъмол қилинадиган кунлик овқатланиш турлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

1-босқич бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар турлари

Овқатланиш вариантлари	**Кунлик овқатланиш турлари**		
	эрталабки нонушта (1000-1100 ккал)	**кундузги (дам олганда ва ҳаракатланганда) овқатланиш (700 ккал), г**	**кечки нонушта (1000-1100 ккал)**
А	Шакар қўшилган гречкали бўтқа; компот; сухарик ва қотирилган нон	Пишлоқ-25; колбаса-25; балиқли консерва-25; сухарик-40; шакар ва конфетлар-50; гюкоза-10; ширин ичимликлар	Гўштли макарон; кисел; сухарик ва печенье
Б	Ёғ, майиз ва шакар қўшилган сутли нонли бўтқа; қандли чой; сухарик ва печенье		Гўшт ва томат соуси қўшилган гречкали бўтқа; чой; сухарик
С	Гўштли жўхорили бўтқа; сутли кофе; сухарик ва қотирилган нон		Гўшт ва ёрма қўшилган сабзавотли бўтқа; какао; сухарик ва вафли

Биринчи босқичда овқатланишнинг калориялиги, кимёвий таркиби ва суткалик рациони миқдори 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Биринчи босқич йўналишидаги овқатланишнинг калориялиги

Вариантлар	**Калориялиги, ккал**				**Кимёвий таркиби, г**			**Кунлик рацион миқдори, г**
	эрталабки нонушта	кундузги овқатланиш	кечки нонушта	жами:	оқсил	ёғ	углевод	
А	1000	700	1000	2700	90	90	385	565
Б	1100	700	1050	2850	89	90	420	600
С	1200	700	1100	3000	95	95	440	630

Иккинчи босқич. Кунлик овқатланишнинг умумий калориялиги 3400-4000 ккал.ни ташкилэтади. Истеъмол қилинадиган кунлик овқатланиш турлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

2-босқич бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар турлари

Овқатланиш вариантлари	**Кунлик овқатланиш турлари**		
	эрталабки нонушта (1100-1500 ккал)	**кундузги (дам олганда ва ҳаракатланганда) овқатланиш (1200 ккал.гача), г**	**кечки нонушта (1100-1300 ккал)**
А	Гўшт, ёғ ва сут қўшилган картошкали пюре; қандли чой; сухарик ва пенье	Колбаса-25; гўштли паштет-20; қуритилган балиқ-10; пишлоқ-25; ҳолва-25; сухарик-40; қанд ва конфетлар-80; глюкоза-20; ширин ичимликлар	Гўшт қўшилган сутли толқон; кисел; сухарик ва қотирилган нон
Б	Ёғ ва пишлоқли макарон; сутли кофе; сухврик ва қотирилган нон		Қанд, майиз, тухум кукуни, гўшт ва сут қўшилган гуручли бўтқа; компот; печенье
С	Қанд, ёғ ва сут қўшилган ёрмали бўтқа; томат соуси қўшилган консервалар		Дудланган гўштли нўхат шўрва; какао; сухарик ва вафли

Иккинчи босқичда овқатланишнинг калориялиги, кимёвий таркиби ва суткалик рациони миқдори 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Иккинчи босқич йўналишидаги овқатланишнинг калориялиги

Вариантлар	**Калориялиги, ккал**				**Кимёвий таркиби, г**			**Кунлик рацион миқдори, г**
	эрталабки нонушта	кундузги овқатланиш	кечки нонушта	жами:	оқсил	ёғ	углевод	
А	1100	1200	1100	3400	100	110	600	710
Б	1300	1200	1200	3700	125	110	550	785
С	1500	1200	1300	4000	130	100	620	860

Учинчи босқич. Кунлик овқатланишнинг умумий калориялиги 4500-6500 ккал.ни ташкилэтади. Истеъмол қилинадиган кунлик овқатланиш турлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

3-босқич бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар турлари

Овқатланиш вариантлари	**Кунлик овқатланиш турлари**		
	эрталабки нонушта (1500-1800 ккал)	**кундузги (дам олганда ва ҳаракатланганда) овқатланиш (1700-3000 ккал), г**	**кечки нонушта (1300-1700 ккал)**
А	Гўштли макаронли шўрва; картошка пюреси ва томат соуси билан қовурилган гўшт; кичел; сухарик ва қоқи	Дудланган колбаса-25-50; жигарли паштет-25-50; треска жигари ва шпрот-25-50; пишлов-25-50; ёғли школад-30; ҳолва-40-60; майизли ёнғоқ-50; қанд ва конфет-60; глюкоза-50; ширин ичимликлар	Балиқ килькаси; қанд ва ёғ қўшилган сутли толқон; пиёз билан қовурилган гўштли консерва; совутилган кисел; мураббо ва қандли чой; сухарик ва қотирилган нон
Б	Қийма ва ёғ билан қовурилган макарон; гарнирсиз қовурилган гўшт; сутли кофе; сухарик ва қотирилган нон		Балиқ; қанд, майиз, ёғ, сут қўшилган гуручли бўтқа; гарнирсиз бефстрагон консерваси; совуқ компот; мураббо ва қандли чой; сухарик ва печенье
С	Картошка пюреси; ёғли сут ва аччиқ соусли котлет; томат соусли балиқ консерваси; какао; сухарик ва вафли		Тузланган балиқ; қанд, ёғ ва сут қўшилган гречкали бўтқа; гўшт консерваси; мураббо ва қандли чой; сухарик ва вафли

Учинчи босқичда овқатланишнинг калориялиги, кимёвий таркиби ҳамда суткалик рациони миқдори 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Учинчи босқич йўналишидаги овқатланишнинг калориялиги

Вариантлар	**Калориялиги, ккал**				**Кимёвий таркиби, г**			**Кунлик рацион миқдори, г**
	эрталабки нонушта	кундузги овқатланиш	кечки нонушта	жами:	оқсил	ёғ	углевод	
А	1500	1700	1300	4500	150	150	600	900
Б	1650	2350	1500	5500	170	180	800	1150
С	1800	3000	1700	6500	190	190	1000	1380

Жадваллардан кўриниб турибдики, келтириб ўтилган вариантлар бўйича овқатланишнинг калориялиги йўналишнинг ҳаракатланиш босқичларида ортиб боради. Мисол учун, 1-босқичда калориялик 2700-3000 ккал.ни ташкил этган бўлса, иккинчи босқичда 3400-4000 ва учинчи босқичда 4500-6500 ккал.ни ташкил этади. Бу эса туристларнинг тоғ туризми саёҳатига чиққанларида келтириб ўтилган босқичларда ҳаракатланиши натижасида кўп энергия сарф қилишини тушиниш мумкин.

Демак, хулоса қилиб айтганда юқорида келтириб ўтилган меню асосида тузилган жадвалларда овқатланиш турлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ҳаракатланиш босқичига қараб истеъмол қилиб борилса саёҳат давомидаги чарчоқлик сезилмайди. Шунинг учун келтирилган вариантлар бўйича тузилган намунадаги менюдаги кунлик овқатланишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЙ И БЕЛКОВЫЙ СОСТАВ СЫРА

Файзиев Ж. – доцент СамИЭС

Аннотация. *В работе изучены физико-химические показатели мягких сыров полученных по новой технологии. Показано хорошие органолептические показатели сыров в результате изменения режимов термокислотной коагуляции и перехода белков сыров в более растворимое состояние за счет обогашения белковой массы растворимыми сывороточными белками и продуктами их гидролиза.*

Ключевые слова: *молоко, сыворотка, термокислотная коагуляция, мягкий сыр, кислотность, азотосодержащие соединения*

Аннотация. *Ишда янги технология асосида олинган юмшоқ пишлоқларни физик-кимёвий кўрсаткичлари ўрганилган. Термокислот коагуляция режимларини ўзгариши натижасида ва пишлоқ оқсилларини оқсил массасининг эрувчан зардоб оқсиллари ва уларни гидролизланиши махсулотлари билан бойитилиши хисобида пишлоқларни яхши органолептик кўрсаткичлари кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *сут, зардоб, термокислот коагуляция, юмшоқ пишлоқ, кислоталик, азоттутувчи бирикмалар.*

Annotation. *The work studied the physico-chemical indicators of soft cheeses received by*

new technology. A good organoleptic indicators of cheeses are shown as a result of changing the thermal acid coagulation modes and the transition of proteins of cheeses in a more soluble state due to protein mass enricment by soluble serum proteins and their hydrolysis products.

Keywords: *milk, serum, thermal acid coagulation, soft cheese, acidity, nitrogen-containing connections.*

В производстве мягких сыров широко используется термокислотная коагуляция, способствующая значительному увеличению выхода, сокращению продолжительности технологического процесса и повышению пищевой ценности сыров. Однако, расширение ассортимента и увеличение объемов производства обезжиренных и низкожирных сыров на основе обезжиренного молока, пахты и молочной сыворотки, вырабатываемых термокислотной коагуляцией, сдерживается из-за ухудшения консистенции сыров. В целях решения этой проблемы сыры с термокислотной коагуляцией белков молока получают с использованием различных коагулирующих агентов. Для улучшения качества ряд сыров изготовляется с куркумой, заменой натурального обезжиренного молока восстановленным молоком, увеличением содержания сухих веществ в сырье и другие. Наряду с этими рядами исследователями изучены физико-химические особенности термокислотной коагуляции молока термографическим методом, теоретически обоснованы и исследованы закономерности формирования сыров с термокислотной коагуляцией белков молока . Исходя из вышесказанного, целью работы явилось исследование физико-химического состава мягких сыров полученных по новой технологии.

В работе были использованы следующие методы исследований: титруемая кислотность по ГОСТ 3624-67; активная кислотность на приборе pH 222; массовую долю жира по ГОСТ 5867-69; массовая доля влаги и сухого вещества по ГОСТ 3626-73; массовая доля поваренной соли в сыре по ГОСТ 3627-81; влагоудерживающая способность по гравиметрическому варианту метода Грау-Хамма в модификации А.А.Алексеенко; активность воды a_w на установке для снятия термограмм сушки; содержание азотистых соединений по методу ВНИИМСа. Повторность анализов 5 кратная. Исследуемые продукты были получены по новой технологии с термокислотной коагуляцией белков термообработанного молока при 75 - 85 ^oC. Опыты проводили сыроварне-пастеризаторе модели СП 35.02В.00.000 следующим образом. Исходное сырье (обезжиренное и нормализованное молоко с массовой долей жира 1,1 %) с целью максимального извлечения молочных белков подвергали тепловой обработке при температуре 95 ^0C, с выдержкой 5 мин. Контрольные варианты мягких сыров были получены по такой же технологии, что и опытные, но с коагуляцией белков молока при температуре пастеризации. Свертывали кислой молочной сывороткой при 75 - 85 ^oC в течение 5 мин. После отделения сыворотки, самопрессования в формах в течение 60 мин и посолки сухой солью полученную белковую массу подвергали исследованиям.

Для определения влияния принятых технологических режимов на физико-химические показатели состав исследованию подвергались опытные и

контрольные варианты обезжиренных и массовой долей жира (м.д.ж.) в сухом веществе 20 % мягких сыров. Технологические показатели выработки сыров обезжиренных и с массовой долей жира в сухом веществе 20 % в сравнении с контролем приведены в таблице 1.

Таблица 1.

Показатели	Сыры обезжиренные		Сыры с м.д.ж. в сухом веществе 20 %	
	опыт	контроль	опыт	контроль
Температура пастеризации, ^{0}C	95	95	95	95
Температура молока перед внесением кислой сыворотки, ^{0}C	75	95	85	95
Температура кислой сыворотки, ^{0}C	35	35	35	35
Кислотность кислой сыворотки, ^{0}C	140	140	140	140
Количество внесенной сыворотки, в % от массы молока	15,3	10	12,7	10
Продолжительность выдержки смеси молока с сывороткой, мин	5	5	5	5
Продолжительность самопрессования, мин	60	60	60	60
Массовая доля поваренной соли в сыре, %	2,0	2,0	2,0	2,0

Как показывает результаты исследований использование термокислотной коагуляции при принятых режимах, существенно изменяет физико-химические показатели сыров (таблица 2).

При этом в результате снижения температуры термокислотной коагуляции белков молока повысилась a_w, влажность и снизилась влагоудерживающая способность опытных сыров по сравнению с контрольными, что вызвано увеличением в структуре сыров слабосвязанных фракций влаги. Увеличилась активная и титруемая кислотность сыров, но это увеличение произошло за счет использования повышенных доз кислой молочной сыворотки.

Заметно изменился состав азотосодержащих соединений (таблица 3). Из полученных данных следует, что в результате снижения температуры термокислотной коагуляции белков молока изменился качественный состав азотистых соединений. Значительно увеличилось содержание общего растворимого азота, которое происходит в основном за счет белкового растворимого азота. Так, в опытных обезжиренных и с м.д.ж. в сухом веществе 20 % сырах содержание белкового растворимого азота было больше соответственно на 180,4 и 116,9 % (если в контрольных сырах этот показатель принять за 100 %). Повышение содержания белкового растворимого азота в

Таблица 2

Физико-химические показатели мягких сыров

Наименование сыра	Массовая доля, %				Титруемая кислотность, ^{0}Т	Активная кислотность, pH	Активность воды, ед.	ВУС, %
	Сухих веществ	Жира в сухом веществе	Влаги	Поваренной соли				
Сыр обезжиренный (опыт)	29,22	-	70,78±0,04	2,0	127±1,9	5,90±0,01	0,846	67,11±3,10
Сыр обезжиренный (контроль)	32,79	-	67,21±0,14	2,0	103±1,8	6,09±0,01	0,835	72,20±2,50
Сыр с м.д.ж. в сухом веществе 20 % (опыт)	34,44	20,6	65,56±0,18	2,0	112±1,6	6,00±0,01	0,828	58,22±2,61
Сыр с м.д.ж. в сухом веществе 20 % (контроль)	37,26	21,3	62,74±0,13	2,0	94,4±1,9	6,10±0,01	0,770	62,41±4,02

обезжиренных и с м.д.ж. в сухом веществе 20 % сырах, по-видимому, связано, со снижением температуры коагуляции белков молока и увеличением дозы вносимой молочной сыворотки. При этом, за счет обогашения белковой массы растворимыми сывороточными белками и продуктами их гидролиза белки сыров переходят в более растворимое состояние. Несколько снизилось содержание общего азота за счет повышения влажности сыров.

Изменения физико-химических показателей, состава азотистых соединений сыров вызвали существенные изменения их органолептических показателей. Опытные сыры имеют чистый, кисломолочный, спривкусом пастеризации в меру соленый вкус и запах. В результате изменения режимов термокислотной коагуляции существенно изменилась консистенция сыров: из твердой, резинистой стала мягкой, пластичной.

Таким образом, использование термокислотной коагуляции при принятых режимах, вызывает повышение a_w, влажности, активной и титруемой кислотности и снижение влагоудерживающей способности опытных сыров по сравнению с контрольными. В результате снижения температуры термокислотной коагуляции белков молока изменился качественный состав азотистых соединений сыров, которые за счет обогашения белковой массы растворимыми сывороточными белками и продуктами их гидролиза переходят в более растворимое состояние и консистенция сыров становится мягкой, пластичной.

Таблица 3

Состав азотосодержащих соединений мягких сыров

Наименование сыра	Содержание азотистых соединений						
	Общее, в г на 100 г сыра	Растворимого		Белкового растворимого		Небелкового растворимого	
		В г на 100 г сыра	В % от общего	В г на 100 г сыра	В % от общего	В г на 100 г сыра	В % от общего
Сыр обезжиренный (опыт)	3,780±0,007	1,084±0,009	28,68	0,808±0,009	21,38	0,276±0,050	7,3
Сыр обезжиренный (контроль)	4,200±0,007	0,700±0,010	16,67	0,448±0,010	10,67	0,252±0,015	6,0
Сыр с м.д.ж. в сухом веществе 20 % (опыт)	3,560±0,009	0,875±0,010	24,58	0,622±0,010	18,68	0,253±0,011	7,1
Сыр с м.д.ж. в сухом веществе 20 % (контроль)	3,780±0,010	0,770±0,021	20,37	0,532±0,021	13,17	0,238±0,042	6,3

БЕҲИ – B_9 ВИТАМИНИ (ФОЛАТ КИСЛОТАСИ)НИНГ МУҲИМ МАНБАИДИР

Ҳайдаров Б. - Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали магистранти
Нормахматов Р. - СамИСИ, т.ф.д, профессор.
Ғафуров А. – СамИСИ, Сервис кафедраси катта ўқтувчиси.

Аннотация *мақолада беҳи меваси таркибида В гуруҳига кирувчи витаминлар миқдори бўйича ўтказилган тадқиқот синовлари натижалари келтирилади. Тадқиқот натижалари беҳи мевасида В гуруҳига кирувчи витаминлардан B_1, B_2, B_6, B_9, B_{12} кабиларнинг борлигини кўрсатди.. Бу эса беҳи меваси ва ундан тайёрланган консерва маҳсулотларини профилактик мақсадларда фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.*

Аннотация *в статье приведены результаты исследований, проведенных по содержанию витаминов входящих в группу В Результаты исследований выявлено, что основными витаминами входящих в группу В являются витамины B_1, B_2, B_6, B_9, B_{12}. В связи с этим свежие плоды айвы и их продукты переработки с успехом могут быть использованы для профилактических целей.*

Abstract *the article presents the results of studies conducted on the content of vitamins included in group B. The results of the studies revealed that the main vitamins included in group B are vitamins B1, B2, B6, B9, B12. In this regard, fresh quince fruits and their processed products can be successfully used for preventive purposes.*

Калит сўзлари: *витамин, фолат кислотаси, беҳи, мева, нон беҳи, фермент.*

Кириш. Шуни алоҳида такидлаш жоизки, инсонинг соғлом бўлиши, нормал ҳаёт кечириши ва иш фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири-бу мувозанатлашган овқатланиш тамойилига риоя қилиб яшаш ҳисобланади. Ана шу мувозанатлашган овқат рационига эришишнинг муҳим шартларидан бири эса, юқори даражада тозаланган озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл бўлган рациондан, таркиби 50-60 % сархил мева ва сабзавотлардан иборат табиий рационга ўтиш ҳисобланади. Айнан ҳўл мева ва сабзавотларгина инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган биологик фаол моддалар (витаминлар, ферментлар, органик кислоталар, минерал моддалар ва бошқа бирикмалар) манбаи ҳисобланади.

Бу ҳақда инсон умрини узайтириш бўйича америкалик мутахассис Пол Брэгг қўйидаги фикрни билдиради: “Унутманг, ҳўл сабвзавот ва мева организмнинг ўзига хос тозаловчиси ва заҳарсизлатирувчи воситаси ҳисобланади. Улар заҳарнинг эски қатламларини юмшатиб, организмдан чиқиб кетишга имкон яратади. Бу айнан ажойиб соғлиқга эришиш учун зарур бўлган жараён ҳисобланади” (3).

Республикамиз аҳолисининг рационида мева ва сабзавотлар ҳиссасини 50-60% га етказиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармонида “... таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил

ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экалогик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” деб бежиз айтилмаган (1).

Тадқиқот объекти ва усуллари. Республикамиз аҳолисининг рационини витаминлар билан бойитишда беҳи мевасининг ва уни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотларнинг ҳам маълум даражада ўрни бор. Шу сабабли биз республикамизда кенг тарқалган уруғли мевалардан бири беҳи меваси таркибида B_9 витаминининг (фолат кислотаси) миқдори ва унинг қанчалик даражада инсон учун аҳамиятли эканлиги бўйича илмий тадқиқот ишларини ўтказдик.

Биз тадқиқот обекти сифатида республикамизнинг жанубий Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани боғларида етиштирилган беҳининг “Нон-беҳи” навидан фойдаландик.

“Нон-беҳи” меваси таркибида В гуруҳга кирувчи витаминлар миқдорини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Биоорганик кимё институти лабораториясида аниқладик.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокомаси. Олинган тадқиқот натижалари 1-жадвал маълумотларида келтирилади.

1-жадвал

Беҳининг “Нон-беҳи” навининг В гуруҳи витаминлари бўйича таркиби

Т/р	В гуруҳи витаминлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	B_1 (тиамин)	мг%	0,06
2.	B_2 (рибофлавин)	мг%	0,03
3.	B_6 (пиридоксин)	мг%	0,86
4.	B_9 (фолат кислотаси)	мкг%	4,28
5.	B_{12} (кобаламин)	мкг%	0,62

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, беҳи меваси таркибида В гуриҳига кирувчи витаминларнинг деярлик ҳаммаси мавжуд экан. Айниқса беҳи меваси таркибида B_9 витаминининг миқдори B_1, B_2, B_6, B_{12} витаминларига нисбатан анча кўплиги билан тавсифланади. Бу эса беҳи меваси инсон организми учун B_9 (фолат кислотаси) витаминининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлигидан далолат беради.

Маълумки, сўнгги йилларда кўпгина меъёрий нормаларга аниқлик киритилиб, фолат кислотаси бирикмасига бўлган нормалар ҳам ўзгартирилган. Шундай қилиб Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу витаминга бўлган суткалик нормани бирмунча пасайтириб, уни 200 мкг миқдорида тавсия қилади (2).

B_9 витамини иммунитетни мустаҳкамлайди, юрак ва қон томирларининг нормал ишлашини таъминлайди, қизил қон таначаларининг ҳосил бўлишида, нуклеин кислоталари, аминокислоталарнинг синтезида иштирок этади. Овқат ҳазм бўлишини нормаллаштиришга ҳам ёрдам беради.

Фолат кислотасининг етишмаслиги энг кўп тарқалган автоминоз турларидан бири ҳисобланади. Инсон овқатида 3-4 ой мобайнида B_9 витаминининг

етишмаслиги анемия касаллигининг ривожланишини келтириб чиқаради.

Фолат кислотаси янги ҳужайраларни соғлом ҳолатда сақлаш ва яратиш учун зарур бўладиган витамин ҳисобланади. Айниқса фолат кислотаси ёш организмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Инсон организмида B_9 витамининг етишмаслиги саротан касаллигининг ривожланиш хавфини кучайтириши мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд.

Фолат кислотаси кўпчилик ферментларнинг коферменти ҳисобланиб, бир қанча ферментатив жараёнларда ҳам иштирок этади.

Хулоса. Беҳи меваси таркибида яхши илвира ҳосил қилувчи пектин моддасининг миқдори юқори бўлганлиги сабабли ундан севиб истеъмол қилиланиган конфитюр, джем каби юқори сифатли маҳсулотлар ҳам тайёрланади. Шундай экан ҳар биримиз ўз организмимизнинг В гуруҳи витаминларига бўлган талабини қондиришда рационимизда сархил беҳи меваси ва уни қайта ишлаб олинган маҳсулотларнинг ҳам бўлишини таъминлашимиз ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Натижада ҳар биримиз соғлом бўлишдек энг катта бойликга эришамиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси. Ўзбекситон қишлоқ хўжалиги статистик тўплами. Тошкент, 2007-2016.

2. Европейское региональное бюро ВОЗ: Здоровая пища и питание их семей, стр.35.

3. Пол Брегг. Соғлиқ ва узоқ яшаш сирлари. Тошкент, “Навруз”, 2017, 192-бет.

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ

Ражапов Х.Б. - Урганч Давлат университети, мустақил тадқиқотчи

Аннотация. *Мазкур мақолада Япония кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари, ривожланиш тарихи, балиқчилик соҳасини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг истиқболлари, муаммолари ёритилган. Статистик маълумотлар қиёсий таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *ялпи ички маҳсулот, балиқчилик хўжалиги, балиқ маҳсулотлари, денгиз маҳсулотлари, балиқ овлаш, аквакултура, кит овлаш.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются понятия малого бизнеса и частного предпринимательства в Японии, история его развития, перспективы и проблемы малого бизнеса и частного предпринимательства в развитии рыбной отрасли. Статистические данные были проанализированы сравнительно.*

Ключевые слова:*валовой внутренний продукт, рыбная хозяйства, рыбная продукция, морепродукты, рыболовство, аквакультура, китобойный промысел.*

Annotation. *This article covers the concepts of small business and private entrepreneurship in Japan, the history of its development, the prospects and challenges of small business and entrepreneurship in the development of the fishing industry. The statistics were analyzed comparatively.*

Keywords: *gross domestic product, fishery, fish products, fishing, aquaculture, whaling.*

Иккинчи жаҳон уруши пайтида Япониянинг иқтисодий салоҳиятининг катта қисми йўқ қилинди. Фан-техника соҳасида давлат сиёсатини қайта кўриб чиқиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек, урушдан олдинги ва уруш даврида тўпланган саноат қурилиши тажрибаларидан фойдаланиш натижасида иқтисодиётнинг кейинги жадал тикланиши ва таркибий ўзгартиришлари учун асослар яратилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда, яъни 1973 йилгача Японияда иқтисодий ўсиш суръати жуда юқори бўлиб, 1955-1973 йилларда йилига ўртача 10% ни ташкил этган. 1973 йил охиригача вақти-вақти билан қисқа муддатли 4-6% гача пасайиш кузатилган. Кейинги йилларда импорт қилинадиган нефт нархининг кескин ўсиши туфайли ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръати тахминан 4,3% гача камайди. 1977-1987 йилларда улар 4,2% ни ташкил этди. 1990 йилгача Япония жаҳоннинг етакчи иқтисодиётига айланади, деб асосли тахмин қилинган эди[8]. Япония миллий даромадининг таркиби кескин ўзгарди. Агар 1955-йилда қишлоқ, балиқчилик ва ўрмон хўжалиги миллий даромаднинг 23% ни ташкил этган бўлса, 1965-йилда 11%, 1995-йилда атиги 2,1% ни ташкил этди.

1996 йилда меҳнат ресурслари 67,11 миллион кишини ташкил этган бўлиб, шундан 32,7 фоизи саноатда, 26,5 фоизи савдо ва банк соҳасида, 24,6 фоизи хизмат кўрсатиш ва 5,5 фоизи қишлоқ жойларда, деҳқончилик ва балиқчиликда банд бўлган. Ишчилар ва хизматчиларнинг умрбод бандлиги кенг тарқалган бўлиб, унда ишлаб чиқариш саноатида банд бўлганларнинг 25% га яқини ишлайди.



1-расм. 2011-2020 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар[9]

1-расмдан кўринадики, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда Япония иқтисодиётида пасайиш кузатилган. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши -3,4 фоизга пасайган. 2020 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 2019 йилга нисбатан -1 373,10 АҚШ долларига камайган.

Экспертлар фикрига кўра, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари орасида

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка энг катта ёрдам, биринчи навбатда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Японияда амалга оширилади. Бир қатор идора ва вазирликлар сметаларида махсус моддаларда кичик корхоналар учун маблағлар ажратилади. Кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастурлари доирасида ҳам молиялаштирилади. Бироқ, бу маблағлар кичик фирмаларга тўғридан тўғри эмас, балки тижорат асосида тижорат кредит муассасалари орқали йўналтирилади. Бундай муассасалар жумласига Япония ҳукумати иштирокида барпо этилган кичик бизнес корпорациясини киритиш мумкин бўлиб, фаолиятининг асосий йўналишларидан бири кичик корхоналарга имтиёзли давлат кредитларни тақдим этишдир. Ҳар йили мазкур корпорация 20 млрд.иена миқдорда кичик фирмаларга ёрдам кўрсатади. Юқори даражада ихтисослашганлиги билан ажралиб турувчи Япония банк тизимида кичик ва ўрта корхоналар билан бевосита ишловчи бир нечта корхоналар мавжуд[1].

Японияда ҳам кичик бизнес сезиларли роль ўйнайди. Бунга кичик ва ўрта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ривожланган тизими яратилганлиги имкон берди. Шу нарса диққатга сазоворки, Япония қонунчилиги кичик ва ўрта корхоналарни улар ривожининг барча босқичларида имтиёзли қарз ва кредитлар бериш, турли солиқ, имтиёзларидан фойдаланиш, техника ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, ахборот хизматини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш асосида рағбатлантиришни назарда тутади[2].

Японияда кичик бизнесни ривожлантириш учун бюджет маблағлари ажратилади. Айрим идора ва вазирликларнинг ҳисоб-китобларида ҳар йили кичик корхоналар учун махсус банд бўйича маблағлар кўзда тутилган. Улар, шунингдек, давлат инвестициялари ва кредитлари дастури доирасидаги махсус бюджет ҳисобварақлари ҳисобидан молиялаштирилади, уларнинг даромад қисмини пенсия жамғармалари, почта жамғарма кассалари, почта суғуртаси жамғармаси ва давлат кафолати билан ссудалар бериш маблағлари ташкил этади. Бироқ, бу маблағлар тўғридан-тўғри кичик фирмаларга эмас, балки тижорат асосида тижорат кредитлаш ташкилотлари орқали йўналтирилади. Япониянинг кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш тизими хусусий ва давлат молия институтларини ўз ичига олади[3].

Японияда ҳар 10 та корхонанинг 9 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳисобланиб, улар мамлакат иқтисодиёти юксалишида ўз ўрнига эга.

Япония бирон бир ер ости бойликлари билан ўзини ўзи таъминлай олмасада, бой денгиз, геотермал, гидроэнергия, агроиқлим ресурсларига эга.

Япония озиқ-овқат манбаи сифатида денгиз маҳсулотларига таянади. Япон олимлари денгиз маҳсулотлари инсон мия фаолияти учун биринчи ўринда турадиган таомлигини бир неча асрлар олдин кашф қилишган. Узоқ умр яшаши, юқори интелектуал салоҳият ҳам кам касалликларга учраш айнан ушбу маҳсулот ҳисобига бўлиши керак. Япония ўзининг халқаро мавқеига қарамасдан, шунингдек, атрофи тўлиқ сувликлар билан чегараланган бўлсада, баликчилик сектори доим жиддий муаммоларга дуч келган[4].

Неолит давридан бери балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш Япония иқтисодиётининг анъанавий тармоғи бўлиб келган. Япониялик ҳар йили ўртача 168 кг балиқ истеъмол қилади, бу дунё мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Япония архипелагининг қирғоқ сувлари балиқларга, ейиладиган сув ўтларига ва бошқа денгиз ресурсларига бой. Узоқ вақт давомида энг даромадли балиқ овлаш жойи Хонсю оролининг шимоли-шарқидаги Санрику денгизи бўлиб, у ерда совуқ Курил оқими иссиқ Курошио оқими билан учрашади. Бироқ 2011-йилда қўшни Фукусима АЕСдаги авария туфайли бу ҳудудда балиқ ва денгиз маҳсулотларини овлаш вақтинча тўхтатилган эди.

Балиқчилик анъанавий тарзда ривожланган, саноатнинг роли доимий равишда ошиб бормоқда. Балиқ, гуруч каби, асосий озиқ-овқат бўлиб қолади. Балиқ овлаш бўйича Япония дунёда Хитойдан кейин иккинчи ўринда, балиқ истеъмоли бўйича эса Исландиядан кейин иккинчи ўринда туради.



2-расм. 2014-2019 йилларда Японияда балиқчилик ва аквакултура саноатининг ишлаб чиқариш қиймати (триллион япон иенасида)[9]

Статистик таҳлиллар 2014 йилда Японияда балиқчилик ва аквакултура саноатининг ишлаб чиқариш қиймати 1,5 триллион япон иенасини ташкил қилиб, 2019 йилда эса 1,47 триллион япон иенасини ташкил қилганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида 2019 йилда 2014 йилга нисбатан 0,03 триллион япон иенасига камайиш кузатилганини кўрсатди.

2019-йилда Японияда денгиз балиқчилигининг ишлаб чиқариш қиймати тахминан 868,4 миллиард япон иенасини ташкил этган, ички балиқчилик эса тахминан 16,4 миллиард япон иенасини ташкил этган. Манбага кўра, 2017-йилга нисбатан балиқчилик ва сув маҳсулотлари етиштиришнинг барча турлари камайган.

2020-йилда Япониядан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик маҳсулотларининг экспорт қиймати тахминан 926 миллиард япон иенасини ташкил этган, бу 2011-йилдаги 451 миллиард иенадан 2 баравар ошганини

кўрсатади.

2020-йилда Япониядан балиқчилик ва аквакултура маҳсулотлари экспорти 228 миллиард япон иенасини ташкил этган, бу 2011-йилдаги 174 миллиард иенадан 1,31 фоизга ошган. 2020-йилда балиқчилик ва аквакултура саноатининг товарлари бирламчи сектор экспортининг чорак қисмини ташкил этган.

Япония узоқ тарихга эга бўлган дунёдаги энг йирик балиқ истеъмол қиладиган мамлакатлардан бири бўлиб, балиқчилик ресурсларини бошқариш бўйича ўз урф-одатлари ва қадриятларини ишлаб чиққан.

2020 йилда балиқ таомлари бўйича ўтказилган сўров натижасига кўра, Япониядаги респондентларнинг аксарияти ҳафтасига икки-уч марта балиқ истеъмол қилган. Респондентларнинг уч фоиздан камроғи ҳар куни балиқ истеъмол қилишини айтган.

2021-йил март ҳолатига кўра, Maruha Nichiro корпорацияси денгиз маҳсулотлари соҳасида фаолият юритувчи етакчи компания бўлиб, умумий активлари 532 миллиард япон иенасидан ошди. Nippon Suisan Kaisha Ltd. жами активлари бўйича 475 миллиард иен билан иккинчи ўринни эгаллади.



3-расм. 2010-2019 йилларда Японияда денгиз балиқчилик ва аквакултура саноати билан шуғулланадиган ишчилар сони, минг киши ҳисобида[10].

2010 йилда Японияда денгиз балиқчилик ва аквакултура саноати билан шуғулланадиган ишчилар сони 202,88 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 144,74 минг кишини ташкил этган. 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 58,14 минг кишига камайиш кузатилади.

Япония ўз қирғоқлари бўйлаб китларни овлашнинг узоқ тарихига назар ташлайди. Археологик топилмаларга кўра, қаттиқ арпунли кит овлаш 12-асрда Японияда бошланган ва тўрт асрдан кейин ташкиллаштирилган денгиз овлари пайдо бўлган. Анъанавий кит овлаш бир неча қирғоқбўйи ҳудудлари билан чекланган ва денгиз бўйидаги қишлоқлар учун тирикчилик учун хизмат қилган.

Замонавий япон кемалари томонидан ўтказиладиган саноат кит овлари мамлакат ҳудудий сувларидан ташқарида тез тарқалди ва бошқа халқлар томонидан ҳимояланган кит қўриқхоналари эътиборга олинмади.

Япониянинг Антарктика кит овлаш дастури 2014-йилда БМТ Адлия суди томонидан ноқонуний деб топилган. Бунга жавобан Япония ҳукумати мамлакат ҳудудий сувларида тижорат китларини овлашни қайта тиклаш учун IWCдан чиқишларини эълон қилди. Бироқ, япон кемалари ички сувларда, шунингдек, Антарктидада ов қилишни давом эттириб, учта турни овлашга имкон берди.

Японияда йирик миқёсда тижорат кит овлаш Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда ҳайвонлар оқсили кам бўлган пайтда кенгайди. Орол давлати сифатида Япония балиқчилик саноати мамлакатнинг ҳайвонот маҳсулотларига бўлган талабини асосий етказиб берувчи бўлиб хизмат қилади. Бироқ, замонавий Японияда кит гўшти ўзига хос маҳсулотга айланди. Овқатланиш одатлари ўзгарган сари, япон истеъмолчилари орасида барқарор балиқ овлаш ҳақида хабардорлик ошади. Бу секин силжиш бўлиши мумкин, аммо Япония кит овлаш саноати ўз ички бозорида йўқолиб бораётган талаб туфайли йўқ бўлиб кетиши мумкин.



4-расм. 2010-2019 йилларда Японияда овланган китлар сони[11]

4-расмдан кўринадики Японияда кит овлаш 2020 йилда 218 йилга нисбатан 2 баравардан зиёдга камайиб кетган.

Қирғоқ қишлоқлари аҳолиси томонидан соҳилбўйида балиқ овлаш амалга оширилади. Соҳилбўйидан узоқда эса - техник жиҳатдан ривожланган балиқ овлаш флотига эга йирик монополиялар балиқ овлаш билан шуғулланадилар. Тинч океанининг шимоли-ғарбий қисми жаҳон балиқчилигининг асосий ҳудуди бўлиб, бу ерда балиқ ва денгиз маҳсулотларини овлаш билан Япония, Хитой, Россия, Корея Республикаси ва бошқа баъзи давлатлар шуғулланадилар**.**

Японияда балиқчилик тармоғи қуйидаги сабабларга кўра

ривожланган:

- ✓ балиқ овлаш японларнинг анъанавий машғулоти ёки «хобби»си;
- ✓ ҳудудни океан ва денгизларнинг ювиб туриши ҳамда жаҳон хўжалигида Тинч океанининг шимоли-ғарбий қисми жаҳон балиқчилигининг бош райони ҳисобланади;
- ✓ япон аҳолисининг балиқдан бошқа гўшт маҳсулотларини деярли истеъмол қилмаслигидир.

Балиқ овлаш бўйича Япония жаҳон мамлакатлари ичида 1-ўринда туради, ҳар йили ўрта ҳисобда балиқнинг 35 тури бўйича 12 млн.т. балиқ овланади. Жаҳон хўжалигида балиқ ови ва “балиқ овлайдиган кемалар”нинг 15 %и шу мамлакатга тўғри келади[5].

Япония жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боради. Улар орасида экспорт бўйича АҚШ (20,4%), Хитой (20,5%), Жанубий Корея (7,6%), импорт бўйича Хитой (20,5%), АҚШ (11,6%), Саудия Арабистони (5,7%) ажралиб туради.

Япониянинг Ўзбекистон Республикаси билан ташқи иқтисодий алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда. У Ўзбекистон иқтисодиётига тобора кўп инвестиция киритмоқда[6].

Ҳозирги кунда Япония хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга асосланган давлатлар қаторидан жой олган бўлиб, жаҳонда энг ривожланган биринчи учлик давлатлар таркибига кирди. Бу мамлакатда, асосан, техникани ривожлантиришга катта эътибор берилади. Электроника соҳасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришган мамлакатдир. Бундай мўъжизалар заминида Японияда кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга бўлган улкан эътибор ётади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 128 б.
2. Шохўжаева З.С. Самандаров М. М. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. «инновацион иқтисодиёт: муаммо, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й. (1-қисм) Қарши ш. 159-бет.
3. Глебова И.С., Садыртдинов Р.Р. Государственное регулирование малого и среднего предпринимательства: Учебное пособие. –Казань:Казанский государственный университет им. В.И. Ульянова-Ленина, 2008. 71-с.
4. Islamov B.A., Ismailova N.S., Hasanov T.A., Danaboyev I.T., Zikriyoyev A.S. Xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti. Darslik. –T.:“IQTISODIYOT”, 2019. –152-bet.
5. Nazarova G.G`., Xakimov N.Z., Bobojonov B.R., Ergashev D.R., Sultonova N.A. Xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti. O`quv qo`llanma. -T.:TDIU, 2008. –111-bet.
6. Maxmudova M.J., Qo`ldasheva M. Jahon mamlakatlari iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi (O‘quv qo‘llanma). NamDU, 2020 –142-bet.

7.https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AD%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B8%D0%BA%D0%B0_%D0%AF%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D0%B8

8. Report for Selected Countries and Subjects (https://www.imf.org/en/Publications/WEO/weo-database/2021/October/weoreport?c=158,&s=NGDPD%2CPPPGDP%2CNGDPDPC%2CPPPPC,NGDP,NGDP_RPCH,PPPGDP,PPPPC,PCPIPCH,LUR,GGXWDG_NGDP,&sy=1980&ey=2026&ssm=0&scsm=1&scc=0&ssd=1&ssc=0&sic=0&sort=country&ds=.&br=1

9. https://www.statista.com/statistics/645069/japan-production-value-fishery-industry/

10. https://www.statista.com/statistics/761829/japan-worker-numbers-fishing-industry/

11. https://www.statista.com/statistics/1186214/japan-whaling-number/

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМАЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Каримова Ш.М.– СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Обидхонов М.М. – СамИСИ, САТ-320 гуруҳ талабаси

Аннотация. *Мақолада ресторан бизнеси тизимида амалга оширилаётган энг янги технологиялар ва QR-коди, 3D-моделлаш, электрон меню ва бошқалар каби замонавий инновацияларни кўриб чиқишга қаратилган. Соҳани ривожлантиришнинг ижобий ва салбий жиҳатлари кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *инновациялар, энг янги технологиялар, умумий овқатланиш, QR коди, 3D- технологиялари, интернет нарсалар, ресторан янгиликлари, рақобатбардошликни ошириш.*

Аннотация.*Статья направлена на обзор новейших технологий, внедренных в систему ресторанного бизнеса, и современных инноваций в ресторанном бизнесе, таких как QR-код, 3D-моделирование, электронное меню и др. Представлена классификация инноваций. Будут рассмотрены положительные и отрицательные аспекты развития отрасли.*

Ключевые слова: *инновации, новейшие технологии, общественное питание, QR-код, 3D-технологии, интернет вещей, нововведения ресторанов, повышение конкурентоспособности.*

Annotation.*The article is aimed at reviewing the latest technologies introduced into the restaurant business system and modern innovations in the restaurant business, such as QR code, 3D modeling, electronic menu, etc. The classification of innovations is presented. The positive and negative aspects of the development of the industry will be considered.*

Keywords: *innovations, latest technologies, catering, QR code, 3D technologies, Internet of Things, restaurant innovations, increasing competitiveness.*

Хизматлар бозорининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан бири ресторан бизнеси бўлиб,унинг ўсиш динамикасида миллий иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини ортда қолдиради.

Бугунги кунда ресторанлар ўртасидаги кескин рақобат шароитида ҳар бир

ресторан эгаси мунтазам меҳмонларни сақлаб қолиш ва янгиларини жалб қилиш учун бой ва жозибали ички макон ҳамда юқори сифатли мазали таомлар етарли бўлмаслиги мумкинлигини билиши керак.

Шунинг учун бугунги кунда ресторан бизнесидаги инновациялар ҳар бир ресторан учун мажбурий жараёндир.Ресторан бизнесида янги тушунчалар ва тенденциялар янги меҳмонларни жалб қилиш, содиқлигини ошириш, мижознинг ўртача чекини ошириш, шунингдек, муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

Инновация - ресторан бизнесининг асосий механизмларидан биридир. Озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш сифати энди ресторан бизнесининг ривожланишидаги ягона омил ҳисобланмайди. Меҳмонлар, албатта, ресторанларда инновацияларни қабул қилишади.

Инновациялар меҳмонларга тақдим этадиган қулайликлардан ташқари, улар меҳнат харажатларини ва бошқа сарф-харажатларни сезиларли даражада тежашга, шунингдек, ресторан ишини яхшироқ ташкил этишга қодир.

Инновация - инновацион фаолият якуний натижасидир, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки технологик жараён шаклида, лойиҳалашда,ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва жамоат афзалликларига эгадир [3].

Демак, инновация-бозор томонидан талаб қилинадиган жараёнлар ёки маҳсулотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан оширишни таъминловчи энг янги технологияларни жорий етиш ва киритишдир.

Ресторан саноатида инновацион фаолиятнинг асосий мақсади корхонанинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини оширишдир. Шунинг учун ресторанларни бошқариш соҳасидаги инновацион сиёсат корхоналарнинг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ресторан саноатида мавжуд технологияларни янгилаш ва янги технологияларни яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнларини фаоллаштириш ва бошқалардир.

Шундай қилиб, ресторан саноатида замонавий инновацион технологияларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин

- таом тайёрлаш жараёнини яхшилайдиган асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги;

- ахборот технологиялари;

- муассасаларнинг ўзига хослиги ва жозибадорлигини таъминловчи технологиялар.

Биринчи гуруҳга «Cook&amp»,«Chill», «Sous Vide», «Cookvak», «Sous-vide», «cook-in», «Термомиксинг», «Хоспер», «Пакоджет» каби инновацион технологиялар ва бошқалар киради. Ушбу инновацион ускуналар меҳнат унумдорлигини ошириш, пишириш технологиясига риоя қилишни таъминлаш, жараённи назорат қилиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш, шунингдек, моддий ва энергия сарфини камайтириш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини беради.

«Cook&amp», «Chill» тизими тез ва самарали пишириш жараёни учун

ишлаб чиқилган.Тизим бир вақтнинг ўзида нафақат бир хил, балки гетероген маҳсулотларни ҳам тайёрлашга имкон беради. Кейин бу маҳсулот тезда совутгичда совутилади (65 дан 10^0C гача) ва уни иситиш вақти таом тарқатиш вақти келгунча сақланади.

Маҳсулотни қайта ишлаш тизимидаги энг янги технологиялар ҳам кенг тарқалган. «Sous Vide» технологияси таомларни ҳавосиз, яъни вакуум остида тайёрлаш имконини беради. Ушбу технология юқори сифатли маҳсулотларни олиш, иссиқлик билан ишлов бериш пайтида йўқотишларни камайтириш ва маҳсулотларнингсақлаш вақтини оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда бу пишириш технологиясидаги асосий инновациялардан бири ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳга автоматлаштирилган корпоратив бошқарув тизимлари, Fidello F & B, интернет саҳифалари ("муассасалар веб-сайтлари", "мобил маркетинг", "мобил илова"), мижозларни баҳолашга қаратилган матнли таҳлил дастурлари, рақамли ишчи кучи ва энергияни таҳлил қилиш дастурлари, POS-дастурлари ёрдамида вақт ва пулни тежаш ва бошқалар киради. Муассасада ахборот технологияларини жорий этиш ресторанда мунтазам ишлаш вақтини қисқартириш имконини беради.

Бу муассасаларга нафақат масофадан туриб муассаса ҳақида тўлиқ маълумот бериш, онлайн сўровлар ўтказиш, балки етказиб бериш ва жадвал резервасёнларига буюртмалар сонини ошириш имконини беради. Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий таъминот турли самарали корхона бошқариш учун имкон беради, техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш учун ёрдам беради, харажатларни камайтириш ва ҳоказо.

Инновацион технологиялар учинчи гуруҳ ўз ичига олади: столлар устида планшет экран, сенсорли дисплей, QR-коди, электрон меню, LED– хабар технологияси, озиқ-овқат 3D принтерлар, сенсорли озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилари, уч ўлчовли прогнозлар ва видео хариталаш пишириш намойиш етишда фойдаланиш, ва шунга ўхшашлар. Ушбу технологиялар замонавий истеъмолчиларни институтга жалб қилиш имконини беради. Корхонани рақобатчилардан ажратиб олиш ва унинг юқори рақобатбардошлигини таъминлашдир [2].

Хулоса қилиб айтганда, умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотлари, хизматлари ва хизматларига бўлган талабнинг ўсишининг энг муҳим шарти тизимга инновацион фаолият технологияларини жорий этишдир.

Шунинг учун ресторан бизнесида инновацияларни қўллаш қуйидагиларга имкон беради: янги харидорларни жалб қилиш, ресторан фойдасини ошириш; умумий овқатланиш хизматлари сифатини ошириш; ресторан ходимлари ишини доимий назорат қилиш. Ресторан бизнеси минглаб кичик нарсалардан иборат бўлиб, унда ҳар бир кичик нарса ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун ҳар бир ресторатор хизмат сифатини энг арзон нархларда яхшилашга интилади. Рақобатдош ресторан бўлиш учун, бошқа нарсалар қаторида, ресторан имиджини сезиларли даражада яхшилайдиган ошхона маҳорати ва хизмат кўрсатиш техникасида ҳам янгиликларга алоҳида эътибор бериш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Менеджмент ресторанных услуг: учебное пособие [для студ. вищ.уч. зав.] / Е.Б. Щетинина. М.: Литературное агентство «Эксклибрис», 2014. С. 41-44.

2. Сусол Н.Я. Организация производственной деятельности в учреждениях ресторанного хозяйства // 2015. С. 15.

3.Лысенко А. Ю, Голикова Т. П. Применение современных информационных технологий – будущее ресторанного бизнеса // «Young Scientist» № 1 (53) January, 2018. С. 917-920.

ТУРИСТЛАР ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ЭНЕРГЕТИК ҚИЙМАТИ

Мамарасулов З.Э. – СамИСИ катта ўқитувчиси
Шукуров И.Х. – СамИСИ кафедра мудири, доцент
Абдурайимов У. А. – СамИСИ ассистенти
Шукуров Т. – СамИСИ магистранти

Аннотация: *Ишда сайёҳатга чиққадиган туристлар учун керак бўладиган кунлик рацион бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари тавсия этилиши тадқиқот қилинган ҳамда асосий маҳсулотларнинг ҳазм бўлиш қисми ва энергетик қиймати аниқлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *турист, туристик сайёҳат, рацион, витаминлар, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳазм бўладиган озиқавий моддалар, энергетик қиймат.*

Ҳар қандай одам аввало соғлом бўлиши учун турли хилдаги ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни истеъмол қилиши лозим бўлади. Чунки, ҳаракат қилиш учун керакли маҳсулот истеъмол қилинмаса, одам ҳаракатланишида сусткашликка йўл қўйилади, ҳатто турист бўлса ҳам.

Ҳозирги вақтда туристларнинг саёҳат қилиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Юртимизда ҳам маҳаллий ва хорижий туристларнинг саёҳатга чиқишлари ҳам юқорилаб бормоқда. Саёҳатчиларнинг кўпайиши уларга хизмат кўрсатиш турларини, уларнинг кунлик рационини белгилаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек саёҳат қилувчилар орасида сурункали касалликка чалинганлар ҳам мавжуд. Шунинг учун бундай саёҳатчилар аввало ўзларининг кунлик рационига амал қилиш керак бўлади.

Шу сабабли биз ишимизда саёҳатга чиқаётган туристлар учун керак бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлар рационини тавсия этишини мақсад қилиб қўйдик.

Кундалик рационни тузишда шуни ёдда сақлаш керакки, озиқ-овқат маҳсулотларининг хилма-хиллиги, турли ҳил маҳсулотлардан тўғри овқатланиш натижасида туристлар ўзларининг организми учун керак бўладиган озуқа моддаларини оладилар. Шу сабабли тўғри таҳлил қилинган рацион зарурий калорияли таркибга эга бўлган маҳсулотлар туристларнинг таом бўйича талабларига жавоб бериши ва бир-бирининг ўрнини босиши керак

бўлади. Саёҳатга чиқаётган туристларнинг кунлик рационини тузишда таркибида витаминлар, ёғлар,оқсиллар, углеводлар, гўшт маҳсулотлари, озиқ-овқат консентратлари ва ёрмалар бўлишини эътиборга олиш керак бўлади.

Витамин препаратлари ёки унинг аралашмалари туристларнинг рационига киритилиши керак. Масалан, баланд тоғга саёҳат қилувчиларда С ва В витаминлар миқдори 15 мг.дан - 300 мг.гача, соф глюкоза ёки аскорбин кислота+глюкоза ўрта мураккаблик саёҳатдагилар учун 2 кишига 1 пакет ва мураккаб саёҳатчилар учун 1 кишига 1 пакет бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Рационда шунингдек сариёғ, ўсимлик ёғи, сало (ҳоҳишга қараб чўчқа ёғи) ҳам бўлиши талаб этилади. Кўп миқдоридаги ёғни истеъмол қилишни ўз ичига олган мураккаб саёҳатларда 180-200 г.гача истеъмол қилишни талаб этади, шунингдек сариёғнинг бир қисмини шоколадга алмаштириш ҳам мумкин. Бундан ташқари, ўсимлик мойини олиб юришда қийинчилик юзага келади, шунинг учун уни қора нонли сухарикка алмаштириш мумкин. Бунинг учун нон бўлаклари 1 см қалинликдаги юпқа қатламли қилиб, “сомонча” ва тўртбурчак шаклда кесилади. Сўнгра пишириш қоғозида (фольга) эҳтиётлик билан ёпиш печига қўйиб қуритилади. Нонга ўсимлик ёғи ва таъбга кўра туз сепилади ва қуритиш 50-60 минут давом эттирилади. Кейин катта бўлакларга бўлиниб, тайёр бўлган нон сухариклар 1 кг қилиб, полиэтилен пакетларга жойланади.

Шунингдек, ўсимлик мойининг эҳтиёжини қондириш учун мос келадиган маҳсулот бу – таркибида 30 % ўсимлик мойи бўлган ҳолвадан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳолва ўзининг кимёвий таркиби, энергетик қиймати ва арзонлиги бўйича бемалол школаднинг ўрнини боса олади (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳолва ва школаднинг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати

Маҳсулотлар	100 г маҳсулот учун ҳам ҳазм бўладиган қисми, г			Энергетик қиймат, ккал
	Оқсил	Ёғ	Углеводлар	
Ҳолва	14,0	29,4	43,4	508
Шоколод	5,1	34,1	51,3	548

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳолванинг таркибидаги ёғ ва углеводлар ҳамда унинг энергетик қиймати шоколоднинг кимёвий таркиби ва энергетик қийматига деярли яқинлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари 1:1 нисбатда майиз ва майда тўғралган, қуритилган ўрик (туршак) ҳамда тозаланган ёнғоқ аралашмаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу аралашма таркибида ҳолва каби ўсимлик ёғлари ва тез ҳазм бўладиган углеводлар ҳам мавжуд. Бу эса туристларнинг сувга бўлган талабини қондиради ва уни хуш кайфият билан истеъмол қиладилар (2-жадвал).

2-жадвал

Аралашмаларнинг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати

Маҳсулотлар	100 г маҳсулот учун ҳам ҳазм бўладиган қисми, г			Энергетик қиймат, ккал
	Оқсил	Ёғ	Углеводлар	
Грек ёнғоғи (тозаланган)	13,6	56,0	11,7	621
Шоколод	2,5	-	61,0	260
Туршак (қоқи)	3,2	-	68,6	295
Аралашма	8,0	28,0	38,0	450

Яна шуни таъқидлаш ўринлики, гўшт маҳсулотлари саёҳатга чиққан туристлар рационининг 25-30% ни ташкил этади. У озиқ-овқат маҳсулотларида хусусияти бўйича муҳим рол ўйнайди. Гўшт маҳсулотларини сублимацион усулда қуритиб олиб юриш қулай ҳисобланади. Гўшт маҳсулоти рацион бўйича овқатланишда энергетик қийматни оширишда хизмат қилади.

Бундан ташқари саёҳатга чиққан туристлар учун озиқ-овқат концентратларидан, ёрмалардан тайёрланган рационлар ҳам тавсия этилади.

Шу сабабли юқорида келтириб ўтилган таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, биз саёҳат қилаётган туристларнинг битта турист учун намунавий кунлик овқатланиш рационини жадвал кўринишда тавсия этишни жоиз деб ўйлаймиз (3-жадвал)

3-жадвал

Битта турист учун кунлик рацион таркиби

Маҳсулотлар номи	Массаси, г	Маҳсулотнинг ҳазм бўладиган миқдори, г			Энергетик қиймати, ккал
		оқсил	ёғ	углевод	
Сут маҳсулотлари (140 г)					
Сариёғ	20	0,1	15,8	-	147
Эритилган ёғ	20	-	18,7	-	174
Ўсимлик ёғи	20	-	19,0	-	176
Пишлоқ, ёғлилиги 50%	25	5,0	7,0	0,8	90
Қуруқ сут	50	12,0	12,5	19,0	235
Тухум кукуни	5	2,5	1,7	-	26
Жами:	140	19,6	74,5	19,8	848
Гўшт ва балиқ маҳсулотлари (235 г)					
Сублимация қилинган гўшт қиймаси	40	33,0	9,0	-	220
Сублимация қилинган гўшт рулети	35	28,5	5,6	-	168
Ярим дудланган колбаса	25	5,0	9,0	-	105
Дудланган тўш	25	2,6	13,5	-	138
Консервали гўшт	50	7,5	8,5	0,7	113
Паштетли жигар консерваси	25	3,9	6,3	0,3	76
Балиқ консерваси	20	0,8	12,5	0,3	125

Тузланган ёки қуритилган балиқ	15	6,5	0,7	-	34
Жами:	235	87,8	65,1	1,3	979
Ёрмалар, концентратлар (175 г)					
Гречка ёрмаси	15	1,4	0,4	10,0	48
Гуруч	10	0,7	0,1	7,3	34
Сўли	10	0,9	0,6	6,0	34
Нўхат	10	1,6	0,3	5,0	30
Буғдой ёрмаси	10	1,0	0,1	7,0	34
Макаронлар, вермишель, угро	15	1,5	0,2	10,8	51
Толқон	10	1,2	0,6	6,3	36
Буғдой	10	0,8	0,2	6,3	32
Арпа ёрмаси	10	0,6	0,1	6,7	31
Арпа	10	0,6	0,1	6,7	31
Картошка ёрмаси	15	0,3	-	9,0	28
Суюқликлар концентрати (суплар)	50	6,7	5,0	20,0	150
Жами:	175	16,7	7,7	101,1	550
Ҳуштаъм маҳсулотлар ва ичимликлар (280 г)					
Қанд	120	-	-	119,0	475
Ҳолва	30	4,8	7,8	13,5	160
Конфетлар	40	-	-	36,0	150
Майизли ёнғоқ	50	2,5	9,0	12,0	142
Витаминли глюкоза	20	-	-	19,8	81
Чой, клюква экстракти, лимон кислотаси	15	-	-	8,6	40
Кофе, какао	10	2,0	1,8	3,8	41
Кисел, компот	15	0,6	-	11,0	47
Жами:	280	9,9	18,6	223,6	1136
Нон ва сухариклар (150 г)					
Қора нон сухариги	70	6,0	0,9	45,2	220
Оқ нон сухариги	30	3,2	0,5	22,0	106
Вафли, қоқи, қотирилган нон, печенье, оқ нонлар	50	7,5	4,1	35,0	215
Жами:	150	13,7	5,5	112,2	541
Зираворлар (30 г)					
Туз	10	-	-	-	-
Пиёз, саримсоқпиёз	10	-	-	-	-
Қалампир, лавр барги, томат пастаси ва бошқалар	10	-	-	-	-
Жами:	30	-	-	-	-
Ҳаммаси:	**1010**	**147,7**	**171,6**	**448,1**	**4054**

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, битта туристнинг бир кунлик рационининг умумий миқдори 1010 граммни ташкил қилади ва бу жами 4054 ккал энергияга эга бўлади. Шунингдек, етарли миқдорда ҳазм бўладиган оқсилга, ёғга ва углеводларга эга бўладилар. Бу эса саёҳат қилиш даврида туристлар ўз соғлиқ формасини йўқотмайдилар.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу рацион саёҳатга чиққадиган туристларнинг барча турларига тавсия қилиш мумкин. Бу рацион туристларнинг саёҳат қилиш чоғида ўзларини соғлом тутишларига, кайфиятлари кўтарилиши ва яхши дам олишларига замин яратади.

ТАЙЁРЛАНАДИГАН СУТНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ

Файзиев Ж.– СамИСИ доценти
Мўминов Н. – СамДВМЧБУ доценти
М.Ёдгоров – СамДВМЧБУ магистранти
А.Сиддиков – СамДВМЧБУ магистранти

Аннотация: *Мақолада, тайёрланадиган сутга бўлган давлат стандарти талаблари тавфсифланган. Тайёрланадиган сут сифат кўрсаткичларини назорат қилиш схемаси келтирилган.*

Калит сўзлар: *техник-кимёвий назорат, тайёрланадиган сут, сутни қабул қилиш, кислоталик, бактериал ифлосланганлик, соматик ҳужайралар миқдори, потенциал хавфли моддалар, консистенция, таъми ва хиди, ранги, ёғлиги, оқсил миқдори, сутни ёғсизлантирилган қуруқ моддалари миқдори, тозалик гурухи, зичлиги*

Аннотация: *В статье охарактеризованы требования государственного стандарта на заготовляемое молоко. Приведен схема контроля показателей качества заготовляемого молока.*

Ключевые слова: *техно-химический контроль, заготовляемое молоко, приемка молока, кислотность, бактериальное загрязнение, количество соматических клеток, потенциально опасные вещества, консистенция, вкус и запах, цвет, жирность, содержание белка, содержание сухих обезжиренных веществ молока, группа чистоты, плотность.*

Annotation: *The article describes the requirements of the State Standard for Poverty Milk. The scheme of control of the quality of the quality of the milk of milk is shown.*

Keywords: *techno-chemical control, blank milk, milk acceptance, acidity, bacterial contamination, quantity of somatic cells, potentially hazardous substances, consistency, taste and smell, color, fatty, protein content, content of dry low fat substances, purity group, density .*

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш масалалари ўта долзарб бўлиб бу борада хукуматимизнинг бир қатор меъёрий хужжатлари қабул қилинган. Шу ўринда

таъкидлаш жоизки, озиқ – овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, аввало, касалликлар ва ифлослантирувчиларнинг тарқалишини, озиқ – овқат маҳсулотининг фермадан столгача бўлган бутун озиқавий занжири бўйича ишлаб чиқариш, ишлов бериш, жўнатиш, сақлаш ва бошқа жараёнлардаги критик омилларни аниқлаш йўли билан бартараф этишга йўналтирилган.

Республикамиз аҳолисининг тўғри овқатланишини ташкил этишда юқори биологик қийматга эга бўлган сифатли ва хавфсиз сут маҳсулотларини аҳамияти ҳам жуда катта. Ўзбекистон Республикасида сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги юзасидан ягона талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги “Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги” 474 – сон қарори билан белгиланган. Ушбу шарҳлар сут хом ашёси сифат ва хавфсизлиги назоратининг ташкил этиш масалаларини таҳлил қилиш долзарблигини кўрсатади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади тайёрланадиган сутга бўлган давлат стандарти талабларини белгилаш, сутни қабул қилиш ва тайёрланадиган сутнинг сифат ва хавфсизлиги назоратини ташкил этиш ҳисобланди.

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган техник-кимёвий назорат технологик жараёнларни тўғри ўтказиш, ишлаб чиқариш меъёрларига аниқ риоя қилиш, йўқотишларни камайтириш ва сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилади. Сутни қайта ишловчи корхоналарга ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” ва ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартлари талабларига жавоб берувчи сут қабул қилинади.

ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар”га мувофиқ сутни қайта ишловчи корхоналарда хом сут ва хўжаликларда термик ишлов берилган сут қабул қилиниши мумкин.

Хом сигир сути инфекцион касаллик хавфи бўлмаган хўжаликларда соғлом ҳайвонлардан олинган бўлиши керак. Сут соғиб олингандан кейин 2 соатдан кечиктирилмасдан тозаланиши ва совутилган бўлиши керак. Сутни ҳарорати топшириш-қабул қилиш пайтида корхонада 10 ^{0}С дан, хўжаликда эса 6 ^{0}С дан юқори бўлмаслиги лозим. Сутни музлатилишига йўл қўйилмайди. Сут оқ ёки кучсиз кремсимон рангда бўлиши, оқсил чўкмаларидан озод ва табиий бўлиши керак. Сут ингибация, консервация ва нейтрализловчи моддалар, оғир металл тузларига эга бўлмаслиги, шунингдек 1027 кг/м^{3}дан паст бўлмаган зичликга эга бўлиши керак.

Хом сут 1-жадвалга мувофиқ олий, биринчи ва иккинчи навларга бўлинади.

Зичлиги1026 кг/м^3, кислоталиги 15 ^{0}Т ва 19 дан 21 ^{0}Т гача бўлган сут, агар у органолептик кўрсаткичлари, тозалиги, бактериал ифлосланганлиги ва соматик хужайралар миқдори бўйича ГОСТ 13264-88 талабларига мос келса, назорат намунаси асосида биринчи ёки иккинчи нав билан қабул қилиниши мумкин. Назорат намунаси тахлилини амал қилиш муддати 1 ойдан ошмаслиги лозим.

1 - жадвал

Тайёрланадиган сутни меъёрланадиган кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав
Таъми ва ҳиди	Сутга хос, бегона таъм ва ҳидларсиз		Қишги-баҳорий йил вақтида кучсиз ем таъми ва ҳиди мавжуд бўлишига йўл қўйилади
Кислоталиги, ^{0}Т	16-18	16-18	16-20
Тозалик даражаси, гуруҳдан паст эмас	И	И	И
Бактериал ифлосланганлиги, минг/см^3	300 гача	300 дан 500 гача	500 дан 4000 гача
Соматик ҳужайралар миқдори, минг/см^3, кўп эмас	500	1000	1000

Хўжаликларда термик ишлов берилган, инфекцион касалликлар бўйича холати яхши бўлмаган хўжаликлардан олинган ва ветеринар қонунчилик билан озиқ-овқатга ишлатилишига рухсат берилган сут тозаланган, соғиб олингандан кейин термик ишлов берилган ва 10 ^{0}С гача совутилган бўлиши керак. Бундай сутни соғлом хайвонлардан олинган хом сут билан аралаштирилишига йўл қўйилмайди.

Иккинчи нав талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек стандарт талабларига жавоб бермайдиган инфекцион касалликлар бўйича яхши бўлмаган хўжаликлардан олинган сут навсиз хисобланади. Бундай сутни озиқавий мақсадларда қабул қилиш таъқиқланади.

ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартига мувофиқ сут инфекцион, одам ва хайвонлар учун умумий бўлган бошқа касалликлар хавфи бўлмаган худудда соғлом ҳайвонлардан олинган бўлиши керак. Сут физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича 2 -жадвалда келтирилган меъёрларга мувофиқ келиши лозим.

Иккала стандартларга мувофиқ потенциал хавфли моддалар (токсик элементлар, микотоксинлар, антибиотиклар, пестицидлар, радионуклидлар), патоген микроорганизмлар, жумладан салмонеллаларни чегаравий йўл қўйиладиган миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги “Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни 2-чи иловасида кўрсатилган чегаравий йўл қўйиладиган меъёрлардан ошмаслиги лозим.

2 –жадвал

Сутни ГОСТ 31449-2013 бўйича физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич қиймати
Ёғлиги, %, кам эмас	2,8
Оқсил миқдори, %, кам эмас	2,8
Кислоталиги, ^{0}Т	16,0-21,0
Сутни ёғсизлантирилган қуруқ моддалари миқдори, %, кам эмас	8,2
Тозалик гурухи, паст эмас	
Зичлиги, кг/м^3, кам эмас	
Музлаш харорати, 0С, юқори эмас	-0,520
1 см^3 даги соматик ҳужайралар миқдори, кўп эмас	4,0•10^3
1 см^3 даги МАФАМ*, КХБ** миқдори, кўп эмас	1,0•10^5

* мезофил аэроб ва факултатив-анаэроб микроорганизмлар.
**колония хосил қилувчи бирликлар.

Сутни қабул қилишдан (сифат ва миқдорни аниқлаш) олдин илова қилинадиган хужжатларни мавжудлиги текширилиши зарур. Илова қилинадиган хужжатларни барча устунлари тўлдирилган бўлиши керак. Хўжаликда термик ишлов берилган сут олиб келинганида илова хужжатларида уни амалга оширилганлиги тўғрисида белги бўлиши лозим.

Сут тоза ва соз идишларга қадоқланган партиялар бўйича қабул қилинади. Сут кислоталиги ва органолептик кўрсаткичлари бўйича навларга бўлингач сифат кўрсаткичларни аниқлаш учун бирлаштирилган намуна олинади.

Тайёрланаётган сут сифатини назорати 3 - жадвалда келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3 - жадвал

Тайёрланадиган сут сифат кўрсаткичларини назорат қилиш схемаси

Назорат қилинадиган кўрсаткич	Назорат даврийлиги	Намуналар олиш	Назорат методлари
Ҳиди, таъми, ранги, консистенцияси	Ҳар куни	Ҳар бир транспорт идишидан	ГОСТ 13264-88 бўйича органолептик
Ҳарорат, ^{0}С	Ҳар куни	Цистернани ҳар бир бўлимида, партияни 2-3 флягасида	ГОСТ 26754-85 бўйича суюқликли термометр
Кислоталиги, ^{0}Т	Ҳар куни	Цистернани ҳар бир бўлими, нуқтали намуна	ГОСТ 3624-92 бўйича титрометрик

pH	Ҳар куни	Бирлаштирилган намунадан ажратиб олинган таҳлил намунасида	ГОСТ 26781-85 бўйича
Зичлик, кг/м^3	Декадада 1 марта		ГОСТ 3625-84 бўйича ареометрик
Эталон бўйича тозалиги	Декадада 1 марта	Бирлаштирилган намунадан ажратиб олинган таҳлил намунасида	ГОСТ 8218-89 бўйича сутни филтрлаш ва филтрни эталон билан солиштириш
Оқсил, %	Декадада 1 марта		ГОСТ 25179-90 бўйича
Ёғ, %	Ҳар бир партиядан		ГОСТ 5867-90 бўйича кислотали
Термик ишлов бериш самарадорлиги	Пастерланган сут топширилганида ҳар куни		Фосфатаза намунаси ГОСТ 3623-73 бўйича
Иссиқликка чидамлиги	Зарурий ҳолларда ҳар бир партиядан		Алкогол намунаси ГОСТ 5228-82 бўйича
Таббийлиги	Фалсификациялан-ганликга гумон қилинганда ҳар бир партиядан		Назорат намунасини ўтказиш. Музлаш нуқтасини аниқлаш. Рефрактометрик
Мавжудлиги:			
Водород пероксиди	Фалсификациялан-ганликга гумон қилинганда ҳар бир партиядан	Бирлаштирилган намунадан ажратиб олинган таҳлил намунасида	ГОСТ 24067-80 бўйича
Сода			ГОСТ 24065-80 бўйича
Аммиак			ГОСТ 24066-80 бўйича
Металлар, афлатоксинлар	Тасдиқланган йўриқномага мувофиқ		

Сутни қайта ишлашгача сақлаш муддати жўнатиш вақтини хисобга олган ҳолда 4±2 ^{0}С хароратда 36 соатдан ошмаслиги керак. Ёш болалар озиқланиши учун мўлжалланган болалар сут маҳсулотларини ишлаб чиқаршда ишлатиладиган сутни сақлаш муддати жўнатиш вақтини хисобга олган ҳолда

4±2 ^{0}C хароратда 24 соатдан ошмаслиги лозим.

Шундай қилиб сифатли ва хавфсиз сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сутни қайта ишловчи корхоналарга тайёрланадиган сигир сутини сифат ва хавфсизлигига қаттиқ талаблар белгиланган ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” ва ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартлари талабларига жавоб берувчи сут қабул қилиниши лозим. Хом сут, хом ёғсиз сут ва хом қаймоқнинг физик-кимёвий хавфсизлик талаблари, улардаги потенциал хавфли моддалар, микроорганизмлар ва соматик хужайраларнинг чегаравий йўл қўйиладиган миқдорлари техник регламентни 2-чи иловасида кўрсатилган чегаравий йўл қўйиладиган меъёрлардан ошмаслиги лозим. Сутни қайта ишлаш корхоналарида сутни қабул қилиш сут фермаларини ветеринария-санитария холатини яхшилиги тўғрисидаги ветеринария назорати органлари томонидан берилган маълумотнома асосида қатъий белгиланган тартибда қабул қилиниши керак. Тайёрланаётган сигир сутини сифати тайёрланадиган сут сифат кўрсаткичларини назорат қилиш схемасига мувофиқ амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ТУРИЗМДА ГЕАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Уралов Ш.А - магистр, СамИСИ
Набиев П. - магистр, СамИСИ
Хасанова Ю. - магистр, СамИСИ

Аннотация: *Мақолада туризмда ГАТ (геоахборот тизимлари) ҳақида фикрлар ва маълумотлар келтирилган. Уни қўллаш бўйича хориж таржрибаси мисолида батафсил ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *ГАТ, тизим, туризм, география, МГС.*

Географик ахборот тизими (ГАТ) геофазовий маълумотларни тўплаш, бошқариш ва тасвирлашга мўлжалланган компютер тизими бўлиб, унда мазкур маълумотларни воқеа, ҳодиса, фаолият ёки ундаги тафсилотлар билан бирга уларнинг қаерда мавжуд эканлигини тасвирлар, жадваллар орқали акс эттириш мумкин. Геоахборот тизимининг бошқача ко‘риниши бўлган геоинформатика деганда геоахборот тизимининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган илмий-техник ва амалий фанлар мажмуаси тушунилади. Ҳозирги кунда ахборот тизимининг ушбу бо‘лими жадал суръатлар билан о‘сиб бориши натижасида у нафақат техник соҳаларда, балки ҳаётимизнинг турли ижтимоий соҳаларида ҳам қўлланилиб келмоқда. ГАТнинг қўлланилиш соҳалари кенг бўлиб, у турли ҳолатларда, жумладан соғлиқни сақлашда янги клиника ва шифохоналарни географик жиҳатдан мос ва аҳолига қулай қилиб жойлаштириш жараёнида, юк ташиш билан шуғулланадиган корхоналар учун йўл маршрутлари ва жадвалларини тузиш ҳамда аниқлашда, автомобил ё‘лларини қурувчи корхоналарга янги трасса ва йўлларни лойиҳалашда энг мақбул вариантни

танлаш пайтида, шунингдек, давлат фондидаги ерларни тўғри ва оқилона ҳисоблашда, фермерлар учун янги ерларни ўзлаштиришда, ерларниниг ҳолатини аниқлаш ва улар тўғрисида етарли маълумот олишда жуда қўл келади. Бугунги кунга келиб геоахборот тизимлари ҳайдовчиларга, пиёдаларга сунъий юллдошлар билан алоқа қилган ҳолда геофазовий маълумотлар ўрни тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш орқали турли маршрутларни навигация қилишда, энг яқин, энг қулай йўлларни излаб топишда қулайлик туғдирмоқда. Бир қарашда оддий уяли телефонимиз орқали бундай маълумотларни картада бемалол олишимиз осон ко‘ринади, аммо бу қулайлик ортида геоахборот тизими қонунқоидаларини тўғри қўллаш каби ишлар кўлами ётади. Агар геоахборот тизимини бундан 10 йиллар олдин фақатгина аниқ бир мутахассислар гуруҳигина ишлатиши Геоахборот тизимининг илмий асослари мумкин, деган қоидалар мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб интернет тармоғидаги веб-порталлар, турли навигация тизимлари, уяли телефонлардаги дастурларнинг ишлаб чиқилиши оддий фуқаронинг ҳам ушбу соҳани билишига асос яратди.

Ҳозирги вақтда ахборот тизимларининг ноишлаб чиқариш сектори (хизмат кўрсатиш соҳаси): туризм, меҳмонхона бизнеси, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хизматлар энг муҳим ролни ўйнайди. Ахборот технологияларини жорий этишдан энг катта самара туризм бизнеси соҳасида қайд этилган. Бу ерда туристик маҳсулотни шакллантириш, рағбатлантириш ва сотиш маркази туристик офис бўлиб, унинг автоматлаштириш даражаси туристик маҳсулот сифатига, унинг нархига сезиларли даражада таъсир қилади ва пировардида туристик компаниянинг яшаш шароитларини белгилайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай сайёҳлик компанияси учун унинг туризм бозоридаги фаолияти муваффақиятини белгиловчи омил мижозларга хизмат кўрсатиш вақти ҳисобланади. Ғолиб-мижозга онлайн (реал вақт режимида) хизматларнинг тўлиқ спектрини тақдим эта олган киши ҳисобланади. Ушбу режимда бизнес юритиш имконияти бевосита туристик агент ва туроператор ўртасида маълумотлар алмашинуви қандай ташкил этилганлиги, ундан мижозлар учун хизматлар сотиб олиниши билан боғлиқ. Афсуски, шуни тан олиш керакки, амалда агент, оператор ва мижоз ўртасида онлайн маълумотлар алмашинуви жуда кам учрайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун умумий географик ахборот тизимлари (ГАТ) ва хусусан, мобил географик хизматлар (МГС) ишлаб чиқилган. Ушбу ахборот тандеми (ГАТ + МГС) туристик офисни автоматлаштиришнинг шундай даражасига эришишга имкон беради. Бу ишнинг тўлиқ мустақиллигини, ахборот хавфсизлигининг юқори даражасини, туризм бозорининг турли иштирокчилари билан онлайн маълумотлар алмашинувини таъминлайди (брон қилиш ва брон қилиш тизимларига, глобал Интернетга интеграция).

География ахборот тизимлари бутун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик ресурси, компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш усули сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашув бир қатор технологик бўлмаган саволларга жавобни талаб қилади: ГАТ ни жорий этишдан қандай даромад олиш, уни қандай ўлчаш, ГАТ лойиҳасини тўлиқ амалга ошириш учун

қандай ташкилий ва кадрлар ўзгаришларини амалга ошириш керак.

Замонавий туризм индустрияси дунёси шу қадар кескин ўзгардики, эски барқарор шароитда ишлаш учун яратилган ташкилотлар фаолият тамойиллари ва тузилмаларини такомиллаштирмасдан туриб, янги муҳитга мослаша олмайди. Айнан шу нуқтаи назардан туризм бизнесининг "реинжиниринги" тушунчасини талқин қилиш керак, бу эса туризм фаолиятининг бугунги кундаги асосий кўрсаткичларини тубдан яхшилашга эришиш учун бизнес-жараённи тубдан қайта кўриб чиқиш ва тубдан қайта лойиҳалаш сифатида тавсифланади, масалан, таннарх, хизмат сифати ва тезлиги.

Агар сайёҳлик компаниялари доимий технологик ўзгаришлар даврида муваффақиятга эришмоқчи бўлсалар, у ҳолда улар ГАТ технологияларидан фойдаланиш қобилиятини асосий кўникмалардан бири сифатида кўриб чиқишлари керак. Туризм соҳаси телекоммуникация технологияларининг энг йирик истеъмолчиларидан бири бўлиб, бизнес оламида энг юқори ҳисоблаш қувватига эга. Қисман бу туризм сохасида қўлланиладиган маълумотларнинг табиатидан келиб чиқади. Биринчидан, бу маълумотлар вақтга жуда сезгир, чунки турли саналар, воқеалар, жадваллар тез-тез ўзгариб туради. Иккинчидан, туристик маҳсулотлар ҳақида маълумот бўлиши керак. Учинчидан, туристик маҳсулот кўп сонли компонентлардан (транспорт, турар жой, кўнгилочар) иборат бўлиб, улар ҳам уларни қониқарли етказиб беришни мувофиқлаштириш учун маълумотларни тез етказиб беришни талаб қилади. Бу талабларнинг барчаси деярли ҳар бир киши томонидан бажарилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бернҳардсен Т. Географик Информатион Сйстемс: Ан Интродуктион. Жоҳн Вилей анд Сонс. (2002) 435 бет.

2. Болстадт П. ГАТ Фундаменталс: А Фирст Техт он Географик Информатион Сйстемс, 4тҳ эдитион. (2012) 674 бет.

3. Чанг, Канг-Тсунг. Интродуктион то Географик Информатион Сйстем (7тҳ эдитион). МкГрав-Ҳилл Эдукатион. (2013) 480 бет.

4. Лонглей П., Гоодчилд М., Магуире Д., Рҳинд Д. Географик Информатион Сйстемс анд Скиэнке (3рд эдитион). ВилейВилсон, Ж. П. (2011) 539 бет.

5. Мичаэл Н. Демерс. Фундаменталс оф Географик Информатион Сйстемс. Жоҳн Вилей анд Сонс. (2003) 636-бет.

UMUMIY OVQATLANISH KORXONALARI UCHUN QUYOSH ENERGIYASIDA ISHLOVCHI ABSORBTSIYAVIY SOVUTISH JIHOZINI ISHLAB CHIQISH

Safarov U.T. – SamDVMChBU katta o‘qituvchisi
Saidmuradova Z.T. – SamDVMChBU dotsenti

Annotatsiya. *Hozirgi davrda umumiy ovqatlanish korxonalarida qo‘llanilayotgan sovutish jihozlari davr talablariga , xususan ekologik muammolarning hal etilishi talablariga javob*

bermayotganligi ko‘rsatib o‘tilgan. Ushbu muammolarning hal etilishida quyosh energiyasidan foydalanish imkoniyatlari katta ekanligi ta’kidlangan. Shu yo‘nalishdagi izlanishlar natijasi sifatida ishlab chiqilgan quyosh energiyasida ishlovchi absorbtsiyaviy sovutish mashinasining konstruktsiyasi bayon etilgan.

Kalit so‘zlar : *umumiy ovqatlanish korxonasi, issiqxona effekti, ozon qatlami, Monreal’ bayonnomasi, quyosh energiyasi, absorbtsiyaviy sovutish mashinasi.*

Аннотация. *Изложено несоответствие холодильного оборудования, эксплуатируемого в настоящее время на предприятиях общественного питания, современным требованиям, в частности требованиям решения экологических проблем. Подчеркнуто наличие больших возможностей применения солнечной энергии для решения указанных проблем. Изложена конструкция абсорбционной холодильной машины, работающей на солнечной энергии, разработанной в результате исследований на данном направлении.*

Ключевые слова : *предприятие общественного питания, тепличный эффект, озоновый слой, Монреалский протокол, солнечная энергия, абсорбционная холодильная машина.*

Abstrakts . *The non-compliance of refrigeration equipment currently operated at public catering establishments with modern requirements, in particular the requirements for solving environmental problems, is stated. The presence of great opportunities for the use of solar energy to solve these problems is emphasized. The design of a solar-powered absorption refrigeration machine, developed as a result of research in this area, is outlined.*

Keywords : *catering company, greenhouse effect, ozone layer, Montreal Protocol, solar energy, absorption chiller.*

Hozirgi davrda O‘zbekistonda va jahonning rivojlangan mamlakatlarida eng dolzarb muammolardan biri issiqlik energiyasini an’anaviy usullar asosida ishlab chiqarishni kamaytirishdan iborat. Zero bu muammoning hal etilishi “issiqxona effekti”ni va uning ekologik muhitga salbiy ta’sirini kamaytirish imkonini beradi. Umumiy ovqatlanish korxonalarida texnologik jarayonlarni amalga oshirishda juda katta miqdorda issiqlik energiyasi sarflanadi. Bu energiya deyarli 100 % elektr energiyasidan va uglevodorodlarni yoqishdan olinadi. Mana shu sarflanayotgan elektr energiyasining anchagina qismi sovutish jihozlari hissasiga to‘g‘ri keladi.

Ikkinchi tomondan, umumiy ovqatlanish korxonalarida qo‘llanilayotgan sovutish jihozlarining aksariyat ulushida sovutish agenti sifatida freonlar ishlatiladi. 1987 yilda Monreal’ shahrida imzolangan xalqaro bayonnomaga (unga hozirgi kunda jahonning 197 davlati a’zo) ko‘ra Yer atmosferasining ozon qatlamini yemiruvchi moddalarni ishlatishni kamaytirish va to‘xtatish ko‘zda tutilgan. Chunonchi ushbu bayonnomaga ko‘ra O‘zbekiston va shu qatordagi mamlakatlarda 2030 yildan boshlab ozon qatlamini yemiruvchi moddalar, xususan freonlardan foydalanuvchi texnologik jihozlarni ishlab chiqarishni batamom to‘xtatish belgilangan.

Yuqorida zikr etilgan ikki global muammoning hal etilishi nuqtai nazaridan umumiy ovqatlanish korxonalari uchun al’ternativ energiya turlariga asoslanib va freonlardan foydalanmay ishlovchi sovutish jihozlarini yaratish bugungi kunda umumiy ovqatlanish servisi sohasidagi muhim vazifalardan biridir. Ushbu vazifaning hal etilishida biz taklif qilayotgan, quyosh energiyasidan foydalanuvchi absorbtsiyaviy sovutish mashinasi o‘z hissasini qo‘shadi degan umiddamiz.

Hozirgi vaqtda absorbtsiyaviy sovutish mashinalari kichik sovuqlik unumdorligi formatida ishlab chiqariladi va ular asosan uy – ro‘zg‘or, yirik yuk

tashuvchi avtotransportlar (furalar) haydovchilarining kompakt oshxonalari sharoitida ishlatiladi. Bunda, ta'kidlash lozimki, ularda issiqlik manbai sifatida elektr energiyasidan foydalaniladi. Bizning taklifimiz negizida, issiqlik energiyasi manbai sifatida al'ternativ energiya turlaridan eng yuqori quvvatga ega bo'lgan quyosh energiyasidan foydalanish yotadi. Shu bilan birgalikda sovutish agenti sifatida freonning o'rniga ammiakning qo'llanilishi atmosferaning ozon qatlamiga yetkaziladigan zararni yo'qotish masalasini ham hal etadi.

Shu o'rinda Respublikamizda quyosh energiyasidan foydalanish uchun katta potentsial mavjudligini aytib o'tish lozim. [1] mualliflarining ma'lumotlariga ko'ra, mamlakatimiz hududida quyosh radiatsiyasining intensivligi bir yilda 1500 kVt.soat/m^2*yil dan (Farg'ona vodiysida) 2100 kVt.soat/m^2*yil gacha (Respublikamizning shimoliy mintaqalarida) yetadi. Bunda normal sirtga to'g'ridan-to'g'ri tushuvchi quyosh nurlanishi bir oylik intensivligining minimal va maksimal qiymatlari , masalan Toshkent shahri uchun , mos ravishda yanvar oyida 70,09 kVt.soat/m^2*oy va iyul oyida 262 kVt.soat/m^2*oy ga teng. Quyoshli kunlarning soni esa (bu ham Toshkent misolida) 318 ni, unda quyosh energiyasi intensivligining qiymati $\sum q > 1$ kVt.soat/m^2*kun, quyoshsiz havo yopiq kunlar soni 47 ni, bunda $\sum q \leq 1$ kVt.soat/m^2*kun, tashkil etadi. Bu ma'lumotlar yana bir marta quyosh energiyasidan foydalanish uchun O'zbekistonda potentsial juda katta ekanligini isbotlaydi.

Taklif qilinayotgan absorbtsiyaviy sovutish mashinasining printsipial tu - zilish sxemasi 1-rasmda ko'rsatilgan.

Ushbu sovutish mashinasining asosiy tarkibiy qismlari quyosh energiyasi bilan qizdiriladigan generator (qaynatgich) 1, issiq tsex havosi yoki qo'shimcha elektr energiyasi bilan qizdiriladigan generator (qaynatgich) 12, kondensator 2,



1-rasm. Quyosh energiyasidan foydalanuvchi absorbtsiyaviy sovutish mashinasining tuzilish sxemasi

drossellash elementi – termorostlovchi ventil' 4, sovutish kamerasi 5 va undagi

bug‘latgich 6, oddiy rostlovchi ventil’ 7, absorber 8 va tsirkulyatsiyaviy nasos 10 dan iborat. Quyoshli vaqtda generator (1) dagi sovutish agentining, ya’ni ammiakning suvdagi eritmasi quyosh energiyasi ta’sirida qaynaydi. Buning uchun generator (1) quyosh kollektori tarzida yasalgan va u umumiy ovqatlanish korxonasi binosining tomida o‘rnatiladi. Bunda hosil bo‘lgan ammiak bug‘lari va qisman unga aralashgan absorbent – suv bug‘lari kondensator (2) ga o‘tadi. Bu yerda kondensatorning qirrali trubalari (3) ichidan o‘tayotgan ammiak bug‘lari ventilyator yordamida haydalayotgan havo oqimi ta’sirida soviydi va kondensatsiyalanadi. Suyuq holatga o‘tgan yuqori bosimli ammiak termorostlovchi ventil’ (4) orqali o‘tib, drossellanadi va bunda uning bosimi hamda harorati pasayadi. Past bosimli suyuq ammiak bug‘latgich (6) ga o‘tadi. Sovutish kamerasi (5) da joylashgan bug‘latgich (6) ga saqlanayotgan oziq-ovqat mahsulotlaridan berilgan issiqlik hisobiga uning ichidagi ammiak qaynaydi , bunda ammiakning qaynash harorati – 20... – 26°C atrofida, kameradagi havo harorati esa – 10…0°C darajasida bo‘ladi.

Bug‘latgichda hosil bo‘lgan ammiak bug‘lari absorber (8) ga o‘tadi, bu yerda ular absorbent – suvga yutiladi (ammiakning suvdagi eritmasi hosil bo‘ladi). Absorbtsiya jarayonini jadallashtirish maqsadida absorberdagi suyuqlik – bug‘ aralashmasi zmeyevik ko‘rinishidagi trubalar (9) orqali o‘tayotgan sovuq suv ta’sirida sovutiladi. Shunday qilib absorberda hosil qilingan ammiakning suvdagi eritmasi tsirkulyasiyaviy nasos (10) yordamida qaytadan generator – quyosh kollektori (1) ga yetkazib beriladi.

Generatorda ammiak bug‘lari ajralib chiqqanidan keyin, unda qolayotgan past kontsentratsiyali suv – ammiak eritmasi absorberga qayta yetkazib beriladi, bunda ushbu eritmaning miqdori oddiy rostlovchi ventil’ (7) vositasida sozlab turiladi. Absorber va generatorning bir-biridan nasos (10) hamda ventil’ (7) vositasida ajratib qo‘yilganligi sababli , generatorda nasos yordamida yaratilgan yuqori kondensatsiya bosimi saqlab turiladi.

Quyosh energiyasining intensivligi past bo‘lgan yoki quyoshsiz kunlarda generator (qaynatgich) (12) dan foydalanish mumkin. Bu generator ham qalinligi kichik qilib yasaladi va korxona issiq tsexining shipi (potologi) ga o‘rnatiladi. Natijada ushbu generatordagi suv – ammiak eritmasi issiq tsexdagi texnologik jihozlardan chiqayotgan ortiqcha issiqlik hisobiga qiziydi va qaynaydi. Bunda ushbu energiya yetarli bo‘lmagan hollarda eritmani qo‘shimcha qizdirish uchun generator (12) trubachali elektr qizdiruvchi element (TEN) (11) bilan ta’minlangan. Xuddi shuningdek umumiy ovqatlanish korxonasi ishlamayotgan tungi vaqtda ham TEN (11) sovutish mashinasining uzluksiz ishlab turishini ta’minlaydi.

Ushbu turdagi absorbtsiyaviy sovutish mashinasi hozirgi vaqtda aprior tajribalar bosqichidan o‘tkazilmoqda. Bunda o‘tkazilgan tajribalarda bug‘latgich va absorberdagi past bosim darajasi 160 kPa ni, generator va kondensatordagi yuqori bosim darajasi 1160 kPa ni tashkil etdi. Bu bosimlar bug‘latgichda ammiakning qaynash harorati – 24°C, sovutish kamerasidagi havo harorati – 10°C va kondensatordagi ammiakning kondensatsiyalanish harorati + 30°C bo‘lishini ta’minladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Э.Ю. Рахимов, Ш.Э. Саъдуллаева, М.Б.Шерматова. Анализ солнечного потенциала Республики Узбекистан. - “Фундаментальные и прикладные вопросы физики”. Труды международной конференции. Секция III “Возобновляемые источники энергии и гелиоматериаловедение, их прикладные аспекты”. Ташкент; АН РУ, 13-14 июня 2017 г. - с.73 - 76.

2. Р.А.Захидов, А.Анарбаев, Ш.Файзиев. Применение абсорбционных установок в солнечном охлаждении зданий. - Там же, где [1] - с.42 - 47.

3. Большаков С. А. Холодильная техника и технология продуктов питания: Учебник для студ. вузов — Москва : Издательский центр «Академия», 2003. — 304 с.

ОРЕХИ – ЦЕННАЯ ПЛОДОВАЯ КУЛЬТУРА

Пардаев Г.Я. - СамИЭС, ассистент кафедры «Сервис»
Абдурайимов У.А. - СамИЭС, ассистент кафедры «Сервис»

Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы по определению химического состава орехов их производства и дальнейшее использование в условиях Узбекистана. Основной упор оказывается на аминокислотный состав и содержание белков в орехоплодных культурах.*

Annotation: *This article addresses the issues of determining the chemical composition of nuts for their production and their further use in Uzbekistan. The main focus is on the amino acid composition and protein content in nut crops.*

Ключевые слова: *орехи; белки; аминокислоты; биологическая ценность; физиологическая потребность; методом Кельдаля.*

Keywords: *nuts; squirrels; amino acids; biological value; physiological need; Keldahl method.*

Одно из направлений в развитии человечка является получение качественной и высоко-калорийной продукции. В современных условиях одной из острых и актуальных задач является удовлетворение населения качественно полноценными продуктами питания. Исследованиями учёных установлено, что в настоящее время доля жировых веществ и углеводов в рационе питания людей преобладает, а доля незаменимых пищевых веществ, особенно минеральных элементов, остаётся незначительной, т.е. физиологическая потребность удовлетворяется не полностью. Одними из перспективных видов растительного сырья в Узбекистане являются орехи, которые имеют уникальный химический состав и могут рассматриваться в качестве сырьевого источника для производства широкого спектра продуктов и биологически активных добавок.

Уникальные почвенно-климатические условия нашей страны, когда мы имеем в среднем 320 солнечных дней в году, последовательную смену всех четырех климатических сезонов, создают исключительно благоприятные возможности для выращивания основных видов высококачественных свежих фруктов и овощей в широком ассортименте.

Поданным экспертов, выращенные в наших условиях фрукты и овощи существенно превосходят аналогичную продукцию из других регионов по таким основным потребительским характеристикам, как содержание природных сахаров, амино- и органических кислот, важнейших для здоровья микроэлементов и других биологически ценных веществ, незаменимых в рационе питания. «Но все же главное богатство этого орехоплодного растения, удерживающее внимание человека на протяжении столь многих веков,— ядро плода, поскольку оно обладает не только отличными вкусовыми качествами, но и является одним из наиболее редкостных растительных продуктов по разносторонности биохимического состава, питательности и целебности» (1).

Следует отметить, что орехи ценятся, прежде всего высоким содержанием белков и сбалансированным сочетанием незаменимых аминокислот. В связи с этим нами была поставлена задача на изучение содержания белков и их аминокислотного состава основных видов ореха, выращиваемых в Узбекистане.

Качество продуктов садоводства - это сочетание атрибутов, свойств и характеристик, которые дают каждому товарному значению с точки зрения человеческой пищи(2).

В качестве объектов исследования взяты ядра грецкого ореха сорт “Юбилейный”, миндаля сорт “Десертный” и фисташки сорт “Настоящий”, произрастающий на территории Узбекистана.

Сырой протеин (массовую долю белка) определяли спектрофотометрическим методом по Каар-калю и методом Кельдаля, путем вычисления содержания общего азота умножением его на перерасчетный коэффициент составляющий для грецкого ореха и фисташек-5,30; для миндаля-5,18 (3).

Результаты исследования общего содержания белков и их аминокислотного состава грецкого ореха миндаля и фисташек представлены в табл. 1.

Таблица 1

Общее содержание белков и их аминокислотного состава

Белки и аминокислоты		Содержание в орехах %		
		Грецкий орех	Миндаль	Фисташки
	Общее содержание белков	22,77	22,95	27,01
	Аминокислоты:			
1.	Аспарагиновая кислота	1,26	1,47	1,40
2.	Треонин	0,50	0,48	0,60
3.	Серин	0,63	0,60	0,82
4.	Глутаминовая кислота	1,72	3,75	2,79
5.	Пролин	0,71	0,90	0,80

6.	Глицин	0.72	1.05	0,98
7.	Аланин	0,60	0,64	0,81
8.	Цистеин	0,21	0,32	0,24
9.	Валин	0,75	0,44	1,23
10.	Метионин	0,21	0,38	0,33
11.	Изолейцин	0,63	0,68	0,89
12.	Лейцин	1,17	0,47	1,24
13.	Тирозин	0,51	0,55	0,65
14.	Фенилаланин	0,71	0,74	0,94
15.	Гистидин	0,39	0,48	0,50
16.	Лизин	0,40	0,48	1,02
17.	Аргинин	1,18	2,12	2,01
	Сумма аминокислот	12,30	15,55	17,25

Из данных табл.1. видно, что фисташки по сравнению грецкого ореха и миндаля отличаются высоким содержанием белковых веществ.

Необходимо учитывать, что рацион человека может соответствовать норме по количеству съеденных граммов белка, но быть абсолютно несбалансированным по составу аминокислот, особенно незаменимых.

Для взрослого человека может быть принята следующая формула сбалансированности незаменимых аминокислот (количество граммов в сутки):Тринтофан-1,0; Лейцин- 4-6; Изолейцин- 3-4; Треонин- 2-3; Лизин- 3-5; Метионин- 2-4;Фенилаланин- 2-4; Валин- 3-4.

Исследование нами аминокислотного состава орехов (табл.1) свидетельствует о их высокой биологической ценности, поскольку в них присутствуют все незаменимые аминокислоты. По нашим данным сумма незаменимых аминокислот в белке грецкого ореха составляет- 5,94%, в белке миндаля- 6,82%, а в белке фисташек- 8,76%.

Сравнение наших данных по содержанию незаменимых аминокислот в исследованных видах орехов с рекомендуемой формулой сбалансированности незаменимых аминокислот также показывают, что орехи фисташек более сбалансированы по содержанию незаменимых аминокислот, чем грецкого ореха и миндаля.

Следует отметить, что в белках растительных продуктов питания нехватает незаменимая аминокислота - лизин. Поэтому лизин для продуктов растительного происхождения считается лимитирующей аминокислотой. По нашим данным в 2 раза богаче лизином оказалась фисташка , чем грецкий орех и миндаль.

В целом можно сделать вывод о том, что орехи отличаются высоким

содержанием белков и сбалансированы по аминокислотному составу. Поэтому целесообразно ежедневно включить в рацион питания в профилактических целях. Из-за высокой пищевой и биологической ценности орехи также с успехом могут быть использованы в качестве обогатителей в производстве ряда продовольственных товаров.

Литература:

1. Стрела Т.Е. Орех грецкий. Киев.: Наук. Димка, 1990-192.с.
2. Original Article., Effect of storage temperature and time on the nutritional quality of walnut male inflorescences., Wen-E Zhang, Chang-Lei Wang, Bin-Bin Shi, Xue-Jun Pan., J o u rnal of food and drug a n a l y s i s., № 2 5 (2 0 1 7) 3 7 4 -3 8 4.
3. Кочетов Г.А. “Практическое руководство по энзимологии”. М.: Высшая школа, 1980, с.259.
4. Кузнецов В.В. Сорта плодовых субтропических орехоплодных культур и ягод. Ташкент: Узбекистан, 1968-280.с.

УПРАВЛЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ ПРОЦЕССАМИ СЕРВИСНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Пардаев Г.Я. - СамИЭС, ассистент кафедры «Сервис»
Мирзаахмадов Д. - СамИЭС, ассистент кафедры «Сервис»

***Аннотация**: В этой статье рассмотрены основные характеристики выпечки мучных изделий их массопередача энергии в электромагнитном поле пропечённость изделий при подачи температур автоматическим способом в переменных величинах.*

***Ключевые слова:** температура, мучные изделия, математическая модель, синтез, массопередача.*

Основой для составления математических моделей являются количественные закономерности, которые характеризуют физико-химические процессы, протекающие в исследуемом объекте. При описании тепловых процессов и аппаратов необходимо учитывать уравнения тепло и массопередачи, характеризующие перенос тепла и массы и уравнения биохимического превращения веществ.

При выпечке мучных изделий в электромагнитном поле продолжительность процесса значительно сокращается по сравнению с традиционным способом. Как известно, что выпечка мучных изделий протекает в условиях нестационарного нагрева важным показателем здесь может служить температурное поле. Температурное поле изображалось как совокупность мгновенных значений температуры по высоте центральной части образца.

Нами получены математические модели и оптимизации процессов, определяющие зависимость температуры T (^oC) в центре выпекаемых изделий от продолжительности выпечки $\mathfrak{Z}$ и их массы «m». Для процесса выпечки мучных изделий математические модели получены на основе интерполяционного полинома Ньютона третьего порядка, т.е. из условия

прохождения графика функции T = f (ℑ,m). По рассчитанным значениям T построены графики изменения температуры от продолжительности нагрева для тестовых изделий. Сравнение экспериментальных и расчетных температур показано, что различие между ними не превышает 5% и соизмеримо с погрещностью опытов при изменении T, т.е. вполне допустимо [1].

Изучена кинетика влагоотдачи, изменение геометрических размеров (изменение высоты тестового изделия), распределение поля давления по слоям изделия в прогрессе выпечки хлеба. Скорость влагоотдачи центральных слоев практически остается постоянной, тогда как для поверхностных слоев скорость увеличивается до окончания процесса, что позволяет обезвожить их до уровня 20 %. Это создает условия для резкого повышения температуры корки . как видно из экспериментальных кривых, в первые 90 секунд выпечки наблюдается резкое повышение давления в подкорковых слоях до 300 – 330 Па. Увеличение объема теста-лепешки прекращается тогда, когда температура верхней поверхности достигает 115°С. общее увеличение тестовой заготовки в процессе выпечки по расчету составило 47,8 %.

В результате теплового воздействия составные части сырья, естественно, претерпевают изменения, которые могут оказывать как положительное, так и отрицательное влияние на качество готовых изделий. Вкус и цветность многих хлебобулочных изделий обусловлены в основном теме изменениями, которые происходят при тепловом воздействии на сырье. Однако при этом, как правило, уменьшается содержание углеводов, белков и жиров. Анализ воздействия активной воды в процессе выпечки хлеба позволяет создать математические модели, учитывающие все биофизико-химические явления, а также возможные различные возмущения.

Изменение температуры различных слоев теста в процессе выпечки вызывает и обусловливает протекание в этих слоях тех процессов, которые и приводят к образованию готового продукта.

Математическая модель, предложенная для расчета температуры, наглядно показывает за счет чего тестовая заготовка получает необходимую энергию для прогрева при выпечке хлеба в электромагнитном поле, вскрывает механизм переноса тепла, позволяет наметить пути интенсификации и выработать принципы обоснования рационального режимного процесса.

Расчет процесса выпечки хлеба с использованием активной воды проводился в процессе, протекающего с плотностью теплового потока 9 кВт/м^3, 12 кВт/м^3 и 15 кВт/м^3.

Математическое описание процессов теплообмена в тепловой обработке хлебопродуктов выглядит следующим образом [2]

$$t_j = t_{-1} + \left[Q_o + \alpha F\left(t_{n_{i-1}} - t_{o_{i-1}}\right) - \frac{\lambda F}{\Delta h}\left(t_{n_{i-1}} - t_{o_{i-1}}\right) - G_n \cdot i_n \right] * \frac{1}{m_x \cdot c} \cdot \Delta\Im \qquad (1)$$

Математическое описание процесса массообмена в тепловой обработке хлебопродуктов имеет следующий вид :

$$W_j = W_{i-1} + \left[\frac{D \cdot \rho}{\Delta h} \cdot F(W_{i-1} - W_{o-2}) + \delta_{i-2}\left(t_{o(i} - t_{o(u)}\right) - \beta \cdot F = \left(W_o - W_{i-1}^{\nu}\right) \right] \cdot \frac{1}{m_{cb}} \cdot \Delta\Im \qquad (2)$$

Очевидно, что при повышении температуры и при увеличении глубины будет происходить сближение расчетного и экспериментального значений температурного поля.

Приведенные анализы дают возможность получить достаточно полное представление о характере изменения температурного поля по времени и выбрать с достаточной степенью точности автоматизированной рациональной режим энергоподвода.

Резюмируя, можно отметить, что предложенная математическая модель и оптимизация технологического процесса выпечки хлеба позволяет эффективно организовать параллелно – последовательное выполнение этапов исследования и реализовать нисходящую стратегию качественного и количественного анализа тепломассообменного процесса готового продукта и восходящую тактику эффективного синтеза аппаратурного оформления автоматизированного нового технологического процесса в условиях тепловой обработки пищевых продуктов.

Список использованной литературы:

1. Маматов И.М. Пардаев Г. Я.Математическое моделирование в управлении тепломассообменными процессами производства хлебопродуктов в потребительской кооперации //Доклады Международной научно-практической конференции «Использование информационных технологий в образовательной деятельности управлении социально-экономическими процессами в потребительской кооперации (Информатика – 2002), Новосибирск, 2002, - с.175-180.

2. Маматов И.М. «Интенсификация тепломассообменных процессов производства хлебо- и мясных продуктов электрофизическими методами». Автореферат диссертации на основание ученой степени д.т.н., Таш.ХТИ, Ташкент, 2000 – 42 с.

САВДО ХИЗМАТЛАРИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Саттарова Н.Т. – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси ассистенти.

Аннотация: *Бугунги кунда савдо хизматлари глобализация жараёнининг ривожланишини таъминламоқда, ушбу мавзу мақолада ниҳоятда долзарб мавзу сифатида ўрганилган. Ўзбекистонда савдо хизматларини ривожланиб бориш бўйича юз берган институционал ўзгаришлар таҳлил қилиниб таклиф хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *савдо хизматлари, глобализация, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, институционал ривожланиш, босқич.*

Аннотация: *Сегодня торговые услуги обеспечивают развитие процесса глобализации, эта тема была изучена в статье как актуальная тема конца. Выводы предложения были даны в результате анализа институциональных изменений в развитии торговых услуг в Узбекистане.*

Ключевые слова: *Коммерческие услуги, Глобализация, предоставление услуг, сфера*

услуг, институциональное развитие, стадия.

Abstract: *Today, trade services ensure the development of the globalization process, this topic was studied in the article as an actual topic of the end. The conclusions of the proposal were given as a result of the analysis of institutional changes in the development of trade services in Uzbekistan.*

Keywords: *Commercial services, globalization, service provision, service sector, institutional development, Stadium.*

Мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва фаровон яшаши учун иқтисодий ўсиш бўлиши шарт. Иқтисодий ўсиш − бу истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондирадиган сифатли маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг кўпайиб бориши, демакдир. У мамлакат иқтисодиётнинг илгарилаб ривожланиб боришини англатади.

Иқтисодиётнинг тадрижий равишда ўсиб боришини таъминлаш, яъни олдинги даврларга қараганда кўпроқ ялпи ички маҳсулот яратиш мақсадида мамлакатда мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларини капитал таъмирлаш, уларни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ёки малакали иш кучини тайёрлаш, тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш каби ишларни амалга ошириш зарур. Буларнинг барчаси бевосита инвестицион фаолият билан боғликдир.

Бугунги кунда савдо хизматлари глобализация жараёнининг ривожланишини таъминламоқда. Бунда жаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ўртасида савдо сотиқ ҳар бир аъзо давлат учун тенг савдо сотиқ қоидаларининг амал қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таррақиёт стратегияси”да таъкидланганидек “ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш хажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш”, шунингдек, “республика ҳудудларида савдо ва йўлбўйи хизматларини ривожлантириш орқали 130 та замонавий бозорлар ва савдо комплекслари... ташкил этиш” вазифаси белгилаб берилган.

Ўзбекистонда савдо хизматларини ривожланиб бориш бўйича юз берган институционал ўзгаришлар хронологиясини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу соҳада чуқур тадқиқодлар олиб бориш мамлакатимизда савдо муносабатларининг 30 йиллик мустақиллик даври кесимида таҳлил қилишни, аҳолининг истеъмол ҳажми ўзгаришини(чакана товар айланмаси кўрсаткичи), ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишни ҳамда пул-кредит ва фискал сиёсатнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора тадбирлар самараси сифатида таҳлил этишга имконият беради. Ҳар бир босқичда савдо хизматлари ўзига хос “бурилиш” нуқталарининг юз беришини тушунишни имконини беради.

Бизнинг фикримизча, савдо хизматларини ривожлантириш бўйича меёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш босқичлари ёки савдо

хизматларини ривожлантиришнинг меёрий ҳуқуқий асослари қуйидагилар ҳисобланади. Жумладан,

1-босқич. 1991-2000 йилгача- бу босқичда мустақил Ўзбекистон Республикасининг савдо хизматларини ривожлантириш бўйича қонунлари, меёрий ҳуқуқий асосларини қабул қилиниши, матлубот кооперацияларининг тугатилиши билан боғлиқ меёрий ҳуқуқий асослар баён қилинади.

2-босқич. 2000-2016 йилгача – бу босқичда Ўзбекистон Республикасидаги савдо қонунчилиги такомиллаштириш бўйича тегишли қонунлар қабул қилиниши айниқса савдо хизматларига алоҳида эътибор берилиши билан боғлиқ ҳужжатлар тараққиёти ифода этилади.

3-босқич. 2017-бугунги кунгача даврни ўз ичига олиб Ўзбекистонда савдо хизматларининг янги босқичда ривожланиши бўйича зарурий меёрий ҳужжатлар қабул қилинишининг институционал асослари баён қилинади.

Институционал ўзгаришларга соҳадаги мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш; бозор инфратузилмасини (тижорат банклари, товар ва фонд биржалари, инвестиция фондлари ва ҳ.к.)шакллантириш; иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг савдо хизматлари билан боғлиқ янги тизимини яратиш ҳамда бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилигини қабул қилиш жараёнларини ҳам ўз ичига олади. Мамлакатимизда савдо соҳасининг ривожланиши бевосита хорижий давлатлардаги иқтисодий ҳолатларга ҳамда турли иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиш билан бирга инвестициялар оқимига ҳам боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудларининг савдо тизимига тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар халқаро ҳамкорликнинг бошқа шаклларига нисбатан қатор сезиларли афзалликларга эга.

Биринчидан, хорижий заём ва кредитлардан фарқли равишда ташқи қарзга қўшимча тўлов тушмайди, аксинча, уни қайтариш учун маблағ тўплашга имкон беради.

Иккинчидан, улар товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга қўйилмалар учун капитал манбаи бўлиб хизмат қилади, янги технологиялар, ноу-хау, бошқарув ва маркетингнинг илғор методлари жалб этилишини таьминлайди.

Учинчидан, хорижий технологиялар ҳудудий бирликларни жаҳон иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувнинг халқаро стандартларига яқинлаштиради, маҳаллий хўжаликнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интенсив интеграциясига имкон яратади.

Фойданилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.05.2021 йилдаги ПҚ-5113-сон Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

2. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. // Ғ.Ҳ.Қудратов, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, А.Бектемиров, Ш.А.Султонов, Ф.Б.Абдукаримов, У.Н.Нормуродов, З.С.Артиков, О.М.Пардаева, Ш.Ш.Негматова; // И.ф.д., профессор М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2016. – 430 бет.

III ШЎЪБА. СЕРВИС СОҲАСИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Адилов С.Б. – *«UzTest» DK Самарқанд филиали бош мутахассиси*

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг хизматлар соҳасидаги фаолият ва жараёнларни техник жиҳатдан тартибга солиш тизими масалалари, жумладан унинг асосий принциплари, таркиби, тизимли ёндошувнинг умумий шартлари, стандартларни қўллашнинг ихтиёрийлиги, сифат менежменти тизимлари атрофлича кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Сифат менежменти тизими, техник регламент, O'z DSt ISO/IEC 2:2007, халқаро сифат менежменти, стандарт, техник нормалаш.*

Кириш: Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан *(Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 211-модда)* Ўзбекистон иқтисодиёти маҳсулот, ишлар, хизматларга талаблар ўрнатишнинг халқаро амалиётга яқин бўлган мутлақо янги тизимига ўтмоқда. Қонун, мажбурий талабларни ўрнатиш, қўллаш ва бажариш соҳасида, шунингдек маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида талабларни ихтиёрий асосда ўрнатиш ва қўллаш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади. Қонун қоидаларининг амалга оширилиши хавфсизлик даражасини маъмурий аралашувнинг минимал ҳолатида таъминлайди ва бозорда хавфли ҳамда сохталаштирилган маҳсулот пайдо бўлишининг олдини олишга, шунингдек халқаро савдодаги техник тўсиқларни камайтиришга замин яратади. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги» Қонун орқали Ўзбекистонда жорий этилган техник жиҳатдан тартибга солиш – тизимли ёндашув, яъни - техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини ишлаб чиқиш ва ишлашини таъминлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлган мураккаб илмий-техник вазифадир (Ўзбекистон Республикаси *«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 6 моддаси)*.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг асосий принциплари

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига биноан қуйидагилар белгиланган:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги *(чунки техник регламент бир турдаги маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни ўрнатувчи, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳисобланади)*;

техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги *(яъни техник регламент Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўлланилади)*;

техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

очиқлилик *(техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги)*.

Қонундаги таъриф бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киради:

- техник регламентлар;

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун, 3-моддасига асосан техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш.

- стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар;

- санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари; - шаҳар қурилиш, экологик нормалари ва қоидалари;

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

- амалдаги, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибтаомили тўғрисидаги маълумотларни;

- республиканинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

- ишлаб чиқилаётган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш топширилган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг таркиби

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

-техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Қурилиш вазирлиги,

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

-техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг келтирилган таркиби тизимни бошқариш асосидир. Тизимнинг норматив-ҳуқуқий базасини

қонун ҳужжатлари, Ҳукумат қарорлари, техник регламентлар, стандартлаштириш соҳасидаги ҳужжатлар (халқаро, давлатлараро, минтақавий, миллий стандартлар, усулиятлар, йўриқномалар, тавсияномалар), қоидалар ва нормалар (санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария, шаҳар қурилиши, экологик ва бошқалар), техник ҳужжатлар (конструкторлик, технологик, лойиҳа, қурилиш, дастурий, фойдаланиш, тузатиш) ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу ҳужжатларнинг барчаси Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими каби аниқ бир яхлитликни яратиш мақсадида ўзаро боғлиқ бўлиши ва доимий равишда актуаллаштирилиб борилиши керак.

Техник жиҳатдан тартибга солишга тизимли ёндошувнинг умумий шартлари

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига биноан - техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажаришдан иборат.

XXI аср МДҲ давлатларида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини шакллантириш бўйича қонун ижодкорлиги билан эътиборга молик. Ушбу тушунчага расмий мақом бериш учун тегишли қонунлар қабул қилинган (мисол учун, Белоруссия, Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон, Украина ва бошқаларда).

“Техник жиҳатдан тартибга солиш” тушунчасини кенг маънода шарҳлаш бу бирор-бир объектга талаблар ўрнатиш билан белгиланади. Мисол учун, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларда ушбу тушунча атрофмуҳитни сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, маҳсулотлар техник мувофиқлигини таъминлаш мақсадида стандартларни ўрнатиш ва уларга риоя этишни назорат қилиш сифатида тушунилади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги Ташкилоти доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш - бу давлат томонидан маҳсулотга техник талабларни ўрнатадиган ҳужжатлар деб тушунилади. Талабларни ўрнатиш МДҲ давлатларида ҳам техник жиҳатдан тартибга солишнинг энг муҳим элементи деб ҳисобланади.

“Стандартлаштириш” тушунчаси шубҳасиз, техник жиҳатдан тартибга солиш каби талаблар ўрнатиш орқали инсоннинг барча фаолият доирасини тартибга солишга йўналтирилган.

Кўпгина европа давлатлари ва АҚШда “техник жиҳатдан тартибга солиш” ва “техник регламент” тушунчалари қўлланилмайди. Уларда махсус ваколатли эксперт комиссияси қарори бўйича ихтиёрий стандартлар мажбурий тус олади ёки қонунчилик ҳужжатларида ихтиёрий стандартларга ҳаволалар киритилади. Мисол учун Беларусь Республикасида “техник нормалаш” тушунчаси қўлланади (норма - лотичадан norma – қонунлаштирилган қоидалар, тан олинган мажбурий тартиб, тасдиқланган чора).

Шундай қилиб, стандартлаштириш техник жиҳатдан тартибга солишнинг норматив асосларини, демакки техник регламентларни яратади.

Стандартларни қўллашнинг ихтиёрийлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни техник регламент қабул қилиниши билан маҳсулотлар,

ишлар ва хизматларга стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлардан фойдаланиш ихтиёрий тус олишини белгилаб берди (22 модда).

Бундан келиб чиқади-ки, агар маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга техник регламентлар тасдиқланган бўлса, стандартлаштириш бўйича янги ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатлар фойдаланиш учун ихтиёрий бўлади.

Маълумот учун: O'z DSt ISO/IEC 2:2007 стандартига мувофиқ "стандарт – консенсус асосида ишлаб чиқилган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган, умумий ва қайтақайта фойдаланиш учун турли фаолият турлари ёки уларнинг натижаларига тегишли қоидалар, умумий принциплар ёки тавсифномалар белгиланадиган ва аниқ соҳада тартибга солишнинг оптимал даражасига эришишга йўналтирилган ҳужжат"

Хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланилаётган асосий стандартлар

Хизмат кўрсатишнинг асосий турлари қўйидагилардан иборат *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон):*

- алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари;
- молиявий хизматлар;
- транспорт хизматлари;
- яшаш ва овқатланиш хизматлари;
- савдо хизматлари;
- кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар;
- таълим соҳасидаги хизматлар;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар;
- ижара хизматлари;
- компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар;
- шахсий хизматлар;
- меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар;
- бошқа хизматлар.

Юқоридаги хизматлар асосан маҳсулотларни сотиш хажмидан келиб чиққан бўлиб, маълумки хизматларини сотиш ҳажми қуйидаги хусусиятларга боғлиқ

- ишлаб чиқарган маҳсулотни (хизматни) ғамлаб қўйиш, тўплаш, сақлашнинг мумкин эмаслиги;
- сифатнинг ўзгариб туриши (доимий эмаслиги).

Хусусиятлардан келиб чиқиб ҳозирда хизматлар қуйидаги жараёнга қўйилган талаблар бўйича стандартлар жорий этилмоқда.

- ISO 9001 Сифат менежменти тизими;
- ISO 14001 экалогик менежмент тизими;
- ISO 45001 (OHSAS 18001) техника хавфсизлиги ва меҳнат мухофазаси менежменти;
- ISO 50001 энергияменежменти;
- GLOBAL G.A.P – қишлоқ хўжалиги ерлари хавфсизлигига қўйилган талаблар;
- ORGANIC - қишлоқ хўжалиги ва тегишли маҳсулотлар етиштириш хавфсизлиги;

- ҲАЛОЛ – исломий талаблар бўйича ишлаб чиқилган стандарт.

Сифат менежменти тизимлари

Сифат менежменти тизими - бу дунё миқёсида қабул қилинган сифат менежменти тизими бўлиб, мижозлар талаблари, эҳтиёжлари ва тартибга солувчи талабларини қондириш орқали мижозлар эҳтиёжини оширишни назарда тутади. У сифат менежменти тизимининг ҳолатини кўп жиҳатдан ташкилотнинг ташкилий тузилишидан тортиб, мижозларнинг қониқиш даражасига, тўпланган маълумотларни таҳлил қилишдан жараёнларни самарали бошқаришга, ички аудитдан маҳсулот дизайнига, сотиб олишдан сотишга қадар.

ISO 9001 халқаро стандарти асосан бошқариш механизмидир. Ушбу стандартнинг мақсади - хатолар ва нуқсонларни камайтириш, йўқ қилиш ва олдини олиш. Стандарт маҳсулот ва хизматларнинг сифати билан эмас, балки бошқарув тизимининг сифатига бевосита боғлиқдир. Асосий тахмин шундан иборатки, агар самарали Сифат Менежменти Тизими яратилса ва жорий этилса, мижозлар эҳтиёжларини қондириш учун сифатли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади.

ISO 9001 сифат менежменти тизими дунёдаги энг машҳур сифат менежменти тизими стандарти бўлиб, дунё бўйлаб 180 мамлакатларидаги миллиондан ортиқ ташкилотларни сертификатлаштирган.

9001 стандарти Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан эълон қилинган 9000 серияли стандартлардан мувофиқликни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин бўлган ягона стандартдир.

ISO 9001, шунингдек, кенг тарқалган ишлатиладиган OHSAS 13485 ва ISO 16949 каби ISO 9100 (тиббий асбоблар), ISO / TS 18001 (автомобил), AS / EN 14001 (аерокосмик) ва бошқарув тизимлари каби саноат учун стандартлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро сифат менежменти тизмларини жорий этиш бўйича Самарқанд вилоятида 2021 йилда амалга оширилган ишлар

33 та маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ISO 9001:2015, ISO 22000:2019, ISO 14001:2018, ISO 45001:2020 стандартларга мувофиқ менежмент тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритиш бўйича махсус ўқув курси ташкил этилди.

2021 йилда вилоят корхоналарида менежмент тизимларини жорий этиш тармоқ жадвалига **10** та ишлаб чиқариш ва экспортёр корхоналар киритилган бўлиб, ушбу корхоналарда йил давомида **ISO 9001, ISO 50001**ва **GLOBAL G.A.P** стандартлари жорий этилиб сертификатлаштирилди.

Халқаро GLOBAL G.A.P стандарти "Samarqand Garden Plast" МЧЖ ҚК (909 г), "Agroliniya Samarkand" МЧЖ (31 га), “Maroqand Meva sabzavot” МЧЖ (1200 га), “Pichokchi Dry Fruits” МЧЖ (30 га) жорий этилди (жами 2170 га мйдон).

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 3 та корхоналарда халқаро **Oeko-Tex 100** стандарти жорий этилди ҳамда сертификатлаштирилди *(“Amin Invest International” МЧЖ ҚК, “Sam Rafoat*

Tekstil" МЧЖ, "Sam Nigin" МЧЖ).

"SAM NUR TAVFIZ" МЧЖ корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган электротехника маҳсулотларига CE маркировкасини тасдиқловчи сертификатлаштирилди.

Ишлаб чиқарилаётган, етиштирилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида, **78та** корхона халқаро стандартлар талабларига мувофиқ менежмент тизимлари жорий этилди *(шундан ISO 9001 – **32та**, ISO 22000 – **13та**, ISO 14001 – **32та**, ISO 45001 – **1та**).*

2022 йилда режалаштирилган ишлар

биринчи – **1 080 та** тадбиркорлик субъектларида **профилактика** тадбирлари ўтказилади ва **амалий ёрдам**кўрсатилади;

иккинчи – экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида **13та** корхонада ISO 9001, **14та**корхонада ISO 22000, **3та**корхонада ISO 14001, **3та**корхонада ISO 45001 стандартлари жорий қилинади;

учинчи – **2та** корхона "Ҳалол", **1та** корхонада "ORGANIC" ва BIO стандартлари асосида сертификатланади;

тўртинчи – тўқимачилик саноатида **2та** корхонада **OEKO TEKC** халқаро стандартлари жорий этилади;

бешинчи - ҳудудда фаолият юритаётган экспортчи корхоналарнинг ва 2022 йилда ишга туширилиши белгиланган инвестиция лойиҳа ташаббускорларининг**25 нафар** мутахассисларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида малакаси оширилади.

Соҳа юзасидан жамиятимизда учраётган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар

Муаммолар

1. Асосан ўрта ва кичик бизнесда (шу жумладан хизмат кўрсатишда) халқаро стандартларни жорий қилиш орқали корхона рақобатчилари олдида реал даражада устунликка эга бўлишга малакалилиги йўқлиги ёки малакали ходимлар етишмаслиги;
2. Истеъмолчилар хаёти, соғлиги ва атроф-мухит учун хавфли бўлган маҳсулотларни камайишига еришиш, уларнинг ишлаб чиқаришда, етказиб бериш ва сотишда баъзи ҳолларда нормаларга риоя этмаслик, корхоналарда сифат назоратининг камлиги;
3. Хизмат кўрсатишда халқаро сифат тизимлари жорий этишнинг етарли эмаслиги натижасида халқаро ишончнинг камлиги.

Таклифлар

1-муаммо юзасидан:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ходимларни ва олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини тегишли илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда тадқиқотларни олиб бориш;

- маҳсулот ва хизматлар сифатига алоқадор олий ўқув юртларидаги дарс юкламаларини соҳа вакиллари билан қайта кўриб чиқиш, халқаро талаблардан келиб чиқиб маълумотларни дарсликларни янгилаш;

2-муаммо юзасидан:

- корхоналарда сифат назоратининг камлиги ўз навбатида истеъмолчи ва давлат манфаатларининг бузулишига олиб келади, буларнинг олдини олиш мақсадида непотизмдан қочган холда малакали ва тегишли маълумотга эга бўлган ходимларни ишга олишни тарғибот қилиш (непотизмга тоқатсизлик қилиш, непотизм бор корхоналар билан бизнес ҳамкорликдан қочиш).
- корхоналарда синов лабораторияларни ташкил этиш;

3-муаммо юзасидан:

- Хизмат кўрсатишда халқаро ишончга эришишда дипломатик алоқалардан ташқари халқаро сифат тизимлари жорий этишнинг ўрни катта, (масалан: Ҳалол меҳмонхона Имом Ал-Бухорий зиёрат яқнида қурилмоқда), хизмат кўрсатишни лойиҳалаштиришда сифат тизимларини жорий этишни инобатга олиш, ходимларни тайёрлашда бирламчи мақсад халқаро даражага чиқиш бўлишини тарғиб этиш (тушиниб етиш).

ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмеджанова Ф.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси доценти, т.ф.н
Абдурайимов У.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация*: Хизматлар сифатини таъминлаш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардоршлигини ошириш ва бошқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хизматлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар стандартлар орқали белгиланади. Хизматлар ўзига хос хусусиятига эга бўлиши билан бирга, хизмат турлари истеъмолчиларнинг талабларига қараб кун-сайин ўзгариб боради ва тўхтовсиз ривожланади. Шу сабабдан хизматларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва жахон талабларига мослаштириш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Хизматлар соҳаси, хизматларни стандартлаштириш, хизматларни сертификатлаштириш, хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги, меъёрий – техник хужжатлар.*

Аннотация: *Обеспечение качества услуг, повышение их конкурентоспособности на мировом рынке и управление ими является одним из приоритетов в развитии экономики страны. Требования к качеству и безопасности услуг определяются стандартами. В то время как услуги имеют свои особенности, виды услуг меняются день ото дня в зависимости от потребностей и постоянно развиваются. По этой причине стандартизация, сертификация услуг и их соответствие требованиям международных стандартов является одним сложных вопросов.*

Ключевые слова: *Услуги, стандартизация услуг, сертификация услуг, качество и безопасность услуг, нормативно-технические документы.*

Annotation:*: Ensuring the quality of services, increasing their competitiveness in the world market and managing them is one of the priorities in the development of the country's economy. Requirements for the quality and safety of services are defined by standards. While services have their own characteristics, the types of services change day by day depending on the needs and are constantly evolving. For this reason, standardization, certification of services and their compliance with the requirements of international standards is one of the complex issues.*

Key words: *Services, standardization of services, certification of services, quality and safety of services, normative and technical documents.*

Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқ парвар давлат барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Халқ парвар давлат барпо этиш йўналишларидан бири мамлакатимизда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва ҳиссасини ошириш, хизматлар сифатини диверсификация қилиш ва такомиллаштириш ҳамда унинг инфратузилмасини кенгайтиришга экспорт фаолиятини либераллаштириш, экспорт тузилиши ва географиясини кенгайтириш, иқтисодиёт соҳалари ва худудларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ва сафарбар қилиш ҳисобланади.[2]

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти

таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради. Хизматлар сифатини янада яхшилаш, унинг хизматлар бозорида рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳолининг хизматларга бўлган талабларини тўлароқ қондириш мамлакатимизнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу вазифани ҳал этишда республикамизда амалга оширилаётган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишлари муҳим роль ўйнайди. Чунки, хизматлар сифати асосан уларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш орқали таъминланади. Хизматлар сифатини таъминлашга эса, уларнинг сифат кўрсаткичларини меъёрлаштириш орқали эришилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда сифатли хизмат курсатиш, шу сохада фойда олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар ҳам стандартлар орқали белгиланади. Стандартда фан, техника ва халқаро тажрибанинг илғор ютуқлари шаклланади, чунки стандартларни тузишда маҳсулот ва хизматлар сифатига инсон ҳаёти, мол – мулки ва атроф муҳит учун хавфсизлик талаблари белгиланади[3]. Ҳозирги кунда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган турли хил хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бундай чора-тадбирлар инсон ҳаёти, унинг мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз ва жамият талабларига мувофиқ келадиган хизмат курсатишда мухим омиллардан ҳисобланади.

Хизматлар соҳаси кўп қирали бўлиши билан бирга, хизмат турлари истеъмолчиларнинг талабларига қараб кун-сайин ўзгариб бориятпти ва тўхтовсиз ривожланаятпти. Шу сабабдан ахолига кўрсатаётган хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики ахолига кўрсатаётган хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кўп ҳолларда мажбурий бўлмаган, яъни ихтиёрий шаклда олиб борилган, чунки бозор ва унда мавжуд бўлган жиддий рақобат курсатаетган хизматларни ўз-ўзидан бир қолипга солиб қўяди.

Рақобат кучли бўлганлиги сабабли ушбу сохада стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этишга бўлган талаблар ҳам кун-сайин ўсиб бормоқда. Маҳсулотлар экспорт географиясининг кенгайиши ва уларни жаҳон бозорида эркин ҳаракатланишида, турли хил савдодаги техник тўсиқларни пайдо бўлишини олдини олишда хорижий давлатларда белгиланган талабларни инобатга олиш учун, халқаро, минтақавий ва хорижий давлатларнинг миллий стандартларини республикамиз ҳудудида Миллий идоранинг қарорига мувофиқ миллий стандарт сифатида ўзгаришсиз қабул қилиш орқали қўллаш амалиёти жорий этилмоқда. Ҳозирда Европа стандартлаштириш қўмитаси (CEN), Франция стандартлаштириш уюшмаси (AFNOR), Германия стандартлаштириш ташкилоти (DIN) ва Россия Федерацияси Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология федерал агентлиги (Росстандарт) сингари ташкилотлар билан стандартларни қўллаш бўйича ҳамкорлик келишувлари мавжуд. Ушбу келишув асосида турли соҳаларда кўрсатилаётган хизматларни стандартлаштириш ва

сертификатлаштириш бўйича ишларни олиб боришмоқда. Ушбу стандартларнинг асосий буюртмачилари – тадбиркорлар, ишлаб чиқориш корхоналари ,туроператорлар, хусусий сектор тадбиркорларидир. Бу меъёрий ҳужжатларни истеъмолчиларнинг хавфсизлигига даҳлдор бўлган кўрсаткичлари мажбурий ва сифат кўрсаткичларига мансуб бўлган талаблари ихтиёрийдир. Шунинг учун, кўп чет эл корхоналари икки хил сертификат, яъни махсулотлари учун мажбурий меъёрий ҳужжат талабларига мос келишини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатига ҳамда ташкил этилган сифат тизимининг халқаро ИСО 9001 серияли стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатга эгадирлар.

Жаҳон бозорида рақобат муҳитининг шиддатли тус олиши, ўз навбатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни бозор талабларига шиддат билан мослашиши ҳамда рақобатбардош бўлишини тақозо этади. Ҳозирда, Жаҳон савдо ташкилоти (WTO), Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) сингари йирик ташкилотлар талабларига асосан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмол бозорлари ва хорижий давлатлар бозорларига эркин кириб боришида рақобат муҳитини яратишда стандартларни қўллаш ихтиёрийликни касб этади. Шунга кўра, янги таҳрирда ишлаб чиқилаётган стандартлаштириш қонун лойиҳасида миллий стандартларни ихтиёрий асосда қўллаш амалиёти таклиф этилмоқда. Бунда, қўлланилиши мажбурий бўлган стандартлар рўйхати фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хизматлар соҳасида мавжуд бўлган барча стандартлаштириш ва сертификатлаштириш муаммоларини бартараф этиш, барча соҳадаги мутахассисларидан унумли фойдаланиб аҳолига сифатли хизмат курсатиш учун Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги мутахассислари соҳа мутасадди ташкилотлари ва соҳа иштирокчилари билан биргаликда яқиндан муамоларни ҳал қилсалар максадга мувофик булар еди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.01. 2022 йилдаги ПҚ-104 сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01. 2022 йилдаги ПФ-60 сонли “ Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

3.Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни 1993-йил 28-декабр.

4.Ўзбекистон Республикасининг “Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги қонуни 1993-йил 28-декабр.

ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ КАЧЕСТВА В РЕСТОРАНОВ

Каримова Ш. – СамИСИ, Сервис кафедраси асистенти

Аннотация: *Целью проведенного исследования является выявление нескольких проблем, для которых необходимы серьезные изменения в организационной структуре, общей корпоративной культуре, стиле и методах менеджмента, зачастую в смене номенклатуры создаваемой и производимой продукции.*

Ключевые слова: *управление качеством, международный стандарт, качество продукции, корпоративная культура.*

Аннотация: *Тадқиқотнинг мақсади ташкилий тузилма, умумий корпоратив маданият, бошқарув услуби ва усулларида, кўпинча яратилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар номенклатурасини ўзгартиришда жиддий ўзгаришларни талаб қиладиган бир нечта муаммоларни аниқлашдир.*

Калит сўзлар: *сифат менежменти, халқаро стандарт, маҳсулот сифати, корпоратив маданият.*

Abstract: *The purpose of the study is to identify several problems that require serious changes in the organizational structure, general corporate culture, style and methods of management, often in changing the nomenclature of products created and manufactured.*

Keywords: *quality management, international standard, product quality, corporate culture.*

Предприятие общественного питания — общее название организации, которая оказывает услуги общественного питания посредством: производства кулинарной продукции, её реализации и организации питания различных групп населения. Предприятия, оказывающие услуги по общественному питанию – это закусочные, кафе, бары, столовые, рестораны, осуществляющие продажу готовой к употреблению пищи и полуфабрикатов. Сертификацию предприятия общепита проходят в добровольном порядке, но торговать они могут только продуктами питания, которые были сертифицированы.

Международный стандарт - стандарт, принятый международной организацией. Стандартом называется документ, в котором устанавливаются характеристики продукции, эксплуатации, хранения, перевозки, реализации и утилизации, выполнения работ или оказания услуг. Основное назначение международных стандартов - это создание на международном уровне единой методической основы для разработки новых и совершенствование действующих систем качества и их сертификации.

Целями являются: сближение уровня качества продукции, изготавливаемой в различных странах; обеспечение взаимозаменяемости элементов сложной продукции; содействие международной торговле; содействие взаимному обмену научно-технической информацией и ускорение научно-технического прогресса.

Задачами являются: установление требований к техническому уровню и качеству продукции, сырья, материалов, полуфабрикатов и комплектующих изделий, а также норм, требований и методов в области проектирования и производства продукции, позволяющих ускорять внедрение прогрессивных

методов производства продукции высокого качества и ликвидировать нерациональное многообразие видов, марок и размеров; развитие унификации и агрегатирования промышленной продукции как важнейшего условия специализации производства; комплексной механизации и автоматизации производственных процессов, повышение уровня взаимозаменяемости, эффективности эксплуатации и ремонта изделий; обеспечение единства и достоверности измерений в стране, создание и совершенствование государственных эталонов единиц физических величин, также методов и средств измерений высшей точности; разработка унифицированных систем документации, систем классификации и кодирования технико-экономической информации; принятие единых терминов и обозначений в важнейших областях науки, техники, отраслях экономики; формирование системы стандартов безопасности труда, систем стандартов в области охраны природы и улучшения использования природных ресурсов; создание благоприятных условий для внешнеторговых, культурных и научно-технических связей. В Узбекистане планомерно растёт число предприятий, которые внедрили у себя систему качества. Но нельзя сказать, что это происходит однозначно интенсивно.

Стандарты вообще, и ISO 9000 в том числе, обобщают наблюдения людей над тем, как сделать что-то лучше, быстрее, дешевле. Возможно, главным результатом подготовки предприятия к получению сертификата ISO 9000 является изменение сотрудников предприятия отношения к своей работе. Систему качества надо выстрадать. Надо, чтобы все сотрудники предприятия осознали роль процедур, направленных на обеспечение качества. А эта роль - обеспечить достижение главной цели деятельности любого предприятия: удовлетворение требований клиента.

Предприятие, успешно прошедшее процесс сертификации ISO 9000 получает:

1) Экономия расходов - международные стандарты позволяют оптимизировать операции и, тем самым, улучшают конечный результат

2) Расширение потребительской удовлетворенности - стандарты помогают улучшить качество, повысить удовлетворенность потребителей и увеличить продажи

3) Доступ к новым рынкам - стандарты помогают преодолеть торговые барьеры и открывают доступ на мировые рынки

4) Увеличение доли рынка - стандарты помогают увеличить производительность и конкурентоспособность

5) Экологические преимущества - стандарты помогают снизить негативное воздействие на окружающую среду

Эти результаты, по мнению специалистов, являются типичными. Неожиданным оказалось то, что сертификация ISO 9000 дает положительный эффект не только на крупных предприятиях, но и на предприятиях не очень большого размера.

Качество - комплексное понятие, характеризующее эффективность всех сторон деятельности: разработка стратегии, организация производства, маркетинг и др.

Важнейшей составляющей всей системы качества является качество продукции. В соответствии со стандартом ISO 9000: качество - это совокупность характеристик объекта, относящихся к его способности удовлетворять установленные и предполагаемые потребности. Ключевой задачей менеджмента компаний является создание и практическая реализация системы менеджмента качества. Управление качеством услуги является, по существу, сквозным аспектом системы управления предприятием - аналогичным таким, как время, затраты, управление персоналом. Именно это положение находится в основе основополагающих принципов, находящихся в основе современных систем менеджмента качества. Помимо того, что есть нормативные документы, регламентирующие работу всех подразделений на этапах создании услуги, есть также жесткая система контроля, которая позволяет зафиксировать и выявить все нарушения стандартов предоставления качественной услуги. Тем не менее, имеются значительные резервы по улучшению качества предоставляемых услуг. Функционирование системы качества - это выполнение руководством и всеми подразделениями своих функций и задач с целью обеспечения качества услуги. В этом состоит содержательная сторона деятельности системы, то есть то, для чего она предназначена.

Литература:

1. Винокуров В.А. Организация стратегического управления на предприятии. - М.: Центр экономики и маркетинга, 2014. - 160 с.

2. Менеджмент организации: Учеб. пособие / Под ред. З.М. Румянцевой. - М: ИНФРА-М, 2015. - 432 с.

3. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. - М.: Дело, 2014.-432 с.

STANDARTLASHTIRISH VA SERTIFIKATLASHTIRISHNING TOVARLAR SIFATI VA XAVFSIZLIGIGA QO‘YILADIGAN TALABLARI

Axmedjanova F.A. – SamISI dotsenti, t.f.n.
Ishbekov A. – SamISI, XSE-119 gurux talabasi

Annotatsiya: *Hozirgi vaqtda iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlarda sifat, ichki va tashqi bozorga chiqariladigan mahsulot hajmini ko‘paytirish garovi va foyda olishning asosiy manbasi hisoblanadi. Ushbu maqolada standartlashtirish va sertifikatlashtirish maqsadidan kelib chiqqan xolda tovarlar sifati va xavfsizligiga qo‘yiladigan talablari yoritib berilgan.*

Kalit so‘zlar: *standartlashtirish, sertifikatlashtirish, mahsulot sifati, ergonomik talablar, pishiq–puxtalik talablar, ekologik talablar, estetik talablar.*

Аннотация: *В настоящее время в экономически развитых странах качество является основным источником обеспечения прибили, увеличивая объем продукции, экспортируемой на внутренние и внешние рынки. В данной статье описаны требования к качеству и безопасности товаров исходя из целей стандартизации и сертификации.*

Ключевые слова: *стандартизация, сертификация, качество продукции, эргономические требования, экологические требования, эстетические требования.*

Annotation: *At present, in economically developed countries, quality is the main source of*

profit, increasing the volume of products exported to domestic and foreign markets. This article describes the requirements for the quality and safety of goods based on the goals of standardization and certification.

Key words: *standardization, certification, product quality, ergonomic requirements, environmental requirements, aesthetic requirements.*

Mamlakatimiz iqtisodiyotini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash sharoitida tarmoqlar va sohalar raqobatdoshligini oshirishni ta’minlash, mamlakatda ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini yanada yaxshilash, uning ichki va tashqi bozorda raqobatbardoshligini oshirish hamda aholining sifatli tovarlarga bo‘lgan talablarini to‘laroq qondirish muxim vazifalaridan biri hisoblanadi. Bu vazifani hal etishda respublikamizda amalga oshirilayotgan standartlashtirish va sertifikatlashtirish ishlari muhim rol o‘ynaydi. Chunki, mahsulot sifati va xivfsizligi asosan ularni standartlashtirish va sertifikatlashtirish orqali ta’minlanadi. Mahsulot sifatini ta’minlashga esa, ularning sifat ko‘rsatkichlarini me’yorlashtirish orqali erishiladi. [1]

Hozirgi vaqtda iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlarda sifat, ichki va tashqi bozorga chiqariladigan mahsulot hajmini ko‘paytirish garovi va foyda olishning asosiy manbasi hisoblanadi.

Ma’lumki, mamlakatda sifatli mahsulot qancha ko‘p ishlab chiqarilsa, shuncha sifatsiz mahsulotlar miqdorini kamayishiga, uning hisobiga xom ashyo va yarim fabrikatlarning tejalishiga, me’yoriy-texnik hujjatlarda belgilangan talablarga rioya qilish hisobiga tayyor mahsulot sotilishining oshishiga olib keladi.

Hozirgi kunda Respublikamiz birgina Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi (MDH) davlatlari bilangina emas, balki dunyoning ko‘pgina rivojlangan mamlakatlari bilan iqtisodiy aloqalarning rivojlanishida, tashqi bozorga chiqarish uchun mo‘ljallangan mahsulot sifati va xavfsizligi hal qiluvchi omillardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Demak, ichki va tashqi bozor uchun mo‘ljallangan mahsulotlar sifatini yaxshilash o‘ta muhim zaruratlardan biri bo‘lib hisoblanar ekan, mahsulotlar sifati iqtisodiy islohotlarni, yanada chuqurlashtirish va davlat siyosatini mustahkamlashda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

Ma’lumki, mahsulot sifati va xavfsizligi uning asosiy ko‘rsatkichlari orqali harakterlanadi. Shuning uchun ham mahsulot sifati va xavfsizligiga qo‘yiladigan talablar va me’yoriy hujjatlarga kiritiladigan sifat ko‘rsatkichlari ilg‘or fan va texnika, texnologiya hamda xalqaro tajribalarning talablariga javob beradigan bo‘lishi kerak.[2]

Ishlab chiqarilayotgan mahsulot qancha sifatli bo‘lsa, u shuncha jahon bozorida o‘z o‘rnini topadi va mamlakat iqtisodiyotiga ma’lum darajada ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Shuning uchun ham tashqi bozorga chiqariladigan mahsulot hajmi mamlakatda ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatiga bog‘liq bo‘ladi.

Ma’lumki, mahsulot sifatini ta’minlash, uning jahon bozorida raqobatbardorshligini oshirish va uni boshqarish mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning ustivor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Shu narsani alohida ta’kidlash joizki, mahsulot sifati va xavfsizligiga qo‘yiladigan talablar standartlar orqali belgilanadi. Standartda fan, texnika va

xalqaro tajribaning ilg‘or yutuqlari shakllanadi, chunki standartlarni tuzishda mahsulot sifatiga ichki va tashqi bozor, inson hayoti, mol-mulki va atrof muhit uchun qo‘yiladigan xavfsizlik talablar belgilanadi.

Hozirgi kunda yangi ishlab chiqariladigan va amaldagi me’yoriy hujjatlar talablariga mos keladigan mahsulot sifatini yanada yaxshilash bo‘yicha samarali ishlar olib borilmoqda. Bunday chora-tadbirlar ichki va tashqi bozor, inson hayoti, uning mol-mulki va atrof muhit uchun xavfsiz va jamiyat talablariga muvofiq keladigan mahsulot ishlab chiqarishda muhim omillardan hisoblanadi.[3]

Yuqorida ta’kidlab o‘tilganlardan tashqari mahsulot (tovar) sifatiga ijtimoiy, funksional, ergonomik, estetik, pishiq–puxtalik va ishlatishda bezararlik hamda xavfsizlik talablari ham qo‘yiladi.

Mahsulot (tovar) sifatiga qo‘yiladigan talablar ularning induvidual yoki ijtimoiy ehtiyojlarini qondira olish imkoniyatlari, optimal assortimentga muvofiqligi va ularning ma’naviy eskirganligi bilan harakterlanadi.

Mahsulotlar (tovarlar)ga qo‘yiladigan talablar, ularning asosiy vazifasini (funksiyasini) bajarish imkoniyatlari bilan harakterlanadi. Funksional talablar qancha yuqori bo‘lsa, buyumlar kishi ehtiyojini shuncha to‘liq qondiradi.

Tovarlarning ishlatilish paytida iste’molchi uchun qulaylik tomonidan bezararligi bo‘yicha qo‘yiladigan talablar ergonomik talablar deb ataladi.

Mahsulot (tovarlar)ga qo‘yiladigan estetik talablar, ularning tashqi ko‘rinishi, kampozitsiyasining yaxlitligi, dizayni, moda va uslubga mos kelishi, axborot ifodaliligi, ishlab chiqarish bajarilishining bekami-ko‘stligi, o‘lchamlarining proporsionalligi bo‘yicha qo‘yiladigan talablardan iborat bo‘ladi.

Mahsulot (tovar)larning pishiq–puxtaligiga qo‘yiladigan talablar ularning saqlash va iste’mol qilish jarayonlarida funksional, estetik va ergonomik xususiyatlarini oldindan belgilangan muddat ichida saqlay olish qobiliyatlarini belgilaydi. Mahsulot (tovar)larning pishiq-puxtaligi bo‘yicha qo‘yiladigan talablar iqtisodiy va ijtimoiy ahamiyatga ega, chunki ishlab chiqarilayotgan mahsulotning pishiq-puxtaligi qancha yuqori bo‘lsa, shunga nisbatan moddiy boyliklar ham shuncha ko‘p tejaladi.[4]

Mahsulot (tovar)larga qo‘yiladigan ekologik talablar mahsulot (tovar)larning inson hayoti, uning mol-mulki hamda atrof-muhit uchun xavfsiz ekanligini belgilovchi talablardan iborat bo‘ladi.

Qo‘yiladigan talablarning harakteri va darajasi aholining moddiy va ma’naviy hayotiga, mahsulot yoki tovarning bajaradigan vazifasiga, xom ashyo resurslarining mavjudligiga va ishlab chiqarishning texnik iqtisodiy imkoniyatlariga bog‘liq bo‘ladi. Qo‘yiladigan talablar darajasi va mahsulot yoki tovar o‘rtasida ma’lum disproporsiya mavjud bo‘lib, u mahsulot (tovar) sifatini to‘xtovsiz ravishda oshib borishi va assortimentini yangilanishiga imkon yaratib beradi.

Iqtisod, fan va texnikaning rivojlanib, aholi ehtiyojining o‘zgarib borishi hamda tovarlar haqidagi bilimning kengayishi bilan mahsulot (tovar) sifatiga qo‘yiladigan talablar ham o‘zgarib boradi, odatda kuchayadi.

Foydalaniulgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan

Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son farmoni 28.01.2022.

2. O‘zbekiston Respublikasining «Standartlashtirish to‘g‘risida»gi qonuni (28.12.1993 y.)

3. O‘zbekiston Respublikasining «Mahsulot va xizmatlarni sertifikatlashtirish to‘g‘risida»gi qonuni (28.12.1993 y. №1004)

4. F.A.Axmedjanova, Sh.Karimova, D.Mirzaaxmadov “Standartlashtirish, sertifikatlashtirish va metrologiya xizmati”

ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИ “ҲАЛОЛ” СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сувонов З.Ш. - СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Абдухолиқова С.Р. – СамИСИ, ХС-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада умумий овқатланиш корхоналарида дунё стадартларидан бири бўлган “ҳалол” стандартлари асосида “ҳалол” овқатланиш хизматларини Республикамизда жорий этилишининг истиқболлари ва уни ресторанлар концепциясини танлашдаги афзаликлари тўғрисида тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар*: хизмат кўрсатиш, “ҳалол”, ҳалол овқатланиш, ресторан концепцияси, “ҳалол” туризм, мусулмон аҳоли, “ҳалол”стандарт*

Аннотация

В данной статье приведены перспективы внедрения услуг питания «Халол» на основе одного из мировых стандартов «Халол» и даны рекомендации по его преимуществу при выборе концепции ресторанов в Республике Узбекистан

Ключевые слова*: сервис, "халяль", халяльная еда, концепция ресторана, халяльный туризм, мусульманское население, стандарт "халяль"*

Annotation

This article presents the prospects for the introduction of Halol catering services on the basis of one of the international standards Halol and gives recommendations on its advantage when choosing a restaurant concept in the Republic of Uzbekistan

Keywords*: service, halal, halal food, restaurant concept, halal tourism, muslim population, halal standard*

Ўзбекистоннинг қадимий археологик объектлари ва муқаддас қадамжолари, ноёб миллий таомлари, замонавий миллий овқатланиш тизими, халқимизнинг бетакрор меҳмондўстлиги ҳамда юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар туристларни ўзига жалб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида “ ... соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми ... гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”[98] деб таъкидлаб ўтган эди.

Мамлакатимизга Ислом давлатларидан ташриф буюраётган туристларнинг

[98] http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017

кўпайиши овқатланиш хизматларига бўлган янги замонавий талабнинг ҳам ортиб боришига олиб келади.

Диёримизда туризм соҳасида бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, овқатланиш тизимида ҳам янги талабларни қўймоқда. Айниқса, бугунги глобал туризм бозорда бўлаётган “ҳалол туризм”, “ҳалол овқатланиш” каби атамаларнинг кириб келиши ва бу билан боғлиқ масалаларнинг ечимини кутмоқда.

Мамлакатимизда "Ҳалол" стандартини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида "Ўзстандарт" агентлиги қарори билан 2018 йил 1 февралдан Oz DSt 3286:2018 давлат стандарти "Ҳалол" озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича умумий қўлланма жорий этилди[99]. ISO 22000 стандартлари бу озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги менежмент тизими учун халқаро стандарти ҳисобланади.

"Ҳалол" стандартларида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва маркалаш жараёнлари ислом қоидаларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Стандартларнинг жорий этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун сотув бозорларини кенгайтириш ва туризм соҳасида зиёрат туризмини ривожлантиришга кўмак беради.

“Ҳалол” атамаси, “қонуний” ёки “рухсат этилган”, Исломда шариат ҳукмига мувофиқ эса “ичса, фойдаланса бўладиган, харом эмас”[100] деган маънони англатади. Ҳалол озиқ-овқат, ҳалол турмуш тарзи ва ҳатто ҳалол хизматлар ҳам мавжуд. Ҳалол тушунчаси озиқ-овқат ва ичимликлар билан бирга банк ва молия, сайёҳлик, фармацевтика, иш жойлари, технология ва транспорт хизматлари билан шуғилланувчи ҳар қандай исломий шариат талабларга мос маҳсулот ва хизматларни ҳам ўз ичига олади.

Исломий ҳалол муносабатлари ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этиб, Исломий шариатнинг икки манбаси Қуръон ва Суннат асосида ўрнатилади. Ҳалол озиқ-овқат ва озиқ-овқат истеъмоли исломий қонунлар асосида истеъмол қилинишига рухсат этилганлигини билдиради. Ҳаром эса дин буйича таъқиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини англатади.

Ҳалол концепциясида мусулмонлар учун тайёрланадиган озиқ-овқатлар сифатли, хавфсиз, гигиеник бўлиши шу билан бирга ҳалол бўлиши керак. Алоҳида таъкидлаш керакки, энг муҳим жиҳати мусулмонлар ўзларининг ҳар бир луқма таомлари, ҳалол меҳнат ила топиши зарур бўлади. Яъни озиқ-овқатнинг жисми ҳалол бўлиши билан бирга, улар ишлаб топган касб ҳам ҳалол бўлиши шарт. Қароқчилик, ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик, алдамчилик, каби шариат ҳаром қилган йўллар билан топилган пулга сотиб олинган озиқ-овқатларнинг барчаси ҳаром ҳисобланади[101].

Ислом илми тарғиб қилган юқоридаги таълимотга барча мусулмонлар эътиқод этишади. Шу билан бирга ўз сайёҳатлари даврида бу эътиқодларга

---

[99] https://sputniknews-uz.com/society/20180209/7470433.html

[100]“Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси”, “Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.Тошкент; 494-бет

[101] Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар”, “Ҳилол-Нашр”. Тошкент. 2018 й. 82-бет

амал қилишади. Шундай экан уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб Республикамизда “Ҳалол” туризм бозорини таҳлил қилишни тақозо этади.

«Ҳалол туризм»[102] хизмати – бу оилавий ҳордиқ чиқариш, ҳамёнбоп турар жойларда тунаб, сифатли, озода овқатланиш шохобчаларида таомланиш асосида камчиқимликни хуш кўрувчи ва исрофдан ўзини тиядиган кишилар учун яратилган хизматдир.

Ушбу мақолани тахлил қилиш ва тадқиқот жараёнларида кузатиш, қиёслаш, тажриба, тахлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Жаҳон статистикаси маълумотларга кўра мусулмон туристларининг йилдан-йилга тез суръатларда ўсиш даражаси кўзатилмоқда.

Mastercard ва Crescent Rating томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 230 миллион мусулмон сайёҳ 2026 йилга бориб, маҳаллий ва хорижий саёҳатга чиқиши кутилмоқда. Мусулмон саёҳатчиларининг жаҳон иқтисодиётига 2026 йилга бориб 300 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлашлари кутилмоқда[103].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки дунёдаги кўпчилик давлатлар жумладан, Ҳиндистон, Австралия, Миср, Бангладеш, Хитой, Европа давлатлари, ва Канада каби давлатларда кўплаб мусулмонлар яшайди. Таъкидлаш керакки бугунги кунда дунё аҳолиси таркибининг салмоқли ҳиссаси мусулмонлар улушига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида мусулмон аҳолининг замонавий озиқ-овқат бозорида сезиларли ўзгаришларни, айниқса “ҳалол” маҳсулот саноатини жадал ривожлантиришни талаб этади.

Дунё мамлакатларидан Малайзия, Индонезия каби Осиё давлатлари “ҳалол” стандартларни ва “ҳалол” фан марказларини ривожлантириш асосида бу соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда туризмни ривожлантириш учун мусулмонлар учун яратилган “Ҳалол” стандартлари остидаги “халол овқатланиш” хизматларининг ривожлантириш долзарблигини билдиради.

Мамлакатимизга келаётган туристлар сонининг ўсиши ўз навбатида туризм хизматлари экспортининг ортишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизга келаётган мусулмонлар учун ҳалқаро “ҳалол” стандартлар асосида “ҳалол” овқатланиш хизматларига бўлган талаб ҳам ошиб бораётганлиги сабабли, ҳалол овқатланишни ташкил этиш долзарб ҳисобланади.

Бу борада туристларга “ҳалол” овқатланиш хизматларини тақдим этишда, ресторан алоҳида аҳамият касб этади.

Ресторан фаолиятини йўлга қўйишда, унинг “ресторан концепцияси”ни танлаш ҳалол овқатланишни ташкил этиш жуда зарур бўлиб, қўйидагиларга эътибор қаратишни талаб этади, жумладан:

1. Ресторанда овқатланиш тизимини ҳалол маҳсулотлар билан таъминлашни ташкил этишга йўналтириш.

2. Мусулмон сайёҳларга тезкор овқатланиш хизматларни таклиф этиш.

[102] www.uzbekistonovozi.uz

[103]Global Muslim Travel Index 2019, Mastercard-CrescentRating, APRIL 2019.

3. “Ҳалол” овқатлантириш буйича рақобатчиларининг мавжудлигини таъминлаш ва шу асосида фаолиятни йўлга қўйиш.

4. “Ҳалол” овқатланишнинг янги замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш шакллари ва даражасини доимо ошириб бериш кабилар ҳисобланади.

“Ресторан концепцияси”нинг энг муҳим шарти бу бугунги кунда меҳмонлар ресторанда қандай таом, атмосфера ва янги замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш шакллари ҳамда даражалари тўғрисида олдиндан аниқ билишни истагани ҳисобланади.

Реторан концепциясида меҳмоннинг ресторан томонидан қабул қилинишига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани акс эттириши керак. Концепцияни ишлаб чиқиш - ресторан қиёфасини яратадиган ғояларни яратиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш жараёнидир[104]. Ресторан эгаси ва ишлаб чиқарувчиси бир нечта мураккаб қарорларни қабул қилишлари, ҳар бир элементнинг меҳмонларга доимий мижозлар бўлишлари учун қулай имконияти яратиши зарур.

Ресторан концепциясини танлашда асосан озиқ-овқат маҳсулотларни танлашга аҳамият бериш, оила имтиёзларини, даромад даражасини, меҳнат муҳити, турмуш сифати, ижтимоий шароитлар, диний эътиқодлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномаси.

2. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Тошкент ш., 2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон

3. “2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 март, ПҚ-3609-сон Қарори

4. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф “Ижтимоий одоблар”, “Ҳилол-Нашр”. Тошкент. 2018 й. 80-81бет

5. Global Muslim Travel Index 2019, Mastercard-CrescentRating, APRIL 2019.

6. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси”, “Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.Тошкент.

7. Катсигрис Костас, Томас Крис. Учебник ресторатора: проектирования, оборудования, дизайн [пер.с анг. Пракофьев С.В.].-М: ООО «Издательский дом «Ресторанные ведомости», 2008.-576с:-ISBN 978-5-98176-059-4

6. www.islam.ru/ исламский информационный портал 31 Март 2019 йил

7. www.stat.uz

[104] Катсигрис Костас, Томас Крис. Учебник ресторатора: проектирования, оборудования,дизайн [пер.с анг. Пракофьев С.В.].-М: ООО «Издательский дом «Ресторанные ведомости », 2008.-576с:-ISBN 978-5-98176-059-4

ВНЕДРЕНИЕ СТАНДАРТОВ СЕРИИ ISO В ПРЕДПРИЯТИЯХ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ

Каримова Ш.М. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Қурбонов Ж.С. – СамИСИ, Сат-320 гуруҳ талабаси

Аннотация. *Рассмотрены теоретические основы внедрения системы менеджмент качества на предприятия общественного питания.*

Ключевые слова: *стандарты, система менеджмента качества, ресторанный бизнес, предприятия общественного питания.*

Аннотация. *Умумий овқатланиш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий етишнинг назарий асослари кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *стандартлар, сифат менежменти тизими, ресторан бизнеси, умумий овқатланиш корхоналари.*

Abstract: *The theoretical bases of introduction of quality management systems in the catering business.*

Keywords: *standards, quality management system, restaurant business, catering.*

Предприятие общественного питания Узбекистана постоянно развивается. Растет потребность в персонале, способном оказывать услуги, соответствующие международным стандартам качества. С учетом тенденций рынка, ведется серьезная и по-новому организованная государственная поддержка системы подготовки и повышения квалификации кадров для данного комплекса, в том числе – профильных учебных заведений.

Основа системы сервис менеджмента — это четкие, понятные, прозрачные стандарты обслуживания. В идеале они должны создаваться на этапе планирования деятельности ресторана, присутствовать как в сетевых, так и самостоятельных заведениях.

Существует два пути создания данных стандартов:

- заведение само создает стандарт и само регламентирует свою работу на основе каких-либо внутренних,
- заведение внедряет уже зарекомендовавший себя международный стандарт качества, признанный во всем мире.

Наиболее часто внедряемыми в предприятиях питания являются пищевые стандарты серии ИСО, а именно:

- ISO 9000;
- ISO 22000.

Стандарты необходимы тогда, когда требуется предложить конкурентоспособное сервисное обслуживание. Преимуществами от внедрения стандартов качества является:

- повышение имиджа и конкурентоспособности;
- возможность контролировать качество поступающей от поставщиков продукции, что позволяет отсекать небезопасное сырье;
- открытие новых возможностей для взаимодействия с иностранными поставщиками и потребителями;

- четкое и прозрачное разделение полномочий и ответственности способствует увеличению производительности;

- заинтересованность каждого сотрудника в своей работе.

Постоянно поддерживать достойный уровень сервиса в предприятиях питания — задача достаточно сложная.

Необходимость внедрения стандартов появляется тогда, когда требуется создать особую атмосферу, выделяющую заведение среди конкурентов. Важно, чтобы эти стандарты одинаково точно исполнялись во всех предприятиях ресторанной сети, независимо от того, в каком городе они находятся.

Сегодня в мире более трехсот тысяч предприятий сертифицировали свои системы качества по стандартам ISO 9000. В Узбекистане их не так много, но их число увеличивается. Эти стандарты стали самыми популярными в истории ISO из-за значительных рекламных преимуществ, которые они дают обладателю сертификата перед ближайшими конкурентами.

Система менеджмента в общепите по структуре схожа с иными системами пищевых производств, но и в то же время имеет свои нюансы. Для предприятий общественного питания характерно периодическое обновление ассортимента продукции и как следствие смена разнообразия сырья (сезонные блюда), что влечет за собой изменения в процессах технологий производства и увеличение разнообразия процессов. ом числе – профильных учебных заведений.

Управление качеством продукции общественного питания является одним из важнейших показателей сервисного обслуживания. На сегодняшний день в данном сегменте рынка наблюдается очень высокая конкуренция, следовательно, доверительные отношение с клиентами и удовлетворенность их ожиданий — решающие факторы процветания любой фирмы, оказывающей услуги населению в сфере общественного питания. Кроме этого, основное конкурентное преимущество любой организации общественного питания заключается в управлении качеством продукции. Таким образом, система менеджмента качества — это новый стандарт, который определяет для клиентов уровень сервиса.

Повышение качества продукции на предприятиях общественного питания и внедрение систем управление пищевой безопасностью — сложная работа, куда входят сразу несколько аспектов — социальные, экономические и технические. Особенно важным управление качеством становится в условиях рыночных отношений. Качество продукции начинает формироваться еще на стадии разработки, после чего определяется нормативной документацией. После этого оно обеспечивается на этапе производства, поддерживается во время хранения, транспортировки и последующей реализации. Управление запланированным уровнем качества во всех организациях общественного питания зависит от нескольких факторов, например, от четко определенных в нормативной документации требований, от качества исходного сырья, от используемой рецептуры приготовления, соблюдения производственной дисциплины, квалификации персонала и степени оснащенности предприятия технологическим оборудованием.

Управление качеством продукции общественного питания также зависит от эффективности контроля, который должен осуществляться на всех этапах производства. Кроме того, необходимо разработать механизм стимулирования персонала, чтобы все сотрудники были заинтересованы в производстве продукции только высокого качества.

Специалисты, работающие в сфере общественного питания, знают, что если неверно составить рецептуру и не проработать тщательно технологию приготовления, то даже при очень высоком профессионализме сотрудников и хорошем качестве исходного сырья выдать качественную готовую продукцию практически невозможно, особенно в массовом производстве.

С появлением стандартов на системы качества появилась универсальная мера сравнения, позволяющая оценить, какие организации удовлетворяют установленным минимальным требованиям, а какие – нет.

Литература:

1. Ляшецкий А. П. Управление качеством продукции. - М.: Изд-во МГУ, 2014.

2. Мазур И. И. Управление качеством: Учебное пособие для студентов вузов. - М.: Омега-Л, 2015.

3. Менеджмент организации: Учеб. пособие / Под ред. З.М. Румянцевой. - М: ИНФРА-М, 2015. - 432 с.

YANGI AVLODDAGI PLASTMASSALARNING XUSUSIYATLARI VA XALQ XO‘JALIGIDAGI O‘RNI

Axmedjanova F.A. – SamISI dotsenti, t.f.n
Isoqov F. – SamISI, XSE-119 guruh talabasi

Annotatsiya: *Plastmassalar arzonligi va ba’zi xususiyatlari bo‘yicha boshqa materiallardan qolishmasligi sababli ishlab chiqarishda ko‘p qo‘llaniladi. Hozirgi vaqtda ishlab chiqarilayotgan xalq iste’mol tovarlarning 60 foizini plastmassalardan ishlab chiqarilgan tovarlar tashkil qiladi. Lekin ular parchalanmasligi tufayli atrof-muhitni ifloslaydi, o‘simliklar tomirlarini oziqlanishiga to‘sqinlik qiladi va gidrofobligi uchun organizmga zarar keltiradi. Shunga qaramasdan kimyogar olimlar tomonlaridan iste’mol xususiyatlari yuqori bo‘lgan yangi avloddagi plastmasalar yaratilib xalq xo‘jaligining turli tarmoqlarida foydalanilmoqda.*

Kalit so‘zlar*: Polimerlar, plastmassalar, polimerizatsion plastmassalar, polikondensatsion plastmassalar, termoplastik plastmassalar, termoreaktiv plastmassalar, sopolimerlar, platmassalarning xususiyatlari.*

Аннотация: *Широкое применение пластических масс в народном хозяйстве заключается в дешевезне сырья и в ряде их свойств не уступающих другим материалам. В последнее время 60% выпускаемых товаров народного потребления составляют изделия из пластических масс. Но из-за проблемы их утилизации они загрязняют природу, мешают корневому развитию растительного мира, а их низкие гигроскопические свойства отрицательно влияют на организм человека. Но не смотря на это учеными разрабатываются новые виды пластических масс с улучшенными потребительскими свойствами, которые находят свои применения в различных сферах народного хозяйства.*

Ключевые слова: *Плимеры, пластмассы, полимеризационные пластмассы, поликонденсационные пластмассы, термопластичные пластмассы, термореактивные пластмассы, сополимеры, свойство пластмасс.*

Annotation: *The widespread use of plastics in the national economy lies in the cheapness of raw materials and in a number of their properties they are not inferior to other materials. Recently, 60% of manufactured consumer goods are made of plastics. But due to the problem of their disposal, they pollute nature, interfere with the root development of the plant world, and their low hygroscopic properties adversely affect the human body. But despite this, scientists are developing new types of plastics with improved consumer properties, which find their application in various areas of the national economy.*

Key words: *Plymers, plastics, polymerization plastics, polycondensation plastics, thermoplastics, thermosetting plastics, copolymers, properties of plastics.*

Plastmassa - plastik va massa so‘zlarining birikmasidan tashkil topgan. Birinchi kashf qilingan plastmassalar bosim va qizdirish natijasida muayyan sharoitda shaklga aylantirib, sovugandan keyin tashqi muhit ta’sirida qotirilar edi. Keyinchalik issiqlik ta’sirida qayta ishlanadigan plastmassalar ham ixtiro qilindi. Jahonda birinchi bo‘lib plastmassa- seluloidni 1856 yil ingliz kimyogari Aleksandr Parkez ixtiro qilgan.

Plastmassalar shaklini qayta tiklanishi bo‘yicha termoplast va reaktoplast turlarigabo‘linadi. Termoplast plastmassalarning (masalan,polietilen,polivenilxlorid, polistirollar) molekulalari bo‘ylama joylashganligi sababli issiqlik ta’sirida shaklini o‘zgartiradi, ya’ni ulardan ishlab chiqorilgan buyumlar chiqindilarini qayta ishlash mumkin. Reaktoplastlarning (masalan,aminoplast va ftoroplastlar) molekulalari to‘rsimon joylashganligi sababli ularni qayta ishlab bo‘lmaydi.

Plastmassalar arzonligi va ba’zi xususiyatlari bo‘yicha boshqa materiallardan qolishmasligi sababli ishlab chiqarishda ko‘p qo‘llaniladi. Hozirgi vaqtda ishlab chiqarilayotgan xalq xo‘jalik tovarlarning 60 foizini plastmassalardan ishlab chiqarilgan tovarlar tashkil qiladi. Lekin ular parchalanmasligi tufayli atrof-muhitni ifloslaydi, o‘simliklar tomirlarini oziqlanishiga to‘sqinlik qiladi va gidrofobligi uchun organizmga zarar keltiradi.

Plastmassa buyumlar sifati va bezararligiga ta’sir etuvchi ko‘rsatkichlaridan biri bo‘lib plastmassa turi hisoblanadi. Plastmassalar xususiyatlari bo‘yicha polimerizatsion va polikondensatsion plastmassalarga bo‘linadi.

Polimerizatsiya deb, to‘yinmagan past molekulali organik moddalardan to‘yingan yuqori molekulali organik moddalar olish jarayoniga aytiladi. Polimerizatsion plastmasslar tarkibiga qarab olti guruhga bo‘linadi:poliolefinlar, polivinilxlorid, polistirol, polimetilmetakrilat, teflon va SFD plastmassalari.[1]

Poliolefinlar, bu guruhga polietilen, polipropilenlar kiradi. Polietilen dunyo bo‘yicha ishlab chiqarilayotgan plastmassa buyumlarning 23 foizini tashkil qiladi. Polietilen ikki usulda ishlab chiqariladi: past va yuqori bosimda. Past bosimda (350 KP) polietilen uchun etan alyumin yoki to‘rt xlor titan kabi katolizatorlar ta’sirida olinadi. Bunday katolizatorlar zaharli bo‘lganligi sababli, past bosimda ishlab chiqarilgan polietilenlardan faqat oziq-ovqat uchun ishlatilmaydigan idishlar va suv quvurlari tayyorlanadi. Yuqori bosimli (350 MP) polietilen yupqa plyonka shaklida ishlab chiqariladi. Plyonkalar suv va havo o‘tkazmasligi hamda tiniq bo‘lganligi

sababli tovarlarni o‘rash-joylash va issiq xonalarning ustini yopishda ishlatiladi. Polietilenning katta kamchiligi yog‘lik moddalarni elektrostatik kuchlari ta’sirida shimishi va tiniqligi pastligidir. Kelgusida polietilen o‘rnini yog‘ moddalarini kamroq shimadigan polipropelen va etilen bilan venilatsetatni qo‘shma polimerizatsiyasi natijasida olingan yuqori tiniqlikka ega bo‘lgan sevilin egallaydi.

Polivinilxlorid. Bu dunyoda ishlab chiqarilayotgan plastmassa buyumlarning 24 foizini tashkil etadi. U tovar ishlab chiqarishda olti xil holatda ishlatiladi:

- Qayishqoq parda. Trinolilfosfad bilan yumshatish orqali olinadi. Elektr simlar izolyatsiyasi uchun, suv shlanga, izolyatsiya lentasi va dala plashlari ishlab chiqarishda foydalaniladi.

-Yupqa parda. Kamfora bilan yumshatish natijasida olinadi. Metallarni zanglashdan saqlash maqsadida qoplama shaklida va yuviladigan gul qog‘ozlarning sirtini qoplash uchun ishlatiladi.

-Yumshatilmagan polivinilxlorid. Eritma pishloqlar upakovkasi, bolalar vannasi, santexnika sifonlari va attorlik buyumlari ishlab chiqarishda qo‘llaniladi.

-Saran-vinilxlorid va vinildenxloridning qo‘shma polimerizatsiya qilish natijasida olinadigan, issiqlikda kirishadigan plastmassa. Plyonka shaklida muzlatilgan parrandalarni qadoqlashda foydalaniladi.

-Qatlamli plastiklar. Bularga getinaks va pavinol misol bo‘ladi. Getinaks qog‘ozni polivinilxlorid qatroniga shimdirish yo‘li bilan taxta shaklida olinib, oshxona stollari ustini qoplash uchun ishlatiladi. Pavinol ustki qismi polivinilxlorid qatroni bilan qoplangan gazlama asosli sun’iy charmlarni ishlab chiqarishda ishlatiladi.

Xlorin-polivinilxlorid qatronlari asosida olingan tola bo‘lib, harakat davrida manfiy zaryadlangan elektronlar nurlanishi sababli undan radikulit va revmatizmga duchor bo‘lgan kasallarga mo‘ljallangan belbog‘ hamda paypoqlar ishlab chiqariladi.

Polistirol. Bu plastmassa stirol va butadiyenning qo‘shma polimerizatsiyasi natijasida olinadi. Dunyoda ishlab chiqarilayotgan plastmassa buyumlarining 13 foizini tashkil qiladi. Tovar ishlab chiqarishda to‘rt ko‘rinishda ishlatiladi.

Mo‘rt polistirol. Boshqa plastmassalardan tiniqligi va chertganda jarangli tovush chiqarishi bilan ajralib turishi sababli billursimon idishlar ishlab chiqarishda qo‘llaniladi.

Penopolistirol. Polistirol qatronini ko‘piktirish yo‘li bilan olinib, elektr sovutkichlarni termoizolyatsiyasi uchun va texnik murakkab tovarlarni joylashda ishlatiladi.

ABS plastmassasi. Akrinometril butadiyen va stirol qatronlaridan qo‘shma polimerizatsiya yo‘li bilan olinib, zarbaga chidamli bo‘lganligi sababli elektr sovutkichlarni ichki kamerasi uchun va to‘rsimon idishlar ishlab chiqarishda foydalaniladi.

MSN plastmassasi. Metilmetakrilat, stirol va akrilonitril qatronlarini qo‘shma polimerizatsiyasi natijasida olinib, tiniq va egiluvchan bo‘lganligi uchun undan turli attorlik buyumlari ishlab chiqariladi.

Polimetilmetakrilat. Bu plastmassa tiniqligi, ma’lum darajada qattiqligi uchun undan billurga o‘xshash qandillar hamda non idishlari, jadvallar va yozuv stoli uchun “oynalar” ishlab chiqariladi. Ammo, qattiqligi yuqori bo‘lmaganligi tufayli, undan tayyorlangan buyumlar sirtida ishlatish davrida mayda chiziqchalar paydo bo‘lib

ancha xiralashib qoladi.

Teflon. Bu plastmassa yonmasligi, ishqor va kislotalarga bardosh bera olganligi uchun organik platina deb ataladi. Uni tovalarni ichini qoplashda ishlatiladi. Bunday tovalarda masalliqni yog‘siz qovurish mumkin.

Polikondensatsion plastmassalar.[2]

Polikondensatsiya deb, to‘yingan turli uglevodlarni birikishi natijasida yuqori molekulali organik moda va qo‘shimcha moddalar, masalan, suv hosil bo‘lish reaksiyasiga aytiladi. Polikondensatsion plastmassalar sakkiz guruhga bo‘linadi: Fenoplastlar. Bular fenol va formaldegidni qo‘shma polimerizatsiyasi natijasida olinadi. Fenoplastlar yonmaydi, ammo issiqlik ta’sirida zaharli fenol chiqaradi. Fenorplastlardan oziq-ovqat uchun ishlatiladigan idishlar ishlab chiqarish taqiqlanadi. Ulardan ajralib chiqadigan fenol va formaldegid insonning asab tizimiga salbiy ta’sir qiladi Xalq xo‘jaligida ikki holatda ishlatiladi:

- Karbolit, fenoformaldegid qatroniga bo‘r va to‘yingan yog‘och massasi qo‘shib olinadi. Bundan akkumulyatorlar idishi ishlab chiqariladi.

- Getinaks. Qog‘oz varaqlarini fenolformadegid qatroniga shimdirish yo‘li bilan olinadi va texnik murakkab tovarlarning ba’zi qismlari uchun ishlatiladi.

Aminoplastlar. Bular melamin va formaldegidni qo‘shma polimerizatsiyasi natijasida hosil qilinadi. Yonmaydigan va bezarar plastmassa bo‘lib hisoblanadi. Aminoplastlardan faqat sovuq holatda iste’mol qilinadigan oziq-ovqat uchun ishlatiladigan idishlar ishlab chiqarishga ruxsat berilgan Tovar ishlab chiqarishda uch xil shaklda qo‘llaniladi.

- Metalit. Melaminoformaldegid qatroniga bo‘r va tuyilgan yog‘och massasi qo‘shib olinadi. Undan umumiy ovqatlanish korxonalari uchun idishlar ishlab chiqariladi.

- Yupqa qatlam. Qog‘ozga melaminoformaldegid yoki mochevinoformaldegid qatroni shimdirib olinadi. Yog‘och-paraha taxtalar (DSP) ustini qoplash uchun ishlatilgani sababli, qog‘oz qatlamli bezash plastikasi nomi bilan yuritiladi.

- Mipora. Melaminoformaldegid yoki mochevino-formaldegid qatronini ko‘pirtirish natijasida olinib, qurilishda issiqlikni saqlaydigan qatlam sifatida ishlatiladi.

Poliamidlar. Aminokapron kislotalarini polikondensatsiya qilish yo‘li bilan olinib, boshqa plastmassalardan pishiqligi va chirishga chidamliligi bilan farq qiladi. Poliamidlar, asosan, “Navoiy azot” birlashmasida ishlab chiqarilib, tovar ishlab chiqarishda uch xil shaklda ishlatiladi.

- Kapralon ipi. Kiyim cho‘tkalarining qilini tayyorlash uchun foydalaniladi.

- Karbamid plyonkasi.Qaynatib pishirilgan qazi va dudlangan pishloqlar upakovkasi uchun ishlatiladi.

- Kapron tolasi. Xotin-qizlar paypog‘i, avtomashina pokrishkasi va baliq ovlash to‘rlari ishlab chiqorishda qo‘llaniladi.

Efiroplastlar. Organik kislotalar va ko‘p atomli spirtlar eterifikatsiyasi natijasida olinib, tovar ishlab chiqarishda to‘rt xil holatda ishlatiladi.

- Lavsan plyonkasi. Dimetiltereftalat va etilenglikol qatronlarini eterifikatsiyalash yo‘li bilan olinib, pishiq hamda tiniqligi uchun parda shaklida go‘shtni o‘rashda foydalaniladi.

- Lavsan tolasi. Yaxshi dazmollanishi va dazmolni uzoq vaqt saqlash uchun junga qo‘shib gazlama to‘qishda qo‘llaniladi.

- Shisha shifer. Shisha tolalarini glitserin va malein kislotasini polikondensatsiya qilish natijasida hosil bo‘lgan qatron bilan shimdirib olinadi. U sarg‘ish rangli tiniq shifer bo‘lib, yozgi binolarning tomini yopishda ishlatiladi.

Ma’lumki, mahsulot sifati va xavfsizligi uning asosiy ko‘rsatkichlari orqali harakterlanadi. Ishlab chiqarilayotgan mahsulot qancha sifatli bo‘lsa, u shuncha jahon bozorida o‘z o‘rnini topadi va mamlakat iqtisodiyotiga ma’lum darajada ijobiy ta’sir ko‘rsatadi Ushbu yangi avloddagi, xususiyatlari tomoman o‘zgartirilgan plastmassalarni yaratilishi va xalq xo‘jaligida qo‘llanilishi, iste’molchilarning kun sayin o‘sib borayotgan, iste’mol xususiyatlari yuqori bo‘lgan tovarlarga ehtiyojlarini qondirishiga olib keladi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Салихов С.А. Товаршунослик. Тошкент: 2011.
2. F.A. Axmedjanova “Noozik-ovkat tovarlari ekspertizasi obyektlari” Toshkent, “Barkamol fayz media” 2020
3. www.ziyonet.uz
4. www.lex.uz

IV ШЎЪБА. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МОНИТОРИНГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

RAQAMLI IQTISODIYOTGA TRANSFORMATSIYA JARAYONIDA XODIMLARNI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH MEXANIZMLARI

Mo‘ydinova G.Q. - Farg‘ona politexnika instituti tayanch doktoranti

Anotatsiya: *Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotga integrallashuv sharoitida korxona xodimlari boshqaruvi samaradorligini aniqlash va ularni raqobatbardoshligini oshirish mexanizmlari tavsifi va tahlili yoritilgan.*

Аннотация: *В данной статье описаны и проанализированы механизмы определения эффективности управления предприятиями и повышения их конкурентоспособности в условиях интеграции в цифровую экономику.*

Annotation: *This article describes and analyzes the mechanisms for determining the effectiveness of human resource management and increasing their competitiveness in the context of integration into the digital economy.*

Kalit so‘zlar*: Raqamli iqtisodiyot, xodimlar, mehnat unumdorligi, mehnat resurslari,inson kapitali, kadrlar boshqaruvi, raqobatbardoshlilik.*

Ключевые слова*: Цифровая экономика, персонал, производительность труда, трудовые ресурсы, человеческий капитал, управление персоналом, конкурентоспособность.*

Key words: *Digital economy, personnel, labor productivity, labor resources, human capital, personnel management, competitiveness.*

Raqamli iqtisodiyotga integrallashuv sharoitida korxona malakali xodimlarni shakllantirish, undan samarali foydalanish, mehnat unumdorligi o‘sib borishini ta'minlash uchun ularni optimal bozor talablariga mos darajada xizmat ko‘rsatishini tashkil etish va personal bilan ta'minlash darajasiga bog‘liq. Korxona xodimlari korxona faoliyati doirasidagi mexnat resurslari ya'ni ishchi kuchi xisoblanadi. Ishchi kuchi uning intellektual va jismoniy jihatdan mehnat qilish qobiliyati umumlashishida ifodalanadi.

Bozor iqtisodiyoti davrida «mehnat resurslari», personalga bo‘lgan munosabat «inson kapitali» konsepsiyasi holatida ham qo‘llanilmoqda. Inson kapitali nimadan iborat, degan savolga quyidagicha ta'rif berish mumkin. «Inson kapitali» personalni har tomonlama rivojlantirish uchun sarf etilgan investisiya mablag‘lari ifodalanishiga aytiladi.

Mehnat resurslari va korxona xodimlari o‘z xususiyatlariga ega bo‘lib, xodimlar malakalarini oshirish bilan bog‘liq investisiya xarajatlari ularning intellektual darajalari o‘sib borishini va buning natijasida raqobatbardosh bo‘lib borishlarini ta'minlaydi.

Korxona xodimlarini mehnat qilish darajalarini oshirish va raqobatbardosh

mutaxassis bo‘lishlari uchun qanchalik ko‘p miqdorda investisiya mablag‘ sarflansa, xodimlar boshqaruvining samaradorlik darajasi shunchalik yuqori bo‘ladi. Korxona xodimlarining faoliyati samaradorligi uning boshqaruvi samaradorligi bilan uzviy bog‘liq.Shuning uchun ham xodimlarning mehnat faoliyatining samaradorligini aniqlab olish zarur. Chunki u korxona boshqaruvi jarayonida ularning mehnat unumdorligi o‘sib borishini ta'minlash xodimlarning samarali boshqaruvining asosiy ko‘rsatkichlaridan.

Korxona xodimlari samaradorligini ta'minlash quyidagilarga bog‘liq:

- xodimlarni kasbiy ixtisosliklari yo‘nalishida rag‘batlantirish, ularning javobgarligini oshirish va doimiy ravishda malakalarini oshirib borish;
- korxona boshqaruvi rahbari tomonidan xizmat ko‘rsatayotgan personalni rag‘batlantirish, ularning mansablarini oshirish va mehnat qilish darajasi sifati talabga javob bermagan taqdirda ishdan bo‘shatish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Xodimlardan foydalanish samaradorligi ularning sog‘liqlari, mehnat qilish, fikrlash qobiliyatlari, intellektual daraja va kasbiy-mahoratlariga bog‘liq. Xodimlarning mehnat qilish darajasi o‘sib borishi, uning samaradorligi boshqaruv samaradorligi bilan bog‘liq bo‘lib, umumiy korxona samaradorligi o‘sib borishini ta'minlaydi. Bozor iqtisodiyoti munosabatlari sharoitida korxonaning ijtimoiy-iqtisodiy holatlari ushbu sohada band bo‘lgan personal boshqaruvi rahbarining tadbirkorlik faoliyatiga bog‘liq bo‘ladi. Xodimlar korxonada o‘z faoliyat mehnatlari zarurligini anglagan holda faol qatnashganlaridagina korxona ularning boshqaruvi samaradorligini ta'minlashi mumkin. Korxonalarda personaldan foydalanish samaradorligi:

- bozor iqtisodiyoti shart-sharoitlari va uning qonuniyatlariga asoslangan holda, korxona faoliyatining tashkiliy, texnikaviy va iqtisodiy tomonlarining bozor iqtisodiyoti talablari asosida shakllanishi hamda ulardan samarali foydalanish xodimlar tadbirkorligining rivojlanish darajasiga;
- korxona faoliyatini tashkil etish va uni rivojlantirish maqsadida xodimlar uchun zarur bo‘lgan shart-sharoitlarni tashkil etishga;
- faoliyat turi bo‘yicha band bo‘lgan korxona xodimlarining mehnatlarini rag‘batlantirishga;
- korxona faoliyati jarayonini tashkil etishni madaniylashtirishga;
- xodimlarni ishdan bo‘sh vaqtlarida dam olishlari uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy infratuzilmalarini rivojlantirishga bog‘liq.

Korxona xodimlarining mehnat unumdorligini aniqlashda yagona umumlashgan baholar tizimidan foydalanish to‘g‘ri bo‘ladi. U korxona xodimlari o‘rtasida mehnat intizomiga rioya qilish, mehnat unumdorligi o‘sib borishi, personalning kasbiy tajribasini oshirib borishini rag‘batlantirish, kasbiy mutaxassisliklari yo‘nalishida faoliyatlarini rivojlantirish, ular faoliyatlarini tashkil etish rejalariga e'tibor kuchaytirishni talab etadi. Korxona xodimlari boshqaruvi samaradorligi ular faoliyatlarini baholashda yagona baholash tizimiga asoslanishiga, ish joylarini tahlil qilish evaziga korxona faoliyatlarini amalga oshirish bo‘yicha mavjud standartlar va baholash normativlariga, baholash metodlariga asoslanishi kerak. Bu uslubiy baholash korxonaning miqdor, sifat va majmua jarayonlarini o‘zida ifodalovchi standart va normativlarga asoslanishida ifodalanadi.

Xodimning faoliyatini baholash uslubi doimiy, an'anaviy va noan'anaviy uslublar bilan uzviy bog‘liq. Korxona xodimlarning samaradorligini aniqlashda an'anaviy uslub keng doirada tarqalgan bo‘lib, har bir personalni yakka tartibda atrofdagi fikrlarga asoslanib o‘rganish asosida bir fikrga kelishida ifodalansa, noan'anaviy usulda esa xizmat ko‘rsatish bo‘limlarida band bo‘lgan personal fikrlariga asoslangan holda ularga uning boshqaruvi holatiga baho berish orqali ifodalanadi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida xodimlarni boshqarish samaradorligini oshirish uning ish yuritish faoliyati darajasiga bog‘liq. Korxona boshqaruvi samaradorligini aniqlashda hozirgi davrda keng tarqalgan usullardan biri har bir personal faoliyatiga baho berishdan iborat.

Korxona xodimlarini boshqarish jarayonida ularning faoliyatlariga baho berishda taqqoslash uslubidan ham foydalaniladi. Bu uslub orqali yaxshi, o‘rtacha va qoniqarsiz xizmat ko‘rsatayotgan bank personalini aniqlash mumkin. Lekin bu uslubning salbiy tomonlari ham mavjud bo‘lib, ular yaxshi, o‘rtacha va qoniqarsiz talabga monand holda ishlayotgan personallar o‘rtasida, qolaversa, ular bilan korxona boshqaruvi mutaxassislari, rahbarlari o‘rtasida kelishmovchilikni yuzaga keltiradi.

Korxona xodimlarini boshqaruvi samaradorligini aniqlash va ularni raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha olib borilgan tahlillar asosida quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

- korxonaning faoliyati xodimlarga bog‘liq va u inson omili bo‘lib, uning mehnat qilish qobiliyati, intellektual ixtisosligi darajasi va kasbiy mahoratini o‘zida mujassamlashishida ifodalanadi;
- xodimlardan korxonalar miqyosida samarali foydalanish ularni mehnat qilish uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmalarini tashkil etish darajasiga bog‘liq;
- xodimlarning mehnat unumdorligini aniqlashda yagona umumlashgan baholar tizimi va baholash uslublariga asoslanish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Шекшня С. Управление персоналом современной организации. М.: Бизнес-школа. «Интел-Синтез»: 2003.
2. Ashurov, M. S., & Mo’ydinova, G. Q. Conflict management in the labor collectives of Uzbekistan enterprises. ISJ Theoretical & Applied Science, 11 (91), 2020. 485-492.
3. Муйдинова, Г. К. "Усиление инновационной активности промышленных предприятий узбекистана в условиях пандемии (COVID-19)." *Наука Сегодня: Факты, Тенденции, Прогнозы*. 2021.
4. Муйдинова Г.К. "Совершенствование механизмов управления персоналом на предприятиях." *Наука Сегодня: Факты, Тенденции, Прогнозы*. 2022.
5. Муйдинова Гулнозахон Кахрамон кизи. “Сущность и значение развития промышленных предприятий на основе инновационных стратегий”. СОВРЕМЕННАЯ НАУКА. XXI ВЕК: НАУЧНЫЙ, КУЛЬТУРНЫЙ, ИТ

КОНТЕКСТ сборник статей I Международной научно-практической конференции. Омск, 2021.

6. Ю. С. Шакирова. "Анализ факторов влияющих на неформальную занятость в Узбекистане" Экономика и бизнес: теория и практика, no. 11-3, 2019, pp. 173-179.

7. Юлдашева Н.А. Вопросы применения цифровой трансформации. Наука сегодня: задачи и пути их решения. 2021/5/26. 51-53.

8. Ханкелдиева, Г. Ш. "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари." *Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Ташкент* (2018).

9. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.

10. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In *Наука сегодня фундаментальные и прикладные исследования: Материалы международной научно-практической конференции. Вологда* (p. 29).

11. Махмудова Н. Ж. Оценки рисков промышленного предприятия //НАУКА СЕГОДНЯ: ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2021. – С. 18-19.

12. Махмудова Н. Ж. Совершенствование системы управления рисками устойчивого развития производственных предприятий // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №3. С. 324-331.

13. Ёрматов И.Т. Некоторые проблемы модернизации промышленных предприятий. НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС: СОЦИАЛЬНЫЕ, ТЕХНИЧЕСКИЕ И ОБЩЕСТВЕННЫЕ ФАКТОРЫ. Сборник статей. Москва, 2018.

14. Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна. "Корхоналарда инқирозларнинг вужудга келиш сабаблари ва омиллари" Экономика и финансы (Узбекистан), no. 4, 2018, pp. 18-24.

15. Nilufar Abduvaxidovna Yuldasheva. “Factors influencing the personnel management system in industrial enterprises” Journal of Management Value & Ethics. 2021/11, Vol. 11 No.03, 81-92.

ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ТАЪМИНЛАШ

Паязов М.М. – Фарғона политехника институти
“Менежмент” кафедраси докторанти,
и.ф.н, доцент

Аннотация: *Ушбу мақолада таълим хизматлари бозорининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган асосий омиллар муҳокама қилинди. Асосан меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорида кадрлар тайёрлашга таъсир этувчи асосий омиллар аниқлаштирилди. Кадрлар тайёрлаш хизматларини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган асосий омиллар белгиланди.*

Калит сўзлар: *хизматлар бозори, таълим хизматлари, меҳнат бозори, муаммолар банки, синергетика, реинжиниринг.*

Аннотация: *В данной статье рассмотрен основные факторы непосредственно связанные с развитием рынок услуг по подготовке кадров. В основном определено основные факторы влияющие на подготовку кадров в рынке труда и на рынке образовательных услуг.*

Ключевый слова: *рынок услуг, образовательные услуги, рынок труда, проблемный банк, синергетика, реинжиниринг.*

Abstract*: This article discusses the main factors directly related to the development of the market for training services. Basically, the main factors influencing the training of personnel in the labor market and in the market of educational services are determined.*

Keywords: *services market, educational services, labor market, problem bank, synergetics, reengineering.*

“Хизматлар соҳаси ривожланган замонавий инфратузилмага эга постиндустриал иқтисодий жамиятга хос. Айнан ривожланган давлатларда иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизидан ортиқроғи хизмат кўрсатиш соҳаларида банд”[1]. Хизматлар соҳаси ҳар бир тармоқ фаолиятини самарадорлигини таъминлашда юксак интеллект, замонавий маҳорат талаб қиладиган кичик бўғин, лекин глобалл муаммоларни ҳал қилишда асосий занжир вазифасини ҳам ўтайди. Жаҳон мамлакатларида хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшимча қиймат шу соҳада яратилади.“Замонавий шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини ўрганиш приципиал аҳамиятга эга”[2]. Шу нуқтаи назардан мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда биз хизматлар бозорига таъсирини ўтказувчи иккита аспектни ўрганиб чиқамиз. Биринчиси меҳнат бозори бўлса, иккинчиси таълим хизматлари бозоридир. Ҳар иккала бозорни илмий тадқиқ қилиш бизга маълум даржада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга имкон беради.

Менежментда кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли математик-статистик моделлар орқали минтақа, тармоқ, ҳудуд, муассаса (корхона, ташкилот ва б.) миқёсида амалга оширилиши мумкин.

Қисқа муддатли даврга мўлжалланган кадрларга талабни аниқлаш ишлари корхонадан вазирликка, яъни қуйидан юқорига олиб чиқиш орқали ҳал этилади. Бунда корхоналарда бу соҳада ишларнинг тўғри олиб борилганлигини,

улардаги эҳтиёж кўрсаткичлари тармоқлар ва соҳалар бўйича ОТМларида тайёрланаётган кадрлар сонига мувофиқлик даражасини текшириш зарур. Юқори малакали кадрларга ўрта ва узоқ муддатли талабни белгилаш ишларини вазирликлар ва улар тасарруфидаги йирик корпорациялар, идоралар ва ОТМлари миқёсида олиб бериш тавсия этилади.

Кадрлар танловида биз оддий, тизимли ёндошувни йўлга солишимиз лозим бунинг учун таълим ҳамда меҳнат бозори тушунчалари ҳамда унга таъсир этувчи омилларни ўрганишимиз лозим бўлади.

Таълим хизмати – бу субъектларнинг таълимга ва улар ўртасидаги таълим маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадига қаратиган фаолият йиғиндисидир.

Меҳнат бозори –иш кучи олди –сотди қилинадиган бозордир. Меҳнат бозори олди- сотти жараёнида бир томонда иш излаётганлар бўлса, иккинчи томонда иш таклиф қилувчилар бўлади. Мана шу жараёнда қўйидаги ходиса руй беради (1-расм). Ушбу холатда хизматлар бозори халқ хўжалигининг турли тармоқларда реинжинеринг- бизнес фаолиятини таъминлашда ҳамда кадрлар синергетикасида фаол иштирок этади.



1-расм. Хизматлар соҳасида хизматлар бозори

Шу нуқтаи назардан хизматлар бозорини таснифлаш ва хизматлар соҳасини тартибга солиш даражасини аниқлаш келгусида қўшимча иш ўринларини яратишда ҳамда соҳалар ривожланиш интергациясини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (МСТ) мувофиқ барча амалга оширилади. Хизматларнинг барча тармоқларда қайсидир кўришишда мавжудлиги бозордаги талаб ва таклифга боғлиқ равишда ривожланиб боради. Ушбу ҳолатда хизматлар бозорнинг ривожланганлик даражаси кўпрок унга таъсир этувчи омилларга боғлиқдир. Масалан, таълим хизмати доимо бахс – мунозарларга сабаб бўлиб келаётган муаммодир. Таълим хизматлари бозорида бажариладиган иш (ҳолат) меҳнат бозорида ижобий (ёки салбий) натижаларга олиб келиши мумкин ва аксинча меҳнат бозорида бажариладиган иш (ҳолат) таълим хизматлари бозорида ижобий (ёки салбий) натижаларга олиб келади.

Таълим хизматлари ҳамда меҳнат бозори хизматлар бозорида ҳалқ ҳҳўжалиги учун кадрлар эҳтиёжи ва салоҳиятини таъминловчи ягона бўғин сифатида номоён бўлади. Узвий боғланган хизматлар бозори ё ўсади яъни рақобатбардош бўлади, ё синади. Демак хизматлар ўзаро бозорни вужудга келтиради. Бозорнинг мақейи хизматлар бозорига таъсир этувчи омилларга пропорционал тарзда синергетик боғланиши ҳамда илмий нуқтаи назардан ёндошилиши билан шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан хизматлар бозорида соҳаларни ривожлантириш омилларнинг қанчалик ижобий таъсир этаётганлиги билан шаклланиб боради. Мисол учун, кадрларни тайёрлаш бевосита таълим хизматлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли биз таълим хизматлари бозори ва унга таъсир этувчи омиллар(Давлат таълим стандартлари; профессор-ўқитувчилар салоҳияти; муассасанинг моддий-техника базаси; ОТМларида таълим сифати ва самарадорлиги; буюртмачи ташкилотлар ва корхоналар (иш берувчилар); мамлакатнинг иқтисодий аҳволи; Ўзбекистон Республикаси қонунлари, фармонлар ва қарорлар; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари; ижтимоий, маданий ва маънавий муҳит; ички ва ташқи инвестициялар ва ҳоказолар)га илмий нуқтаи назаридан ёндошамиз. Таҳлилимиз натижаларига асосан У ҳолда хизматлари бозорига таъсир этувчи муаммолар банкини ишлаб чиқамиз. Ушбу муаммолар банкидан келиб чиқиб чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқамиз.

Савол вужудга келиши мумкин:-“Таълим хизматлари бозори ривожланиш параметрларини қайердан олади ва ўзининг ўсиш нуқталарини белгилайди?”-деб. Мана шу пайтда меҳнат бозори хизматлари аҳамиятини ҳам тушуна бошлаймиз. Шунинг учун биздан бозорларининг синергетик мувофилигини таъминлаш учун меҳнат бозорига таъсир этувчи омиллар (Қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар; Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият; Олий таълим муассасаларидан етказиб берилаётган кадрлар сифати; меҳнатга лаёқатли (иқтисодий фаол ва нофаол) аҳоли; умумий ўрта ва ўрта-махсус таълим муассасалари; мамлакатнинг иқтисодий аҳволи; йирик концерн, компания, бирлашма, корхона ва ташкилотлар; Замонавий билимлар, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялар; тадбиркорлар ва ишбилармонлар; меҳнат муносабатлари ва бандликка кўмаклашиш марказлари; бошқармалар ва биржалар; хорижий сармоядорлар; сиёсий партиялар ва ҳоказолар)ни таҳлил қиламиз.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мазкур масала юзасидан шундай дедилар: “Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда”[3].Шунинг учун ҳам биз кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда мамлакатдаги хизматлар бозорининг умумий ҳолати, хизматлар бозорида хизматлар таснифи бўйича малакали кадрлар билан таъминланганлиги ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган иш ўринлари ҳамда янги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда кадрлар, уларнинг заҳирасини тайёрлаш стратегик

режаларини ишлаб чиқамиз. Лыбанова М.В. таъкидлайдики, “Ҳозирги даврда кадрлар тайёрлашда жиддий номутаносиблик вужудга келди. Бир томондан, меҳнат бозорида талаб қилинадиган касблар танқислиги, шу вақтнинг ўзида кам талаб қилинувчи дипломли мутахассисларнинг ортиқча таклифи мавжуд”[4]. Кудбиев Д., Кудбиев Ш.нинг хулосасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ечимини кутаётган масалалар ўртасида энг муҳими – бу касб-малака кесимида ишчи кучининг талаб ва таклифи ўртасида номутаносибликни бартараф этишдир”[5].

Халқаро экспертлар ва олимларимизнинг бу фикр-мулоҳазалари республика ОТМларида талаб ва таклиф асосида рақобатбардош, иқтидорли, билимли ва ташаббускор юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарблигини янада оширади. Бу борада мулоҳаза юритилса, ОТМ таклиф этаётган таълим хизматларини бозорга чиқариши, шунингдек, давлат, жамият ҳамда корхона ва ташкилотларнинг интеллектуал мулкка, рақобатбардош ва салоҳиятли юқори малакали кадрларга, шахснинг сифатли таълим олишга ҳақиқий эҳтиёжларини қондирилиши учун ўқув-илмий, меҳнат, молиявий-иқтисодий ва бошқа ресурсларга эга бўлиш ҳамда бу ресурслардан оқилона фойдаланиш қатъий режалаштирилган бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Википедия материаллари асосида —энциклопедия// [Электронн манбаа] https://ru.wikipedia.org/wiki/сфера_услуг (қаралган 24.03.2022 йил).

2. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган видеоселектор йиғилиши материаллари.“Хизматлар соҳасини ривожлантириш келгуси йилги устувор йўналиш этиб белгиланди// [Электронн манбаа] http://uza.uz/posts/189356 (қаралган 24.03.2022 йил).

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Тошкент. – 2017. – 104 б.

4. Лыбанова М.В. Формирование национальной системы образовательных услуг: проблемы взаимодействия государства, общества и бизнеса // Проблемы современной экономики. – 2015. – 2 (54). –с.342-345.

5. Кудбиев Д., Кудбиев Ш. Взаимосвязь системы профессионального образования и рынка труда молодежи: анализ, проблемы иперспективы // Олий иқтисодий таълимни модернизациялаш: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар. Халқаро илмий-услубий анжуман тезислари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2007. с.142-145.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КУНИКМАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Шукуров И.Х. – СамИСИ, Сервис кафедраси мудири
Сувонов З.Ш. – СамИСИ, Сервис кафедраси ўқитувчиси
Холиқулова Ш.Ф. – СамИСИ, ХС-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада сервис соҳаси учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, кадрларнинг профессионал куникмалари ва уларга қўйиладиган талаблар кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *хизматлар соҳаси, овқатланиш корхонаси, кадрлар, стандартлар, талаблар.*

Аннотация: *В данном статье расмотрена подготовка конкурентоспособных кадров для сферы услуг, а также требование их к профессиональной квалификации.*

Ключевие слова: *индустрия услуг, предприятия питание, кадры, стандарты, требования*

Annotation: *This article examines the preparation of competitive personnel for the service sector, as well as their requirement for professional qualification.*

Key words: *service industry, enterprise food, personnel, standards, requirements*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида ёшларга оид давлат сиёсатни такомиллаштириш учун қўйидагиларни: “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [1] зурурлигини мақсад ва вазифа қилиб белгилаб берди.

Сервис соҳасида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш учун нафақат дунёвий ва диний билимларга эга бўлишлигини таъминлаш, балки жисмонан соғлом, интелектуал салоҳиятли бўлиб ўсишида овқатланишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўсиб келаётган инсон организми тўғри ўсиши, унинг мия фаолиятини ва қобилиятини ривожлантириш учун овқатланиш тартиби ва истеъмол қилинаётган маҳсулотлар таркиби катта аҳамиятга эга.

Бу албатта соҳада фаолият юритаётган корхоналарда хизмат кўрсатаётган мутахасислардан чуқур билим ва касбий куникмалар талаб қилинадики улар овқатланишни илмий асосланган ҳолда ташкил этиши зарур бўлади. Шунинг учун таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этишда соҳага оид юридик шахслар жалб этилади.

“Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 184-сон қарорига кўра таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказилади. Танлов шартларига кўра рўйхатдан ўтган умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат

технологияси бўйича мутахасислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин [2].

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаб айтишимиз мумкинки, айни соҳада фаолият олиб бораётган ишчи ходимларнинг аксарият қисми соҳа мутахассислари ҳисобланишмайди. Бу эса табиий равишда овқатланиш корхоналарида замонавий сервис хизматларини кўрсатиш жараёнларини ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг бажарилмасдан қолишига олиб келади.

Бугунги кунда овқатланиш корхоналари учун таълим муассасалари тамонидан давлат таълим стандартлари асосида мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Улар касб тавсифномаси ва ихтисосликлари бўйича администратор, сервис-менеджер, озиқ-овқат технологи, ошпаз, официантлардир. Соҳа мутахасислардан бажариладиган иш мазмуни, билиши ва бажара олиши зарур бўлган жиҳатлар, муҳим касбий фазилатлар, тиббий монеъликлар каби талаблар қўйиладики биз уларни хусусиятларини ҳамда касбий ўсиш истиқболлари кўриб чиқамиз. Унга кўра иш ўрганувчи, официант, бош официант, менежер, бош менежер.

Уларнинг иш мазмуни қўйидагилардан иборат: корхона ходимларини бошқариш; учрашувлар, банкетлар, байрам тадбирларини ташкил этиш; интеръерни безатиш; овқатланиш корхонаси таомномасини тайёрлаш; мижозларга ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш;мижозлар эҳтиёжларини ўрганиш ва тизимлаштириш; маркетинг қилиш ва рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш; хизмат кўрсатиш сифатини маниторинг қилиш.

Билиши зарур бўлган жиҳатлар: овқатланиш корхоналари фаолиятини; сервис корхоналарида (овқатланиш, спорт ва клублар) иш юритишни; мижозлар психологиясини; хизмат кўрсатишни ташкил этиш усулларини; корхонада кўрсатилаётган хизматларининг нархларини; реклама агентликлари ва компанияларини; маркетинг қилишни.

Бажара олиши керак: хизматлар соҳаси бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш мажбуриятларини; мижоз буюртмасини қабул қилиш ва сифатли хизмат кўрсатишни; муаммоли вазиятларда ўзини қўлга ола билишни; мижозларга кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китобини юритишни; нақд пулнинг банк орқали ҳисоботини юритишни; мижозлар хоҳишини ҳисобга олиб, энг яхши хизматлар таклиф қилишни; қўшимча техника, ускуналар ва материаллар ўрнатиш учун талабномаларни юритишни; корхона фаолиятини ривожлантириш учун янги лойиҳаларни амалга оширишни.

Муҳим касбий фазилатлар: муомала одоби ва нутқ маданияти; мижозларни ҳурмат қилиш; сезгирлик ва ғайратлилик; ўзига ишониш ва қарорлар қабул қилиш; бағрикенглик, ижодкорлик, топқирлик; универсаллик ва ташаббускорлик; тартиб (буюртма, технологик ва норматив ҳужжатларни юритиш); концептуал фикрлашнинг юқори даражаси ва ўзини бошқариш.

Муҳим касбий сифатлари: хизмат кўрсатиш ишларига мойиллик; диққатни жамлай олиш қобилияти; табиат маҳсулотлари (мева ва сабзавотлар) билан ишлашга мойиллик; эстетик дид ва кучли хотира; озодалик, маъсулият,

ташкилотчилик; қўл меҳнатига мойиллик; жисмоний чидамлилик; ижодий ишга мойиллик.

*Тиббий монеъликлар (чекловлар):*аллергик касалликлар; таянч ҳаракат тизими касалликлари; юрак-қон томир касалликлари; умуртқа поғонаси касалликлари; эшитиш ва кўриш органлари касалликлари; юқумли тери касалликлари; юқори нафас йўллари касалликлари.

Ошпазликнинг ихтисослик бўйича касб тавсифномаси қўйидагилар: миллий ва хорижий таомлар ошпази, болалар ва парҳез таомлар ошпази, қандолатчи, новвой, карвин санъати устаси.

Улар рецептга мос турли хилдаги таомлар ва кондитер маҳсулотлари тайёрлайдилар. Ошпаз таомларнинг сифати, сақлаш қоидалари ҳамда санитария ва гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилади.

Билиши зарур: Сабзавотларга ишлов беришни; гўшт ва гўшт маҳсулотларига ишлов беришни; ярим тайёр маҳсулотлар тайрлашни; таом тайёрлашни; пазандачилик асосларини; маҳсулотларга ишлов бериш ва турли таомлар тайёрлаш талабларини; диетик таомлар тайёрлаш рецептларни; таомларга безак бериш ва тарқатишни; ошхона санитария-гигиена талабларини;

Тиббий монеъликлар (чекловлар): турли мойлар, ароматизаторлар, зираворларга қарши аллергия; иссиқ ва совуққа тасирчанлик; тери касалликлари; таъм билиш тизими бузилиши; қон томир варикози; таянч-ҳаракат тизимининг бузилиши; невроз касалликлари.

Касбий ўсиш истиқболларини кўриб чиқамиз (1- расм). Овқатланиш корхонасида иш ўрганувчи бўлиб фаолият бошлаган ходим шахсий ресторан эгаси, ёки бош менежер бўлиши учун биз юқорида кўриб чиққан касбий куникма ва хусусиятларга эга бўлиши лозим. Овқатланиш корхонасини самарадорлигини оширишда унда фаолият олиб бораётган ходимларнинг



1-расм. Касбий ўсиш истиқболлари

профессионаллигига ҳам боғлиқ бўлади. Хулоса қилиб айтганда соҳа учун касбий тайёргарлиги бўйича замон талаблари даражасидаги сифатли**,** рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун кадрлар тайёрлаш таълим тизими ва

ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, тўғри овқатлантиришни ташкил этиш бўйича илмий асосланган меъёрларни тадбиқ этиш, бунинг учун соҳа мутахассисларни жалб этиш, тармоқ корхоналари фаолиятида кадрларни иш билан таъминлашда тегишли назорат қилувчи ташкилотлар таъсирчанлигини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекитон Республикаси Президенти Ш.Н Мирзиёевнинг "Ўзбекитон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. - Тошкент: Адолат, 2017.-Б.16-17

2. "Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 184-сон қарори. 2-илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 йил 34 (430)-сон.

3. www.stat.uzwww.uzbekistonovozi.uzhttp://uza.uz/oz/documents

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИМЛАРИ

Абдурайимов У.А. - СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Наркулов Ш.З.- СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Хамроқулов Ш.Ш. - СамИСИ, ХСЭ-119 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада овқатланиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида мавжуд айрим масалалар кўриб чиқилган, шунингдек, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ёритилган.*

Калит сўзлар: *Овқатланиш соҳаси, овқатланиш корхонаси, кадрлар, стандарт, талаблар.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются некоторые существующие вопросы, связанные с подготовкой кадров для предприятий общественного питания, их трудоустройством, а также задачи, которые необходимо решить в связи с этим.*

Ключевые слова: *индустрия общественного питания, предприятие общественного питания, персонал, стандарт, требования.*

Annotation: *This article discusses some of the existing issues related to the training of personnel for the catering industry, their employment, as well as the tasks that need to be done in this regard.*

Keywords: *Catering industry, catering establishment, personnel, standard, requirements.*

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектул салоҳиятли, баркамол ва замонавий дунёқарашга эга, ватанимиз тақдири ва келажагига даҳлдорлик руҳиятида тарбиялаш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида "Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий

нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” зурурлигини мақсад ва вазифа қилиб белгилаб берди.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш учун нафақат дунёвий ва диний билимларга эга бўлишлигини таъминлаш, балки жисмонан соғлом, интелектуал салоҳиятли бўлиб ўсишида овқатланишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўсиб келаётган инсон организми тўғри ўсиши, унинг мия фаолиятини ва қобилиятини ривожлантириш учун овқатланиш тартиби ва истеъмол қилинаётган маҳсулотлар таркиби катта аҳамиятга эга. Организм меъёрида фаолият кўрсатиши учун 600 дан ортиқ озуқавий моддалар керак. Улардан тахминан 90% шифобахш таъсирга эга бўлиб, жуда кам қисми тананинг ўзида яратилади ва аксарияти ташқаридан киради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотлариг кўра, инсон соломатлиги ва узоқ умр кўриши 10% ҳолларда тиббиётга, 20% ҳолларда унинг наслига, 20% ҳолларда ташқи тасирларга (экологик иқтисодий ва бошқаларга), 50% ҳолларда эса, унинг ҳаёт тарзи одатларига (жисмоний фаоллик, чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ортиқча тана вазни ва бошқалар), шу жумладан овқатланиш тартибига боғлиқ.Тиббиётда ҳам организм ўз-ўзини тиклаши, йўқотилган энергияга бўлган талабни қондириши таркибида керакли миқдордаги моддаларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш орқалигина таъминланиши таъкидланган. Бунинг учун кенг жамоатчилик ва аҳоли овқатланиш қоидалари тўғрисидаги билимларга эга бўлиши ва унга амал қилишлари зарурдир. Шундагина инсондаги физиологик жараёнлар меъёрида бўлади, жисмонан ва маънан ривожланади, яхши яшайди, серунум меҳнат қилади. Лекин бугунги кунда бу борада камчиликлар мавжудлиги сезилмоқда. Аҳолининг турли қатлам вакилларини овқатланишини ташкил этишда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири овқатланиш корхоналарида меҳнат фаолияти билан банд бўлган ишчи ходимлар кўпчилик ҳолларда етарли даражада касбий билим ва кўникмаларга, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат хомашёлари ва тайёр маҳсулотларининг таркибий қисмлари тўғрисида маълумотларга эга эмаслиги ҳисобланади. Ваҳолангки, айни даврларда фаолият юритаётган овқатланиш корхоналари мутахассис ходимларидан профессионал билимлар талаб қилиниб, улар ўз истеъмолчиларининг ёши, жинси, фаолият тури, бажарадиган иши ҳамда иқлим шароитлари каби кўрсатгичларни инобатга олган ҳолда овқатланиш хизматларини ташкил этишлари зарур бўлади.

Бугунги кунда овқатланиш хизматлари соҳаси бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасалари тамонидан мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Лекин, кузатувларимизга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, айни соҳада фаолият олиб бораётган ишчи ходимларнинг аксарият қисми соҳа мутахассислари ҳисобланишмайди. Бу эса табиий равишда юқорида биз таъкидлаб ўтган, овқатланиш жараёнларини ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг бажарилмасдан қолишига олиб келади.

Гост 30524-2013 (Умумий овқатланиш хизматлари. Ходимларга қўйиладиган талаблар) стандартида овқатланиш корхоналари ходимларига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган. Уларга кўра умумий овқатланиш корхоналарида фаолият олиб борувчи асосий ходимлар ва уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

- Ресторан, кафе, бар, ошхона ва бошқа овқатланиш корхонаси директори (бошқарувчи, менежер); *Умумий овқатланиш корхонасининг ташкилий масалалари билан шуғилланадиган мутахасиси.*
- Ишлаб чиқариш бўйича бошқарувчи (бош ошпаз, цех бошлиғи, цех бошлиғининг ўринбосари). *Ташкилотнинг ишлаб чиқариш бўйича мутахасиси бўлиб технологик жараёнларни ташкиллаштиради ва кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан шуғилланади*.
- Инженер (техник)-технолог (ишлаб чиқариш менежери). *Технологик жараёнларнинг бажарилиши бўйича ва корхонадаги техник хужжатлар юритилиши бўйича шу билан бирга улардан фойдаланиш ва қўлланилишини назорат қилувчи мутахассис.*
- Метрдотель (зал администратори). *Истеъмолчиларни залда кутиб олишни, официантлар ва барменнинг хизматини, залдаги тартибга келтириш ишларини таъминлашни назорат қиладиган ходим.*
- Официант. *Истеъмолчиларга залда хизмат кўрсатиш, стол сервировкаси, таом ва ичимликларни берилиши, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб ишларини олиб борадиган ишчи ҳисобланади.*

Умумий овқатланиш корхоналари ходимлари хизмат кўрсатувчи, ишлаб чиқарувчи, админстрация ходимларига бўлиниб, стандарт талабларига кўра улар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим;

- Олий ёки ўрта махсус маълумотларга эга бўлиши
- Мутахассислиги бўйича иш тажрибасига эга бўлиши
- Асосий қонун хужжатларини, меҳнат қонунчилигини билиши
- Кадрларни танлаш ва жойлаштириш кўникмасига эга бўлиши
- Умумий овқатланишда кўрсатиладиган хизматларнинг қоидаларини билиши
- Умумий овқатланиш корхонаси ишлаб чиқаришини ташкил этиш асосларини билиши
- Ишлаб чиқариш фаолиятини, бир-бирига бўйсунувчи ходимларни бошқариш ва технологик жараёнларни оқилона ташкил этишни билиши ва ҳокозо.

Бугунги кунда сервис соҳаси учун тайёрланаётган мутахассислар қўйидагиларни ўзлаштириши зарур ҳисобланади:

- сервис корхонасидаходимларини бошқариш кўникмаларини;
- хизматлар соҳаси бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш мажбуриятларини;
- хизмат кўрсатиш маданиятини;
- хизмат кўрсатиш сифатини мониторинг қилишни;
- корхона мижозлари эҳтиёжларини ўрганиш ва тизимлаштиришни;

- кохонада интерьер ва экстерьерни шакллантириш кўникмаларини;
- турли хил тадбирларни, банкетларниташкилэтиш;
- таомнома тузиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини бозор талабларига мос ишлаб чиқишни;
- маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ва соҳадаги рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилишни;
- мижозлар буюртмасини қабул қилиш ва сифатли хизмат кўрсатишни;
- муаммоли вазиятларда ўзини қўлгаолабилишни;
- мижозларга кўрсатилган хизматларҳисоб-китобиниюритишни;
- нақдпулнинг банк орқалиҳисоботиниюритишни;
- мижозлар хоҳишини ҳисобга олиб, эн гяхши хизматлар таклиф қилишни;
- қўшимча техника, ускуналар ва материаллар ўрнатиш учун талабномаларни юритиш;
- корхона фаолиятини ривожлантириш учун янги лойиҳаларни амалга оширишни ва бошқалар.

Муҳим касбий фазилатларга эга бўлиши:
- муомала одоби ва нутқ маданияти;
- мижозларга ҳурмат ва эътиборли бўлиш;
- сезгирлик ва ғайратлилик;
- ўзига ишониш ва қарорлар қабул қилиш;
- бағрикенглик, ижодкорлик, топқирлик;
- универсаллик ва ташаббускорлик;
- тартиб (буюртма, технологиква норматив ҳужжатларниюритиш);
- концептуал фикрлашнинг юқори даражаси ва ўзини бошқариш.

Биз таъкидлаб ўтган умумий овқатланиш соҳасига оид стандартларда белгиланган, кадрларга бўлган талаблар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат таълим стандартлари ва малака талабларида олий таълим муассасалари ва касб ҳунар коллежларида тайёрланаётган соҳа мутахассислари эга бўлиши лозим бўлган билим ва кўникмалар доираси билан мазмунан тенг ахамиятга эга. Масаланинг эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳати шундан иборатки, мазкур стандартлар асосида тайёрланаётган, белгиланган билим ва кўникмаларни ўзлаштирган кадрлар ўз мутахассисликлари бўйича эмас, балки, жамиятнинг бошқа соҳаларида фаолият юритишмоқда. Бунинг асосий сабаблари;

Биринчидан, овқатланиш корхоналарининг аксарият қисми хусусий мулкчилик шаклига асосланган, бундан келиб чиқиб, соҳа субъектлари кадрлар танлашда ва иш билан таъминлашда ўз манфаатларини кўзлаб иш тутишмоқда, оқибатда соҳада номутахассис ходимлар фаолият олиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Иккинчидан, соҳада тайёрланаётган мутахассис кадрларни ишга танлаш ва жойлаштиришда қатъий механизмлар мавжуд эмас.

Учинчидан, овқатланиш корхоналари томонидан олий маълумотли мутахассисларни қониқтирадиган даражадаги иш хақини таклиф этилмаслиги натижасида мутахассислар бошқа соҳада фаолият олиб боришга мажбур

бўлишмоқда.

Тўртинчидан, овқатланиш корхоналари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда илмий асосланган таклифлар ва ишланмаларнинг етарлича қўлланилмаяпти, соҳага доир илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти.

Бешинчидан, айрим ҳолатларда тегишли мутахассис кадрларнинг замон талаблари даражасидаги билим ва кўникмаларга эга эмасликлари кўзга ташланмоқда.

Булардан келиб чиқиб, юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларни ҳал қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- соҳа фаолиятига доир илмий тадқиқот ишларини олиб борилишини кўпайтириш, соҳани ривожлантиришни назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг турли қатламлари вакилларини тўғри овқатлантиришни ташкил этиш бўйича илмий асосланган меъёрларни тадбиқ этиш ва буни амалга оширишда айнан мутахассисларни жалб этиш;
- замон талаблари даражасидаги сифатли, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, бу жараёнларда кадрлар тайёрлаш таълим тизими ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш;
- тармоқ корхоналари фаолиятида кадрларни иш билан таъминлашда тегишли назорат қилувчи ташкилотлар таъсирчанлигини янада ошириш, кадрларга бўлган реал талабларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;
- сервис соҳаси учун кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг моддий техник базасини яхшилаш, ўқув лабораторияларни замон талабларига мос равишда жиҳозлаш, ўқитилаётган фанларнинг ўқув услубий ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш;
- соҳада юқори натижаларга эришган профиссонал ошпазлар ва ресторaторларни ўқув жараёнларига жалб этиш ҳамда уларнинг иш тажрибасидан фойдаланиш.

Қолаверса айни даврда республикамизда туризмни янада ривожлантириш, хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улушини ошириш мақсад қилиб қўйилган экан юртимизга ташриф буюрувчи меҳмонлар ва аҳолини овқатлантиришда жаҳон андозаларига мос равишда сервис хизматларини ташкил этишни янада такомиллаштириш, фаолият олиб бораётган сервис корхоналари учун кадрлар масаласи долзарб бўлиб ҳисобанади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Тошкент: “Адолат”, 2017.-112б.

2. Ш.И.Каримов ва бошқалар. Соғлом овқатланиш саломатлик мезони Тошкент: “Тошкент тиббиёт академияси” 2015.-374 б.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАКОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ

Ахмеджанова Ф.А. – СамИСИ доценти, техника фанлари номзоди
Каримова Ш.М. - СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация. *Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновациялар ва хорижий тажрибаларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, усул ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.*

Калит сўзлар: *Педагогик инновациялар, таълим тарбия, таълим шакли, таълим усули, таълим воситаси, педагогик технологиялар.*

Аннотация: *В то время, когда в стране процесс модернизации развивается бурными темпами, применению зарубежных и инновационных педагогических технологий в учебно-воспитательном процессе уделяется большое внимание. Несмотря на то, что разрабатывается большое количество новейших педагогических технологий применение их в учебном процессе для совершенствования форм, методов и средств обучения приводит к большим затруднениям.*

Ключевые слова: *Педагогические инновации, учебно-воспитательная деятельность, методы обучения, средства обучения , формы обучения, педагогические технологии.*

Abstract:*At a time when the country's modernization process is developing at a rapid pace, the reconciliation of foreign and innovative pedagogical technologies in the educational process is given great attention. Despite the fact that a large number of the latest pedagogical technologies are being developed, their application in practice to improve the forms and methods of teachingleads to great difficulties.*

Key words: *Pedagogical innovations, teaching and educational activities, teaching methods, teaching aids, forms of instruction, pedagogical technologies.*

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб,

бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва суст ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказади. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир.[1]

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи кўпгина тадқиқотчилар[2] ишларида ҳамда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор бўлиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мамлакатимиз олимлари ишларида мазмуни ёритилган.[3]

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бундай шароитда, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга кадрларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновациялар ва хорижий тажрибаларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг

яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, усул ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир педагогнинг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади.

Олий таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак мутахассислар чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши, маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп инновациялар киритишга интилмоқда. Бугунги инновациялар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Инновациялар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, “Ақлий ҳужум”, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

- профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг

мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинча машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни мувафаққиятли ҳал этиш лозим:

- профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

- олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

- фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014.

2. Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 2010. – 339 p.

3. Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 2018. № 29 (2). Pp. 163-172.

4. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамарасулов З.Э. – СамИСИ, Сервис кафедраси катта ўқитувчиси
Абдураймиов У.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Мирзаахмадов Д. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация: *Мақолада таълим жараёнларини лойиҳалаш қонуниятлари, асосий тамойиллари ва улардан амалиётда босқичма-босқич фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *таълим, касбий фаолият, таълим жараёни, лойиҳалаштириш, қонуниятлар, тамойиллар.*

Аннотация: *В статье приведены закономерности, основные принципы построения образовательных процессов и рекомендации по их поэтампному применению на практике.*

Ключевые слова: *образование, профессиональная деятельность, образовательный процесс, проектирование, законы, принципы.*

Abstract: The article provides the laws, basic principles of designing educational processes and recommendations for their step-by-step application in practice.

Ҳозирги даврда таълим беришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Таълимнинг ўқитиш жараёнини замонавий технологиялар ва усуллар асосида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бу соҳага Президентимиз ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уни жадал ривожлантириш бўйича бир қатор визфалар белгилаб берган.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогик вазифаларни бажаришда ўқитувчи ва тингловчи фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойиҳалаш орқали эришиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида таълим жараёнини технологиялаштириш ва уни лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашувни, яъни, таълим жараёнини технологик структурасига замонавий интерфаол методларига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаши алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқув курсини ўрганиш алоҳида мавзу ва бўлимларни лойиҳалаш асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш деганда, педагогик фаолият кўриниши бўлиб, у таълим жараёнининг технологик тузилма ҳама ўқитиш натижасини кафолатловчи метод ва воситалар йиғиндисига эгалиги билан тавсифланади ва лойиҳалаш маҳсули таълим жараёнининг лойиҳаси саналади.

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қуйидаги қонуниятларини амалга ошириш лозим:

- таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилишини таъминлаш;
- таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танлаш;

- лойиҳалаш стратегиясини ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танлаш;

- лойиҳалаш сифати эса ўзаро (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги) алоқа кўламига, лойиҳалаш мазмунига ва барча омиллар самарадорлигига боғлаш.

Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада олиб бориш лозим:

- яъни, ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш);

- таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади.

Бундан ташқари, таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади, ҳамда лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишга, педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Шунинг учун биз ишимизда таълим жараёнини лойиҳалаштириш тамойилларини таҳлил этиб, унинг амалга ошириш босқичларини аниқладик.

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: рефлексивлик; натижавийлик; марказлаштириш; кўп омилилик; талаба шахсини таълим жараёнига мослаштириш ва таълим жараёнида табиий ривожланиш ҳамда ижтимоийлашув тамойиллари.

Рефлексивлик тамойили субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, тингловчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси – субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришни талаб этади.

Натижавийлик тамойили педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

Марказлаштириш тамойили технологик жараёнда тингловчилар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва тингловчи фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини тингловчиларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил

этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур.

Тингловчилар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, тингловчининг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қилади.

Шулардан келиб чиқиб, марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуйидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, уларни тингловчилар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

Кўп омиллилик тамойили. Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва тингловчиларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий–психологик муҳит, тингловчиларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

Тингловчи шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили. Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўникмаларини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмуни ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни тингловчилар кундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур.

Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили. Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, тингловчиларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, тингловчилар томонидан ижтимоий тажрибани индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш керакки, таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди. Лойиҳалашда тингловчини ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустақил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ҳурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсадини, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари,

шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

СЕРВИС КОРХОНАЛАРИГА ХОДИМЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ

Абдурайимов У.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти
Қаххаров Ж.А. – СамИСИ, Сервис кафедраси ассистенти

Аннотация: *ушбу мақолада сервис корхоналарига ходимларни ишга қабул қилишда хорижий компаниялар тажрибасидан фойдаланиш ва уни республикамиз корхоналарга ходимларни ишга қабул қилишда жорий этиш бўйича маълумотлар берилган.*

Калит сўзлар: *рекрутинг, интервью, интеллектуал интервью,скрининг.*

Аннотация: *В данной статье представлена информация об использовании опыта зарубежных компаний по подбору персонала на предприятия сферы услуг и его внедрение при подборе персонала на предприятия республики.*

Ключевые слова: *рекрутинг, интервью, интеллектуальное интервью, скрининг.*

Annotation: *This article provides information on the use of experience of foreign companies in the recruitment of employees to service enterprises and its introduction in the recruitment of employees to enterprises of the republic.*

Keywords: *recruitment, interview, intellectual interview, screening.*

Бугунги кунда ҳар бир раҳбар – иш берувчи юқори малакали кадрлар билан ишлашни кўпроқ хоҳлайди. Юқори малакали кадрлар белгиланган вазифаларни тез ва сифатли ҳал қилишнинг кафолати ҳисобланади.

Ҳозирги ўта глобаллашган замонда кадрларнинг нотўғри танланиши корхоналар учун кўп йўқотишларга сабаб бўлади.

Кадрларни танлаш ва бу жараёнда қўлланувчи методлар хориж жумладан, жаҳон мамлакатлари тажрибасида асосан кенг тарқалган нодавлат бандлик ташкилотининг шакли рекрут агентликлар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси буюртмачи ташкилотга мутахассисларни буюртма асосида топиш ва энг мақбул номзодни танлаб беришдан иборатдир. Рекрутинг агентликлар кўмагида персонални қидириш ва танлаш жараёнини бир-бири билан ҳам ички, ҳам ташқи томондан чамбарчас боғланган элементлар тизими сифатида баҳолаш лозим.

Ушбу мақолада кўриб чиқиладиган масалалар Ўзбекистон меҳнат бозорида нисбатан янги тушунча эканлигини, улар асосан хорижий мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилиши ва мутахассисларимиз тадқиқотларида бу масалалар чуқур ўрганилмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Қуйида жаҳон корхоналари амалиётида кадрларни ишга танлаб олишда кенг қўлланаётган методлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

1. Интервью. Ишга танлаш ва қабул қилиш жараёнида номзод билан суҳбат ташкил этиш янгилик эмас. Лекин мутахассислар томонидан бугунги

кунда интервью турларга ажратилмоқда.

1.1. Интеллектуал интервью – ишга қабул қилиш жараёнида ўтказиладиган суҳбатнинг янги стандарти. Бошқотирма, жумбоқ ва муаммоли саволлардан ушбу интервьюда кўп фойдаланилади. Интеллектуал интервьюда номзодга бериладиган саволлар ностандарт ҳисобланиб, "мумкин бўлмаган саволлар" деб ҳам ҳисоблашади. Уларга жавобни ҳеч ким билмайди, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Асосий мақсад – номзоднинг интеллектуал салоҳияти, ўзига хос ва ижодий фикрлаши, шунингдек "мегарақобат" муҳитида бардошлилигинибаҳолашдан иборатдир.

Номзодлардан интервью пайтида ўзини кўрсатиши, ўз дунёқараши ва фикрини ҳимоя қилиши талаб этилади. Улар муваффақиятга эришиш учун қийин шароит ва стрессли вазият бўлшига қарамай, берилган саволларга ақл билан жавоб бериши ва қўйилган жумбоқни ҳал қилиш йўлларини таклиф этиши керак.

1.2. Стрессли интервью. У "шок интервью" деб ҳам аталади. Бу ёндашувдан мақсад – номзоднинг стрессга чидамлилигини аниқлашдан иборат. Ушбу технологиядан оммавий фойдаланиш тавсия қилинмайди. Фақатгина баъзи бир касб эгаларини, масалан, кассирлар, банклардаги операционистлар, ўт ўчирувчилар, ички ишлар ходимлари, ўқитувчилар, ходимлар билан ишловчи мутахассислар кабиларни ишга қабул қилиш жараёнида қўллаш мумкинлиги мутахассислар томонидан маъқулланган. Бу жараёнда номзоднинг стрессбардошлигини аниқлаштириш учунвазиятлар атайлаб яратилади ва унинг ҳолати мутахассислар томонидан кузатилади. Стрессли интервьюларнинг стандарт кетма-кетлиги (сценарийси) қуйидагича бўлиши мумкин:

- номзодни куттириш, иш берувчининг вакили интервью жойига келишилган вақтдан ярим соат, ҳатто ундан ҳам кўп кечикиб келади;
- эътиборсизлик, номзоднинг унвони, даражаси ва маълумотига эътиборсиз муомала қилади, масалан: "А" университетидан келган бўлсангиз нима бўпти, бизнинг фаррошимиз ҳам ўша ердан келган";
- ўзини номзоднинг резюмесини йўқотиб қўйгандай тутиш.

Қанчалик ғалати туюлса-да, бундай суҳбатдан кейин кимдир ушбу корхонада ишлашга розилик беради. Суҳбатни ўтказган мутахассислар номзодга олдиндан уюштирилган "қийноқлар"нинг сабабини тушунтириб, унинг муваффақиятини эътироф этишлари зарур.

1.3. Brainteaser-интервью ("мияни қийнайдиган" суҳбат). Ушбу методдан ғарб компанияларининг Россиядаги иш берувчи вакиллари жуда унумли фойдаланишади. Унинг моҳияти номзоднинг қўйилган аниқ мантиқий муаммони ҳал этиши билан изоҳланади. Бундай ностандарт методнинг мақсади – номзоднинг ижодий қобилияти ва таҳлилий фикрлашини текшириб кўриш ҳисобланади. Интервьюнинг бу усули мақсадли аудиторияларга (гуруҳларга) мўлжалланган бўлиб, аксарият ҳолларда веб-дастурчилар, реклама менежерлари, аудиторлар, маслаҳатчи- консультантларни ишга олишда қўлланади.

Brainteaser-интервью топшириқлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) Кучли мантиққа асосланмаган, аниқ жавоб бериш талаб қилинадиган

саволлар.

2) Аниқ жавоб бериб бўлмайдиган саволлар (масалан, дунёда нечта сартарош бор). Бундай турдаги саволга жавоб беришда номзоднинг мантиқий фикрлаши ва ижодкорлиги баҳоланади. Сартарош ҳақидаги саволга номзоднинг ёндашуви қуйидагича бошланиши лозим: дунёда 8,0 миллиардга яқин одам бор, улардан 2/3 қисми ҳар ойда сартарош хизматидан фойдаланади дейлик, 1 сартарош бир ойда 100 одамга хизмат кўрсатади, у ҳолда бутун Ер юзидаги сартарошлар сони...

3) Оригинал фикр ва ёндашувни талаб қилувчи топшириқлар (масалан, менга мана бу ручкани сотиб беринг).

2. Headhunting (ҳедҳантинг) ва executive search. Замонавий амалиётда кадрларни тўғридан-тўғри қидиришнинг иккита асосий йўналишидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ҳеадҳантинг ва executive search.

Ҳеадҳантинг – муайян мутахассисни бир компаниядан бошқа компанияга ўтказиш имкониятлари бўйича вазифалар кетма-кетлигидан иборат фаолият. Персонални танлашнинг бу технологияси мутахассисни донор-компаниядан буюртмачи компанияга ишга ўтказишга асосланган. Мутахассислар тоифаси буюртмачи компания – мижоз томонидан аниқлаштирилиши талаб этилади. Ушбу хизмат асосан етакчи (бошқарув) бўғин персоналини танлаш ва ёллашни амалга оширади.

Executive search – муваффақиятли фаолият олиб бораётган топ-менежерлар ва ноёб мутахассисларни қидириш ва ишга ёллаш хизмати. Мазкур технология меҳнат бозорининг фаол иш қидирмайдиган сегментидаги юқори малакали кадрларни аниқлашнинг ўзига хос усулларини ўз ичига олади. Уш бу хизматнинг "ўлжалари" айни вақтда ўз ишига эга, бошқа иш қидиришни ўйлаб кўрмаган, лекин яхшироқ иш шароити ва юқори маош таклиф қилинса, бошқа ишга ўтиши мумкин бўлган юқори поғона менежерлари (ижрочи директорлар), директорлар кенгашининг мустақил аъзолари, стартаплар менежерлари, етакчи мутахассислардан иборат.

Ҳедҳантинг пайдо бўлишига сабаб замонавий бизнес дунёсида малакали бошқарув бўғини раҳбарлари тақчиллиги юзага келишидир. Бугунги кунда йирик компанияларда юқори малакага эга топ-менежерлар, стартаперлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, бош технологлар, ИТ ва молиявий соҳа бўйича директорлар ва бош бухгалтерларга етишмовчилик мавжуд. Компанияларнинг ўзида бундай мутахассисларни тайёрлашга узоқ муддат талаб қилинади. Лекин бугунги глобаллашув жараёнида муваффақиятга эришиш учун уларни ташқаридан (бошқа компаниялардан) топиш ҳамда уларга қулай ва мос шартлар асосида компанияда ишлаш таклифини бериш лозим. Ҳедҳантинг хизматида ҳеч ким тасодифий фаолият юритмайди. Уларнинг барчаси ўта тажрибали мутахассислар бўлиб, турли манбалардан керакли ахборотларни чиқариб олиш (йиғиш), ҳар бир соҳа ва бутун меҳнат бозори коньюнктурасини таҳлил қила билиш қобилиятига эга. Бундан ташқари, улар кучли психолог, тез киришувчанлик ва дипломатик фазилатлари юқори даражада намоён бўлувчи шахслардир.

Ҳедҳантерлар хизмати жуда юқори баҳоланади. Уларнинг гонорари

топиб берилиши талаб қилинган ходим йиллик иш ҳақи миқдорининг 25-30 % ини ташкил қилади. Бу ҳам буюртмачи фирма (иш берувчи), ҳам ҳедҳантинг агентлиги учун "огоҳлантириб турувчи сигнал" вазифасини бажаради, яъни иш берувчи қилаётган харажати эвазига, ҳақиқатда ишончини оқлайдиган мутахассисга эга бўлишга, ҳедҳантер эса кўпроқ даромад олишучун талабларга жавоб бера оладиган кадрларни бутун бозордан "чертиб-чертиб" танлаб олишга бор эътиборини қаратади. Ҳедҳантинг агентликлари "арзон" мутахассисларни қидиришни истамайдилар.

Номзод қидириш кўп вақт сарф қилинадиган жараён саналади. Шу сабабли улар камида 7-10 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган кадрларни таклиф қилинган иш ҳақи миқдори йилига 60000 АҚШ долларидан кам бўлмаган позициялар учун қидиришни амалга оширади. Бу хизматдан фойдаланувчи компаниялар агарда танлаб олинувчи мутахассис келтирадиган даромадга ишонмаса, хизмат учун пул тўлашмайди.

Бозордаги ўрни ва обрўсини, мижозларининг ишончини қадрловчи ҳедҳантингагентликлари қуйидаги қоидаларга ҳар доим амал қилади:

- ишни ўз муддатида бажариш;
- режалаштирилган бюджетга мувофиқ пул маблағларини сарфлаш;
- номзод ҳақида объектив маълумотлар бериш;
- мижоз томонидан шартлар ўзгартириладиган тақдирда (шартномадан ташқари) унга хизмат кўрсатишни тўхтатиш;
- агарда номзод иш берувчида олти ой давомида ишдан кетадиган бўлса, унингўрнига бошқа номзодни қўшимча тўловларсиз кафолатлаш;
- бир вақтнинг ўзида номзодни фақат битта мижозга тақдим этиш;
- ваканцияни тўлдириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг барча босқичлари ҳақида мижозни доимий хабардор қилиб туриш.

3. Рекрутинг. Бу сўзнинг луғавий маъноси французча "recruit" – танлаш демакдир. Ёллаш, таркибни тўлдириш, пул эвазига хизматга чақириш (ёллаш) каби маъноларни ҳам англатади. Ҳозирги кунда бу атама тор маънода, маълум ҳақ эвазига малакали кадрларни қидириш ва танлаш жараёнига нисбатан фойдаланилмоқда. Унинг ишга жойлаштириш агентликларидан фарқи шундаки, ишга жойлаштириш агентлиги хизмат учун иш қидираётган шахсдан тўлов олса, рекрутинг агентлиги буюртмачи компания билан шартнома имзолайди ва шунга асосан улардан гонорар олади. Рекрутинг билан шуғулланадиган консультантларнинг фаолияти юборилган резюмелар орасидан талабга жавоб берадиган номзодларни саралаб иш берувчига 3-5 кишилик қисқа рўйхат (short-list) тақдим қилиш ҳамда интервьюни ташкил қилишдан иборат. Одатда, бугунги кунда рекрутинг хизматининг нархи талаб қилинаётган мутахассис йиллик иш ҳақи миқдорининг 15 – 25 % ини ташкил этади.

4. Скрининг, инглизча "screen" – "элакдан ўтказмоқ" маъносини англатиб, жуда кўп миқдордаги резюмелар орасидан номзодларни жинси, ёши, маълумоти, иш тажрибаси каби атрибутлар бўйича саралаш жараёнини ифодалайди. Ушбу усул кўп ҳолларда савдо ходимлари, котиб(а)лар, офис ходимлари, омбор ходимлари сингари лавозимларни тўлдириш учун номзодлар қидирилганда қўл келади. Бунда оммавий ахборот воситаларида эълон

берилиши кифоя. Натижада кўп миқдорда резюмелар тўпланади. Мутахассиснинг вазифаси барча резюмеларни “элакдан ўтказиб”, маъқул бўлган бир нечтасини иш берувчига тақдим этишдан иборат. Керакли номзодни иш берувчининг ўзи танлаб олади. Скрининг хизматининг рекрутинг фаолиятидан фарқи ҳам шу билан боғлиқ, яъни агентлик номзодларни батафсил ўрганиб баҳоламайди, олдин ишлаган жойидан берилган тавсияларни текширмайди, уларнинг профессионал жиҳатларини кафолатламайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги бир нечта ОТМларда: “Кадрлар менежменти” йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда. Лекин, кўпчилик иш берувчилар мазкур мутахассисларнинг тайёрланаётганидан бехабар ва шу кунга қадар ОТМни битирган кадрларнинг аксарияти умуман бошқа соҳаларда фаолият юритиб келишмоқда.

Бундан кўринадики, олий таълим ва реал сектор интеграциясини янада чуқурлаштириш, бу борада олиб борилаётган одатдаги ишлардан воз кечиб, инновацияларни кенг жорий этиш лозим. Шунингдек, кадрлар билан бевосита ишловчи мутахассисларни тайёрлашда амалий машғулотларга кўпроқ эътибор қаратилиши, ўқув жараёнига ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналаридан мутахассисларни жалб қилиш керак. Бундан ташқари, таълим муассасаларида рекрутинг, скрининг фаолияти ва уларнинг ишлаш механизмлари бўйича етарлича маълумот бера олувчи ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишни кечиктирмаслик зарур.

Инсонлар билан ишлаш, уларни бошқариш орқали иқтисодиётга таъсир этиш, корхоналарни ривожлантириш ёки инқирозга олиб келиш мумкин. Бунда ҳар бир корхонанинг кадрлар сиёсати, улар билан ишлаш механизмининг қанчалик тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Республикамизда сервис корхоналарига ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг мутахассислиги, билим даражаси, иш стажи, касбий маҳорати, хорижий тилни билиш даражаси ва тиббиёт кўриги натижаларига қараб қабул қилинади.

Ўрганишларимиз натижасида хулоса қилишимиз мумкинки, кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш жараёнида хорижий тажрибаларни қўллаш мамлакатимиз корхоналари ҳаётига, миллий меҳнат бозорига, умуман мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий самара келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. З.Я.Худойбердиев ва бошқалар. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириштехнологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент: “Илм-Зиё”, 2016, 325-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 13-мартда киритилган “Рекрутинг фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси.
3. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №3, май-июнь 2018 йил.
4. https://lex.uz/uz/docs/-5179313?query=343
5. https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/1365

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АМАЛИЁТГА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Янгибоев Б.Я. РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... 3

Матякубов У.Р. ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ..... 7

Нормахматов Р. АҲОЛИГА СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШИНИНГ БАЪЗИ БИР КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ..... 10

Махмудов Ж.Э. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ..... 15

Мирзаев Қ.Ж., Жанзаков Б.К. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ..... 19

Жанзаков Б.К. РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ИМКОНИЯТЛАРИ..... 22

Шадиева Г.М., Оманова Л.Э. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИН-ЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ..... 25

Холбаев Ш. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ..... 28

Саламов И., Назарова М.Ш., Жонибеков Ф.Б., Казакова З.С. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БУЮРТМА СТОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... 32

Паязов М.М. ИҚТИСОДИЁНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ..... 35

Сувонов З.Ш., Келдиёров С.Ш. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ..... 40

Яҳёхонов Н.Б. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ..... 44

Мукимова Ў.Т., Худойбердиев У. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА САВДОНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ..... 48

Xudoyberdiyev U.X., Abdukadirova N.A. O‘ZBEKISTON OZIQ-OVQAT SANOATINING RIVOJLANISHI……..... 51
Каланова М.Б., Каланова М.Б. ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИНСОН ХАЁТИДАГИ ЎРНИ..... 54
Амриддинова Р.С., Талибова А.Ю. ФОРМИРОВАНИЕ И ПРОЕКТИРОВАНИЕ КАЧЕСТВА ЭКСКУРСИОННЫХ УСЛУГ..... 58
Хамроев М. СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ..... 61
Каланова М.Б. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ..... 64
Азизқулов А. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОДОБИ..... 68
Хусанов Б. СУЖЕНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ РАСХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ, ВЫЗВАННОЕ АДАПТАЦИЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ К УСЛОВИЯМ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ..... 72
Махмудова Н.Ж. УПРАВЛЕНИЕ РИСКАМИ В МЕБЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ..... 76
Karimov A.A. MAMLAKATIMIZDA TURIZMNI SAMARALI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING SEGMENTATSIYASIDAN FOYDALANISH……..... 79
Шукуров И.Х., Абдурайимов У.А. РЕСТОРАНЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ..... 83
Жураев И.К, Хусанов Б.Ш. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАРКИБИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ..... 86
Янгибоев Б.Я. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН - РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ..... 88
Эгамкулов Д.Б., Азизқулов А. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СЕРВИС СОҲАСИНИ ДЕВИРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ..... 92
Ходжимамедов А.А. РАЗВИТИЕ БАНКОВСКИХ ИННОВАЦИЙ В СФЕРЕ ОБСЛУЖИВАНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ..... 95
Тураев А. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲА КОРХОНАЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... 99
Uralov Sh.A., Amriddinova R.S. SPELEOTURIZM TUSHUNCHASI VA UNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI..... 102
Suvonov A. IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH VA DIVERSIFIKATSIYALASH SHAROITIDA AHOLIGA XIZMAT KO‘RSATUVCHI KORXONALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI 105

Қурбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж., Хакимов Д. ОВҚАТЛАНИШ, САВДО ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТКАЗИШДА РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШ..... 108
Қурбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж., Хакимов Д. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШИНИНГ АСОСЛАРИ..... 112
Кахаров Ж.А. ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚҚАНЛИГИ..... 116
Ташматов Ш.У. САВДО ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 120
Qarshiboyev X., Qilichova F.X. KO‘P TARMOQLI IQTISOD MODELI..... 125
Norqulova D., Gadoyeva M. XORIJIY MAMLAKATLARDA TURISTIK KLASTER TUZISH TAJRIBASI..... 128
Raximov Z., Uralov Sh., Xasanova Y. Specific features of speleotourism and its place in human life…….. 131
Каршибоев Хайрулло Киличович. МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ..... 134
Norqulova D., Uralov Sh., Nabiyev P. CHET ELDA SPELEO-TURIZMNING AHAMIYATI VA O’RNI..... 139
Raximova Umida Ziyadullayevna. EKONOMETRIK MODELLARNI SIFATINI UMUMIY BAXOLASH……..... 141
Шукуров Ж. С., Умарова Д. А. BUSINESS PROCESS OUTSOURCING IN UZBEKISTAN: KEY ASPECTS OF DEVELOPMENT……145

II ШЎЪБА. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Файзиев Ж.С., Шукуров И.Х., Садиев У., Мамарасулов З. ВЛИЯНИЕ ЗАМОРАЖИВАНИЯ НА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА МОЛОКА.....151
Исаев Жахонгир Музаффарович. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК РАҚОБАТ УСТУНЛИКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....156
Нормахматов Р. АБРИКОСЫ И ПЕРСИКИ – ЦЕННЫЕ ИСТОЧНИКИ КАРОТИНА И АСКОРБИНОВОЙ КИСЛОТЫ..... 159
Raximov Z.O., Doniyorova M.B. RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR TURIZM INDUSTRIYASI RIVOJLANISHINING DRAYVERI SIFATIDA…….. 162
Рустамов Ж.Э. ЗАЩИТА БАЗ ДАННЫХ КАК ОБЪЕКТА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ..... 165
Файзиев Ж., Мўминов Н., Ёдгоров М., Сиддиков А. СУТ КИСЛОТАЛИ БАКТЕРИЯЛАР ТУРЛИ ШТАММЛАРИНИ ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ 168

Мамарасулов З.Э., Мўминов Н.Н., Бобоназаров Ж.А. ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ КУРКА-ЎРДАК ГЎШТЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР РЕЦЕПТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 172
Мамарасулов З.Э., Кахаров Ж.С., Пирхалов Д.М. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИННОВАЦИОН МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ..... 177
Мамарасулов З.Э., Худойбердиев А.Ю., Халилов Р.Н. ТАРКИБИ МИНЕРАЛ МОДДАЛАР БИЛАН БАЛАНСЛАШТИРИЛГАН ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОВҚАТЛАНИШДА ФОЙДАЛАНИШ..... 180
Холиқулов А.Н., Юлдашова Н.З. МАМЛАКАТИМИЗДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ..... 183
Юлдашева Н.А. СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ..... 186
Сувонов З.Ш., Давранова Д. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ..... 189
Nurmatov Sh.Sh., Tursunov G‘.S., Inomjonov B.M., Quvondiqova X.I. QO‘YLARNING SUT MAHSULDORLIGI, TARKIBI VA UNING XUSUSIYATLARI 192
Yusupov A.H., Tashmanov R.K., Mirzaxalimov A.U. OLMA HOSILINI UY ShAROITIDA SAQLASh..... 195
Мўминов Н., Турсунов А., Назарова З. СУБ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН “ҚОРИН РУЛЕТИ” ПАЗАНДАЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ОЗИҚАВИЙ ҚИЙМАТИ..... 198
Ismatov U.R. BIZNES KORXONALARI FAOLIYATINI MODELLASHTIRISHNING USLUBIY YONDASHUVLARI..... 201
Рустамов Ж.Э. САВДО ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТУРЛАРИ 203
Шукуров И.Х., Мамарасулов З.Э., Абдурайимов У.А., Шукуров Т. ТУРИСТЛАР УЧУН МАРШУРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДА ОВҚАТЛАНИШ МЕНЮСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... 207
Файзиев Ж. ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЙ И БЕЛКОВЫЙ СОСТАВ СЫРА..... 212
Ҳайдаров Б., Нормахматов Р., Ғафуров А. БЕҲИ – B_9 ВИТАМИНИ (ФОЛАТ КИСЛОТАСИ)НИНГ МУҲИМ МАНБАИДИР..... 217
Ражапов Х.Б. БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ..... 219
Каримова Ш.М., Обидхонов М.М. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМАЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... 226
Мамарасулов З.Э., Шукуров И.Х., Абдурайимов У. А., Шукуров Т. ТУРИСТЛАР ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

ВА ЭНЕРГЕТИК ҚИЙМАТИ..... 229

Файзиев Ж., Мўминов Н., Ёдгоров М., Сиддиков А. ТАЙЁРЛАНАДИГАН СУТНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ..... 233
Уралов Ш.А., Набиев П., Хасанова Ю. ТУРИЗМДА ГЕАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ..... 238
Safarov U.T., Saidmuradova Z.T. UMUMIY OVQATLANISH KORXONALARI UCHUN QUYOSH ENERGIYASIDA ISHLOVCHI ABSORBTSIYAVIY SOVUTISH JIHOZINI ISHLAB CHIQISH..... 240
Пардаев Г.Я., Абдурайимов У.А. ОРЕХИ – ЦЕННАЯ ПЛОДОВАЯ КУЛЬТУРА..... 244
Пардаев Г.Я., Мирзаахмадов Д. УПРАВЛЕНИЕ ТЕХНО-ЛОГИЧЕСКИМИ ПРОЦЕССАМИ СЕРВИСНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ..... 247
Саттарова Н.Т. САВДО ХИЗМАТЛАРИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ **.....** 249

III ШЎЪБА. СЕРВИС СОҲАСИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Адилов С.Б. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....252
Ахмеджанова Ф.А., Абдурайимов У.А. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ..... 259
Каримова Ш.М., ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ КАЧЕСТВА В РЕСТОРАНОВ.....262
Axmedjanova F.A., Ishbekov A., STANDARTLASHTIRISH VA SERTIFIKATLASHTIRISHNING TOVARLAR SIFATI VA XAVFSIZLIGIGA QO‘YILADIGAN TALABLARI..... 264
Сувонов З.Ш., Абдухоликова С.Р. ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИ “ҲАЛОЛ” СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....267
Каримова Ш.М., Қурбонов Ж.С. ВНЕДРЕНИЕ СТАНДАРТОВ СЕРИИ ISO В ПРЕДПРИЯТИЯХ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ.....271
Axmedjanova F.A., Isoqov F. YANGI AVLODDAGI PLASTMASSALARNING XUSUSIYATLARI VA XALQ XO‘JALIGIDAGI O‘RNI..... 273

IV ШЎЪБА. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МОНИТОРИНГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Mo‘ydinova G.Q. RAQAMLI IQTISODIYOTGA TRANSFORMATSIYA JARAYONIDA XODIMLARNI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH MEXANIZMLARI..... 278

Паязов М.М. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ТАЪМИНЛАШ..... 282

Шукуров И.Х., Сувонов З.Ш., Холиқулова Ш.Ф. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КУНИКМАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР..... 286

Абдурайимов У.А., Норқулов Ш.З., **Хамроқулов Ш.Ш.** УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИМЛАРИ..... 289

Ахмеджанова Ф.А., Каримова Ш.М. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲА-СИДА РАКОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ..... 294

Мамарасулов З.Э., Абдураймиов У.А., Мирзаахмадов Д. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНТИРИШ. 298

Абдурайимов У.А., Қаххаров Ж.А. СЕРВИС КОРХОНАЛАРИГА ХОДИМЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ..... 301

2022 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 19,5
Буюртма № 28/04, Адади 40 нусха

“Bunyodkor avlod matbuoti” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди
Манзил: Анҳор кўчаси, 33-уй